

# ЁШЛК



Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий  
Комитети ва  
Ўзбекистон ССР  
Ёзувчилар  
уюшмасининг  
органи

(95)  
Ноябрь

Ойлик  
адабий-  
бадий,  
ижтимоий-  
сиёсий  
журнал

1982 йилдан  
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:  
Омон МАТЖОН

Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ,  
Эркин ВОҲИДОВ,  
Хуршид ДАВРОН,  
Владимир ЖОНИБЕКОВ,  
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,  
Ҳамид ИСМОИЛОВ,  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ  
(масъул котиб),  
Олим ОТАҲОНОВ,  
Азим СУЮН,  
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,  
Нурали ҚОБУЛ,  
Абдурашид ҚОДИРОВ,  
Усмон ҚУЧҚОР,  
Ғаффор ҲОТАМОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари).

Тошкент  
«Ёш гвардия» нашриёти



*Соф маънода миллий масалалар муаммоси йўқ. Социализмда бу учун ижтимоий асос ҳам йўқ. Ундай бўлса миллий масаладаги кескинликлар, бир-бирлари билан мисли оғайни — қариндош миллат вакиллари нима учун ўзаро қон тўкишяпти. Чунки мамлакатимизда иқтисодий, социал, ҳуқуқий, экологик ва демографик муаммолар, тил ва маданиятни ривожлантириш, миллий анъаналарни асраб қолиш муаммоларининг бир-бирлари билан чирмашиб кетган чигал туғуни ҳосил бўлди. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг партия МК яқинда бўлиб ўтган сентябрь (1989 й.) Пленумида қилган партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати тўғрисидаги докладыда алоҳида таъкидланади. Муҳтарам журналхон, бу сафар иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги даражаси, миллатлараро муносабатлар тараққиёти, миллийлик ва байналмилалчиликнинг нисбати, уларнинг диалектикаси тўғрисидаги саволларга иқтисод фанлари доктори, Ўзбек Совет қомуси Бош муҳаррири, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Нурислом Тўхлиев жавоб беради.*

## Бемиллий

## байналмилалчилик —

## беилдиз дарахт

— Нурислом Тўхлиевич, сир эмас, репрессия ва турғунлик йилларида «социалистик тузум шароитида барча миллатлар тараққиёти эркин кечади... ва ягона социалистик миллат ва маданият вужудга келади» деган нобоб сиёсат зўрлик билан юргизилди. Бу мамлакатимизда миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувига сабабчи бўлди. Партия XIX конференцияси, СССР халқ депутатлари I съезди ва КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга бағишланган махсус Пленуми материалларида умумдавлат, иттифоқдош республикалар экономикасидаги таназзул ва миллатлараро муносабатлардаги кескинликнинг ошганлиги сабаблари ошқора айтилди. Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, бу соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш йўлида айрим фойдали тадбирлар ўтказилмоқда. Лекин кескинлик ҳамон сакланиб турибди. Табиийки, бу ҳолат масаланинг туб илдизини аниқлашни ва энг маъқул тадбирлар белгилашни талаб қилади.

— Миллий муносабатлардаги муаммолар кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Жамият ҳаётини демократиялаш ва ошқоралик йўлида қўйилган дастлабки қадамлар бу муаммоларни янада юзага чикарди. Тўғри, бу соҳада, айниқса, ҳар бир миллатнинг, халқ ва элатнинг тилини, маданиятини ривожлантириш бўйича анчагина тадбирлар белгиланмоқда. Лекин менинг назаримда, биз ҳаммамиз филни пайкамасдан қарғаларга ўт очиб ётганга ўхшаймиз. Фил эса бу — иктисодиёт. Миллий муносабатлар кескинлашуви ва бу борада юз бераётган айрим ноҳушликлар иқтисодий қолоқликка, қашшоқларча турмуш шароитига билдириляётган акс-садодир. Аҳолининг катта қисми фақирона, қўл учиди кун кечирмоқда. Оддий социал масалалар ҳал қилинмаган. Биз ана шундай кишиларнинг турмушини яхшилаш у ёқда турсин, хатто уларнинг аниқ сонини ҳам билмаймиз... Миллионерларимизни эса жуда яхши биламиз... 70 сўм маош оладиган кишилар бу замонда қашшоқ ҳисобланади. Ҳолбуки, 50 сўм ва ундан кам даромад олади-

гаплар бор. Бунинг устига нарх-наволар ошиб турибди. Халқ истеъмоли моллари ва гўшт-сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёж умуман кондирилмаяпти. Бундай шароитда нима қилиш керак? Кишилар бу сехрланган доирадан чиқиш йўлини турли томонлардан, жумладан, катта оиланинг бошқа фарзандларидан — бошқа миллат вакилларида ахтаради. Кейинги пайтларда миллий республикалар икки қисмга: боқиманда ва қарз олмайдиغانларга бўлинди. Айрим республикалар вакиллари алоҳида валюта, иқтисодий, сиёсий мустақиллик талаб қилиб кишиларнинг шу бўлиниш билан изохлаш мумкин. Болтикбўйи республикалари ва бошқа минтақаларда иқтисодий мустақилликни кенгайтириш учун олиб борилаётган ҳаракатларни ижобий баҳоламоқ керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1989 йил 20 сентябрда КПССнинг ҳаракат дастури деб қабул қилган «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати»да биринчи марта, «Иттифокдош республикалар ер, ундаги конлар, ўрмон, сув ва бошқа табиий ресурслар иттифокдош республика ва СССР Иттифокнинг мулки эканлигига амал қилиб, шу масала хусусидаги Умумиттифок қонунлари асосида табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида қонунлар қабул қиладилар» деб кўрсатилди. Бу қонда регионал хўжалик ҳисобига ўтишда, иқтисодий мустақилликни кенгайтиришда муҳим қадам. Менга қолса, бундан ташқари, яна маҳаллий жойларнинг манфаатларини ифодалайдиган ижтимоий мулкнинг муниципал шакли ҳам мавжуд бўлиши мумкин деб ёзиб кўярдим. Мен сиёсий иқтисод атамалари таҳлилга тўлиқ тўхталмоқчи эмасман. Хўжалик ҳисобини такомиллаштиришни босқичма-босқич, тажриба туфайли амалга ошириш мумкин. Назарий жиҳатдан хўжалик ҳисоби асослаб берилдию, амалиётда эса меҳнатқашлар турмуш даражаси яхшиланishi ўрнига орқага кетаётганини кўриб, кузатиб турибмиз. Моддий асослар марказлаштирилди. Давлат қонунлари ва миллий республикалар эҳтиёжлари ўртасидаги номунаносиблик сақланмоқда. Ўз-ўзидан савол туғилади: иқтисодий қонуниятлар бирламчими ёки давлат қонунлари? Бизда ҳамонки давлат қонунлари етакчилиги сақланар экан, иқтисодий ва миллий низоларнинг баргараф этилиши мумкин эмас. Аслида эса 1991 йилдан бошлаб барча иттифокдош республикалар тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиши керак эди. Болтикбўйи ва Белорусия республикаларининг 1990 йилдан тўла хўжалик ҳисобига асосланган иқтисодий мустақилликка ўтиши маъмурий буйруқбозлик қолипни синдирди. Инкироз чуқурлашган шароитда ҳам маълум бир эзгу мақсадга қаратилган жасоратдан чўчмаслик керак. Бинобарин, эскича талаблар билан иш тутилганида бой республикалар бойлигича, камбағал республикалар камбағаллигича қолиб кетар эди. Республикаларда иқтисодий мустақилликка ўтиш Ўзбекистон ССР Давлат План Комитети, Ўзбекистон Фанлар Академияси зиммасида. Биз ҳеч бўлмаганда 1995 йилгача республикамизда асосан ўз хом ашёмиздан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологияга эга бўлишимиз керак. Бу жар ёқасига келиб қолган экономикаимизни маълум бир ўтиш давридан сўнггина ривожлантира олишимиз мумкин холос, деган гап. Иқтисодий мустақиллик жами миллий республикалар ўртасида тенг ҳуқуқли бозорни шакллантиради. Иқтисодий тенглик миллий тенгликнинг асосидир. Биз республикалар, регионлараро иқтисодий нотенгликни тугатиш учун маълум бир андозага, жаҳон халқларининг тажрибасига эгамизми? Дарвоқе, Европа иқтисодий ҳамкорлиги («Умумий бозор»)га ки-

рувчи давлатлар ягона валютага, ягона паспорт системасига ва ҳатто ягона армияга ўтмоқда, улар ўртасидаги чегаралар борган сари рамзий тус олмоқда. Демак, иқтисодий ўсиш ахлокий тушунча, у барча прогрессларнинг асосини ташкил қилади. Агар иқтисодий, технологик тараққиёт юқори бўлса, қуйидан то республика даражасигача хўжалик ҳисоби асосида иш ташкил қилинса, кишилар ўзларининг шажара, миллатига қараб эмас, балки қобилиятларига қараб муносабат билдирилишни таъминлайдилар.

— **Биз узок йиллар мобайнида республикамиз иқтисодий жиҳатдан бақувват, халқимизнинг турмуш даражаси баланд деб келдик. Бу фикрни исботлаш учун социал-иқтисодий кўрсаткичларимизни 1913 йил билан солиштирдик. Демак, халқни алдаб келдик!**

— Ҳозирги кунда бизнинг республикамиз барча асосий иқтисодий ва социал кўрсаткичлар бўйича иттифокда энг охириги ўринлардан бирида турибди. Жаҳон стандартлари билан солиштиришни ўйламасак ҳам бўлади. Агар 1987 йилда аҳоли жон бошига фойдаланилган миллий даромад иттифок бўйича 2078 сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич республикамизда 1210 сўмни ташкил қилди. Ўзбекистондаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи иттифок кўрсаткичидан 20, Эстониядан 35, РСФСРдан 27, Латвиядан 23, Литвадан 20 процентга, қолхозчиларимизнинг ойлик меҳнатига тўлов ўртача иттифок кўрсаткичидан 29, Эстониядан 22, Латвиядан 75, Литвадан 57, РСФСРдан 43, Қозоғистондан 42 фоиз кам бўлса, қайси шоввоз барча регионлар ва миллатлар иқтисодий жиҳатдан тенг деб ишонтира олади?!

Гап бу ерда фақат меҳнатқашларнинг турмуш даражасини бараварлаштириш устида кетаётгани йўқ. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Хўжалик ҳисобининг ўзи моҳиятига кўра дифференциаллаштириш демакдир. Гап турли республика ва регионларда яшовчиларнинг меҳнат шароитини яқинлаштириш устида кетяпти. Бу марказлашган капитал маблағлар республикалар ўртасида адолатли тақсимлаш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Лекин кейинги ўтган 8 йил мобайнида иттифокда капитал сарфлар 21,5 фоизга, яъни барча қардош республикаларда сезиларли ошган бўлса, республикамизда 15 фоизга камайди. Нонишлабчиқариш соҳалари бўйича капитал сарфларнинг ўсиши ҳам республикамизда иттифок кўрсаткичидан паст. Булар ўз навбатида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, социал соҳаларни ривожлантириш имкониятларини чеклайди, турли хил норозиликларни келтириб чиқаради, миллий муносабатларни яхшилашга салбий таъсир этади.

— **Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мамлакатимиз, хусусан, Ўзбекистон учун катта муаммо бўлиб қолди.**

— Ҳақиқатан шундай. Аҳолининг шахсий томорқасига муносабат ижобий тус олганлиги қувончлидир. Ўлкамизда барча томорқа хўжалиги майдони 203 минг гектарни ташкил этиб, асосан турли экинзор, мевали дарахтзор ва узумзордан иборат. Совхоз ва қолхозлар ерига таққослаганда бу бор-йўғи 4 фоизни ташкил этади, холос. Шундай бўлса-да, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда томорқа хўжалигининг салмоқли ҳиссаси бор. Зеро, Ўзбекистонда етиштирилаётган картошканинг 35 фоизи, сабзавотнинг 46, гўштнинг 45, сутнинг 65, тухумнинг 35 ва жуннинг 65 фоизи шахсий хўжалиқлар улушига тўғри келади. Савол туғилади: қўл кучига асосланган шахсий хўжалиқларнинг бундай юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишининг боиси нимада? Сабаб — деҳқоннинг хўжаликка ўзи эгаллик қилиши. Бунинг маъноси шуки, томорқа хўжалигида

меҳнат қилувчига ҳеч ким буйруқ, топширик беролмайди, у нимани, қачон, қандай ва қанча экишини, экинларга ишлов бериш, иш куни, соатини, шунингдек, етиштирган маҳсулоти нархини белгилайди. Дарвоқе, томорка ҳўжалигидан тушган даромад йиллик оила бюджетининг 26 фоизидан кўпроғини ташкил этади. Республикада боғдорчиликни ривожлантириш лозим. Боғдорчилик раванки эса қандалатчиликка бўлган муносабатни ўзгартириш билан боғлиқ. Иттифок бўйича аҳоли жон бошига 27 килограмм қандалат маҳсулотлари ишлаб чиқарилса, Ўзбекистонда бу 9 кг. га тенг. Айрим чекка шаҳар ва районларда аҳолига атиги 1-1,5 кг. ширинлик ишлаб чиқарилади. Ахир, дунёнинг энг ширин узумлари, қовунлари, ноклари пишиб етиладиган Ўзбекистон шаронтида қандалатчиликка эътибор қаратилмагани мутлақо мантисиздир.

Қорақўл тери учун кўплаб кўзичоқларни сўйиб юборишга ҳам чек қўйиш керак. Бу қўйларнинг умумий сони ортишига, аҳолининг сервитамин гўштга бўлган эҳтиёжини қондиришга асос бўлади.

— Тил масалалари ҳозир миллатлараро муносабатларнинг асосий объектига айланди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши бошқа тилларнинг аҳамиятини пасайтиради, миллий таракқиётга таъсир кўрсатади деяётган кишиларнинг шубҳалари ҳамон асосий ишга тўсиқ бўлмоқда.

— Тилни асраш, ривожлантириш фақат тараққий этаётган жамиятда бўлиши мумкин. Мабодо бирор тил, бирор этнос йўқоладиган ёки бошқаси билан қўшилиб кетадиган бўлса, бу ҳодиса бирон бир кишининг хоҳиш-истаги ёки маъмурий йўл билан эмас, балки табиий йўл билан, тарихий-эволюцион тараққиёт орқали амалга ошади. 1926 йилги аҳоли рўйхатида мамлакатимизда 200 га яқин миллат ва халқлар мавжудлиги қайд қилинган. Кейинчалик «халқлар отаси»нинг хоҳиш-истаги билан уларнинг расмий сони 60 тагача туширилди. Кейинги йилларда эса статистикада бу рақам 100 дан зиёдрок деб ўзгартирилди. Ҳозир эса 128 миллат ва 40 дан ортик халқлар мавжудлиги расмий эътироф этилди. Айрим этнографларнинг маълумотларига кўра, мамлакатимизда яна 60 га яқин халқлар мавжуд. Уларнинг ҳаммаси ўз тили, маданияти ва урф-одатларига эга.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, тил фақатгина кишилар ўртасида муомала воситасигина эмас. Фантехника тараққиёти жадаллашаётган бизнинг давримизда тил иктисодий ёки тарқоқ маънода технологик тараққиёт воситасидир. Ҳўш, ўзбек тили шу охириги функцияни бажара оладими? Йўқ. Бу ролни ҳатто рус тили ҳам бажара олмайди. Гап шундаки, биз узоқ вақт давомида халқаро муносабатлар майдонида, шунингдек, илмий-техника тараққиётида, маданий алоқалар айирбошлашда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ва бир қатор жабҳаларда маҳдудликка йўл қўйганмиз. Натижада, узоқ вақт рус тили ҳам бир мамлакат доирасида биқилиб қолди, технологик тараққиёт «ишбилармон доиралар» тили бўлмай қолди. Бу сеҳрли доирадан чиқиш йўли борми? Бу йўлни энг аввало Япония англади ва бу масалани муваффақиятли ҳал қилди. У Осиё консерватизмига содиқ қолиб, ўз тилини, иероглифини, ҳатто император тахтини саклаб қолди. Иккинчи томондан технологик паритетни қўлга олиш учун инглиз тилини ўрганишга катта эътибор берди, бу ишни кенг рағбатлантирди, унга шароит яратди. Чунки иктисодий тараққиёт мамлакат, халқ тақдири билан боғлиқ эди. Лекин Европа тилларини мустаҳкам эгаллаш японлар учун ўз она тилининг аҳамиятини пасайтиргани йўқ. Бошқа тилларни мукамал эгаллаш шунинг учун ҳам она тилимизнинг, рус тилининг аҳамиятини асло

пасайтирмайди. Тарихга бир назар ташлайлик. Отабоболаримиз икки тилчиликка эмас, балки уч ва ҳатто тўрт-беш тилчилик бўлишган. Ф. Энгельс «Табиат диалектикаси» асарида шундай деб ёзади: «Одамлар ўша даврларга хос бўлган ғаройиб саргузаштларнинг мафтуни эдилар. Ушанда узоқ саёхатларга чиққан, тўрт ёки беш тилни билган, ижоднинг бир неча соҳаларида ўзини синаб кўрган шахсни топиш унчалик мушкул эмас эди». Урта Осиё халқлари, масалан, араб тилида ўқиш ва ижод қилишнинг афзаллигини сўзга чечанликда, форс тилининг афзаллигини теран фикрликда, турк тилининг ўзига хослигини эса содда ва самимийликни ифодалашда деб билишган. Улар бу тилларда бемалол гаплашиб, ҳатто баракали ижод қилишган. Кейинчалик урду тилининг ҳам аҳамияти ошиб, бу тил ҳам кўпчилик сўзлашадиган тил бўлган, ҳатто бу тилга XVII асрда Қуръон ҳам таржима қилинган эди. Мана шу сабабларга кўра ҳам қайси тилда ижод қилганига қараб шу миллатга мансуб дейиш ҳамма вақт тўғри эмас. Ҳатто Бартольддек йирик шарқшунос ҳам ёзган асарларига қараб Берунийни форс деб таъкидлайди.

Миллий ўзига хослиқни таъминлайдиган яна бир восита, бу — Табиат. Орол, Амударё ва Сирдарё Ўзбекистоннинг миллий ғурури. Улар ҳақида халқимиз асрлар оша кўшиқ ва эртақлар қуйлаб келди. Агар денгиз ва дарёлар қуриса, кенг қўламда пала-партиш қишлоқ ҳўжалигини химиялаштириш ва мелиорациялаш натижасида табиатнинг бузилиши давом этса, тоғларимиз корсиз бўлиб қолса бу кўшиқ ва эртақлар ҳам тугаши аниқ. Бу нақадар даҳшатли!

Шарқ ривоятига кўра, ҳали кишилик жамиятининг тонгида икки қабила ўзаро қонли тўқнашиб, энг охириги жангчис қолгунча қирғинбарот давом этар экан. Ана шундай қонли жангларнинг бирида ҳар иккала томондан санокли аскар қолганда уларга йиртқичлар галаси ҳамла қилибди. Ҳар иккала муҳолиф томон энди бирлашиб йиртқичлар ҳамласини қайтарибди ва уларни енгишибди. Ҳозир эса инсониятга ҳавф солаётган йиртқич бу — экология. Ҳукумат ва ижтимоий ташкилотлар томонидан табиатни қўриқлашга қаратилган ҳар бир ҳаракат, тадбир ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиши ва экологик маданиятни шакллантиришга хизмат қиломи лозим. Тил каби она табиат ҳам ёрдамга муҳтож. Агар тил ва урф-одатлар йўқолиб кетса, миллий республикаларда ҳеч нарса қолмаганидек, экология бузилса, табиатнинг ҳам Антарктидадан фарқи қолмайди.

Байналмилалчиликка миллийлик орқали борилади. Номиллий байналмилалчилик беилдиз дарахтга ўхшайди. Табиатда ўсимликнинг шунақа тури мавжуд: у ерда, тупроқда илдиз отмасдан бошқа ўсимликларга чирмашиб, ўралиб яшайди...

— Назаримда, нафақат тилга, умуман, тарихга муносабатни бутунлай ўзгартирадиган вақт етиб келди. Жуда катта бой тарихга эгамиз. Лекин унда оқ ва қора доғлар жуда кўп... Нима учун биз Темурни англиялик Хилда Ҳукэмдан ўрганишимиз керак?

— Узоқ вақт давомида мозийни ўрганиш тугул, унга қизикканлар ҳам таъқиб этиб келинди, тарихга қизикканлар феодализмни илоҳийлаштирувчи, ўтмишни қўмсовчи деган ёрликлар олди. Ўз ФА муҳбир аъзоси, таникли марҳум шарқшунос Р. Набевнинг «Кўкон хонлиги тарихидан очерклар» номли йирик монографияси узоқ вақт хибсада сакланди. Айтиш керакки, турғулик даври бу борада шахсга сиғиниш давридан қолишмайди. Агар 20-40 йиллар тарихий адабиётларида, партия, совет ҳужжатларида Урта Осиёнинг чор Россияси колониясига айлантирилганлиги тўғрисидаги воқеалар ўз номи билан айтилган бўлса, 50-йилларнинг иккинчи

ярмидан «пардали» дипломатияга ўтиб олинди. Бу даврда кўшиб олинди ва унинг фақат прогрессив аҳамияти ҳақида ёзилди. Бунинг ажабланишлик томони йўқ. Турғунлик маъмурий системанинг қонуний давоми. Агар Сталин одамларни отган бўлса, Брежнев одамлардан маънавийни ўғирлади. Ачинарлиси шуки, кишиларнинг катта бир авлоди нотўғри тарбияланди. Хатто И. Глазуновдек буюк одам ҳам Россия колония нима эканлигини билмайдиган ягона мамлакат деб ёзмокда. Маълумки В. И. Ленин ўрта Осиё колониянинг соф типидеб атаган эди.

Бу борада, айниқса, Темур ва теурийлар даврининг «омади» келмади. Тўғри, бу давр ниҳоятда зиддиятли ва чигал. «Бутун дунё икки подшоҳ ҳукмронлик қилишига арзинайди», деган Темурда ҳам ёвузлик, ҳам яратувчанлик мужассамлашди. Бу икки бир-бирига қарама-қарши фаолият ўртасидаги нисбат иккинчиси фойдасига фақат теурийлар давридагина ўзгарди. Агар тарихга муносабатда эҳтиёткорона, баъзида эса объектив ҳақиқатга хилоф иш тутадиган бўлсак, унда партиявий, синфий ёндошиш принциплари қаерда қолади? Ҳамма нарсани, жумладан, тарихни ҳам ривожланишда олиб қарамок лозим. Бир даврда юз берган ҳодиса бошқа бир даврда юз бермаслиги мумкин. Диалектиканинг қонунияти шундай. Ўз халқининг тарихини, маданиятини, урф-одатларини ҳурмат қиладиган, уларни ўрганадиган киши миллатчи эмас. Миллатчилик бир халқни иккинчи халққа қарши қўйишдан ёки бирини кўкларга кўтариб, иккинчисини камситишдан бошланади.

— **Ўрта Осиё бой маданият ўчоғи. Лекин бу ҳақиқатни ёритишда ҳам баъзан жиззакиликка, ортқча эҳтиросларга берилиб, даҳо талашишгача бориб етамиз...**

— Ҳеч бир маданият бўш жойда вужудга келмайди, албатта. Маданиятларнинг қон-қариндошлигини исботлайдиган тарихий далиллар жуда ҳам кўп. Эрамиздан икки минг йил олдинги ҳинд Ведаларини, эрамиздан олдинги VIII—VII асрларда яшаган қадимги юнонда афсонавий Гомер қаторида турадиган Геснодни ё ўртаосиёлик Форобийни ёки Томас Мор утопиясини, Кампанелланинг «Қуёш шаҳри»ни олайлик. Уларнинг ҳар бирида ўзлари яшаган замон ва макондан қатъи назар, умумийлик — идеал, адолатли ва ҳаммани бахтиёр қиладиган жамиятга — олтин асрга, ижтимоий муносабатларни яхши инсоний фазилатлар асосида қуришга интилиш кўзга ташланади. Ҳар бир халқ фақат ўзидан устун маданиятни қабул қилади. Нима учун ўрта Осиёда араб маданияти доминантлик қилди? Гап фақат Қутайбанинг тиг ва найзаларида эмас. Ўлкани истило қилган араблар маданий тараққиёт жиҳатидан маҳаллий аҳолидан анча устун турар эди. Кўп ҳудуддан яққа худого сиғинишга ўтишининг ўзи ҳам олға ташланган қадам эди. Бобур ва бобурийларнинг Ҳиндистондаги тутган ўрни ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Мўғул истилоси ҳам юртимизга араб истилосидан кам кулфат келтирмади. Лекин мўғуллар ўрта Осиё халқларидан маданий жиҳатдан анча паст турардилар, кўп худоларга сиғиниш ва ҳатто ҳали уларда одамларни қурбонликка бериш сақланиб қолган эди. Боз устига улар бу ерда ўтrockлашиб қолмадилар, исломга ва араб ёзувига бефарқ бўлдилар. Шунинг учун ҳам улар халқларимиз маданий ҳаётида деярли из қолдирмадилар. Агар исломгача бўлган 1000 йиллик антик маданият устунлиги билан характерланса, кейинги минг йиллик, яъни ўрта асрлар шарқ маданияти донорлик қилган даврдир. Бу даврда Шарқ, жумладан, ўрта Осиё жаҳон маданиятини мислсиз бойитди, унинг умум-

инсоний цивилизацияда тутган объектив ўрни ҳам ана шу билан белгиланади.

— **Маълумки, кўчманчи қабилаларнинг тўхтовсиз ҳужуми натижасида Рим қулади. Айни пайтда бу антик маданиятнинг ҳам инкирози эди. Энди бу цивилизация деярли бутунлай бузиб ташланди ва унинг ўрнига янги ижтимоий муносабатлар вужудга келди. Маданий устунлиқнинг Шарқдан Европага ўтиши ҳам тасодифий эмас.**

— Бу ерда умумийликдан кўра, ўзига хос хусусиятлар кўпроқ. Шарқда инкироз аста-секин етишди ва унинг заминида асосан иқтисодий шарт-шароитлар ётади. Буюк жуғрофик кашфиётлардан кейин янги денгиз йўлларининг очилиши қаровон йўллари фаолиятини анча пасайтириб юборди. Европада шахарлар тез суръатлар билан ўса бориб, улар маданий марказларга айлана бошлади. Бунда исломнинг ҳам консерватив роли ўзини кўрсатмасдан қолмади. Масалан, европаликлардан шарқийлар ўт очар милтиклар, замбараклар, порохни ҳеч иккиланмай қабул қилди. Туркларда флот бошлиғи «капитан» деб аталганлиги (Капудан подшо) ёки адмирал (Амир-ул Баҳр) араб сўзи эканлиги ҳарбий соҳада алоқалар ниҳоятда интенсив бўлганидан дарак беради. Лекин китоб босиш системасини Шарқ Ғарбдан 3 аср кейин қабул қилди. Китоб босиш ўқув системаси ислоҳи билан боғлиқ эди. Ўқув ишлари ислоҳи эса исломнинг аралашувисиз мумкин эмасди. Ўрта Осиёга ҳатто руслар келгунга қадар на типография, на литография бор эди. Темур ва теурийлар давлатининг парчаланиш кетиши, ўзаро феодал низолар ҳам албатта бу ишда ўз муҳрини босди.

— **Яқинда Сиз «Социалистическая индустрия» газетасида эълон қилинган «Бузилиш илдиэлари» номли мақолангизда «Саводсизликни тугатиш юзасидан тизим муқдатда ўтказилган тадбирлар маданий йўқотиш ўрнини тўлдира олмади», деб ёздингиз. Бу ерда гап жумҳуриятимизда қисқа муқдат ичида 2 марта алфавит алмашиб, халқ 2 марта бутунлай саводсиз бўлиб қолгани ҳақида борган бўлса керак?**

— Маълум маънода шу ҳақда ҳам. Шубҳасиз, араб алфавитидан воз кечиш халқни 13 асрлик она тарихидан узоклаштирди. Бунинг устига ўша йилларда бутун мамлакатда бўлганидек зиёлилар — эскича ўқиш-ёзишни биладиганлар, эски алфавитда ёзилган динийми, фалсафийми, поэтикми — қандай бўлишидан қатъи назар китобга эга бўлган кишилар қатағон қилинди. Натижада, кўплаб китоблар йўқ қилинди, бутун бир маънавий дунёдан маҳрум бўлди. Бу қайси варварликдан қолишди?! Янги системадаги мактаблар ҳам, ўқитувчилар ҳам етишмас эди. 1930 йилда Москвада чиқарилган «Национальная политика ВКП(б) в цифрах» китобида кўрсатилишича, 1926 йилги аҳоли рўйхатида кўра ўзбекларнинг атиги 4 фоизи ўқиш ва ёзишни билишар экан. Хўш, бу ҳолатда манқуртлардан фарқимиз нимада? Худди ана шу йилларда маъмурий-бюрократик система учун асос яратилди. Чунки у халқнинг маданий савияси, кадрларнинг маълумот даражаси паст бўлган жойда чуқур илдиэ отади. Табиийки, ана шундай шароитда кам саводли кишилар, айниқса, бошқариш аппаратларида қийинчиликларга дуч келади ва юқоридан ипидан игнасиғача инструкцияларга муҳтож бўлади.

— **Ўрта асрлар маданиятини ўрганишдаги мураккабликлардан яна бири унинг ислом таълимоти билан қўшилиб кетганлигида бўлса керак. Биз энди динга ҳурмат билан ёндошишни ўрганишга миз. Унтер Пришибеевча атеизм фақат зарар келтирди.**

— Ҳа, исломни фақат хурофот ва бидъат деб келдик.

Ислонинг ўз даври учун, масалан, кўп худодликка нисбатан, ёки инсонни қурбон қилувчи қабила динларига нисбатан бир қадам олға эканлиги, унинг христианлик ва иудаизмга ўхшаб марказлашган давлатни ташкил қилишдаги роли тўғрисида камроқ гапиришга ҳаракат қилдик. Тўғри, ислом ўрта аср кишиси учун ахлокий нормалар йиғиндиси, кўп жиҳатдан унинг турмуш тарзи асосини белгилайди. Улуғ адиб Т. Манн Европа маданияти икки бош элементдан — эллинизм ва насронийликдан ташкил топган деб ёзган эди.

Албатта, Сиз билан бизнинг ҳозирги мавзуйимиз исломни реабилитация қилиш эмас. У бунга муҳтож ҳам эмас. Ислон қулдорлик ва феодализм шароитида бош идеология ролини ўйнади. Капитализм ва социализмда бакамти яшаб келяпти. «Ислон социализми», «Ислон коммунизми» гоёлари ҳам йўқ эмас. Анъанавий мусулмон укладининг ҳозирги замон цивилизацияси билан қўшилиб кетгани-чи?

Агар биз исломнинг фақат қоронғи томонини кўрадиган бўлсак, Ибн Синолар, Ал-Хоразмийлар, Берунийлар ва Форобийлар қандай пайдо бўлганини тўғри белгилай олмаймиз. Ахир улар ислом мафқураси ҳукмрон бўлган даврда яшаб ижод қилишди-ку. Уларнинг соясига кўринмай келаётган алломалар саноксиз. Бу давр фан ва маданият намояндалари шунчалик кўпки, улар менга катта бир сув каскадини эслатади. Голландиялик шарқшунос Адам Мец «Мусульманский Ренессанс» китобида ёзишча, ҳар бир каттарок масжид ўз кутубхонасига эга бўлган, чунки китобларни масжидларга васият қилиб қолдириш одат эди. Бу кутубхоналарда нафақат диний, шу билан бирга фалакиёт, риёзат, тиббиёт ва поэтик асарлар ҳам сақланган. Китоб бор жойда маърифат, маданият устивор. Мен бу ўринда диннинг зиддияти, салбий томонларини ҳам назарда тутяпман. Гарчи ислом католицизмдаги инквизицияни билмаса-да, ўзига итоат қилмайдиган ва у билан ҳисоблашмайдиган кишиларни кечира олмайди. Бунга буюк Фирдавсийнинг тақдири мисол бўла олади. «Шоҳнома»нинг қаҳрамонлари исломгача мавжуд бўлган кўп худодликка сиғинувчилар бўлгани учун ҳам бу ўлмас асарнинг муаллифи ўз юртида иззат-қиромга сазовор бўлмади, муҳтожликда, дарбадарликда кун кечирди, вафот этганида эса унга мусулмонлар қабристонидан бир неча қарич ер топилмади... Шунинг учун ҳам кўпчилик алломаларга дин дунёвий билимларни ифодалаш воситаси бўлгани аниқ.

— Кўриниб турибдики, халқимиз бой тарихга, маданиятга, ўзининг традицияларига эга. Бу бойликларнинг бошланишини ўлчайдиган бўлсак, минг йиллар камлик қилади. Халқимиз тарихан байналмилал. Лекин кейинги пайтларда чуқур ўйламасдан айрим кишилар томонидан айтилган «боқиманда», «қарздор» ва ниҳоят «ўзбеклар иши» деган таъналар халқимизни ранжитди, умуман олганда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмади.

— Тўғри, халқимиз азалдан байналмилалчи. Консолидация жараёни хусусан Ўзбекистонда жуда тез борди. Биргина мисол. Октябрь революциясигача ўзбекларнинг 182 та уруғи маълум бўлган. Ҳозир ҳоҳлаган кишингиздан сўранг, у қайси уруғга мансуб? Кўпчилик ўз уруғини билмайди. Ўтган ярим асрча вақт ичида барча қабила ва уруғлар ягона ўзбек миллатига бирлашди. Бошқа яна бир шундай халқ борлигини мен билмайман. 1979 йил аҳоли рўйхатида кўра ўзбеклар республикамиз аҳолисининг 68,7 фоизини ташкил қилди. Лекин улар ҳозир ишчи ва хизматчиларнинг санатда 53, кишлоқ хўжалигида 76, транспорт ва алоқада 55, қурилишда 50, савдо ва умумий овқатланиш

тармоқларида 66, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида 55, соғлиқни сақлаш, физкультура ва социал таъминотда 64, маорифда 69, маданият ва саноатда 63, фанда 39, бошқариш органларида 57 фоизни ташкил қилмоқда. Шундан кўриниб турибдики, республикамизда касб танлашда, хизматга қабул қилишда кишиларнинг миллатига қараб амалга оширилмайди. Афсуски, шунга қарамадан кейинги пайтларда олий ўқув юртларига қабул қилишда ўзбек бўлмаган миллат вакилларининг ҳиссаси камаймоқда, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари составида республикада истикомат қилувчи барча миллат вакиллари йўқ деб аюҳаннос солувчилар ҳам топилиб қолди. Аммо бу ўртоқлар ўзларига мана шундай саволларни бериб кўрса, балки ўз фикрларини ўзгартирарди: кишлоқ хўжалиги мутахассисликлари бўйича бошқа миллатларнинг ҳиссаси анча паст-ку?! Нахотки, Совет ҳокимиятининг 8-10 йиллигида олий мактабга билимига, ихтиёрига, регионига қараб эмас, миллатига қараб қабул қилиш лозим бўлса? Еки бўлмаса Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари орасида барча миллат вакиллари бўлиши шарт бўлса, республикада уларнинг сони 100-дан ортқик, аҳолининг қарийб 70 фоизини ташкил қилмайдиган ўзбекларнинг манфаатига зид бўлмайми? Олий Советдан ташқари маҳаллий советлар депутатлар корпуслари ҳам мавжуд-ку. Хуллас, сунъий муаммоларни туғдирмасдан, олий ҳаётий жараёнлар объектив таҳлил қилинса, анча фойдали бўларди. Айниқса, миллий масалада.

Кейинги пайтларда иттифок матбуотида «ўзбеклар иши», «ўзбек порахўрлари», «ўзбек детективи» деган терминлар пайдо бўлди. Ю. Черненко Ўзбекистонга виждон экспорт қилинмоқда деб ёзди. Д. Лиханов «ўзбек порахўрлари» деган иборани ишлатишдан ўзини тия олмади. Ҳолбуки, суд курсисида ўтирган милиция генерал ва полковниклари орасида рус ва яҳудий ҳам бор эди. Мен бу атамаларга ортқича тўхталиб ҳам ўтмас эдим, лекин яқинда «Огонёк» журналинда (37-сон) публицист-иктисодчи, журналистлар Р. Симонян ва А. Друзенколар: қаерда социализм кўпроқ: монархия Швециясидами ёки социалистик Ўзбекистондами деган лўқманни ўртага ташлади. «Новое время» журналинда (38-сон) эса социолог К. Мяло ва иктисодчи П. Гончаровлар «Яширин экономика» ва наркомафияни ҳам республикамизга ёпиштиришга уриниб кўришди. Мана уларнинг ўз уйдирмаларига исботи: «Ўзбекистон ССРда наркочапталнинг йиллик обороти талайгина сўмларни ташкил қилади». Бу талайгина қанча экан? Бу ўқувчига ҳам, авторларга ҳам, журнал ҳайъатига ҳам қоронғи. Буларнинг ҳаммаси нафақат халқни ҳақоратлайди, миллий муносабатларни кескинлаштиради, балки турғунлик даврининг шармандали оқибатида бежама тус беради, унга қарши курашдан чалғитади. Дохийимиз В. И. Ленин 1909 йил синглиси Ульянова-Елизаровага ёзган хатининг изоҳида шундай деган эди: «Равшанки пора бермай туриб, Россия тўппослари билан иш қилиб бўлмайди. Агар китоб 10.IV да чиқадиган бўлса, метронпажга 10 сўм бериш керак, ноширдан ташқари босмахонага таъсир ўтказиш лозим». Еки Гоголнинг «Ўлик жонлар»ини ўқиб, қўшиб ёзишни ҳеч ким рус миллий характеридан ахтармайди-ку. Агар кимки айнишларнинг илдизини топмоқчи бўлса, уни миллий қалблардан эмас, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик системасидан, социализмнинг деформациясидан ва унинг такомил даражасидан, иктисодий ва сиёсий волюнтаризмдан ахтарсин!

Сухбатдош: Барнобек ЭШПҲЛАТОВ.

Мақсуда Эргашева



# Майсаларда шудринг доналар

## Қишлоқ

Отажон, сиз мени опичлаб юрган  
Сўқмоқларни бугун босибди хазон.  
Онасизлигини сездирмайин деб  
Қўғирчоқлар ясаб берибсиз бир он.

Ул қўғирчоқларга жон ато бўлган,  
Бу кун атрофимда сўйлашар бийрон.  
Уғлимни отам деб, қизимни — онам  
Суярман-у, дилим йиғлайди гирён.

Кетмонларингизда кунлар кўринган,  
Уроқларингизнинг акси ойда бор.  
Ҳар гиёҳ, ҳар чўпга меҳр улашган  
Сиз каби машраби деҳқон қайда бор.

Утдингиз дунёни бир пулга олмай,  
Ушбу кун бир ажиб замон бўлибди.  
Темир-терсақларнинг нархи баланд-у,  
Кўз ёшнинг баҳоси арзон бўлибди.

Отангнинг дардини менга айтма деб,  
Қошини чимиргай бағри бутунлар.  
Балки ҳасратимга бўлгай харидор  
Юраги лаҳча чўғ, кўкси тутунлар.

Бу йил кўп очилди қабрингиз узра  
Гуллари нафармон тусли бўтакўз.  
Яшил хаёлларга асира — ҳазин  
Бойчечак мангулик ҳақда айтди сўз.



Саратон сариғи оламга  
Қўрғошин селини қуяди.  
Кун бўйи пахтазор оралаб  
Қишлоқнинг юраги куяди.

Қийнади, ҳолини қуритди,  
Аёвсиз саратон сариғи.  
Куз келиб, ҳосил мўл бўлса ҳам  
Қишлоқнинг жигари оғригай.

## Васваса

Яшамоққа кўп сенда имкон,  
Хазина кўп тафаккурингда.  
Нечун энди биров еган нон  
Қутқу солар қашшоқ руҳингда.

Нечун биров яшаган макон  
Илинжида ит каби ҳуриш.  
Ахир илк бор шу васвасадан  
Ер юзида бошланган уруш.

Бу серсавдо олам бошидан  
Куни бўйи ўргилган қуёш  
Уфқ бағрин қонга тўлдириб  
Олиб кетди Мағриб томон бош.

Мўлтирайди нозик ва ожиз  
Майсаларда шудринг доналар.  
Шундай йиғлар ота-онаси  
Ташлаб кетган мурғак болалар.

Ярқираган ой силар маъюс  
Майсани нур қўллари билан.  
Сўйлаб кетар шунда япроқлар  
Кумушланган тиллари билан.

# Ноҳақликлар очилар бир-бир

Икром Отамуродов



\* \* \*  
Қишлоқ аёллари — тинмаганларим,  
Қора меҳнат эзиб қўйибди сизни.  
Ҳаловат нелигин билмаганларим,  
Бирпас йиғиштиринг бор ишингизни.

Ташвишларни четга қўйинг озгина,  
Узингизга қаранг,  
Узингиз бир ҳол.  
Рангингиз синиққан.  
Киртайиб тинар —  
Ич-ичига ботган кўзингиз бир ҳол.

Мадорингиз тинар, лек тинмайсиз сиз,  
Тиним бор елларда,  
сизда йўқ тиним.  
Ўзам чанқоқ дейсиз,  
пиллам оч дейсиз,  
Муштдеккина жониз билмайди қўним.

Аждаҳо комидай ястанган дала  
Илигингиз ёғин олади сўриб.  
Офтоб куйдиради —  
чинқирар бола,  
Сийнангиз тутасиз силлангиз қуриб.

Тўлиблар кетасиз, воҳким, ташвишдан,  
Тўйиблар кетасиз шундай бир пайтлар.  
Умрингизнинг ярми битилмиш ишдан,  
Ярмига дардкорлик этилмиш қайдлар.

Шундай ўтар сизнинг умр гузарон.  
Ризқингизни қийиб,  
қолдирмай чимдим:  
Узатасиз катта манзиллар томон,  
Ҳузур косасини тўлдириб лим-лим.

Оқшом. Овқат ўтмас. Чарчаб қоласиз.  
Ҳасрат,  
истеҳзо йўқ бир-бирингизга.  
Кучингиз етади —  
қасд қилоласиз,  
Зиғирча айби йўқ юрагингизга.

Қўлингиз қадоғи —  
қабарган азоб.  
Манглай ажинлари —  
бемаврид поён.  
Сизнинг жимлигингиз борлиққа — жазо,  
Сизнинг ўлимингиз меҳнатга — исён.

Ердан олганмисиз ё тупроқ ила,  
Авайламайсиз ҳеч хаста бу жонни?!  
Ярим армон билан,  
Ярим дард билан  
Вояга етказасиз Ўзбекистонни!

\* \* \*

Уфқ қаърига ҳорғин йиқилар қуёш  
Кун бўйи югуриб мовий қалъадан.  
Йўлларни чангитиб, йўртиб дошма-дош  
Подалар қишлоққа қайтар даладан.

Осмоннинг бағрига тақади юлдуз  
Оқшом шамолларга кўксини бериб.  
Сен бун кутасан қайдадир ёлғиз,  
Бунда кузатаман мен эса ғариб.

\* \* \*

Умрингнинг ярмиси ўтиб бўлган чоқ  
Қайтадан бошласанг ҳаётни дилгир.  
Юрган йўлинг бирдан топсаю адоқ,  
Қаршингда ястанса Саҳрои Кабир.

Муаллақ қотасан, ҳайрон қотасан,  
Қўлинг узатасан — йироқдир осмон.  
Қайғуга ботасан, ғамга ботасан,  
Оёқларинг ердан узилган — армон.

Фақат ўз-ўзингдан оласан ўчинг,  
Қийноқ эркалайди, азоб силайди.  
Илдизлари бўшаб, мўрт тортиб кучи  
Кўксингда дарахтлар қулайди.



\* \* \*

Туфлаган тупугини  
 фурсат ўтказмай —  
 бир карра эгилиб ялаган одам,  
 сўнгра:  
 чумчуқ пирилласа ҳам,  
 япроқ шивирласа ҳам,  
 ёмғир шитирласа ҳам  
 майишиб кетаверади.  
 Қорнига қат-қат камар  
 ўрагани билан  
 фойдасиз —  
 тик туrolмайди.  
 Букилаверар. Букилаверар. Букилаверар.

\* \* \*

Ошкора гапларга айланди бугун  
 Кечаги гумонлар,  
 Тутдай тўкилди.  
 Таҳқиру тазйиқдан тугилган тугун  
 Боғич-боғичидан сўкилди.

Ноҳақликлар бари очилди бир-бир,  
 Сотқинлик ваҳмада,  
 Хиёнат нотинч.  
 Қолди — гуноҳсизлар руҳига мажбур  
 Жавоб айлагувчи гуноҳкор — қўрқинч.

## Саъдий таъбири

...Ғарибга қўл бермай ғоз турган каснинг,  
 Ночордан ҳол сўрмай юз бурган каснинг,  
 Ўзи учун йўртиб, югурган каснинг,  
 Ҳамдардлик ҳақида сўзлари бекор —  
 Тили танглайида қотсин nobакор...

...Назари паст, жағи қайроқ банданинг,  
 Зинога ҳирс қўйган сайроқ банданинг,  
 Кўзлари оч, нафси байроқ банданинг,  
 Ҳалоллик ҳақида сўзлари бекор —  
 Тили танглайида қотсин nobакор...

...Дўстин йўлда ташлаб қочган кимсанинг,  
 Ёқлашга куч топмай, кечган кимсанинг,  
 Ўзин оқлаб қасам ичган кимсанинг,  
 Садоқат бобида сўзлари бекор —  
 Тили танглайида қотсин nobакор...

...Ўзганинг оҳидан тўлмаган зотнинг,  
 Ташнага қултум сув бўлмаган зотнинг,  
 Ростга кўр, ёлғонни қўллаган зотнинг,  
 Ҳақиқат ҳақида сўзлари бекор —  
 Тили танглайида қотсин nobакор...

\* \* \*

Ўзингдан хурсандсан,  
 ўзингдан мамнун:  
 ҳаракат қиялман — яшаялман деб.  
 Тонггача чўзилган улфатчиликлар  
 туюлади фароғат бўлиб.  
 Завқли ҳаёт гўшаси гўё  
 маишатдан паторат топаётган уй.  
 Доноликка менгзайди, ё раб,  
 суви чиқиб ётган мижғов ваъзхонлик.

Мумдайн эритиб юборган мақтов,  
 совундай кўпиртган ҳамд ила сано  
 кўзларингни олар жонажон сифат;  
 бошинг айлантирар қадрдон янглиғ.  
 Ушлаган жойидан кесгудек кучга,  
 илоҳий қудратга эгадир гўё  
 сен ишониб,  
 суяниб юрган рангли қоғозлар.  
 Ҳар кун  
 жўнатасан уларни  
 ваҳимаю  
 дағдаға билан  
 турли-туман тасарруфларга...  
 Полизга тикилган қорачуқ каби  
 ҳаракатсиз, сўппайиб турасан асли.  
 Умрингни кузатасан лоқайд —  
 фикрсизликдан  
 ҳувиллаб қолган бошингни  
 танангга омонат қўндириб.

\* \* \*


Тун — гуноҳ дояси, Хиёнат туғар,  
 Гарданига миниб ухлайди шайтон.  
 Қонталаш инграниб келади саҳар —  
 Қодирий хўрсиниб ютинган армон.

Чўлпоннинг бўғзида қақраган бардош,  
 Фитрат ҳақлигини рад этган фириб.  
 Файзулла кўксига ботган тухмат тош —  
 Ўзбекистон бағрин кетди ўпириб.

Ғафлат босган юртга от солмоқ осон:  
 Мардлари ғаним деб устига устак  
 Отиласаю,  
 Қўрқоқ, ношуд, нотаваон  
 Эл сўрса бошоғи қирқилган хасдек.

Сабил бўлади халқ ва Ватан сабил,  
 Шижоат — гунг, соқов.  
 Жасорат — сўқир.  
 Ўзлик — иннат ойна сингари чил-чил,  
 Эрк — жаҳолат дастидан букур.

Нодонликдан зада — қон қусар ғурур,  
 Ҳақиқат чайнайди сабрларини.  
 Ўзбекистон излар пешонаси шўр  
 Ўғилларин ғариб қабрларини.





## Ғози Раҳмон



1947 йил Қашқадарё областининг Чироқчи районида туғилган. Қарши педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини тугатган. Чироқчи районидаги А. Навоий номи 10-ўрта мактабда тил ва адабиёт ўқитувчиси. «Ёшлик»да илк чиқиши.



# Лангар

# лавҳалари

## Келинтош афсонаси

Уларнинг турмуш қуриб Қарши чўлига келганига ўн йилдан ошибдики, ҳар баҳорда бир кечага бўлсаям Келинтошга тунагани келишади. Аввалига келин-куёв танҳо келишарди, кейинчалик болалар ҳам қўшилди. Баҳор тўлишгани сайин Отамурод ҳам, Сумбул ҳам Келинтош тарафларга қанот чиқариб учгудай бўлишарди. Ҳа, кетдик, дейилса, болалар ҳам бирови ечиниб ётган жойидан кўрпани ёпиниб чопса, бирови ялангоёқ машинага югуради. «Ана энди зўр бўлади, дадам бизга тоғ билан жўра бўлишни ўргатади», деб бир-бирини ҳозир кўраётгандай суюнчилаб қолишади. Садағаси кетса арзийдиган шанбаям етиб келади. Мукофотга олинган арчаранг «Москвич»ни юк босиб қолса ҳам, кўкрагини ғоздай кўтариб, «Қайдасан, Лангар тоғлари!», дегандек шовқин солиб ўрнидан жилади. Йўл узоқ. Болаларнинг бир-бирига занжирдай улашиб кетган саволларига Отамурод эмас, кўпинча Сумбул жавоб қайтаради. Сабоби, Отамурод камгап, бирор нарсадан хурсанд бўлса, бош ирғаб илжаяди, жаҳли чиқса, томоқ қириб, қалин, қоп-қора қошларига жудаям ўхшаш ва мувозий тушган мўйловини босиб-босиб силаганича оппоқ тишлари орасида чиртиллатиб туфлагани-туфлаган. Ҳозир у ич-ичи-

дан хурсанд. Йўл текис келса, калта-калта хиргойи қилади. Унинг хиргойиси деразадан ташқарига чиқиб олишга уринаётган қовоғарининг ғўнғиллашига ўхшаб кетади. Сумбул жилмайиб гап қовлайди:

— Дадаси, бизам эштайлик...

— И-е, қаяққа? — дейди Отамурод кулиб. — Йўлнинг узоқлигини қара, нега олимлар ҳаммага қулай, енгил қанот ясаб чиқаришмайди, зўр бўларди-да, турналардай тизилиб болаларниям эргаштириб чўққиларни кўзлаб учсак...

— Қанийди, — деб қўяди Сумбул узоқдаги тоғларга қараб. Бироз жим қолиб яна гап қўшади: — Шу одам боласи туғилган, ўйнаб ўсган жойини бир умр кўмсаб юради-я, қўшларам шундаймикан?..

— Буёғини эшит, шу гапингга-да, отам қизиқ воқеани гапириб юрарди. Балан тоғлар орасидаги Шуд қишлоғидан бир тожик йигит шаҳарлик ошнасиникида тунаб қолади. Мезбон тонг пайти уйғониб қараса, ошнаси ўрнида йўқ. Шошилиб ташқарига чиқса, ҳалиги йигит тоққа қараб алланарсаларни гапириб ётганмиш. Намоз ўқияпти деса, тескари томонга қараб ўтирганмиш. Яқинроқ бориб қулоқ солса «Санги гардам чашм ба мимом-

нам Шуд» деб, ўз қишлоғига сиғинаётган эмиш.

Баъзида Отамурод ҳам шундайроқ ҳолатга тушади. Тонг қоронғусида уйқуси қочади. Хотинига билдирмасдан ҳовлига чиқадию чор тарафга қарайди. Болалиқдан кўз очиб кўргани туя ўрқачидай ҳайбатли тепаларни эмас, кафтдек текис даштни кўриб ҳафсаласи пир бўлади. Носқовогини йўқотиб қўйган нашаванддай тимирскаланиб ҳовли айланади. Қайтиб ўрнига кириб ухлай олмайдди. Оёқ чикрагандан бери ҳар қўклам қўлига темиртак пичоқ олиб қоқига чиққан паст-баланд қирларни, ернинг сўғалидай туртиб чиққан Қўчқортошу Хукактошлар ва уларга чизилган қадимий суратларни санаб чиққанларини эслайдди. Келинтошда биринчи оқшом тунагани ёдига тушиб ўртаниб кетади, ёнгинасида болалари билан бир дунё бўлиб ётган Сумбулга қараб кўнгли жойига тушади ва тинчиб ухлаб қолади. Аслида тоғ-парастлик Отамуродга қараганда ҳам Сумбулда кучлироқ. Узининг айтишича, еттинчи бобоси Нурали барлос ҳам тоғу тошда ҳаёт кечирган эмиш. Қизалоқлигида момоси Тошой кампир арча солинган кўрпачага ётқизиб, қаравуш деган тоғ ўтининг сувига кўп чўмилтирган, қулоғини қўшиғу афсонага тўлдирган. Шунданми, баъзан афсонага ҳам чиппа-чин ишонаверади. Бунинг устига ўзиям жуда эртакчи. Ҳаётдаги барча яхши нарсалар эртакдан олинган деб юради. Ёмон кўрган одамини ҳам, яхши кўрган одамини ҳам эртакдаги қаҳрамонлар номи билан атайдди. Лекин ўхшатиб айтади, тўғри демай иложингиз йўқ. Унинг момоси ўзидан кўшиб айтишни, ёлғончиликни ёмон кўрган. «Болам, — дерди Тошой момо Сумбулга, — тоғлар ёлғончиликни, сохталикни ёмон кўради. Чунки улар соқов ва гунг, тили йўқ. Гунг одамни бир марта бўлсаям олдаб кўр-чи, у сени сираям кечирмайди. Ёмон кўриб қолади».

Сумбул доим ана шу ўгитга амал қилади. Отамуроддан ҳам шуни талаб қилади. Ушанда ҳам Сумбул қаттиқ турган. Бундан бир-икки йил олдин пахта теримининг охирлари эди. Отамуроднинг пахтасини гармсел олиб кетиб, тўқсондан ошмаган. Далада ғўзапоянинг чўпидан бошқа ҳеч вақо йўқ. Доим заҳар қалампирдай қип-қизил бўлиб юрадиган биринчи секретарь билан пакана совхоз директори ярим тунда ҳамма бригадирни пахта пунктига йиғиб, ер остидан бўлсаям пахта топиб планни бажариб қутулсанлар, деб зуғум қилган эди. Мактаб ўқувчиларининг номига сохта рўйхат тузиб, пулига пахта олсаларинг жўнашиб кетади, ўзларингга ҳам юқи тегади, дейишганди. Отамурод ҳам ноилож бунга рози бўлган, келиб Сумбулга маслаҳат солганди. Сумбулнинг жони бўғзига келаёзганди ўшанда. «Ё мени дейсиз, ё бригадирликни. Сизу бизни отамиз ҳаром луқма бериб боқмаган-ку. Нега биз гўдакларимиз халқумини нопок қиламиз?!» Отамурод эрталаб туриб совхоз директорига ишдан бўшатиш ҳақида ариза бериб келдию Сумбул бироз енгил тортди. Лекин фойдасиям ёмон бўлмади. Отамуроддай бригадирни биров бўшатармиди? Шу баҳона ўша йили қўшиб ёзишдан қутулиб қолдию янаги йил қаттиқ ишлаб, планни ошириб бажарди. План бажарилмас ота қишлоғига қай юз билан борарди? Келинтош сайриям татимайди. Чўлга улар катта ният билан келишган. Тоғ бургути мўлжални узоқ олади. Шиддат етишмай қолса, тоққа қайтиб дам олиб, яна учади. Мақсадига эришмай қўймайди.

Бугун Келинтошга улар эртароқ келишади. Бу ерда икки жилганинг суви қўшилиб, ўртамиёна дарёчага айланади. Дарёча эса кета-кетгунча майда жилгалару булоқчаларни имлаб чақириб, ўзига қўшиб олади ва ҳар қадамда сакрайвери, кувида пишган айрондай кўпириб, оқиш тусга киради. Сумбул дам олиш уун атайлаб икки жилға орасидаги «оролча»га жой тўшади. «Орол-

ча»нинг гирди айланасига девор гулдай терилиб ёввойи саримсоқ ўсган. Отамурод қуруқ шох-шаббалардан қарсиллатиб синдириб ўтин йиғар, Сумбул эса югургилаб нонушта тайёрлар, болаларига «ҳай-ҳай»лаб гап уқтирарди:

— Қизим, бу ерда гул деб ҳамма нарсани юлаверма, ўғлим, бирорта ёввойи бута ёки дарахт шохини синдира кўрма, гулини тўкма, улар бизни қарғайди. Бунинг устига тулкию товушқонларнинг озукаси камайиб, қишда қирилиб кетади.

Дала дастурхони эса янги йилдагидан кам бўлмайди. Чунки уйдан келтирилган таомлар қаторига Отамурод териб келган равоч, андиз, кийик ўти, алқор ўтлари ҳам қўшилиб кетади. Ўзбекнинг боласи узумга қорни тўйса, ангишвона қилади дегандай, болалар сал ўтмай еб турган нонларини оқизоқ қилиб ўйнай бошладилар. Болалар юзидаги лоларанг тус катталарга ҳам кўча бошлаган, улар ҳам бир жойда узоқ ўтирадиган ҳолатда эмасдилар. Отамуроднинг ҳар йилги одати эсига тушиб, шошилиб ўрнидан турди. Адоғи Келинтошда, боши эса осмонга санчилиб қолган Шовуз чўққисига чиқиб узоқда туякўз ойначадай ялтираб кўринадиган Чимқўрғон сув омборини, тош орқасида ястаниб ётган Самарқанд далаларини томоша қилди. Одамлар маҳобат қилишади: бир эҳтиёткор овчи тунда ана шу чўққи белидан ўтаётиб, юлдузга тегиб кетмайин, дея телпагини қўлига олиб, эмаклаб ўтган эмиш. У яна шу чўққи учларига тикилатиклига ўғлига тайин қилди:

— Уғлим, сен энди тўққизга кирдинг, ҳадемай ўнга кирасан. Уғил ўнга кирди, ота сонга кирди, деган гап бор. Укаларингга эҳтиёт бўл. Бирортаси сариқ илон ёки тошбақани, калтакесак ёки қурбақани ўлдириб қўймайсин. Жўралари тунда излаб келиб бизни ухлатгани қўйишмайди. Илҳомжон, ўзинг эса ўсимлик баргидан тўпла. Кейин мен номини айтиб тураман, сен ёзиб оласан. Дафтар варағига тикиб қуритсанг, гербарий бўлади. Табиат муаллимингни бир хурсанд қиласан. Зериксаларинг — ана кўчмактош.

У шундай дея дурбин ва таёқ олиб чўққига тирмашади.

Сумбул тоғ гиёҳларидан йиғиб дўғ<sup>1</sup> пишира бошлади.

Болалар Илҳом бошчилигида ўйнаб юришибди. Илҳомнинг қўл остидики бола. Кенжатоғ эса онаси атрофидан кетмайди. Илҳом укаларини эргаштириб «кўчмак» ўйнайдиган тош устига чиқдилар. Тош устида олти-тадан ўн иккита чуқурча бўлиб, ҳар бир чуқурчага олти-тадан тош қўйилиб, ўйин бошланади. Қадимий чўпонлар ўйини бўлмиш кўчмакда тошчалар «қўйлар» деб аталиб, агар омад келиб, тошчалар кўпайса, «қўзилаган» бўлади. Илҳомга бу ўйинни ўтган йили дадаси ўргатган эди. У укаларига ўргатди. Улар иссиққина тош устида роса ўйнашди. Кейин барг теришди, очиққанда дўғ ичишди.

Сумбул тез-тез чўққига қараб қўярди. Чўққи белига ўтириб олган Отамурод ҳам айни шу пайтда Сумбулни ўйларди. Аёлларгаям қийин. Уттизга кирмай бола-чақага айланишиб қолишади. Уч-тўрт йил олдин мен билан чопқиллаб чўққига чиқарди. Ҳозир эса болалар атрофида гирдикапалак. Шунинг учун болалар отадан кўра онага яқинроқ бўлар экан. Лекин болалар отанинг юрак ёғидан бўлади, деган гап бор. Унинг хаёли болалари томон оғди. Тезроқ улғайишса, ўғиллар менинг ёнимдан, қизлар онасининг ёнидан киришса. Ишқилиб, замон

<sup>1</sup> Айронга тоғпиёз, саримсоқ, анзурпиёз қўшиб қайнатилиб, бетига қўй ёғи ёки сариёғ қуйиб дастурхонга тортиладиган шифобахш таом.

тинч, осмон мусаффо бўлсин-да. Тоғлар қорли, булоқларнинг суви кўп бўлсин. Ҳар ҳолда, бу йил қор мўл ёғди. Ҳисор қўриқхонаси устидаги Оқтоғда қор уюмлари ялтираб кўринади. Чимқўрғоннинг суви ҳам кўпайибди. Қашқадарё ёқасини кета-кетгунча ўрмонзор қилишга қарор чиққанмиш. Чўллар чўлликча, ўрмон ўрмонликча қолмаса бўлмайди, деб ёзишмоқда газеталар. Отамурод чўққидан енгил руҳ билан эниб келатуриб тўрт-беш сойда ўтлаб юрган йилқилар уюрини кўрди. Кўнгли хижил бўлиб кетди. Умри қўй боқиб тоғда ўтган отаси Бекназар чўпон йилқи уюрининг тоғда юришини хосиятсизлик деб билар эди. Йилқининг адирда юргани маъқул. Тоғда юрса, бир томондан, темир туёғи билан каптар кўзли булоқларнинг кўзини босиб, бекитиб, шуваларни қуритса, иккинчидан, ёғли баданини ишқаб довдарахтни қуритади. Тагидан кўкарган ёш арчаларни ҳам еб кетади. Бугун қайтишда синфдош дўсти — совхоз директориға уйига кириб бўлса ҳам, тайин қилади. Йилқиларни тоғдан тушириш керак.

Кечга яқин улар Келинтошга чиқишди. Келинтош — ердан бир-бир ярим метр келадиган харсанг. Усти теплекс супа. Тоғда тунаш учун энг хавфсиз жой. Сумбулнинг айтишича, қадимда тоғликлардан қайси бир йигит уйланса, шу тошсупа атрофини гулли кигизга ўрашиб, ўтов қилиб ёпишар, келин-куёвни уч кеча-кундуз шунда тунатишар экан. Бу қабилла удумига ҳамма қаттиқ итоат этар, ана шу супада тунаган эру хотин бир-бирига садоқатли бўлади деб ирим қилишаркан. Сумбул ҳам, Отамурод ҳам ирим-сиримга ишонмайди. Лекин узоқ аждодларининг удумини қадрлашади. Сумбул қоронғи бўлмай тош супага жой тўшаб кўяди. Болалар биринкетин супага чиқадилар. Кунботиш олдида паст-баланд минораларга ўхшайдиган чўққи тошларнинг соялари ҳам қорайиб, ҳам чўзилиб, бир-бирига туташиб кетадию бирдан қоронғу тушади. Юлдузлар шунақаям пастга тушиб келадики, қўл узатиб териб олгудек. Болаларнинг дарди-дили юлдуз бўлиб қолади. Отамуроднинг хаёли бошқа ёқда. У яна бир марта Сумбулдан Келинтош афсонасини эшитгиси келади. Тортиша-тортиша ўзаро юлдузларни бўлиб олган болалар ухлаб қолишади. Сумбул эса «Сомон йўли»га тикилиб ҳикоясини бошлайди:

— Болалигимдан Қоразовдан қўрқаман. Сойнинг бошдан адоғида қоп-қора мотам либосидаги харсанглар қалашиб, сойдан чиқаман деб талашиб ётибди. Адоқда эса Мансоф дараси. Бувим: «Йилда бир-икки марта Мансофдан овоз келади. Қиз боланинг овози. Бўйи етган қиз бу овозни бор вужуди билан эшитса, танасида пишитса, бўлажак куёви уни суйгандан-суйади. Нима деса шунга ишонади-қўяди. Мен бир марта эшитганман. Ун тўрт-ўн беш ёшларим эди. Биз уч-тўрт қизалоқ ҳам ўтин тергани, ҳам яширинча бахтимизни синаб кўргани Шамолли газадан ўтиб Мансофга боргандик. Вой бахтим-эй, олтин тахтим-эй... Мен ўшанда тош ковагидан «Мансоф, Мансоф» деган овозни эшитганман. Мансоф асли Келинтош билан боғлиқ. Болам, — дея давом этардилар бувим, — замон-замон бўлмаган, дунёдан ҳеч кимнинг кўнгли тўлмаган пайтларданам жуда олдин бизнинг барлос қабиласи хиёнаткор аёлни аёвсиз жазолаган. Уз жуфти ҳалол — бахти, аъмоли бўлатуриб, бошқанинг отини тутиб, жисмини ҳирсу ҳавасга ботирган аёлнинг қилмишини гуноҳи азим билишиб, беаёв суд қилишиб, келинлик либосига ўраб боғлашгану Қоразовга улоқтиришган. Тўғри қилишган, болам. Лекин бир сафар қаттиқ янглишишган. Бу янглишишни ҳеч кимга кўрсатмасин, болам!

Қўшилиш сойида узоқ аждодимиз — калтатойлик бой келин туширади. Бой бирин-кетин учта хотин олган,

умид оти анча толган, икковидан фарзанд кўрмай, учинчисидан ўғил кўрган, уни кечаю кундуз гавҳарим деб юрган ва кўзига суртиб катта қилган экан. Уша ёлғиз ўғлини уйлантирган бой орзу-ҳавасиниям шунга яраша қилганакан. Бой ҳаммага созу тамоша, атрофга овоза бўлсин деб келин ўтови учун баланд супа қуриб, устига оқ ўтов тикдиради. Уни малика ўтовидай безайдилар. Келин ҳам гарчи пари қишлоқдан чиқмаган бўлса-да, Кўхитанг қишлоғининг ман-ман деган қизларидан бири экан. У шунчалик хушсурат, нозу иболи эканки, сойга юзини ювгани тушса, сой бир зум тўхтаб уни томоша қилар, қора қош, саллона юришдан барча паррандага сабоқ берадиган какликлар ҳам зориқиб учиб келар, ўсма қўйиб, уни қуноқ эндириш учун бошини у елкасидан бу елкасига ташлаб таманно қилаётган қизлардай ҳайрат билан қарар, эгма қошу сеҳргар кўзлар қаршисида уялиб, истиғно билан буралиб, патларининг учигача қизариб кетаркан.

Уланчининг тўйда айтган қўшиғи тоғ-тошларда аксадо берибди:

**Аҳайласа қўй қўшилмас подага,  
Рўмолчангни ёйиб илгин хомага,  
Келинпошша, келбатингдан айланай,  
Бўйларингга бори умрим садага.**

Чимилдиқ йиғилибди. Уч-тўрт кун ўтгач, нима бўлибди-ю йигит тоғда тунаб қолибди. Келиннинг айни нозик палласини — «чилла»сини уйлашиб, тунда ҳамроҳ бўлади деб ёнига олти-етти ёшли қайинчасини ётқизибдилар. Келин қизалоқни сизсираб, кокилчаларини силаб, эртақлар айтиб берибди. Тун ярмидан ошса ҳамки эртаққа тўймаган болага яқиндагина ўзи тўқиган қўшиқдан куйлай бошлабди:

**Шовуз тоғнинг бетларига қуёш чиқди,  
Севган ёрим, эй ёронлар, бебош чиқди.  
Соғинтириб оқ ўтовга ташлаб кетиб,  
Ўзи эса қўй-қўзиман йўлдош чиқди.**

**Қулоқ тутдим тоғу тошнинг садосига,  
Жавоб келмас мендай ошиқ нидосига.  
Арслон бўлиб, қоплон бўлиб, ё шаҳаншоҳ,  
Карам қилсин мендай мунглиғ гадосига.**

Қўшиқ авжига чиқибди. Келиннинг ҳусну одоби юрагига ханжар учидай ботиб, ўғай қайнона ташқарига чиқса, оқ ўтовда гангир-гунгир овоз. Борлиғи қулоққа айланиб, эмақлаб келиб эшитса, келин «карам қилсин мендай мунглиғ гадосига» деб нола қилаётганмиш. Ҳа, бунинг бир суйгани бор, асли бузуқ. Бўлмаса бир кечага шунча нола қилармиди? Шошмай тур, сен қанжикни қўшиғинг билан чимилдиққа ўраб Қоразовга ташлатмасамми?... Унинг бағри шум ният оловида ўртанганидан чуркаб кетиб, кундоши, макр-ҳийлада сирдоши Қора хотинни уйғотибди. Қора хотиниям кўнгли қозоннинг тагидан баттар куйиб юрганакан, уям бунисини такрорлабди: «Қоразовга ташлатиш керак!»

Тонг отибди. Келин сойга сувга тушибди. Қайин бола ни эса Қора хотин уйғотиб, тўрт-беш танга бериб, Катта қишлоқдан ҳуштак булбул олиб келасан, деб жўнатибди. Бойнинг эшигида юриб, ўттизга кирса ҳам хотин ололмаган, иягига тук чиқмай, пешонаси ийланмаган хом теридай тиришиб, бети офтобда қуритилган олчақоқдай қуришиб қолган, оғзи катта, қулоғи нунданам катта, заруратда рўмолча ўрнига бурнини қулоғи билан ҳам артиб кетерадиган Салим қулоқни имлашиб, унга бир ҳовуч танга беришиб, тайин қилишибди:

— Чопасан, тоққа чопасан. Яйлоқчадан бойваччани топасан. Олдин яхшилаб йиглаб берасан. Кейин: «Хотинингиз ошиған», дейсан. Ошиғинг нимаси, деса, бир йигитни суйганакан, уни ишқиде куйганакан. Шу кеча хўп кеча бўлди, ё ўша йигит келган, ё келаман деб ваъда қилган. Ойпошша туни билан бўзлаб, ошиғини отини айтиб излаб чиқди, дейсан, — дейишибди.

Салимқулоқ оёғини қўлига олиб чопибди. Шум хабарни эшитган бойваччанинг етмиш икки томири ўйнаб кетибди. Кўзи ерни кўрмай, бошини уёқ-буёққа бурмай, отига на эгар, на юган солмай, яйдоқ миниб чопибди. Овулда биринчи бўлиб кўргани — ўғай она, эшитгани — унинг «шарманда-ей шарманда», деган дод-войи бўлибди. Отилиб оқ ўтовга кирибди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ келин сумбатдай эгилиб таъзим қилиб тураркан. Қирқ кокили билан бўғиб судраб ташқарига олиб чиқибди. «Ошиғинг ким, ифлос», деб, қонсираб, хансираб сўрабди бойвачча. Ҳалигина соғинч туйғусидан маст бўлиб, бир кечани минг кечадай ўтказган келин юраги лахча чўғ устига отилиб тушиб, қарсиллаб ёрилиб кетган чилдирмадай мудҳис овоз чиқарибди, холос. — Арслоним, мен софман!!!

Узини оқловчи бошқа сўз ҳам тополмабди. Фурурга ўхшаш алланарса томоғини ғиппа бўғиб қўйибди. Нимчаси чўнтагидан тушиб қолган саккиз қатор шеър гуноҳини тасдиқловчи қора гувоҳ бўлибди. Пешинга қолмай ҳукм ўқилибди. Икки давангир йигит унинг товонигача тушиб, сўнанинг гажагидай орқага қайтган кокиллари битта қилиб отга боғлаб, юрак бағрини доғлаб Қоразовга олиб кетибди. Йўлда ҳам, зов бўйида ҳам келиннинг айтгани бир сўз бўлибди: «Мен софман!» Уни Қоразов ютибдими ёки тўғри жаннатга кетибдими, ҳеч ким билмабди. Катта қишлоқдан ҳуштак булбулини чулдиратиб кулиб қайтган бола чопиб ўтовга кирса, янга йўқ. Утов остин-устун. «Акажон, нима қилиб қўйдингиз. Мен ва оидин тун гувоҳ, янгамда гуноҳ йўқ эди-ку. Вой янгажон, янгажоним-а, сизни қайдан топайин-а!» Боланинг оху нолааси гунгу лол қоялар «воҳ-воҳ-ей» деб ўкириб юборганини ҳамма эшитибди. Ака ниманидир тушунган бўлибди, инграб Қоразовга югурибди. Йигитлар қайтаётган томонда ўйилган гўрдай оғзини очиб Қоразов турар, қандайдир шамол аралаш «Мансофман, мансофман», деган чийилдоқ овоз нола қиларкан.

Ҳам гулию ҳам кунидан, ҳам қувончу ҳам тунидан айрилиб, тулпор отдай туёғидан тойрилиб, ранги сўлиб, ичи тўкилиб Қоразовга кириб кетган бойвачча хотинининг на ўлигини, на тиригини тополмай, ўкириб-ўкириб йиглаб сойда ётиб қолибди. Эрталаб топишса, бошини қора тошларга ура-ура телба бўлиб қолган экан. У ҳеч кимга бўйин бермай, яқинига йўлатмай тоққа қараб қочибди. Элу овулдош, ота-онаю қариндош чопиб-чопиб пайи чўзилиб, охири умиди узилиб қайтиб келиб ўтовга қарашса, ўтов тошга айланиб қолган, нарироқда эса бойнинг икки ичи қора хотини кўмиртош бўлиб қаққайиб турганмиш. Шу-шу бўлдию аламзада тоғликлар тош супани Келинтош деб, нариги сойни эса Мансоф дараси деб аташар экан. Бора-бора кўмир тошлардан асар ҳам қолмабди».

Сумбулнинг афсонаси тугайди. Отамурод Сумбулга қўлини узатади. Афсона таъсиридан ҳали титроғи босилмаган нозик бармоқлар кенг ва ҳароратли қўлга чирмашиб, истагини топгандай ёпишиб олади ва тинчиб қолади. Тун бўйи ўрмалай-ўрмалай тепаликка чиқиб олган ва ўтириб дам олаётган Зухро юлдузи эса уларни бу ётишига ҳайрон тикилади...

## Раҳмон мерган

### Бобомнинг ҳикоялари

Раҳмон мерганнинг овулдан чиққанига уч кундан ошди. Бугун тонгда Ургут бозоридан қоқи пулига олган эшагига Уйруғул дарасидан отган тоғ такасининг гўштини нимталаб ортиб келаётиб, Конизор ғорининг оғзидан ликиллаб чиқиб кетаётган оқсоқ бўрини кўриб қолди. Бу ўша кўпдан яниб юргани, олдинги оёғини қопқон синдирган ўғри бўри. Аламзада. Қишда итларни ғафлатда қолдириб, пусиб қўтонга кириб тўрт қўйни бўғизлаб, бирини олиб қочган ҳам шу. Мерган унинг уясини топиб, агар боласи бўлса, уни тутиб олиб, думини орқасига қўшиб тикиб юбормоқчийди. Шундай қилса бўривачча ёзилмай, бетиним ғингшир, унинг зорланганига она бўри чидай олмай тоғнинг одамтопмас жойларини қидириб қочгани-қочган экан. Буни қадимги тадбиркор чўпонлар ўйлаб чиқаришган.

— Ҳа, қаршиқулоқ, ҳали ризқингдан озгина боракан-да, овдан қайтаётганимда учраб қолдинг...

Мерган эшагини қистади. Эшак бўрини кўрган заҳоти қулоғи диккайиб қотиб қолган, дами ичига тушиб, тиззалари қалтираб, юришга мажол қолмаган эди. Мерганнинг қистови билан у зўрға ўрnidан кўзғалди. Тонгда бўри кўришнинг хосияти бор, дейишади. Лекин мерганнинг бу гал кўргани чўлоқ бўри. У ирим-сиримга ишонмасаям, негадир дили ғашланди. Умрида неча марталаб бўри кўрса-да, омад сира кулиб боқмаган. Омад дегани чулдираб юрган тош булбулдай қучча бўлса-ку, мерган уни таппа тутволиб эртаю кеч қўйнига солиб юрган бўларди. Ана омадли деб Беғали хўжайинини айтса бўлади. Барлоснинг бош овули — Саркентда унга етадиган бадавлатни топиб бўлмади. Лекин ўлғудай қурумсоқ. Бир улоғи тошдан йиқилиб ҳаром қотганда «вой жигарим» деб йиғлаганини овулдошлар ҳам кулиб, ҳам куйиб гапириб юришади. Утган ёзда бир бўлак қўй-эчкисини ўғри ҳайдаб кетганда мерганга келиб ялинганди. Мерган ўғрининг изидан тушиб, Қўктошдаги гадойтопмас ўнгирда тутиб олган ва ўша жойнинг ўзиде иккала қулоғига эн солиб қўйиб юборганди. Қўйларни эса тўкис-туғал опкелиб Беғали хўжайинга топширганда, раҳмат ўрнига сурувни саккиз марта санаб, ҳар санаганда битта, иккитадан кам чиқариб, мерганни роса хуноб қилган эди. Э, бу бойлар борми, камбағалга кун йўқ. Нима бўлсаям, Султон давкарни (давкар — деви бор маъносиде) айтганлари чин бўлсин-да. Янги ҳукумат одамлари бойларнинг ер-мулкини, қўй-эчкиларини камбағалга бўлиб бераётганмиш. Давкар ёлғон сўзламайди. У ҳукумат одами. Шундай катта Оқчевада ҳамма унинг оғзига қарайди. Ҳукумат унга қурол-аслаҳаю ёрдамчи тайин этган. Утовда ётган бемор онаси бўлма-са-ку мерган ҳам Султон давкарга қўшилиб кетган бўларди... Овулга боришга юраги безиллайди. Чайлада бир бурда бўлиб булқиллаб ётган кампиру унинг ичичига ботиб кетган қош-қовоғига термулиб, исварақдай сарғайиб кетган хотини, учта паст-баланд гўдакнинг на ейишида, на кийишида маъни бор. Яхшиямки, пешона-сига шу тоғу тош битган. Юрак-бағри тўлиб кетиб ҳайқирса, беш-олти жойидан ҳай-ҳайлаб акс-садо беради. Лекин Беғали бойнинг тош қўтонидан тош сўраб борса ижирганда.

Эчкиларни чошқайлик қилиб соғадиган маҳалда мерган Охурлик даранинг киндигидан қамчи ўримидай чиқиб турган чашма бўйидаги шуварга етиб келиб эшакдан

тушди. Асаднинг охири. Қулчуммоқ ҳисоби бўйича Сунбула дохил бўлиб, ёз бўйи тоғдан ёпирилиб турган олов нафасли гармселнинг пайи қирқилган, кечқурунлари ва тонгда кўкракка хуш ёқадиған салқин шабада эсиб қолган. Мерган бағрини ерга бериб, чашма сувидан қониб-қониб ичди. Юрагини қоплаган ғашлик бироз тарқағандай бўлди. Унинг ўткир кўзлари чашма атрофидаги гиёҳларга қадалди. Ана қидиргани. Кийик ўти. Боладай эмаклаб бориб ҳидлади. Оҳунинг қулоқчаларидай тикрайиб турган кийик ўтининг ўткир ҳиди барча гиёҳлар ҳидини қиличдай қирқиб, димоққа тез етар, мерганнинг таранглашган асабларини қитиқлаб юмшатиб, вужудига алланечук сергаклик бахш этганди.

Шу пайтда мерганнинг юраги:

— Эҳ тоғлар, тоғлар! Суйганим ҳам, суяганим ҳам сиз. Эшитиб қўйинг, янги замон келяпти. Камбағалнинг замони, — деб ҳайқирмоқда эди.

Ўқтам туйғулар ҳавоси кўксини тўлдириб юборган мерган овулга юриб келдими, учиб келдими — сезмади. Ўзининг қадрдон ўтовига эгилиб кириб, шохли пилта милтигини ва чакмонини керагага илаётганда, хотини шивирлаб гап қотди:

— Абдулла тоғангиз келганди. Сизни сўради. Охурлик даранинг этагидаги лангарликларнинг ёзлик боғига амирнинг одамлари кўнганмиш. Тоғдан ошиб Афғонга кетмоқчиёкан, адашибди. Хотин, бола-чақа, аскарлари билан саксонлар киши экан. Тўплари, пул чиқарадиган машиналари ҳам бор эмиш. Боғнинг тўрига машинасини ўрнатиб, яп-янги пул ҳам чиқарганмиш. Қизил аскарлар қувиб келаётганда Тахти Қорача довонидан ҳам, Жомдан ҳам кесиб ўтолмай, шу томонларга кеп қопти. Йўл биладиган йигитларни сўрашаётган экан. Бешотар милтиғу катта пул ваъда қилишибди. Абдулла бобо бизни овулда мергандан бошқа йигит бу ишни уддалай олмайди деган экан, сизни йўқлашипти.

Мерганнинг боши қотди. Бир томони, бешотарга ҳаваси кетиб юрганди. Ахир яхши милтиқ қайси мерганни ўзига оҳанрабодай тортмайди. Йўл кўрсатиш баҳонасида милтиқли бўлиб олса!.. Ҳай билмадим-да, улар ўша ўзим билган амирнинг одамлари бўлса... Уч йил бурун Шаҳрисабз бозорида беш-олтита далла терисини бир танга қора пул ҳам бермай тортиб олган ҳам ўшалар. Мерганни ўшанда жаҳли чиқиб, бир манқа машрабни сал туртиб юборганди. Уни ҳайдаб бориб ўн кун обхонага ташлатган ҳам ўша амирнинг одамлари. Йўқ бормайман. Борадиган нодон йўқ...

Орадан уч кун ўтмай, Афғонда ўн йил юриб табиб бўлиб қайтган, жаҳонгашта, оқ-қорани танийдиган, ҳар гапини қофия билан гапирадиган Абдулла турк яна келди. Мерган унинг ранг-рўйини кўриб, Лангарда тинчлик эмаслигини сизди. Табиб салом-алиқиям эсдан чиқарганича ҳовлиқиб гап бошлади:

— Айланай, Раҳмонжон! Бўйингдан, ширин феъли-хўйингдан, жингалак соқол-мўйингдан. Аҳволимиз танг, бошимиз гаранг бўлди. Ўша тўрт-беш ой олдин юртини ташлаб Афғонга қочган амирнинг хазиначиси Мўйдин Маҳзум дегани қизил аскардан қочиб, сичқоннинг ини минг танга бўлиб юрганакан, кўнгли ғашланиб, кўзи ёшланиб, ўзимизни тоққа қочиб кепти. Эртага ўзимизни қуйи овулга қўниб, қизил аскарлар билан отишма қилармиш. Уч тепага учта тўпини ҳам ўрнатиб қўйибди. Бола-чақа, хотин-халаж, муррук-суррукни Ена юртга кўчирмасак бўлмас, мардумнинг рўзғори тинч бўлмас, кўнгли тўлмас. Ўтган кун овул оқсоқоли сени сўровди, бормадинг. Е нима гаплигини билмадинг, ё кўзга илмадинг. У ёғини сўрасанг, Лангарда тўс-тўполон. Ошнанг бор-ку — Султон давкар — ЧКнинг одами, ўшани Бекназар деган ёрдамчиси билан Мўйдин Маҳзумнинг

одамлари Оқчевадан алдаб опкелишиб, бизга қўшила-сан, сени кўрбоши қиламан, чўнтагингда тилло, еганинг олдингда бибисмилло бўлади, дейишса, Султон давкар ўз оти ўзи билан Султон давкар эмасми, Мўйдин Маҳзумга қараб заҳарханда кулибди-да: «Менинг иккита қопоғон итим бор. Бири занжирдан бўшаса қочади, борасолиб бировни қопади, шунинг учун ўша арслонни олампахоҳингни номи ўчмасин деб Амирқул қўйганман, ўша хотинбоз амирингнинг зулмидан хўп тўйганман. Иккинчиси жуда сипо, олифта, бойвачча таъбат, отиям Тўрамбадавлат. Епирай, шуниси айни сенга ўхшайдиёв», — деб масхара қилибди. Мўйдин Маҳзумнинг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолиб, давкарни чиқарасолиб ўрикка осиб қўйибди, занғар. Бекназар бир амаллаб қочиб қолганмиш. Султоннинг жасадини қаерга кўмишса, ит очиб, уч-тўрт йигит уёқдан буёққа кўтариб қочиб юрганмиш.

Бу гапларни эшитган Раҳмон мерганнинг баданига қалтироқ кириб, курашга бел боғлаган полвон қавс бўлиб, икки кўзи қонга тўлиб, осмон пасайиб, тоққа тегиб, ҳозир босиб қоладигандай жойидан ирғиб туриб кетди. Бошидаги оқ кўйининг терисидан ағдарма қилиб тикилган қалпоғи ўтов тепасига тегди. Қишин-ёзин кийиб юрадиган итёка тивит кўйлагининг этак ва ёқасини тортиб тўзатган бўлди. Барлоснинг тоғчили йигитлари ёғин-сочинда киядиган жун чолвор — рағзани кийиб, устидан тўқима иштонбоғини тортиб боғлади. Беш яшар новвоснинг терисидан тикилган, пошнасини тош қириб ташлаган этигини кўнғилтак кийиб олди. Пўта ва сариқ чакмонини эпчиллик билан билагига ташлаб, ташқарига чиқди.

— Юринг, тоға, борганим бўлсин. Уларга ўзим йўл кўрсатаман. Билдим, меҳмонлар яхши одамлар экан...

Мўйдин Маҳзум шу ерлик одамлардан мерганнинг таърифини роса эшитганди. Яғрини тўрт-беш йигит давара қуриб ўтирса бўладиган, бўй-бастиям дубулға дарахтидай узун ва пишшиқ. Чапдаст, бир ўзи йигирма йигитга бас келади. Отган ўқи зое кетмайди. Ориятли, камбағал йигит. Қўлга киритилса, ишлар беш. Ана, мерган ўз оёғи билан келиб қолди. Мўйдин мерган билан отасини кўргандай товозе билан кўришди. Ёнидан жой кўрсатиб, хушомад қила бошлади. Лекин мерган бунга эътиборсиз, икки кўзи соқчининг қўлидаги бешотарда эди.

Маҳзум тўдаси эртасига мерганнинг маслаҳати билан овулдан қўзғаладиган бўлди. Кўчхо-кўч бошланди. Оғир сандиқлар ўн туяга ортилди. Улар бу тоғдан туя туғул от базўр ўтишини хаёлларига ҳам келтиришмасди. От, эшакларга умрида миниб ўрганмаган хонимча аёллар қиёслаб ерга йиқилар, кошки ер бўлса денг, ҳаммаёқ чағир, кум-тош. Иззичувда аёлларни эгар муштлаб қарғаётгани эшитиларди:

— Илоё Файзуллаҳўжа бир ерда ўлиб, ўлиги минг жойда сасисин! Бизни Бухородан бенасиб қилди!

«Файзуллаҳўжаси ким экан? — ўйларди мерган, — ким бўлсам азамат йигит экан, ҳалиям армонда қопти. Ҳа майли, булар қаерга ҳам қочиб борарди? Сандиқпандинг билан аскарлар қўлига тутиб бермасам, Раҳмон мерган отимни бошқа кўяман!..»

Улар ҳали одам қадами етмаган тоғ сўқмоқлари бўйлаб эртасидан кечгача йўл юришди. Йўл юрсаям мўл юришди. Кунботарда Кўктошнинг кунгай жойига чиқишди. Йўлда ўн туядан бир туя ҳам қолмади. Бири тошдан тўйиб ўлса, бошқаси уриб ўлдирсаям қўзғалмай без бўлиб ётиб олди. Уларга ортилган юклар, озиқ-овқатлар нес-нобуд бўлиб, тошлар орасида қолиб кетди. Тоғнинг ҳар жой-ҳар жойида ғажир айланиб қолди. Йўлнинг адоғи йўқдек эди. Баланд чўққилар орасида бировнинг нафаси қисар, бировнинг боши айланар, ҳамма ўзи билан ўзи овора, фақат икки киши — Раҳмон мерган

билан Мўйдин Маҳзум бир-бирини зимдан кузатмоқда эди. Сабр косаси тўлган Мўйдин Маҳзум мерганга ўшқирди:

— Бу йўлнинг адоғи борми, йўқми? Ургутнинг Қоратепасини яқин дейишганди. Шунча тепа ўтсак ҳам лаънати Қоратепа кўринмайди-ку?! Адашмадикми, десам, йўқ дейсан... — У шундай дедию, шоша-пиша дурбинини олиб этакка қаради-да, ёқасини ушлади. Епирай, ё алҳазар, кун бўйи йўл юрган бўлсак ҳам, Лангар оёқ остида турибди. Алданибмиз!.. Лаънати мерган!..

Бу пайтда мерганнинг кўнглидан:

— Ана энди мақсадимга етдим. Бир қир нарида аскарлар турибди, пистирманинг ўзидан чиқишади. Жони бўлса, улар ҳам ўтган вақт ичида яқинроқ келиб қолгандир. Орқага қайтишнинг эса сира иложи йўқ. Кун чиқишда Шовуз чўққилари йўл бермайди. Мана сенга юрт бойлигини олиб қочиш! Мана сенга ҳукумат одамларини ўлдириш! Султон давкар ошнам, мендан рози бўл. Сен ҳам — мен танимайдиган Файзуллаҳўжа — ҳеч қачон кам бўлма... Энди қочиш керак, — деган фикрлар кечмоқда эди.

Унинг турган жойидан илкис тўрт, беш, олти метр узоққа сакраб кета оладиган одати бор эди. Ҳозир ўша қўл келди. Бир ирғиб арча панасига ўтди. Ун қадам пастга улгурса бас, ўзини зовга отади. Бир пайтлар тоғ такасини қувиб келганда, шу баланд қоядан ташлаб кетиб омон қолганига ҳайрон бўлган эди. Пастда эса кўрпачадай қават-қават бўлиб ўсган маймунжонлар.

Эй менинг қадрдон қояларим, ўзинг қалқон бўл! Ожиз ошигингни душман ўқидан асра!

Мўйдиннинг йигитлари мерган орқасидан аямай ўқ ёғдирар, ажалнинг беаёв уруғлари эса мерганнинг танасини тополмаётгандай чийиллаб, визиллаб тошдан-тошга тегиб тирқираб кетарди. Улишни истамаган қасоскор эса қоя тагидаги тубсиз ўпқон сари шувуллаб учиб борар, юраги оғзидан чиқиб кетмаслиги учун тишини тилига қўйиб, ерга қўнаётган бургутдай ўткир, олазарак кўзларини пастга тикканча тушиш жойини қидирмоқда эди. Чакмоннинг этаклари қанотдай ёйилиб, рўпарадаги бўшлиққа қалқон бўлар, қўлларини ёзиб олган мерган бундан фойдаланиб мувозанатини ўнглаб олмоқда эди.

Орқадан қоягача чопиб келган Мўйдиннинг йигитлари тубсиз ўпқонни кўриб хотиржам бўлишганча орқага қайтиб кетишди. Эртаси куни Лангарда дув-дув гап тарқалди. Мўйдин Маҳзум тўдаси тоғ ортида қўлга тушибди. Раҳмон мерган Маҳзум берган бешотарини қизил аскарларга обориб берганмиш. Ҳеч ким қоядан учган мерганнинг қандай қилиб соғ-омон қолганлигини сўраб-суриштирмади.

Мерганнинг ҳам икки гапининг бирида мақтаниб юрадиган одати йўқ эди.



## Рауф Парфи

1

Йўлсиз ўрмон оғочлари шовулла,  
Кўҳна жароҳатга туз сепар ўрмон.  
Тепамда юрғун ой — ғариба увлар,  
Гизли хаёл инграр холос беармон.

Кўзларинг қаърида синиқ бир нола,  
Балким, қафас ичра уйғонган наво.  
Балким тошлоқларда қон ютган лола,  
Йўқ, ҳавоси сўриб олинган ҳаво...

Йўқ, сен эй, адашган кемани чорла,  
Ойнинг оқ сочларин севиб тарагил...  
Кошки сувга чўксам. Чўкмасман. Сен бор!

Кошки ўтда куйсам. Куймасман. Сен бор  
Сен борсан. Сен борсан. Офтобим, порла  
Кўзларингда ёниб битай, севгилим...

2

Нечун, яна кўзим, кулмайсан, нечун,  
Нечун сен ёзмайсан инжа қанотинг,  
Яна тортмакдами ўшал мудҳиш тун,  
Уфқда ўчдимми, эй қуёш, отинг?

Очгил кўзларингни. Нашъа соч. Борлиқ  
Оқ эрклик ичрадир. Ҳар нарса оқ. Оқ  
Севгилим, бу сенинг кўзингга боғлиқ.  
Шодлик. Нур тошқини. Бир чаман. Бир боғ...

Булар бари сўзлар-ку, ахир, сўзлар.  
Қайларга йиқилар бир кун, беомон  
Кўзинг осмонидан учган юлдузлар?!

Кўзингнинг қаърида юкинар, излар,  
Еруғ соҳилларни асрдийда жон...  
Мангулик осмони — бу теран кўзлар,





**РЕДАКЦИЯДАН:**

Қайта қуриш, ошкоралик плюрализм — фикрлар ранг-баранглиги учун кенг йўл очиб берди. Жамиятимиз тақдири, келажаги ҳақида турли-туман, баҳсли фикрлар ҳам айтилмоқда. Академик Андрей Сахаровнинг қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган фикрларида ҳам анча мунозарали ўринлар бор. Мазкур мақолани эълон қилишдан муддаомиз, сиз азиз журналхонни ҳам баҳсга тортишдир.

СССР халқ депутатлари съездида Чингиз Айтматов, Юрий Власов, Евгений Евтушенко, Сергей Залужин, Д. С. Лихачев, Андрей Сахаров, Ўлжас Сулаймонов, Одил Ёқубов, Тўлепберген Қаипбергенов сингари адиблар, шоирлар, жамоат арбоблари мамлакатимиз халқлари ҳаётида аввалги даврлардан йиғилиб қолган мураккаб ижтимоий муаммоларни, халқлар дилидаги орзу-армонлар нима учун юзага чиқмаётганлиги тўғрисидаги дардли фикрларини ошкора айтиб, ўзларининг конструктив, тараққиётга хизмат қилувчи қимматли маслаҳатларини баҳам кўрдилар. Съездда энг фаол нотиклардан бири академик Андрей Дмитриевич Сахаров бўлди. Умр бўйи инсон шахсининг ҳурлиги учун, гуманизм ва демократия учун курашган бу мутафаккир барча халқларнинг мустақиллигини ёқлайди. У биринчилардан бўлиб Афғонистондаги қирғин урушга қарши чиқди. Сиёсий маҳбуслар ҳақидаги ҳақиқатни ёзган Солженицинни ёқлади. Сахаров энг машаққатли даврларда ҳам виждонан чекинмади, дилида борини айтди ва энг муҳими, бутун инсоният манфаатлари учун курашди. Академик Сахаров баъзи миллий республикалардаги ҳақиқий аҳволдан етарли хабардор бўлмаслиги мумкин, лекин у ҳеч қачон бирор халқни камситган эмас. Қуйида олимнинг турғунлик йилларида ёзулиб, чет элларда шов-шув бўлган, совет матбуотида эса биринчи марта 1989 йили «Вопросы философии» журналининг 1-сонида босилган мақоласини ўқийсиз.

Маҳкам Маҳмудов

\* \* \*

Бизнинг невараларимиз ва эвараларимиз яшайдиган эллик йилдан кейинги дунё ҳақида ўйлаб кўрган кишининг кўнглини кучли ва зиддиятли туйғулар қамраб олади. Булар — инсониятнинг бениҳоя мураккаб келажагидаги фожией хавфхатарлар, машаққатлар олдидаги кўрқув ва даҳшат, айни вақтда, лак-лак одамларнинг ақл-идроки, қудрати ва дилидаги инсонийликка умид туйғуларидир. Фақат мана шу умидгина босиб келаётган таҳлика фалокатларга қарши туршиш мумкин. Бу ўринда ҳозирги серқирра ва муқаррар фан-техника тараққиётдан ҳайратланиш ва унга жонли қизиқиш туйғулари ҳам бор.

## Нималар келажакдан хабар беради?

Даярли ҳаммининг фикрича, яқин келгусидаги ўн йилликларда куйидаги ҳодисаларнинг юз бериши муқаррар ва шубҳасиздир:

— Аҳолининг ўсишига тескари ўлароқ (сайёрамизда 2024 йилга келиб 7 миллиарддан зиёд одам яшайди) табиий бойликлар — нефть, тупроқ, тоза сув ва ҳоказоларнинг унумдорлиги камаяди; табиатдаги мувозанат ва инсонларнинг ҳаёт шароитлари жиддий равишда издан чиқади.

Мана шу уч ҳодиса келгусидаги фалокатлардан далолат беради. Лекин, яна бир омил — фан-техника тараққиёти ҳам шубҳасиз ва салмоқлидир. Фан-техника равнақи инсоният тараққиётида минг йиллар давомида «тезлашиб» — юксак суръат касб этди ва эндиликда ўзининг ажойиб имкониятларини намоён қилмоқда.

Аммо, ишончим комилки, фан-техника равнақидан келиб чиқадиган жуда катта моддий истиқболлар ҳар қанча муҳим ва зарур бўлса ҳам, ҳар ҳолда, шунинг ўзи инсоният тақдирига ҳал этолмайди. Инсоният ҳаётида ижтимоий, маънавий ва маданий соҳаларда туб ўзгаришлар юз бермаса, фан-техника равнақи бахт келтирмайди. Одамларнинг руҳий оламидаги ўзгаришларни, уларнинг ички дунёсидаги фаоллиқни башорат қилиш қийинроқ, аммо инсоният тараққиёти оқибатида дунёнинг ҳалокатга учраши ҳам, фалокатлардан халос бўлиши ҳам худди шу маънавий ривожланишга боғлиқ.



Башоратларимиздаги энг муҳим номаълумлик — тараққиёт ва инсониятнинг улкан термоядро урушида йўқ бўлиб кетишидир. Модомики, Ер юзида термоядро қуроллари бор экан, бир-бирига душман, ўзаро ишончсиз давлатлар ва давлатларнинг гуруҳлари бор экан, мазкур даҳшатли хавф замонанинг энг шифқатсиз воқелиги бўлиб қолаверади.

Аммо, инсоният катта урушдан қутулганида ҳам «кичик» урушларда, миллатлараро ва давлатлараро низолар, рақобатлар туфайли, иқтисодий соҳада, атроф-муҳитни асраш, аҳоли кўпайишини тартибга солиш соҳаларидаги келишмовчиликлар туфайли, сиёсий авантюризм (муттаҳамлик) туфайли ҳам таназзулга учраши мумкин.

Инсониятга шахслар ва давлатларнинг ахлоқидаги таназзул ҳам хавф солиб турибди, ҳозирнинг ўзида кўпчилик мамлакатларда ҳақ-ҳуқуқ ва қонунчилик соҳасидаги асосий идеаллар (орзу-армонлар) поймол этилганлиги, истеъмолчилик худбинлиги, жинсий ҳаракатларнинг ялли ўсиши, халқаро фалокатга айлиниб қолган улуғ миллатчилик ва сиёсий террорчилик, ичкиликбозлик ва бангиликнинг вайрон қиларли даражада тарқалиши келгусида катта фалокатларга олиб бориши мумкин. Турли мамлакатларда бу ҳодисаларнинг сабаблари турличадир. Ҳар ҳолда, мана шу фалокатларнинг бош сабаби, менимча, ички руҳиятнинг йўқолишидир. Ички руҳият йўқолганида инсоннинг шахсий ахлоқи ва масъулияти ўрнини мавҳум ва моҳиятан ғайринисоний шахс қиёфасидан ажралган нуфузлар эгаллайди. Давлат обрўи, синфий ёки партиявий обрў, дохий авторитети нуфузи — буларнинг ҳаммаси маънавий фалокатларнинг у ёки бу кўринишларидир.

Турли мамлакатларнинг иқтисодиётида мавжуд тафовутлар тобора ортиб бораётган, дунё бир-бирига қарши гуруҳларга бўлиниб кетган ҳозирги ҳолатда инсониятга хавф солаётган фалокатлар мислсиз даражада кучаяди.

Мана шу фалокатлар учун кўп даражада социалистик давлатлар жавобгардир. Мен буни шунинг учун айтяпманки, энг таъсирли социалистик давлат фуқароси сифатида бу жавобгарликнинг анча қисми менинг ҳам зиммамга тушади. Иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларига партия ва давлатнинг монополияси, яқин-яқинларгача яшириб келинган ўтмишдаги қонли жиноятларнинг ҳали битмаган яралари, ҳукмрон фикрдан бошқача фикрлашнинг узлуксиз бостирилиши мунофиқона ўз-ўзини мадҳ этувчи, догматик ва кўпинча миллатчилик идеологияси; социалистик мамлакатлар фуқаросининг бошқа мамлакатлар фуқаролари билан эркин муомала қилишига йўл бермайдиган ёпик жамиятлар борлиги, мана шу мамлакатларда худбин, маънавиятсиз, ўзига бино қўйган ва мунофиқ ҳукмрон бюрократия синфининг вужудга келиши — буларнинг ҳаммаси социалистик мамлакатлар аҳолиси учунгина ноқулай вазият яратиб қолмай, бутун инсоният учун ҳам хавф-хатар туғдиради. Бу мамлакатларнинг аҳолиси пропаганда — тарғибот туфайли ва айрим муваффақиятлари туфайли, қисман конформизм — замонасозларнинг ваъдаларига учиб, умумий мақсадларга интилаверади. Лекин аини вақтда бу мамлакатларнинг халқлари Ғарбдан, унинг моддий ва социал соҳаларидаги реал имкониятларидан муттасил орқада қолаётганликларидан хавфа бўлиб, жаҳллари чиқаверади. Бюрократик раҳбарлик табиятан тараққиётнинг ҳозирги вазифаларини ҳал этишда самарасизлигидан ташқари, ҳаммаша фақат ўткинчи, оний манфаатларни, тор гуруҳчилик манфаатларини, бошлиқларга тез муддатда қандай ҳисобот беришни ўйлайди. Бундай раҳбарлик келгуси авлодларнинг манфаати тўғрисида ғамхўрлик қилишга қаратилган амалий ишларга қодир эмас, у келажак ҳақида фақат тантанали нутқларда гапиради, холос (масалан, табиий муҳитни асраш тўғрисида).

Ҳозирги ҳаётнинг вайрон қилувчи кучлари, тенденцияларига қарши нималар қилиш керак (нималар қилиш мумкин?). Менимча, энг муҳими, давлатларнинг антогонистик (муросисиз) гуруҳларга бўлиниб кетишига қарши курашиш, социалистик ва капиталистик тузумларнинг яқинлашуви (конвергенция), аини вақтда демилитаризация (ҳарбий, уруш ҳаракатлари ва ҳаражатларини кескин камайтириш), халқлар ўртасида ўзаро ишонч уйғотиш, инсон ҳуқуқларини, қонун ва озодликни

ҳимоя қилиш, инсонлардаги маънавий, руҳий асосларни қучайтириш зарур.

Мана шундай яқинлашув жараёнида вужудга келадиган иқтисодий тузум қаққон ўзгарувчанликни, озодликни, социал турмуш муваффақиятларини бутун жаҳонни изга солиш имкониятларини ўзида жамлаган аралаш экономика бўлмоғи керак.

БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг мавқеи ошиб бориши зарур. Мен шундай халқаро ташкилотларни фақат умуминсоний мақсадларни ўйлайдиган бутун дунё ҳокимиятининг қуртаги, негизи, деб ўйлайман.

Лекин ҳозирнинг ўзида ҳам имкони борича ва тезроқ ана шу марраларга элтувчи оралик зиналарни бунёд этиш, дастлабки қадамларни ташлаш зарур. Назаримда, энди ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ва маданий ёрдам бериш, айниқса, уларга озик-овқат проблемасини ҳал этишга ва иқтисодий фаол, маънавий соғлом жамият тузишга ёрдам бериш билан боғлиқ фаолиятни кенгайтириш, ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини ва табиат муҳофазасини назорат қилувчи халқаро маслаҳат ташкилотларини тузиш ана шундай қадамлардан бўлур эди. Энг оддийси ва энг муҳими — ўзига хос фикрловчиларни таъқиб қилишнинг ҳар қандай кўри-нишларига ҳамма жойда барҳам бериш, ҳозир мавжуд халқаро ташкилотлар (Қизил крест, Бутун дунё соғлиқни муҳофаза қилиш ташкилоти, Эмнести Интернешнл... ва бошқалар)ни ҳамма жойларга, айниқса, инсон ҳуқуқлари поймол қилинаётган мамлакатларга, биринчи навбатда сиёсий маҳбуслар сақланаётган қамоқхоналарга ва руҳий касалликларнинг қамоқхоналарига бемалол кириши учун очиш, ер юзи бўйлаб инсонларнинг эркин ҳаракати — реэмиграция (шахсий борди-келдилар) муаммосини демократик асосда ҳал этиш зарур.

Ер юзи бўйлаб эркин кўчиб юриш проблемасининг ҳал этилиши, айниқса, социалистик мамлакатларнинг ёпик жамиятларини эркинлаштириш учун, ўзаро ишонч муҳитини ҳосил қилиш учун, турли мамлакатларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий стандартлари — қондаларини яқинлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозир социалистик мамлакатларда ҳаммага овоза қилинаётган туризм — саёҳатлар эркинлиги соҳасида ҳали жуда кўп кўзбўямачилик, расмиятчилик, шифқатсиз чеклашлар борлигини ғарб одамлари тушунишадими-йўқми, билмадим. Давлат ишончига кирган озгина одамлар учун чет эл сафарлари, аслида, замонасозларга йўл бериладиган «ғарбчасига» яса-ниб олиш, умуман олганда, сара давралар(элита)га кириш учун кучли жалб этувчи (жозиб) имкониятдан иборат, холос. Одамларнинг хоҳлаган мамлакатда яшаш эркинлиги ҳақида мен кўп марта ёзганман, аммо бу соҳа — «бузилиши лозим бўлган кафеген»лигича қолмоқда.

Яна бир бора таъкидлаб айтманки, инсон ҳуқуқлари учун кураш — бугунги кунда чинакам тинчлик учун курашдир. Худди шу боисдан бутун дунё одамлари ҳуқуқларининг декларацияси — барча халқаро ташкилотлар фаолиятининг, жумладан, мазкур декларацияни 25 йил муқаддам эълон қилган Бирлашган миллатлар ташкилоти фаолиятининг тамал тоши бўлиши зарур.

## Келажакнинг техникавий қиёфаси қандай бўлади?

Мақоланинг иккинчи қисмида асосан илмий-техникавий руҳдаги айрим футурологик гипотеза(илмий тахминлар)ни баён этмоқчиман. Бу тахминларнинг кўпчилиги у ёки бу тарзда матбуотда айтилган, шу боисдан мен уларни муаллифи ҳам, эксперти ҳам эмасман. Менинг мақсадим — келажакнинг техника соҳасидаги умумий манзарасини тасаввур қилиш. Табиийки, ушбу манзара анчайин фаразий тахминий ва субъектив, баъзан эса хаёлийдир. Шунингдек, бу ерда мен ўзимни аниқ муддат 2024 йил билан боғламайман, балки назаримда юз бериши мумкин бўлган ўзгартишлар ҳақида фикр юритмоқчиман. Яқин ўтмишни башорат қилганлар кўпинча муддатларни ошириб юборганлар, ҳозирги футурологлар акс-хатога йўл қўйишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Тахминимча, аҳоли кўпайиб кетган, ҳаёт кечирши учун

1 СССРда ядро қуроллари қучайишига Андрей Сахаров ҳисса қўшган эди — М. М.

нокулай бўлиб қолган индустриал дунёда аста-секин икки турдаги жойлар ажралиб чиқади. Уларни шартли равишда меҳнат жойлари (мж) ва хушманзара жойлар (хж) деб аташ мумкин. Майдони каттароқ бўлган ХЖ — ер ўзида табиий мувозанатни сақлаш, дам олиш, инсоннинг ўзидаги мувозанатни тиклаш мақсадларига хизмат қилади. Майдони камроқ ва аҳоли зичлиги зиёдроқ МЖда эса одамлар кўп вақтини ўтказиши, қишлоқ хўжалиги билан интенсив (унумли) шуғулланиши, бу ерларда табиий амалий эҳтиёжларга мослаштириб ўзгаририлган, автоматик ва ярим автоматик каттакон заводлари бўлган бутун sanoat комплекслари жойлашади, деярли барча одамлар «колий-шаҳарлар»да — марказида сунъий иқлими, ёриткичлари, автоматлашган ошхоналари, голографик (ростакамга ўхшаш) хушманзара деворлари каби сунъий қулайликлари бўлган кўп қаватли осмонўпар уйларда яшайдилар. Аммо, бундай шаҳарларнинг атрофларида ўнлаб километрларга чўзилиб кетган қишлоққа ўхшаш чекка жойлар бўлади. Мен бу чекка жойларни ҳозир анчайин фаровон яшаётган мамлакатлардаги жойларга ўхшатаман. У ерларда боғчалари, полизчалари, болалар муассасалари, спорт майдончалари, чўмишли ҳовузлари, маиший турмуш учун зарур замонавий шаҳар қулайликларига эга бўлган оилавий котеждж-уйчалардан иборат ҳавоси тоза шаҳар чеккалари бўлади. Бу жойларда шовкинсиз ва қулай жамоат транспорт — борди-келди воситалари, хунармандчилик ва бадий буюмлар тайёрланган устхоналар, эркин ва ранг-баранг маданий ҳаёт кечади.

Аҳоли зичлиги жуда зиёд бўлишига қарамай, МЖда агар социал (турмуш) муаммолари ва давлатлараро муносабатлар яхши, оқилона йўлга қўйилса, ҳар бир инсон ҳозирги тараққиёт этган мамлакатлардаги ўрта ҳол синфлар ҳаётинан қилинмайдиган даражада соғлом, табиий ва бахтиёр ҳаёт кечириши мумкин, яъни, у жойларда одамлар кўпчилик замондошларимиздан кўра яхшироқ яшайдилар. Айни чоғда келажак одамлари, умид қиламанки, бўш вақтларининг бир қисмини (камроқ қисмини бўлса ҳам) янада табиийроқ шароитларда — ХЖда ўтказишлари мумкин. Тахминимча, хушманзара жойларда ҳам одамлар жамият учун ҳақиқий зарур мақсадлар билан яшайдилар — у ерларда дам олибгина қолмасдан, қўллари ва бошларини ишлатадилар — гуллари парвариш қиладилар, китоб ўқийдилар, ўйлайдилар. Улар аждодлари кургандай, ўз қўллари билан курган чайларда ёки уйчаларда яшайдилар. Тоғ жилгаларининг шариллашини, ўрмонлар шовурини тинглайдилар ёки сокинликдан завқ олиб, ёввойи табиат, ўрмонлар, осмон ва булутларни томоша қилиб, лаззатланидилар. Уларнинг асосий иши — табиатни ва ўзларини асраш бўлади.

Бу жойларнинг кўлами тахминан бундай: МЖ майдони — 30 миллион квадрат километр, аҳолининг ўртача зичлиги — бир квадрат километрга 300 одам тўғри келади. ХЖ майдони — 80 миллион квадрат километр, аҳолининг ўртача зичлиги — бир квадрат километрга — 25 одам тўғри келади. Ергаги умумий аҳоли — 11 миллиард киши. Одамлар ўз вақтларининг 20 фоизини хушманзара жойларда ўтказадилар.

МЖнинг табиий кенгайиши сифатида «учар шаҳарларни» — муҳим ишлаб чиқариш вазифаларини бажарадиган ернинг сунъий йўлдошларини кўрсатиш мумкин. Гелиоэнергетика (куёш нурлари ёрдамида ҳосил қилинадиган қувват), эҳтимол, нур дастали энергетик совуткичлари бўлган ядро ва термоядро қурилмаларининг анчагина қисми ана шу йўлдош шаҳарларга кўчирилади, бу эса Ер қурраси ортиқча қизиб кетишининг олдини олади. Яна вакуум металлургияси, парникли ва бошқа хўжаликлар, фазовий илмий лабораториялар, олис парвозларга хизмат қилувчи оралик станциялар ҳам ўша ерда бўлади. МЖда ҳам, ХЖда ҳам ерости шаҳарлари барпо этилиб, салкин хоналарда одамлар ухлайди, дам олади, кўнгул очади, ерости транспорти ва қазилма бойлик шахталарида ишлайди.

Дехқончиликни индустриаллаштириш, машиналаштириш соҳаларида (айниқса, МЖда) ўғитларнинг қўхна турларидан фойдаланишдан ташқари яна флот серунум сунъий тупроқ ҳосил қилиш, ҳамма жойларда мўл-кўл сўғоришни ташкил этиш, ижтимоий районларда парник хўжалигини кенг кўламларда ривожлантириб, бу соҳада қўшимча ёритиш, тупроқни илтиш, электрофорез ва, эҳтимол, физикавий таъсирнинг яна бошқа воситаларидан фойдаланиш мумкин бўлади. Албатта, ге-

нетика ва селекция (уруф саралаш)нинг биринчи даражали, ҳал этувчи аҳамияти сақланиб қолади, эҳтимол, янада кучаяди. Шу тариқа, кейинги ўн йилликларда бошланган «яхши инкилоб» давом этади ва ўсиб боради. Шунингдек, дехқончиликнинг янги шакллари — денгиз дехқончилиги, бактериялар ёрдамида экин ўстириш, сув остидаги микрооқсимликларни кўпайтириш, ўззиқорин ўстириш ва ҳоказо турлари пайдо бўлади. Уммонлар сатҳи, Антарктида, кейинчалик, эҳтимол, Ой ва сайёралар сатҳи аста-секин дехқончиликка мослаштириб борилади.

Ҳозирги вақтда овқатланиш соҳасидаги энг ўткир муаммо — оқсил етишмаслиги бўлиб, юз миллионлаб одамлар бундан жабр кўрмоқдалар. Истиқболда бу муаммони чорвачилик кўламини ошириш йўли билан ҳал этиб бўлмайди, негаки, ҳозирнинг ўзида дехқончилик майдонларининг 50 фоизда ем-хашак етиштирилмоқда. Бундан ташқари кўпчилик сабаблар, жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш — чорвачилик миқёсини қисқартиришни талаб этмоқда. Тахминимча, яқин ўн йилликлар давомида гўшт маҳсулотлари оқсиллари ўрнини босадиган маҳсулотлар, хусусан, сунъий аминокислоталар, айниқса, ўсимлик маҳсулотларини бойтадиган аминокислоталар ишлаб чиқарадиган sanoatнинг вужудга келиши чорвачиликни кескин қисқартиришга олиб боради.

Sanoat, энергетика ва маиший турмуш соҳаларида ҳам кескин ўзгаришлар юз бериши керак. Биринчи галда атроф-муҳитни асраш зарарли чиқиндиларни ташқарига бутунлай чиқармайдиган ёпиқ тартибдаги ишлаб чиқаришга ўтиши талаб қилади. Шу билан боғлиқ улкан техникавий ва иқтисодий муаммоларни (шунингдек, қишлоқ хўжалигини қайта қуриш, демография муаммоларини) халқаро миқёсдагина ҳал этиш мумкин.

Келажак sanoatда ва, умуман, келажак жамиятида кибернетик техника ҳозиргига нисбатан кенгроқ кўламларда ишлатилади

Тахминимча, бир вақтнинг ўзида ярим ўтказгичли, магнитли электрон-вакуум, фотоэлектрон, лазер, криотрон, газодинамик ва бошқа кибернетик техника турларининг ривожланиши sanoatнинг қуввати ва иқтисодий-техникавий имкониятларини ниҳоятда ошириб юборади.

Sanoat соҳаси кўпроқ автоматлашади, ишлаб чиқариш жамиятининг умумий талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ тез ўзгаришчан, қайта қурувчан қобилиятга эга бўлади. Sanoatнинг бундай қайта қуришга қобилияти фоят муҳим ижтимоий оқибатларга олиб келади. Умид қиламизки, келажакда ривожланган мамлакатларда юз бериб турган ва қисман оммавий ишлаб чиқаришдаги консерватизм (эскича ўйлаш) билан боғлиқ бўлган, табиат бойликларини ва атроф-муҳитни сақлашга зарар келтираётган, фалокатларга учратаётган, сунъий равишда туғилаётган «эҳтиёждан ортиқча талаб» каби иллатларга барҳам берилади.

Маиший техника соҳасида энг содда автоматлардан кўпроқ фойдаланилади.

Алоқа ва ахборот хизмати соҳаларидаги тараққиёт тобора муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур тараққиётнинг биринчи босқичида бутун дунё учун ягона телефон ва видеотелефон алоқа силсиласи вужудга келади. Истиқболда, эҳтимол, 50 йилдан кейинроқ, бутун дунё ахборот силсиласи — системаси ташкил топади, бу нарса исталган лаҳзада ҳар қандай жойда ҳар қандай вақтда босилиб чиққан ҳар қандай китоб, мақола мазмунини билиб олишни, ҳар қандай маълумот олишни осонлаштиради. БАС ҳар бир одамда сўраш учун мўлжалланган жажжи радио — қабул қилгич-узатгичлар, ахборот оқимини бошқарувчи диспетчерлик хоналари, минглаб алоқачи сунъий йўлдошлардан иборат алоқа йўллари кабель ва лазер узатгичлари бўлишни таъминлайди. БАС қисман амалга ошганида ҳам ҳар бир одамнинг ҳаётига, дам олишига, ақлий ва бадий ўсишига жуда катта таъсир кўрсатади. Замондошларимизнинг асосий ахборот воситаси бўлган телевизордан фарқли ўлароқ, БАС ҳар бир инсонга ахборот танлашда ва шахсий фаоллигини оширишда катта эркинликлар беради.

Аммо, БАСнинг чинакам тарихий аҳамияти шунда бўладики, барча мамлакатлар ва барча одамларнинг ўзаро ахборот алмашувидида барча тўсиқлар олиб ташланади. Ахборот олишининг осонлашуви, айниқса, санъат асарларидан кенг хабардор бўлиш санъат асарларининг маълум даражада қад-

рини тушириши мумкин\*. Лекин, умид қиламанки, бу зиддиятни бартараф этиш йўллари топилади. Санъат ва уни идрок этиш шу қадар шахсий хусусиятга эгаки, асар ва санъаткор билан шахсан танишувнинг кадр-қиммати ҳамisha сақланиб қолади. Китоб, шахсий кутубхона ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолади, чунки улар айрим шахснинг саралашининг маҳсули сифатида, бу саралашнинг гўзаллиги ва яхши маънодаги аънавийлиги туфайли ҳамisha қадрлидир. Санъат асари ва китобдан баҳра олиш ҳамisha байрамдир.

Энергетика ҳақида. Ишончим комилки, 50 йил ичида улкан электростацияларда кўмир ёқилиши ва чиқиндиларнинг буткул ютиб юборилиши ўз мавқеини сақлаб қолади, ҳатто кучаяди. Айни вақтда, шубҳасиз, атом энергетикаси, кейинроқ — термоядро энергетикаси кенг кўламда ривожланади. Атом энергетикаси чиқиндиларини «кўмиш» («дафн этиш») муаммоси ҳозирнинг ўзида фақат иқтисодий муаммо бўлиб қолди, истикболда бу иш янада осонлашади. У, келгусида иссиқлик электростанцияларида ёқиладиган газлардан олтингугурт ва азот оксидларини ажратиб олишдан кўра қийин бўлмайди.

Транспорт ҳақида. Оилавий-шахсий транспорт соҳасида ХЖда майсозорларни қуритмайдиган, асфальт йўллари талаб қилмайдиган аккумуляторли қадамловчи арава автомобиль ўрнини босади. Асосий юкларни ва йўловчиларни ташиш учун атом юритгичли (двигателли) гелийли (қуёш қувватидан баҳра оладиган) дирижабллар, эстакада ва туннелларда эса атом юритгичли тезорар оташаравалар (поездлар) вужудга келади. Баъзи ҳолларда, айниқса, шаҳар транспортда махсус силжувчи оралик, қурилмаларга ҳаракат вақтида юк ортиб, тушириш мумкин бўлади (Херберт Уэллснинг «Уйкудаги одам уйғонмоқда» романида тасвирланган силжувчи йўлаклар, ёнма-ён (қатор) йўллардаги юк вагонлари ва ҳоказолар).

Фан, энг янги техника, космик тадқиқотлар ҳақида. Илмий тадқиқотларда мураккаб жараёнларни назарий ҳисоблаб чиқиб, «моделлаштириш» (тархлаш) ҳозиргидан кўпроқ аҳамият касб этади. Хотира кўлами катта ва тез ишлайдиган ЭҲМлар (қаторасига ишлайдиган, эҳтимол, фотоэлектрон ёки ахборот майдонлари—манзараларни манتيкий ҳосил қилувчи соф оптик машиналар) кўп қатламли вазифаларни, эркинлик даражалари янада кўпроқ миқдордаги вазифаларни, жуда кўп жисмларнинг кванто-механикавий, статистик ва бошқа вазифаларини ҳал этиш имкониятини беради. Масалан, об-ҳавони олдиндан айтиш, Қуёш тожи ва бошқа астрофизик объектларнинг магнитли газодинамикасини аниқлаш, органик (жонли) молекулаларни, энг оддий биофизик жараёнларни ҳисоблаш, қаттиқ ва суюқ жисмлар, суюқ кристалларнинг ҳамда энг оддий зарраларнинг хоссаларини аниқлаш, космологик ҳисоб-китоблар, металлургия ва химия санъатидаги каби «кўп қатламли» ишлаб чиқариш жараёнларини ҳисоблаш, мураккаб иқтисодий, социологик ҳисоб-китоблар ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Гарчи ҳисоблаб чиқиб моделлаштириш ҳеч қачон тажриба ва кузатишлар ўрнини босолмасда, ҳар ҳолда улар фанини тараккий эттиришга қўшимча имкониятлар беради. Масалан, бу ишлар муайян ҳудисларнинг назарий изоҳлари қанчалик тўғри эканлигини текшириб кўриш учун ажойиб имконият яратади.

Эҳтимол, хона ҳароратида жуда тез ўтказувчан моддаларни синтез қилиш соҳасида катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Бундай кашфиётлар электротехникада ва, умуман, техниканинг жуда кўп соҳаларида, масалан, транспортда инкилоб ясаши мумкин (магнит «ёстиқли» ўта ўтказувчан рельсларда юк ёки йўловчиларни ташувчи вагонлар филдираги ишқаланмасдан, силлиқ силжийди, албатта, бунинг акси ҳам, яъни вагонларнинг чаналари ўта ўтказувчан, рельслар эса — магнитли бўлиши ҳам мумкин).

Тахминимча, физика ва химия (эҳтимол, математик моделлаш билан бирга) асосий хоссалари жиҳатидан табиий буюмлардан қолишмайдиган синтетик буюмлар олиш имконини

Чинакам санъат асарларидан қанчалик кўп одам баҳра олса уларнинг қадри ошади. Масалан, фиръавн Тутанхамоннинг олтин ҳайкали ХХ асрда жуда кўпчиликка намойиш этилди, унинг шўхрати ошди — М. М.

беради (бу соҳада илк қадамлар бор), шунингдек, юқоридаги муваффақиятлар туфайли жонли табиатнинг бутун-бутун силсилалари (системалари)нинг кўпгина нодир хусусиятларини сунъий ҳосил қилиш мумкин бўлиб қолади. Келажақ автоматларда тежамли ва осон бошқариладиган сунъий «мусуллар»ни қисқариш хоссасига эга бўлган полимерлардан ясаш мумкин: ҳавода ва сувда сунъий «бурун» тарзида ишлайдиган, органик аралашмаларни нозик сезадиغان анализаторларни тасаввур қилиш мумкин ва ҳоказо. Махсус ерости ядро портлашлари ёрдамида графитдан сунъий олмос ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Маълумки, олмослар ҳозирги техникада муҳим аҳамиятга эга, арзон олмослар олиш бу ишларни янада ривожлантиради.

Космик тадқиқотлар ҳозиргига нисбатан анча муҳим ўрнини эгаллайди. Келажақда бошқа сайёралардаги цивилизациялар билан алоқа ўрнатишга уринишлар кенгайди, деб ўйлайман. Фазодан барча маълум ва номаълум нур сигналларини қабул қилишга уринишларни, айни вақтда ўзимизда — ер юзиде нур сигналлари юбориш қурilmаларини лойиҳалаш ва амалга оширишга уринишларни қувватлашимиз лозим. Жумладан, фазода ўзга сайёраларнинг цивилизациялари юбориши мумкин бўлган ахборот снарядларини излаш керак. «Ташқаридан» келадиган ахборот — инсон ҳаётининг барча соҳаларига, фан-техникага инкилобий таъсир кўрсатиши мумкин, ва эҳтимол, ижтимоий тажриба алмашинув маъносиде фойдалидир. Бу соҳада яқин-ўрталарда муваффақиятга кафолат бўлмасе ҳам, изланишларни тўхтатмаслик зарур. Чунки, ҳеч нарсага уринмаслик оқилона иш эмас.

Космик илмий лабораториялар ёки Ойга ўрнатилган бақувват телескоплар яқин-ўрталардаги (масалан Центавр альфаси ёки бошқа) юлдузлар атрофида айланаётган сайёраларни кўришга имкон беради, деб ўйлайман. Атмосфера тўсиқлари ердаги телескопларнинг кўзгуларини ҳозиргисидан катталаштиришга имкон бермайди.

Чамамда, 50 йилликнинг охирида Ой сатҳидан, шунингдек, астероидлардан ҳўжалик мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлади. Астероидларнинг сатҳида махсус атом зарядларини портлатиб, уларнинг ҳаракатларини бошқариб, эҳтимол, ерга «яқинроқ» келтириш мумкин.

Мен фан-техниканинг келажаги ҳақида айрим тахминий фикр-мулоҳазаларимни айтдим. Лекин, мен бу соҳанинг энг муҳим, ўзак муаммолари — инсоннинг чексиз қизиқувчанлиги, фикр-хаёлот кудратининг самалари бўлмиш энг абстракт (мавҳумлашган) назарий тадқиқотлар ҳақида ҳали гапирмадим. ХХ асрнинг биринчи ярмида ана шундай тадқиқотлар туфайли махсус ва умумий эҳтимоллик назарияси, квантий механика вужудга келди, атом (зарра) ва атом ядросининг тузулиши кашф этилди. Бундай катта кўламдаги кашфиётлар қандай оқибатларга олиб келишини билиш қийин бўлган ва қийин бўлади. Таваккал қилиб, шунда ҳам анча гумонлар билан, келгусида ана шунақа кенг кўламдаги кашфиётлар қайси йўналишларда юз беришини айтишга уриниб кўраман. Оддий зарралар назарияси ва космология соҳаларидаги тадқиқотлар ҳозир мавжуд тадқиқотларни аниқ ривожлантиришдан ташқари, макон ва замон тузулиши ҳақида мутлақо янги тасаввурларни вужудга келтириши мумкин. Физиология ва биофизика соҳаларида, медицинада ҳаётий вазифаларни бошқариш соҳасида, социал (ижтимоий) кибернетика, ўз-ўзини ташкил этиш умумий назарияси соҳаларида кутилмаган ўзгаришлар юз бериши мумкин. Ҳар бир улкан кашфиёт бевосита ёки билвосита инсоният ҳаётига катта таъсир кўрсатади.

## Тараққиётнинг муқаррарлиги

Фан-техника тараққиётининг ҳозирги асосий йўналишлари келгусида ҳам давом этиши ва ривожланиши муқаррардир. Фан-техника тараққиётини маънавият ва экологияга зарарли деб ҳисоблайдиган айрим мутафаккирларнинг хавфсирашларига қўшилганим ҳолда келгусида ФТР унчалик катта фожеаларга олиб бормади, деб ўйлайман.

Аҳолининг кўпайиши, табиий бойликларнинг камайиши туфайли инсоният қадим-қадимлардаги «соғлом» даврга қайтишни хоҳласе ҳам, қайтолмайди (аслида, ўша соғлом

даврда ҳам ҳаёт оғир, кўпинча шафқатсиз ва қайғули эди). Доимий рақобат, иқтисодий ва сиёсий қийинчиликлар шароитида орқага қайтиш мумкин эмас. Фан-техника тараққиётининг турли қирралари — урбанлашув (аҳолининг шаҳарликлашиб бориши), индустрлаштириш, машиналаштириш ва автоматлаштириш, сунъий ўғитлар ва захарли химикатларни қўлланиши, маданиятнинг ўсиши ва дам олиш вақти имкониятлари ортиши, медицина тараққиёти, овқатланишнинг яхшилланиши, ўлимнинг камайиши, умрнинг узайиши — ҳаммаси ўзаро боғлиқ бўлиб, натижада тараққиётнинг бирор йўналиши тўхтатилса бу бошқа йўналишларига таъсир кўрсатади, демек, тараққиётнинг бирор йўналишини тўхтатишнинг иложи йўқ.<sup>1</sup> Бутун дунё термоядро фалокати, очарчилик, ялпи касаллик тарқашаи, ялпи вайроналик оқибатида цивилизациянинг йўқ бўлиб кетишигина тараққиётни орқага қайтариши мумкин. Аммо, бу фалокатларни фақат жимгина хоҳлаши мумкин.


Ҳозир оламдаги аҳвол тўғри ва тўпори маънода жуда танг бўлиб қолди, очлик ва бевақт ажал кўпларнинг ёстиғини қуритмоқда. Шунинг учун ҳозирги даврда чинакам тараққиётга эришиш учун яна шу фалокатларга қарши курашиш — биринчи галдаги вазифадир. Бошқача ҳар қандай йўллар қуруқ олифтагарчиликдан ўзга нарса эмас. Шу билан бирга

мен фақат моддий-техникавий тараққиётни мутлоқлаштирмоқчи эмасман. Ишончим комилки, бутун инсоният уюшмаларининг бош вазифаси — туғилиб, дунёга келган барча одамларни ортиқча ғам-кулфатлардан, бевақт ажалдан қутқариш билан бирга бутун инсониятдаги инсоний фазилатларни — оқилона қўллар ва оқилона бошларни ишлатиш қувончини, одамларнинг ўзаро мададкорлиги ва дилкаш муносабатлари қувончини асраб қолишдир. Лекин бу иккала вазифа менимча бир-бирига зид эмас. Ҳозирнинг ўзида тараққиёт этган, индустрлашган мамлакатлар (Баъзан, Қувайт каби индустрлашмаган мамлакатлар ҳам — М. М.) бошқа қолоқроқ ва очлик ҳукм сурган мамлакатларга нисбатан тузук, соғлом яшаш имкониятига эга. Одамларни очликдан, касалликлардан қутқарувчи тараққиёт инсонлардаги одамийликни, фаол оққунгилликни асрашга ҳалал бермаслиги керак.

Ишончим комилки, инсоният одамлардаги одамийликни, табиатдаги табиийликни сақлаб қолган ҳолда улкан, зарур ва муқаррар тараққиётнинг мураккаб вазифаларини оқилона ҳал этиш йўллари топади.

<sup>1</sup>А. Сахаровнинг бу фикри унчалик тўғри эмас. Айниқса, захарли химикатларни камайириш бошқа фойдали соҳаларни издан чиқармайди — М.М.

## Тил сандиғи



**Ағаз** — қавариқ.

**Гадут** — без.

**Фелак** — қийма гўштининг думалоқ шакли.

**Ғулба** — қувур.

**Ғунда** — қора қурт.

**Уш** — ток кўчати.

**Ушук** — тузсиз.

**Қумри ШОДИЕВА, Бухоро шаҳар Ф. Хўжаев номидаги педагогика билим юртининг ўқитувчиси**

**Куртук** — бешбармоқ.

**Зинкилдамоқ** — тез-тез келмоқ.

**Сибашик** — ёпишган.

**Нигора АБДУРАҲИМОВА, Хоразм вилояти Гурлан ноҳияси**

**Қут** — шимол.

**Терма** — қор кўчкини.

**Тушлик** — жануб.

**Сурмайи** — шом билан хуфтон оралиғи.

**Газанак** — сўнгги куз кунларидаги сапча.

**Гурпиш** — қўрқитишга ҳаракат қилиш.

**Ёйилма** — массив.

**Ғўббанг** — бўш-баёв.

**Ув** — заҳар-заққум.

**Т. СУЛАЙМОНОВ, Сирдарё вилоятидан.**

**Мўлақо** — тупроқ уюб қилинган белги.

**Туборсин** — ёмғир, қордан кейин ернинг устки қатлами селгиб, экин экса бўладиган ҳолга келиши

**Қўйинди** — қабристоннинг эл орасидаги ата-маси.

**Қовурчин** — ҳали вояга етмаган. М: Ҳали қовурчини қотмаган бола.

**Навқан** — кампания маъносида. М: «Манаҳ (бошоқ) териш навқанини ўтказиб юборайлик».

**Ғофир МУСУРМОНОВ, Галлаорол ноҳияси Қўйтош қишлоғидан.**

**Дигириқ** — кўздан пана бўлган тор жой.

**Кўпчик** — суянишга мосланган катта ёстиқ.

**Англомоқ** — бирор жойга вақтида етиб бормаслик, улгурмаслик.

**Ойроти** — бировнинг вақтинча олиб ишлатилган буюми; омонат нарса.

**Гапиринди** — ҳавоси дим, иссиқ бўлиб, тоза ҳаво кирмайдиган жой.

**Мослиқ** — кири ювилмаган, рангининг қанақалигини билиб бўлмайдиган исқирт кийим; латта-лутта.

**Машқала** — оила-рўзғор ишлари билан банд бўлиш.

**Ҳалима ХИДИРОВА, Қорақалпоғистон АССР, Беруний шаҳридан.**

**Зуғата** — ғалтак.

**Иргайил** — лилипут.

**Машак** — урғочи бедана.

**Момотирноқ** — чиғаноқ.

**Носоқи** — бадбахт, уятсиз, шарманда.

**Татаман** — такаббур.

**Тебана** — йўғон игна.

**Яхшибой ҲУСАНОВ, Самарқанд вилояти Пахтачи ноҳияси Хумор қишлоғидан.**

# Күнглим ларзага туниди

Яхё Тоға



## Чизиқ ёки таржимаи ҳол

Онам:  
— Чизган чизиғимдан  
чиқмагин, — деди.  
Кўндим.  
Бозор куни.  
Оёғим учида,  
шу чизиқ устида юриб  
кунни кеч қилдим.

Эртаси боғчага бордим.  
Намунали боғчага.  
Бу ерда ҳам,  
қаранг,  
мен учун  
чизиқ чизиб қўйилган экан.

Ёшим етиб бир кун  
ўзимни  
мактабда кўрдим.  
Намунали мактабда.  
Бунда ҳам чизиқ.  
Қизиқ.  
Чизиқлар бири биридан  
андоза олгандай  
жуда ўхшаш эди.  
Шу чизиқдан чиқмай  
мактабни тугатдим.  
Баҳолар аъло.  
Хулқим: намунали!  
Ҳарбийда бўлдим.  
Дорилфунун.  
Шу чизиқдан чиқмадим аммо.

Ўттизга кириб англадимки,  
Бу чизиқ  
эркимнинг кишани экан.  
Мен ўттиз йил билмай яшабман.  
Қорним тўқ.  
Устим бут.  
Бахтлига ҳам ўхшайман ҳатто.  
Фақат бахтим  
чизиқ ичинда.

Ичимда ҳам ўша чизиқ  
шаклланиб улгурган эканми,  
Эрталаб боғчага  
кетаётган ўғлимга  
тайинлаб юбордим:  
«Чизиқдан чиқма!»

Юрагимда санчиқ тургандай бўлди.  
Идорага йўналдим кўксимни ушлаб.  
Йўлда алам билан  
одамларга разм солдим.  
Қарасам денг,  
Ҳамма бир чизиқдан кетаётибди  
Гўё чумолилар.  
Чизиқ — юртга келган тўй экан.  
Кўнглим ларзага тушди.

## Етим қиссаси ёки бардошдан бино бўлган бола

Ямоқ энги қуримас ёшдан,  
Ёшин тошдай ёстиқлар ичган.  
Тақдир бошин яратган тошдан,  
Кўйлагини қарғишдан бичган.

Тили аччиқ, нони миннатда  
Қаҳри қаттиқ ўгай онанинг.  
Кўли қотиб кетар меҳнатда,  
Суяги қотмаган боланинг.

Гоҳ бешигин қучоқлаб йиғлар,  
Таскин бўлар сутнингми ҳиди...  
Бу боланинг онаси ўлган,  
Ўлмагандир фақат умиди.

## Сен оппоқсан...

Сен оппоқсан ҳамиша,  
Мен ҳамиша қораман.  
Сохта севинчингни сен,  
Мен дардимни ёраман.

Мунг сиғмаган кўзимга  
Боқар кўзларинг беғам.  
Милтиқ сенинг қўлингда,  
Мен — нишондаги одам.

Сенинг ошиғинг олчи,  
Менинг эса ҳасратим.  
Сен ўзингни, жоним, мен  
Севгимизни асрадим.

## Умидимга инондим

Шум бўлмаган, тулки бўлмаган  
Девонага инондим, она.  
Сўздан бўлак мулки бўлмаган  
Сўзонага инондим, она.

Болаликнинг саслари тинди,  
Ҳавасларнинг қафаси синди.  
Ҳайратимга «хайр!» деб, энди  
Майхонага инондим, она.

Бу дунёнинг минг ҳийласидан  
Ҳайронага инондим, она.  
Ўз-ўзининг насибасидан  
Бегонага инондим, она.

Афсоналар айлади асир,  
«...изм»ларга инондим басир.  
Шеърят деб аталган қаср —  
Кошонага инондим, она.

Ақлим етмай баланд-пастига  
Замонага инондим, она.  
Ўлимларга қасдма-қасдига  
Паймонага инондим, она.

Мен кечмадим имондин, она,  
Кечдим яхши-ямондин, она.  
Умидимга инондим фақат,  
Пешонага инондим, она.

## Сўраб олинган ҳурмат

Ешимни ҳурмат қил!  
Манглайга теккан  
муштдай жаранглайди бу калом.  
Ҳар куни эрталаб (тақдир шу экан)  
ёшига,  
ёшига бераман салом.  
Бу одамнинг нафси бор  
йўғон,  
ўзидан-да йўғон,  
сиғмас қулочга.  
Бор-йўғи шу.  
Хуллас, ҳурматлайдирғон  
Ҳеч нимаси йўқдир ёшидан бошқа.

## Қизил олма

Олма отиб яноғи ол бўлғайму,  
Қоши ҳилол, дудоғи бол бўлғайму?

Юзин тўсар попуклари рўмолин,  
Ҳар попуги сирли савол бўлғайму?


Ковушининг учгинаси ер чизадур,  
Бу чизиқлар ўсиб дувол бўлғайму?

Қувнаб учар қуш капалак гул уза,  
Эрта булар умри завол бўлғайму?

Сувда оқар олмагина оқ бўлиб,  
Эгасининг қомати дол бўлғайму?

Бирин-сирин ер қучади гулбарглар,  
Далда бўлар бирор шамол бўлғайму?..

Олма отиб яноғи ол бўлғайму,  
Олмачаси ёки увол бўлғайму?



## Чамбилбел

Бир кўнгли қора сеҳргар  
узун режа тузиб,  
бу юртни кўз остига  
бостириб кетади.

Сал сўнгроқ эса  
шогирдлари, мулозимлари  
неки топса,  
қўлтиғига қистириб кетади.

Учаргиламларга солиб кетади,  
ўтуловларида олиб кетади  
тилласини, пилласини  
ҳийла билан, дўқ билан.

Йўлни тўсиб чиққан жўмардлар  
адирларда қолиб кетади  
курагида ханжар билан,  
кўкрагида ўқ билан.

# Райҳон иси тутган ҳовли

Қисса\*



Аппон унинг бу қилиғидан янада тутади. «Елғон йиғи қиялпти, ёлғондан йиғляпти!» деб муҳокама юритди, сўнг эса нега шу дамда Содир аканинг йиғиси сохта-сохтамаслигини аниқлаш кўнглига сиққанидан ажабланди. Бари бир, ўзи сезмаган ҳолда боз-унга ўғит-берди: ҳечқурса кўзингга тупук суртиб йиғласанг-чи, аблаҳ! Кўзингга тупук суртиб ол!..

Шу маҳал хира ёниб турган чироқ лип-лип қилдию ўчди-қолди. Хона ичини ғира-шира қоронғилик чулғади. Аппон чўчиб кетди. Кейин эса, пайтдан фойдаланиб, Содир акани бўғиб қўймоққа ҳам чоғланди-ю, бироқ шайтоннинг васвасасига учмади, ақл-идроки устун келиб, бу номаъқулчиликка йўл бермади. Баногоҳ икки-учта вассаси йўқ бўлган шифтдан бирин-сирин кўршапалаклар учиб тушиб, уй ичида гир айлана бошлади. Бир-иккитаси Аппонга келиб урилай-урилай деб яна кўтарилиб кетаверди.

— Аблаҳ, аблаҳ экансиз, Содир ака! — хитоб қилди у, ўрнидан туриб олди, боши узра кўршапалаклар айланаверди. «Тезроқ чиқиб кетиш керак! Бу иблисининг маконидан тезроқ чиқиб кетиш керак!» деган ўй миясига ўрнашиб олиб унга тинчлик бермади.

— Аблаҳман! Аблаҳнинг ишини қилганман!.. — деб шармандаларча айбини эътироф этди Содир ака. — Дадангам... Аямбой ҳам шу гапни айтувди! Сенам, Аппон, нима десанг деявер! Ҳаммасини бўйнимга оламан! Ҳаммасига иқроп бўламан!..

Аппоннинг нафрати жунбушга кирди. Буёғига нима қилишини, рўпарасида ётган чала ўлик одамга нима дейишини билмади. Узининг ҳам оёқ-қўллари боятдан бери дармонсизланиб, ғайришуурий тарзда титраётганини шу асно пайқаб қолди.

— Нариги дунёда нима дейсиз? Охиратда нима деб жавоб берасиз?! — овози ҳам титраб сўради Аппон. Содир аканинг жавобини кутиб ўтирмади, унинг бош томонига — сочиқ устидаги Қуръонга нигоҳини қаратди. Кўршапалаклар Қуръонга урилай-урилай деб пастлаб учардилару тағин юқорилаб кетаверардилар. Бир маҳал устида айланишга тушдилар. Аппон бора солиб Қуръонни қўлига олди. «Сен бу муқаддас китобни бошингда олиб ётишга нолайиқсан» деган мазмунда Содир акага ғазаб билан боқди, сўнг бу хонадонда ортиқ қолишни истамай, уни қўлтиғига суқиб ташқарига отилди. Эшикдан чиқиб кетаркан ортига ўгирилди: ярим қоронғи хонада кўршапалаклар энди Содир акани талағудай бўлиб тепасида гир айланишар, у кўрққанидан устидаги қалин қора чий духоба кўрпани бетиға тортиб олганди...

Аппон ҳовлига тушди. Этак томондаги пастаккина уйда лампа хира ёниб турганини ва уч-тўрт чоғли одам ана шу лампа ёруғида хонтахта атрофида кечлик овқатини тановул қилаётганини кўрди. Уй ёнидаги ўчоқбошида ҳам аллаким куймаланиб юрарди. Уша ерда яна битта лампа ёндию куймаланаётган Қобил экани аён бўлди. У лампани кўтариб уй четидаги йўлка билан шўёққа юрди. Ҳовли миёнасидаги гулзорга кўниб, ҳадеганда қағиллаб тағин қор тиланаётган қарғалар унинг шарпасидан чўчиб осмонга кўтарилдилар. Аппон Қобил тўхтатиб қолишини истамади — ҳовлини иложи борича тезроқ тарк этишга ошиқиб қадамини илдамлатди. У кўча эшикка етганида ичкаридан Содир ака набирасининг исмини айтиб жудаям ваҳимали овозда қичқирди...

Аппон аллақачон қоронғилик чўкиб улгурган пастқам кўчага чиқиб олганида бировникига ўхшаб қолган оғир боши зирқ-зирқ оғир ва бу оғриқ анча илгари бошланган эса-да, уни ҳозир пайқаган эди. У бошининг оғриғига ҳам қарамай, аждаҳонинг домидан омон-эсон қутулган

\*Охири. Боши ўтган сонда.

одамдай ҳорғин хўрсиниб қўйди. Шу маҳал тепасидан бир гала қарға қанот қоқиб учиб ўтди, салдан кейин тагин бил тўдаси аввалгиларга эргашди. Аппон қарғаларнинг қайга кетаётганини кузатди, кузатиш баробарида хаёлидан: «Содир аканинг қилган аблаҳлигини худо кечирармикин?» деган ўй ўтди, ўтдию Йўқ, йўқ, бу дунёда ҳаммасининг ҳисоб-китоби бор. Ҳа, уни отамнинг арвоғи уради, қайдам, балки ургани шу бўлсаям керак, деб ҳукм чиқарди. Туйқусдан оёқ босиши енгиллашгандай, этигининг тагидан сув ўтаётгандай туюлди. Шундагина ичкарида пучуқ калишини қолдириб чиққанини билди. Қолса-қолар қабилида қўл силтади-да, қўлтиғидаги Қуръонни қўйнига солиб, пўстинининг ёқасини кўтариб, ўнқир-чўнқир кўчалар билан қоронғилик қаърига кириб ғойиб бўлди...

## Йигирма тўрт йил кейин

«Агар кичик бир ўқ тегса дафъатан, У ўқ отганданмас, ўқ юборгандан!» У «Хамса»даги отаси тагига чизиб қўйган сатрларни хотирлади. «Шундай катта жароҳатни кичик бир ўқ ўрнида кўрган эканлар-да дадам», деб фикр қилди, фикр қилдию у ўқ отганданмас, ўқ юборгандан, дея қайта сўзланди, отаси нега ўшанда ошнаси Содир аканинг бу бадкирдорлигини ифшо этмаганини билишга тутинди. Аммо уринишидан арзирли наф чиқмагач, «Ҳар қалай, дадам Содир аканинг бу хиёнатини кўтаролмаганлари аниқ», деб хулосаланди, шундан сўнг хаёли ошнаси Абдулазиз томон кўчди... «Содир ака-ку ўзининг бадхоҳлигини қўрқоқлигига йўйганди. Қамалиб кетишдан қўрққани учун бундай разилликка қўл урганини дастмоя қилиб кўрсатганди. Лекин бу ярамасни нима жин урди? Қариган чоғида шу ишни қиладими? Наҳотки кечаги кўкрагидаги орденга, ўткинчи мақтовларга учган бўлса?! Ана шу майда хою ҳавасларга ўша қон кечиб келган йилларимизнинг азоб-уқубатларини алмашиб юборадими?.. Йўқ, йўқ, Абдаздаги шайтоний иллат илгари ҳам бўлган-у, аммо сен оиланг бошига тушган ташвишлар билан бўлиб, Бекободларда юриб келганин учун сезмагансан ё сезган бўлсанг-да унчалар аҳамият бермагансан!.. Нима қилганда ҳам шу йўлни тутиши керакмиди? Халққа қараб туриб ёлгон сўзлаши, бу фирибига мени, Шокирни, Молдахматни аралаштириши, ҳарҳолда, одам боласининг иши эмас-да!..» У Шокир базозни эслаши ҳамона отасининг қазоолди ўғити дига тушди. «Болам, бошқа нарсаларни эҳтиёт қилмасанг ҳам манови эски китобларни кўз қорачиғидай асра! Ўтмишимиздан узилиб қолганмиз, қачондир албатта қайтиш бўлади, шунда ўзбекнинг бирор қорига яраб қолар!» деганди уни Бекободга кузатаётиб отаси. Ушандаги гаплар ёдига тушдию: «Мен ўлиб қолсам, Сора бу китобларни битта-яримтага бериб юборса, ё чанг босиб ётиб йўқ бўлиб кетса, унда дадамнинг панд-насиҳатлари нима бўлади? Ҳар қалай, Шокирга бориб айтиш керак. У бирда: «Неварам китобга муккасидан кетган. Ўзиям бириккита китоб чиқарган — ёзувчиликдан хабари бор», деган гапни қилганди. Шу ўқиса, ўрганса, ҳарҳолда жамоат билан муомалада экан, ўзбекка бирор нафи тегиб қолар! Иннайкейин, Шокирни кўрмаганимга ҳам икки-уч йил бўпти, баҳонада унинг ўзиниям кўриб келаман», деб хулосаланди, бу юмушни шу бугуноқ ўринлатиш даркорлигини тушуниб, жавондаги батартиб терилган, отасидан кейин ҳеч ким ўқимаган, ўқиш уёқда турсин, қўлини уриб кўрмаган китобларга қайта бир кўз югуртди-да, хонадан чиқди.

Ҳовли ўртасидаги супага бориб оёқ узатиб ўтирди. Бошидаги бахмал дўпписини хонтахта устига қўйди-да, тепасидаги сўрида бири олиб бири қўйиб сайраётган беданаларга бефарқ тикилган кўйи тақир бошини қашиди. Эсноқ босгани сабаб оғзини кериб очиб ҳомуза тортди. Этак томонга қаради. Учоқбоши билан қазноқ оралиғидаги камгак ерда — тандир тагида талқон туюётган кампирини қақирди:

— Сора, ҳов Сора! Буюққа қара, гап бор!..

Сора кампир олтмиш билан олтмиш бешлар миёнасидаги бўйчан, бўйига мувофиқ чўзиқ юз, пайваста қош, бодомқовоқ — кўркамгина аёл эди. У ўғир дастани бир-икки кўтариб урди-да, чолининг ёнига бормаса унинг жаҳли чиқиб кетиши мумкинлигини ўйлаб, ишини чала қолдириб, супа ёнига келди.

— Манови ерга ўтир, — деб оёқ томонига ишора қилди Аппон чол.

Сора кампир у кўрсатган ерга ўтирди. Елкасига тушиб кетган кўк штапель пешанабоғини бошига тортгани, у билан баробар сочи учигадаги чўлпилари ҳам шиқирлаб юқорига кўтарилди.

— Ҳа, нима дейсиз? — деди у чолига, пешанабоғини бошидан олди, чўлтоқ супургига ўхшаб қолган бир тутам сочидаги чўлпиларни тўғрилаган бўлди, яна пешанабоғини қулоқлари орқасидан ўтказиб бошига ўради.

— Энди Сора, гап мундай, — деб салмоқланиб сўз бошлади Аппон чол. — Хабаринг бор, икки-уч кундан бери алоқ-чалоқ тушлар кўраман. Тушимда нукул дадам ёнларига чақираверадилар...

— Э, қўйинг-э, тагин шу гапми?! — қўл силтаб жеркиди Сора кампир. У чолининг гапидан энсаси қотиб, жаҳли чиққанидан эмас, балки унинг ҳақиқатан ҳам бир ой-ярим ойдан буюқ ўзини олдириб қўйгани, тушига отаси киргандан ҳам бурун, бошқа бир нимадан қаттиқ сиқилаётганини кўргани учун атайлаб уни уришиб берганди.

— Шундай дема, кампир. Мен бир нарсани билмасам гапирмайман. Дадам раҳматлиям ўзининг умри поёнига етганини ўлимидан бурун сезганди. Менам бир нарсани сезмасам бу гапларни айтмасдим.

— Аввал мен кетай, кегин сиз борарсиз, — гапни ҳазилга буришга уринди Сора кампир, хаёлидан эса: «Сиз кетсангиз менинг ҳолим нима кечади», деган ўй ўтди.

— Ундай дема, Сора. Сен кетиб мен қолсам аҳволим не кечишини биласанми?..

— ...

— Худого шукр, қизларни уйли-жойли қилдик. Куёвларинг ёмон йигитлармас.

— Биттаси келиб бизминан турганда-ку!.. — Сора кампирнинг юз бичимига мутаносиб бодомқовоғи уйлиб, қуруқшаган юпқа лаблари сезилар-сезилмас титради.

— Нима дейсан, хотин? Узлари хоҳлашмагандан кейин сиртмоқ солиб опкеласанми? Иннайкейин, ичкүёв бўлиб яшашни ҳаммаям истайди деб ўйлайсанми?!

— Шундоқ қизларимизни бериб қўйибмиз-ку! — кўзига ёш олди Сора кампир, кейин эса, йиғисини кўриб чили тутаб кетиши мумкинлигини ўйлаб, дарров гапни бурди: — Улар қартайганимизни назарларига илармидилар!..

— Майли, Сора, майли. Ўзидан тинч бўлса, иккала қизинг, шунинг ўзи сен билан менинг бахтим, — дея уни юпатди Аппон чол. «Мен кетсам шунга қийин бўлади, қизларга эмас!» деган ўй кўнглидан кечди, кечдию Қайдам, эҳтимол иккисидан бири уйига опкетар ё бўлмаса шу ерга кўчиб келар. Ҳар қалай, инсоф қилишар, уни ёлғизлатиб қўйишмас, деб сўзланди, шундан сўнг юқоридаги сўзида давом этиб: — Кеча бир



иш қип келдим, Сора, — деди, пича тек турди, кампир уни эшитмаётганини, кампирининг хаёли бўлак ёқларда эканини туйғач эса, овозини бир баҳя баландлатди: — Эшитяпсанми, Сора? Кеча бир иш қип келдим деяпман!..

— Қанақа иш экан? — қатламага ўхшаб қат-қат ажин босган иягига довури оқиб тушган кўзёшларини пешанабогининг бир учига артатуриб сўради Сора кампир.

— Гўрковга дадамнинг оёқ тарафларидан жой кўрсатиб келдим. «Шу ердан қазиб қўй», дедим. Тўғри қипманми?..

Сора кампир нечоғлик аянчли ҳолатда ўтирган бўлмасин, чолнинг бу гапи уни ҳайратлангирмай қолмади. У кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай, ҳадеб бир жумлани қайтараверди:

— Илойим қилган ишингиз қурсин! Одамам ўлмайтириб ўзига гўр қаздирарканми?!

— Шундай қилдим, Сора.

— Афанди бўлмай кетинг!..

— Бу ишни олдиндан қип қўймасам кўнглим жойига тушмайди, Сора. Сенинг бир ўзингга қийин бўлади-ми дейман.

— Ҳали рози-ризалик ҳам тилашармиз, — чолдан қаттиқ ранжиди Сора кампир.

— Гап мундай, хотин, — чордана қуриб ўтириб олди Аппон чол, жиддий тусга кирди. — Гўрковга, ювғичига бериладиган сарполарни ажрат. Гўрковникини шу бугуноқ тахт қилганинг маъқул. Кечки пайт хабар олгани борганимда биратўла ташлаб келаман.

Сора кампир бошида чолнинг бу гапларини шунчаки қариллик васвасаси ўрнида қабул қилганди, йўқ, иш мана бундай жиддий тус олганини кўргач эса, вужудини кўрқув, хавотир чулғаб олди.

— Э, қўйинг-э, Аппон ака! — деди у ёшига ярашмаган бир оҳангда, бир пайтлар қуюқ, қалин бўлгани сезилиб турган пайваста қошларини ўзи сезмаган ҳолда карашмали чимириб қўйди. — Қўйинг бунақа гапларни! Яхши нарсалардан гаплашайлик!..

Аппон чолнинг вужудини илиқ бир нарса қитиқлаб ўтгандай эди. Кампир неча йиллардан бери унинг исмини айтиб қақирмасди, унинг исмини баайни унутиб юборгандай бўлиб туюларди, ҳозир «Аппон ака» дедию юраги ғалати уриб кетди. Унга жуда яқин ва айни пайтда жуда олисда қолиб кетган хотиралари кўз ўнгида тажассумланди. Қачон унинг вужудини худди ана шундай илиқ, ёқимли туйғу илк бор қитиқлаб ўтганини эсга олишга тутинди. «Бўлди, бўлди, — деди у ўзига, — гўшангада эди! Ҳа, ҳа, гўшангада эди! Соранинг оғзидан биринчи марта ўз исминини эшитганимда ҳозиргига ўхшаб ғалати бўп кетгандим...» Аппон чол мийиғида кулди. Унинг кулгисини кўрган кампирининг юзи хиёл равшан тортди. Аппон чол унга юзланиб:

— Сора, ўзиям «Аппон ака» демаганингга минг йил бўп кетди-ёв, а? — деди, отасиникига ўхшаган чўққи соқолини силади, нуруний юзига кулги ёйилди. — Тагин бир қайтар, тагин бир марта «Аппон ака» дегин?..

Сора кампирга чолнинг ўтинч билан сўраши эриш туюлди, эришдан ҳам кўра бачкана кўринди. Шу боисдан:

— Қўйинг-э! Қариганда ярашмай қоларкан, чол, — деди.

Аппон чол ўзининг чоллигини эслаб қолди. Аппон чол ўзининг ўлимини, гўрковга гўр буюртиб келганини эслаб қолди — ширин хотиралари қандай тез суръатда ёдига тушган бўлса, худди шундай тез фурсатда ёдидан ўчди. «Афсус! — деди у чуқур хўрсиниш билан. — Қани эди у кунлар қайтса! Ҳаммаси бошқача бўлармиди?!» Ҳаммаси бошқача бўлмасди! Ҳам-

маси бошқача бўлиши учун бошқа Аппон бўлиши керак эди. Бу Аппон эса ўзгача яшолмасди. Шунинг учун ҳозирги ўйлари ҳам ёдидан жуда қисқа муддатда кўтарилди. У яна ўзига — етмишларни қоралаган Аппонга, ошнаси Абдулазизнинг қилган номаъқул ишларидан ҳали-ҳануз изтиробга тушаётган, ҳали-ҳануз у билан келишолмаётган Аппон чолга айланди-қолди.

— Ҳозир шаҳарга тушаман. Омонат кассасидан жамғармани опкеламан. Улимлигимга ишлатарсан, қолганини рўзгорга яратарсан. Ҳа, дарвоқе, қайтишда Шокирникига кириб келаман. Уни кўрмаганимга икки-уч йил бўп қопти. Иннайкейин, неварасини китобга ўч, ўзининг юрти ҳақида китоб ёзган деб эшитиб эдим. Шу йигитга дадамнинг китобларини бериб юбораман. Бари бир қизларнинг илмнинг кетидан бормади, куёвларинг ҳам... Дадам раҳматлининг васиятлари бор эди. «Китобларим бугун бўлмаса эртага ўзбекнинг бирор қорига яраб қолар, буларни эҳтиёт қил», дегандилар. Шу васиятларини бажармасам бўлмайди... Хўп, ундан кейин, почапўстин ва сувсар телпақиям куядан опқўй — Тиллага бераман — савоб бўлади!..

— Ота, ота деб келиб юрадиган Тиллагами? Анорматнинг жиянигами?

— Нима, ундан бошқаям Тилла борми?

— Йўқ, энди айтаман-да!

— Ўша Тиллага! Анорматда инсоф йўқ экан, шу етимчага кийим қип беришни ўйламайди. Қишин-ёзин солдатча қўйлаб тушмайди энглидан.

— Анормат Тиллани кийинторма хотинини кийинтиряпти. Салтанатни қаерда кўрмай сатанг бўп ясаниб олган бўлади. Икки чаккасидаги гажакка бало борми дейман!..

Кампирининг сўнги гапи таъсирида Аппон чолнинг ёдига боз қабристон воқеаси тушди. Бўривой билан чақчақлашиб ўтирган аёлнинг кулгисини тагин Салтанатникига ўхшатди. «Ҳа, ҳа, Салтанат эди, Салтанатнинг кулгиси эди!» деб ҳукм чиқарди. Мазкур ўйни калласидан чиқариб ташлашга қанчалар уринмасин — уҳда-ёлмади — у миясининг бир бурчига ўрнашиб олди. Устига-устак, ўзиники етмагандек, биров ҳам унинг гапини такрорлаб ўша ерига «Қулган Салтанат эди, ҳа, Салтанат эди!» деб гурзи билан тушираётгандек бўлаверди.

— Салтанатинг билан ишим йўқ, — деди у ғайришуурий бир тарзда, гурзи билан бошига тушираётганга жавоб берган бўлиб. Сўнг бу сўзлари кампирининг юқоридоғи гапига ҳам мувофиқ тушганини идрок этиб қолиб: — Мен Тилла ҳақида гапиряпман, — деб қўшиб қўя қолди.

— Ҳа, гапингизга айтаман-да, — ўзини оқлашга тутинди Сора кампир. — Тагин почапўстинни сотиб ичиб юбормасин Тилла. Эсингиздами, бирда икковимиз қаердандир қайтаётганимизда, нариги кўчадаги ёнғоқзорда анов шайтоннинг ичимлигини отиб олиб тупроққа беланиб ётувди...

— Сотиб юбормайди, — деди Аппон чол, хаёлидан эса: «Почапўстинни Тиллага бермоқчи бўлаётганим Сорага ёқмади чоғи», деган уй ўтди, ўтдию Ҳойнаҳой буну у куёвларидан бирига беришликни мўлжаллаб қўйган бўлса кераг-ов! «Куёв» деса анқонинг тухумини ҳам топиб келишга шай туради-ку! — деб сўзланди, сўнг қарорини қатъий эканига ишора қилди: — Мен унга тушунтираман: Аямбой отангдан эсдалик бу пўстин, уни эҳтиёт қил, дейман!..

Сора кампир «ўша девона сизнинг гапингизни тушунарканми?» қабилида қошларини паст-баланд чимириди.

Аппон чол кампирининг энсаси қотиб, қош чимиришига эйтибор бермади.

— Ҳай, майли. Қолган гапларни кейин гаплашармиз, — деди-да, бошига дўпписини кийиб ихраб-сихраб ўрнидан қўзғалди. Кавушини оёғига илиб, ариқ лабидаги обдастани бориб олди-да, таҳоратхонага йўналди.

Сора кампир унинг ордидан маъюсгина қараб қолди. Салдан кейин уям ишини давом эттириш учун ўрнидан турди...

Аппон чол кийиниб ҳовлига тушди. Ўғирдаги толқонни элакдан ўтказаётган кампирнинг тепасига келди.

— Мен кетяпман, — деди у, зотан, бу ерга, кетаётганини дараклаш учун эмас, бўлак бир нима истаб келганини юз-кўзлари ифшо этарди. Кампири ҳадеганда рўйхуш беравермагач, у сал нари юрди, тўхтади, ерга қараган кўйи ниманингдир ташвишида манглайини қашиб ўйланиб турди, сўнг кампири томон кўз югурти-да, яна унинг қошига қайтиб, алоҳал ёрилди: — Оқ сурпдан қанча олсам экан, Сора?..

Сора кампирнинг ранги тағин гезарди. Элак ушлаб турган қўллари қалтираб кетди. Чурқ этмади.

Аппон чол унинг аҳволи руҳиясини туйгани учун кўпам тиқилнч қилмади. Билганимча оларман қабилида қўл силтади-да, ташқарига йўналди. Остонага етиб улгурмаганди, кампирнинг ўзи уни тўхтайтиб қолди: — Сизгайм, ўзимгайм етадиганини обқўйганман!

Аппон чол қисқа, ясама табассум қилди, аммо унинг ўзи ҳам ичдан зил кетди.

— Режалисан, Сора, — деди, бўлак бир оғиз сўз айтмади, бўйинини қисиб кўчага чиқиб кетди.

У бозорнинг ичидаги омонат кассасидан икки ярим минг сўмга яқин жамғармасини олиб оқ лас қийиғига тугди, белига яхшилаб боғлади, яктагини устидан туширди. Қандолатчилардан пашмак торттирди, бозор айланиб ёлган нон, анжир харид қилди — бари бир қозғоз халта бўлди. Уни қўлтиқлаб Жангоб ёнидаги троллейбус бекатига йўл солди.

Троллейбусдан Тахтапулда тушиб қолди. Шокир базозоникига боғ билан кирмоқчи эди. «Қариялар» самоваридан ўтиб, кўприкка етганида, урушдан қайтган йилларини ёдга олди. Худди ана шу осма кўприкдан ўтиб, шаршара ёнидаги тор, айланма боғқўча билан Шокирларникига кириб боришганди. Ҳа, субҳи козибда эмас, субҳи содиқда, хўрозлар қичқира-қичқирмас, булбулу майналар хонишини бошлар-бошламас, тезотар беданалар на тун демай, на тонг демай «вавағ, вавағ, питпилик, питпилик»лаб сайраб турган бир паллада елкасига халтасини осиб олган тўрт аскар — Молдахмат, Шокир, Абдулазиз ва у ошналарининг кўрғонига етиб келишганди. Ярим соатлар ўтар-ўтмас эса уларни бутун Хончорбоғ аҳли кўргани чиққанди. Ушанда уларнинг қайтиши тўйга айланиб кетган, неча қўйнинг боши кесилиб битганди. «Абдаз ўша кунларимиз хотирасигаим хиёнат қилди-я! Вой бадбахт-эл Бармоғимни немиснинг ўқи учириб ўтди дейди-я, уялмай-нетмай! Ахир қўлига қора нонни қўйиб туриб устидан ўзи ўқ узганини Шокир айтганди-ку! «Ўзбекнинг юзини ерга қаратма, оғайни», дедим деб айтганди-ку Шокир! Тағин бизлар унинг бу қилиғини тўғри тушунишга ҳаракат қилувдик. Бундай ҳодисалар одамларимиз орасида кўплаб учраб тургани учун урушга, азоб-уқубатларга исёнидек қабул қилувдик... У эса «Шокир ва Аппонни медсанчаства судраб кетаётганимда ўқ учириб ўтди», деди-я!.. Ё қулоқларим алдадими? Ё қулоқларимга нотўғри эшитилдими? Йў-ўқ, даврани олиб бораётганга шундай деди-ку! У берган саволга шу жавобни қилди-ку!..» Аппон чолнинг ҳалиги кайфиятидан асар қолмади. Юраги сиқилгандан-сиқилди. Мабо-

до Абдулазизга: «Нега бундай қилдинг? Ахир, Шокир ё бўлмаса Молдахмат сени ойнаи жаҳонда кўрган бўлса нима дейди?!» деб айтгудай бўлса, у дарров баҳона топиб беришини ёхуд «Аппон менинг орден олганимни, телевизорда чиққанимни кўролмаёпти» дейишдан ҳам тоймаслигини кўз олдига келтирдию бу ниятидан воз кечди. Хаёли кечаги воқеага кўчди. «Негайм ўша бетавфиқникига бордим?!» деб ўзини тергади. Қобил Қахрамоновнинг «Бу отанинг ҳужжатлари юқоридан қайтганди» деган сўзлари ёдига тушди, ёдига тушдию ўзининг унга жавоб тариқасида айтган: «Ҳа, бир пайтлар дадам қораланганлар», деган жумласидан ижирғаниб кетди. «Нега ундай дейсан? Дадамнинг қамалишига сенинг буванг сабабчи, Содир ака сабабчи, ука!» демайсанми деб ўзини койиди, вужудида ўжар бир истак хуруж қилишда бошлади: «Шокирникидан қайтишда Ильич орқали кетаман-да, унинг олдига кириб шу гапни айтиб чиқаман! Ҳа, ҳа! «Дадамни қаматган сизнинг бувангиз бўладилар ўртоқ майор!.. Буни ўшанда, сиз мени уйдан келиб оқетганингизда, у киши ўз оғзилари билан айтганлар! Аблаҳликларини бўйниларига олиб тавба-тазаррулар қилганлар!», дейман. У мени ўша кун қайтариб юбориб қанчалар уялтирган бўлса, менам уни яхшилаб уялтираман!», дея қатъий бир тўхтамага келди. Шу мазмундаги ўйлар билан Шокир базозоникига етганини ҳам сезмади.

Ярим табақаси очик турган эшикдан бостирма билан ичкарига кириб борди. Ҳовлида ер сатҳига тўкиб қўйилган дон-дунни териб юрган каптарлару ўртадаги қафаси ёнида турфа рангда товланаётган думини елпиғич мисоли ёйиб баайни варрак дардарагидай дириллатиб турган товусдан бўлак ҳеч зоғ кўринмасди.

Аппон чол кираверишда чапдан ҳовлига қараб солинган уй рўпарасида — баланд ишком тагида тўхтади.

— Шокир, хув мулла Шокир! — деб ошнасини чақирди.

Шу маҳал тўғридаги уйнинг эшиги очилиб, олти-етти ёшлар чамасидаги бола айвонга чиқди. Уша ердан туриб:

— Ким у? — деб овоз берди, ишком тагидаги Аппон чолни танимади шекилли, ичкарига қайтиб кириб кетди.

Бир маҳал уйдан қирқ билан қирқ беш ёшлар орасидаги аёл, унинг ордидан ҳалиги бола чиқди-да, ҳовлига тушиб келишди.

Аппон чол бу аёл базозонинг келини эканини билиб, уч-тўрт қадам олдинга юрди.

Келин бегона қариядан уялнқирангандай бир кўйи оҳори кетган крепжоржет кўйлагининг ёқасига кафтини қўйди-да, унга яқинлашиб салом берди.

Аппон чол унинг саломига алик олди. Онасига эргашиб келган болани ўзи томон чорлаб қўл бериб сўрашаркан:

— Бу мулла Рашиднинг ўғлими, унга ўхшаб турибди, — деди, кейин боладан исмини сўради.

— Боҳо, — деди бола, бобоси қатори мўйсафидга қинғир-қийшиқ ўсган тишларини кўрсатиб кулиб қараб қўйди.

— Боҳомас — Баҳодир дегин отанларга. Исмингни тўлиқ айтишга ўрган, ўғлим, — деб болага дакки берди онаси.

Аппон чол боланинг ширинлигидан кулди.

— Тўғри гапиряптилар, оинг, ўғлим. Одам исмини тўғри айтиши керак, — деди Аппон чол, сўнг аёлнинг ўзига юзланиб: — Мени танияпсизми, келин? — деб сўради.

Рашиднинг хотини ўйланиб қолди. Унинг ким эканини, бу хонадонга қандай алоқаси борлигини эслолмади чоғи, бош чайқаб:

— Йўғ-а, таниёлмадим, — деди, шу билан бирга уни танимаганидан хижолат ҳам чекканини юз ифодаси ошкор этди.

— Мен мулла Шокирнинг Аппон деган ошнасман. Чуқурсойлик ошнасман. Бурунлари кўп келардим. Болалигим шу ерларда ўтган. Кейинги пайтларда одам ўзидан ортмай қолди. Охирги марта келганим икки-уч йил муқаддам эди чамамда. Унда манови девор ҳам йўқ эди, Расул бола-чақаси билан уёққа ўтибди шекилли, — деб ўнгдаги ҳовлига ишора қилди. — Аввал мана буёқда турарди...

— Ҳа, муллакамгилар уёққа кўчиб ўтишди, — унинг тахминини тасдиқлади келин, сўнг уларнинг суҳбатига анграйиб қулоқ солиб турган ўғлига: — Боққа туш-да, бувангни чақириб чиқ. Аппон отам кептилар сизни йўқлаб, дегин. Бор ўғлим, — деб буйруқ берди, ўғли «хўп, ҳозир» йўсинида бош чайқаб югуриб кетгач эса, Аппон чолга юзланиб: — Амаки, мана бу уйга кириб ўтиринг, — дея кираверишда чапдан ҳовлига қараб тушган, олдида энсиз айвони бўлган уйга ишора қилди.

— Мен ўзим боққа тушсам нима қилади? — сўради Аппон чол, эгаси йўқ бўлган уйга киришга ийманди, шу алпозда кўлида қоғоз халта бор экани ёдига тушиб қолдию эсим кўрсин қабилида чаккасини ушлаб уни базознинг келинига тутқизди.

— Сиз овора бўп юрасизми? Ҳозир Боҳодир зинғиллаб бориб чақириб келади, — деди келин, халтани айвон четига қўйиб, Аппон чолни ичкарига бошлади.

Аппон чол айвоннинг бир чеккасидаги обдастада қўл ювишга тараддулланаётгани, келин чаққонлик билан ундан обдастани олди-да: «Мен ўзим қўйиб юбораман», деди, унга сув қўйиб турди, сўнг айвонга кўтарилиб устунда илиғлиқ турган сочиқни олиб тушди.

Аппон чол сочиққа қўлини артди, «баракалла, синглим» деб уни келинга қайтариб берди, сўнг ҳали-ҳануз думини ёйиб ўзини кўз-кўз қилишда давом этаётган товусни эътиборда тутиб:

— Бу жаннат эшиги қўриқчисини қаердан топдинглар? — деб сўради.

Базознинг келинига унинг ушбу саволи ғалати таъсир этди: буғдоймағиз юзида, ақлли тийрак кўзларида ҳазин бир ифода намоён бўлди.

— Булар опкелувдилар, бурноғи йили, — деди, «булар» деб эри Рашидни назарда тутганида нима учундир овози ҳам титраб чиқди.

Аппон чол келиндаги ўзгаришни сезди, аммо нима сабабдан бундай кўйга тушганини сўрашга журъат қилолмади — унга эргашиб уйга кўтарилди.

Келин чаққон ҳаракат билан тўрдаги — бетига қўнғирранг жун чойшаб тутиб қўйилган тахмондан тўртта бахмал кўрпача олиб хонтахта атрофига тўшади. Икки-учта пар болишни девор тарафга суяб қўйди. Хонтахта устидаги эски дастурхонни йиғиштирди-да, ўрнига янгисини олиб келиб ёзди. Патнис тузаб чиқди. Аппон чолнинг пашмак ва анжирдан иккита ликопчага солиб олиб кирди. Халтасини ҳам шу уйдаги тоқчага қўйди.

— Амаки, дастурхонга қаранг, — деб нон синдирди, кўк атлас гулли пиёлалардан бирига чой қўйиб худди ёш келинчаклардай азалий удумга риоя этиб унга узатди, сўнг «ўз уйингиздек бемалол еб-ичиб ўтираверинг», деди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Кўп ҳам ўтмай кўчадаги йўлкада ҳассанинг дўқиллагани, бировнинг йўталгани эшитилди. «Ҳайнаҳой Шокир бўлса керак», деб фикр қилди Аппон чол. Ҳовлида аввал Баҳодир кўринди. У ҳовлиқиб уйга кирди-да, нафас ростлаб ҳам улгурмай Аппон чолга ҳисобот берди:

— Аналар бувамлар! Шокир бувамини бошлаб келдим!..

Аппон чол ликопчадан бир дона анжир олиб унга берди, кейин мақтади:

— Зўр болам экансан-да! Бувангни чоптириб олиб келдингми-а?..

Баҳодирга унинг мақтови мойдек ёқиб, болаларча талтайиб анжирни тишлаган эди, таъми кўнглига ўтиришмади чоғи, юзи бурушиб кетди.

— Мен бунингизни патиссонми депман! Бунингиз ширин экан-ку! — дея нолиди.

Аппон чол соқолини силаркан, кулиб қўйди.

— Нима, анжир емаганмисан? Анжир ширин бўлади-да! — деб тушунтирди.

— Э-э, анжирингиз бўлмади, ота, — деди Баҳодир кекса кайвонилик қилиб, тўгарак юзини боз тириштирди-да, анжирни Аппон чолнинг ўзига қайтарди.— Патиссон шўртанг бўлади, уни есангиз маза қиласиз...

— Батиссонинг нимаси ўғлим?

— Батиссонмас — патиссон! — астойдил кўйиниб Аппон чолга дакки берди бола.

— Хўп ана сен айтганча бўлсин — патиссон?..

— Шуниям билмайсизми? — таажжубланиб боқди Баҳодир. — Патиссон шиша банкада бўлади. Мана бундай шиша банкада, — деб кўлида ўлчаб кўрсатди. — Дадам бизга опкелардилар ўшандақа патиссондан!..

— Сенам анжирни билмас экансан-ку! Анжирни билмаган ўзбек борми?! — ҳазиллашган бўлди Аппон чол.

— Билама-аан! — бола Аппон чол уни анжирни билмасликда айблашдан ранжиди. — Мана шунақа анжирдан менинг ўртоғимникидаям бор. Улуғларникидаям бор. Ишонмасангиз опчиқаман. Ишонмайсизми? Опчиқайми?..

Аппон чол унинг қизиша бошлаганини сезди. Шунинг учун ҳам:

— Ишондим, ишондим! — деб икки қўлини юқорига кўтарди.

Боланинг кўнгли ўрнига тушмади. Буни унинг катта қуралай кўзларидаги безовталиқка яқин белгидан ҳам билиш мумкин эди. У шоша-пиша шимининг устига чиқиб қолган майкаси этагини ичига киргазди-да, «мен ҳозир» дея уйни тарк этди.

Уни ҳовлида Шокир базоз тўхтатди:

— Ҳа, Боҳодир, тинчликми? Аппон отангнинг бир ўзини ташлаб чиқдингми?!

— Мен ҳозир келаман, бува, — баайни зарур иш юзасидан кетаётгандек ҳовлиқди Баҳодир. — Улуғларникига бориб келай!..

— Ҳа, бора қол, — Шокир базоз набирасининг орқасидан маъюсгина кулиб қўйди, кейин Аппон чол ўтирган уйга кўтарилди.

— Бормисан, Аппон?! — Шокир базознинг серажин юзига қувонч таралиб, қийиқ кўзларида ёш йилтилади. — Омон-эсонмисан, оғайни?! Нечук? Нечук худо ёрлақади?..

Аппон чол бурунгидан анча ўзини олдириб, қартайиб кетган ошнасини бағрига босаркан, уям ҳадеганда бир сўзни такрорлайверди:

— Узинг саломатмисан? Узинг бақувватмисан Шокир?!

Улар бирор муддат бир-бирларининг кучоқларида турдилар. Шундан сўнг Шокир базоз «қани, ўтирайлик-чи», деди.

Аппон чол тўрға — ичкари уй эшигига қараб, Шокир базоз ундан пастроққа — ҳовлига қараган деразага орқа ўгириб ўтирди.

Шокир базоз фотиҳа ўқиди. Аппон чол унга қўшилди.

— Қани, дастурхонга қара, Аппон, — деди у, ёпган

нонлардан тагин бирини синдиришга тутинганди, Аппон чол йўл қўймади.

— Мана бор-ку, қара, увол бўлади, — деб ўзининг олдига уйлиб кетган бурда нонлардан икки-учтасини базознинг ёнига сурди.

Базозга бу гап маъқул тушди. Нонни қайтиб жойига қўйди.

— Яхши юрибсанми, Шокир? — деди Аппон чол, ош-наси у ўйлагандан ҳам ўзини олдириб қўйганига тааж-жубланди. «Аввалги келганимда Шокир бунчалик эмасди-ку! Икки-уч йилда жудаям ўзини олдириб қўйибди-да!» — деди ичида. Базознинг етмиш йил яшаб оқармаган сочини, қошларию иягига довр етиб борган қўнғирранг мўйлабини қиров босиб кетган, бир пайтлар гўштли бўлгани сезилиб турган, ҳозирда эса солқиб, халтадек бурушиб кетган, серажин, аммо истарали юзида, катта қўйқўзларида мунгли бир аломат зоҳир эди.

— Яшаб турибман ишқилиб, тупроқдан ташқарида, — жавоб қилди Шокир базоз.

Аппон чол унинг шахти илгаригидай эмаслигидан ҳар турли мулоҳазага борди.

— Кампиринг омонми? — деди у бир оз тортиниб, кейин ана шу саволни бергани учун хижолат чекди.

Шокир базоз бир дона анжирдан қўлига олиб:

— Юрибди. Кеча синглиси кеп опкетувди, беш-ўн кун меникида турсинлар, кейин ўзим опкеб қўяман деб. Паркатга кетди, — деди.

Аппон чолнинг кўнгли хиёл ўрнига тушди.

— Ўғилларинг: Расул, Раҳим, Рашидлар ишлаб туришибдими? — деб сўради.

Шокир базоз ерга қаради. Жуда қисқа қилиб «ҳа», деб қўя қолди. Аппон чол боз сўроққа тутмасин учун унинг ўзидан ҳол-аҳвол сўради:

— Ўзинг-чи? Кампиринг, қизларинг тинчми?

Аппон чол ҳам кўп чўзилмади.

— Ҳаммаси яхши юрибди, — дейиш билан кифояланди, холос.

Шокир базоз токчадаги қоғоз халтага, дастурхондаги пашмак, анжирга ишора қилиб:

— Нега мана бунақа нарсаларни кўтариб юрибсан? — дея оғайнисидан норозиланди.

— Сен анжирни, пашмакни яхши кўришингни билганим учун бошқа нарса олиб ўтирмадим. Эсингдами, урушдан кейин эди шекилли, анжирхўрликка чақиргандинг?.. Дадаг боғинлардаги марвартак тут тагида каравотда ётганлари ҳали-ҳали кўз олдимида турибди. Мени кўриб севиниб кетгандилар Ҳосил ака раҳматли...

— У боғлар қани энди... — базоз «эсиз» дегандай бош чайқаб қўйди. — Ушанда тўртта анжир емасингдан кўнглимга тегди деб туриб олгандинг, — ошнасини мазаҳ қилгандай кулимсида Шокир базоз, лекин кулгисида шикаста бир оҳанг бор эканини Аппон чол дарров пайқади.

Шу маҳал Баҳодир уларнинг олдига ҳовлиқиб юғуриб кирди. Унинг кетидан ўзи тенги яна бир бола айвонга кўтарилди.

— Мана, ота, мана сизникидака анжир! Мана бу Улуғларникидан опкелдим! Биларканманми анжирни?! — деди у куйиб-пишиб, нафас ростлаш ҳам эсига келмади. Аппон чолдан жавоб кутиб тураверди.

Аппон чол унинг бир сўзли, бир феъллигига қойил қолганини бош тебратиш ва кулиб қўйиш билан намоён этди. Баҳодирнинг қўлидаги ҳали пишиб улгурмаган анжирга қараб туриб:

— Обба сен-эй! Эринмасдан бориб опкелдингми-а? Бўлди, бўлди, ишондим! — деди.

— Ҳа, тинчликми? — неварасини сўроқлади Шокир базоз.

— Мана бу отамлар, анжирни билмайсанми, дегандилар. Мен, биламан, Улуғбекларникидаям шунақа анжир бор, дедим, бориб уларникидан опкелдим. Ишонмасалар ана Улуғниям бошлаб келдим.

Аппон чол кулимсида.

— Неваранга бир дона анжир берувдим, ёқмади. Ҳали отини нима девдинг, болам, батисонми? Шуни анжирдан яхши дейди-да!..

— Батисонма-ас, патиссон! — яна Аппон чолга дакки берди бола, кейин бобосига юзланиб: — Дадам опкелардилар-ку, банкада, маза қип ердик-ку, шуни айтдим, — деди.

— Ҳа, шу нарсани анжирдан аъло кўрди-да неваранг!

— Буям сенга ўхшабди-да, Аппон! Сенам ҳали айтганимдай, тўртта анжир емасингдан кўнглимга тегди деб олардинг-ку!... — деди Шокир базоз, сўнг неварасига қараб: — Э, болам, боғимизда ўн тупча анжиримиз бўларди. Дадам раҳматли бутун Хончорбоғ аҳлига улашганлари-улашган эди. Ойимиз раҳматли эса анжир қоқи, анжир қиёмларни эшикма-эшик кириб қўшниларга тарқатиб чиқардилар. Қани энди у анжирзорлар!..

— Ҳа-аа, қани энди ўша боғлар! — деб унга қўшилди Аппон чол. — Сеникига троллейбусда келяпману ичим ачишади. Себзордаги, Тахтапулдаги қанча-қанча мевали дарахтлар кесилиб кетибди, қанчадан-қанча ҳовлижой йўқ бўп кетибди. Анави гугурт қутисига ўхшаган уйларни кўриб яна ичим бирам ачидики... Ўзбек ҳовли билан, ер билан тирик-да! Ҳаммаёққа осмонўпар уйларни қуриб ташлаган билан иш чиқарканми? Бу халқнинг табиати билан ҳам ҳисоблашиш керак-да! Қара, ана ўша Себзордаги қанақа кўчалар йўқ бўлиб кетибди...

— Нимасини айтасан, Аппон — оғир хўрсинди Шокир базоз, юзидаги ажинлари тагин ҳам қуюқлашди.

— Тўртинчими, бешинчи қаватда сен ва менга ўхшаган бир қария тепасига тўрқовоқда бедана осиб қўйиб томоша қилиб ўтирганига кўзим тушиб қолди дегин. Тўғрисини айтсам, ўша одамгаям, айвончасида осилиб турган беданагаям ичим ачишиб кетди. Иннайкейин, Шокир, тўрқовоқдаги бедана ҳовлига ярашаркан, ана ундақа осмонўпар уйларда ғалати кўринаркан-эй!..

Баҳодир чолларнинг суҳбатидан зерикди. Бобосининг қўлига ҳозир олиб келгани икки дона хом анжирни тутқазди-да, ўзи уйга киришга ботинолмаганидан айвонда кутиб қолган ўртоғи билан пастга тушиб кетди.

Аппон чол Шокир базознинг қўлидаги икки дона анжирга нигоҳ қадаб туриб:

— Буни дадам раҳматли жуда яхши кўрардиларда, — деди, отасини тилга олиши ҳамона қоратўри юзига ғам чўкди.

— Тўғри, — унинг сўзларини тасдиқлади Шокир базоз. — Аямбой ака раҳматли анжирни жуда яхши кўрардилар. Айниқса, хоки анжир у кишининг жони эди. Босмаҳонага улар ишга опкириб қўйгандилар-да!.. Бир куни дадам раҳматли «мана буни Аямга олиб боргин», деб бир тоғорачасини қўлимга тугиб бердилар. Шуни у кишига обориб бердим. Бирам суюнадилар дегин, бирам суюнадилар, худди мана бу болаларга ўхшаб суюнадилар-да! Шундан уч-тўрт кун кейин «Аямбойни опкетишибди», «Аямбой халқ душмани эмиш» деган миш-миш гаплар тарқади... Дадам раҳматли бирам куядилар-эй!.. «Аямни душман деганларнинг ўзи душман!», дейдилар...

— Дадам раҳматлини қаматган ким эканини эшитганмисан?

— Ўзинг бирда айтиб бериб эдинг. Содир ака деб эдинг.

— Дадам раҳматли Содир ака шундай иш қилганини

ҳеч кимга айтмадилар-а! Унинг ўзи бир кун мени чақриб: «Аямбойга хиёнат қилдим. Ўзимдан кўрққанни учун уни душман деб обориб сотдим», деганди. Узиям бир йил ётиб, не азоблар кўриб ўлди шекилли...

Шокир баззозга Аппон чолнинг юқоридаги сўзлари қаттиқ тегди. У ошнасидан яшираётган, яшираётган эмас, унга айтолмаётган, айтишга юзи чидамаётган гапини маълум қилиб:

— Хабаринг борми-йўқми, Аппон, Рашидам қамалиб қолди, — деди, бу мудҳиш хабарни дараклаш асносида овози титраб кетди.

Аппон чол бир қалқиб тушди. Оғзида чайнаётган нони томоғига тикилаёзди. У ўқчиб юборғудай бўлиб йўталди, сўнгра тезда пиёласини қўлига олиб чойдан ҳўплади. Нон ичини оғритиб ошқозонига ўтганини ҳис этди. Ҳовлиқиб сўради:

— Нега? Нима учун?!

— Эрта кўкламда машинасида одам босиб олди...

Аппон чолнинг юраги алланечук уриб кетди. Негадир шу дамда ёдига Норхол келди: унинг қабри тепасида туриб қолгани, туриб қолиб, Шокирнинг биринчи хотинимасми, деб ўйга толгани, Далавой гўрковнинг «раҳматлини машина уриб юборибди», деган гапини хотирлади, хотирладию: «Наҳотки Норхолни Рашид босиб кетган бўлса?!» деган номатлуб ўйга бориб даҳшатга тушиб кетди. Ана шу мулоҳазасини Шокир баззозга айтмоққа тараддудланди-ю, аммо ботинолмади, айтишига нимадир ҳалал берди.

— Наҳот... Наҳотки? — дейиш билан чегараланди, холос.

— Ҳа, эрта кўкламда машинаси билан Норхолни босиб кетди, — деди Шокир баззоз, пича тек қолди. Томоғига ёнғоқдек нарса тақалландек бўлди. У аранг тупук ютди-да: — Норхолни танийсан-а? — деб сўради, Аппон чол ўйчанлик билан «ҳа» ишорасини қилиб бош тебратгач, боз сўзида давом этди: — Жала қуйиб турган экан. Сигнал берсам эшитмабди Норхол... Ундаям нима айб, қаричилик, қулоғи оғирлашганди... Рашид машинасини тўхтатиб қолишга улгуролмабди. Чувалачининг йўлида содир бўпти бу воқеа.

Аппон чол узун, тирноғи кўнган бошмалдоғи билан серсоқол иягини қашиди, анча ўйланиб қолди. Утириш аҳволидан Шокир баззознинг бошига тушган мусибат унинг юрагини ачиштираётганини сезиш қийин эмасди.

— Ҳа, жуда ёмон воқеа бўпти, — деди у алоҳал, пича тек тургач қўшимча қилди. — Кеча менам мазорга кирувдим, — у қабристонга кириши сабабини айтиб ўтиришни лозим топмади, — шунда кўзим Норхолнинг қабрига тушди. Уша Норхолми, йўқми, деб ҳайрон бўлудим...

— Уша, ўша-аа, — деди Шокир баззоз, бу сўзни ўзининг биринчи хотинига алвидо айтгандай бир йўсинда талаффуз қилди. — Уни ўзим ерга қўйдим. Ибройим отага ўзим қўйдим...

Аппон чол унга таскин берган бўлди:

— Нима қиласан энди? Пешана экан, Шокир! Қўлингдан бошқа нимаям келарди?!

— Рашид юзимни ёмон шувут қилди-да!

— Уям шундай бўлсин демагандир ахир!..

— Эл-улуснинг ўртасида бош кўтаролмай қолдим.

— Бахтсиз бир тасодиф-да! Фалокат оёқ остида деганлари шудир-да! — деди Аппон чол, хаёлидан эса: «Мулла Шокир жуда содда-да! «Эл-улуснинг ўртасида бош кўтаролмай қолдим» дейди! Ахир, унинг ўғли бу ишни атайдан қилмаган бўлса, шунгаям ўзини айбдор ҳис этипти-я!», деган ўй ўтди, ўтдию боз Абдулазизнинг қилмиши ёдига тушаверди: У ярамас эса, кўриблиб туриб ҳаммамизнинг юзимизни ерга қаратди!

На мендан, на Шокирдан андиша қилмади! Ахир, ҳали кўзимиз очиқ-ку! Уялмай-нетмай «Аппон билан Шокирни елкамда опичиб обордим», деди-я! Улар кўрса нима деган одам бўламан, демади-я! Вой одамнинг шайтони-ей! Вой одамнинг устомони-ей!..

Шокир баззозга унинг далдаси таъсир этиб, сал ҳовридан тушди. У яна сўз бошлашга оғиз жуфтлаб тургани ҳамки, келини икки косада мошхўрда кўтариб кириб қолди.

У «хуш кепсиз», деб косалардан бирини Аппон чолнинг, иккинчисини эса қайнатасининг олдига қўйди, чойнакнинг тиқинини очиб кўрди, чойнинг ярми турган эсада, совиброқ қолгани, шунинг учун «алмаштириб келаман» деб уни олиб чиқиб кетди.

Тезда қайтиб, заранг пиёлада қатик, ликопчада қиймаланган ошрайҳон олиб кирди. Кетатуриб: «Чой хиёл чиқсин, опкебераман», деди.

Шокир баззоз Аппон чолга қатик билан райҳонни узатди. У косасига керагини солиб бўлгач, ўзиникига ҳам қошиқда ағдарди-да:

— Қани, Аппон, овқатга қара, — деди, косадаги суюқ ошини уч-тўрт бор шопириб қўйди.

Улар овқатни индамай ичиб олишди. Оғзиларини сочиққа артиб, тўйганларининг белгиси сифатида бирин-бирин кекириб, «худога шукур» деб қўйишди.

Шокир баззоз терга ботган кенг манглайини рўмолчасида артди. Аппон чол ҳам терлаганидан баданига ёпишиб қолаётган оқ қўйлаги ёқасини кўтариб туриб кўкраги атрофини сочиқда елпиётганини кўриб:

— Ёзнинг куни суюқ овқат ичганга не етсин, Аппон, — деб кулиб қўйди.

— Нимасини айтасан, Шокир, — ҳорғин, ҳорғиндан ҳам кўра мамнун бир қиёфада унинг сўзларини тасдиқлади Аппон чол. — Келинининг қўли дард кўрмасин.

Шокир баззоз келини ташлаб кетган фамил чойни обдан қайтарди. Аппон чолнинг ва ўзининг пиёласига ним ярим қилиб қўйди. Унга узатди, ўзининг пиёласидаги чойни қайноқ ҳам деб ўтирмай бир-икки марта ҳўплаб олди-да:

— Яхшиям шу Тоҳира келин бор экан. Тўртта болани, чол-кампир икковимизни эплаб турибди, ишқилиб, — деди.

— Бола-чақанинг кўпи яхши экан, — деди Аппон чол, отасига ҳам, унинг ўзига ҳам серфарзандлик насиб этмаганидан куйинди. — Менинг икки қизим ўзидан ортмайди. Бири Бекободга тушган, хабаринг бор-ку, ўша ерда йигирма беш йилдан кўпроқ ишлаб келдим, ўша ерлик бир ошнамнинг ўғлига узатганман. Иккинчиси Янгийўлга — сенга ўхшаган матбаачига тушган. Кичик куёв босмаҳонада ишлайди... Дадам раҳматлининг касбини қиларкан, деб бергандим, шу сал ичадиган чиқиб қолди-да, йўқса-ку ёмон йигитмас-а!..

— Менам ўртанча қизим Ноибани ўша ёққа узатганман. Хабаринг бориёди шекилли. Куёв сен айтаётган Янгийўлдаги қайси бир колхозда тракторчи бўп ишлайди. Уям бамаъни, одамшаванда йигит-у, аммо ана шу шайтоннинг ичимлигидан олиб тураркан-да!..

— Бундан чиқди, ёшларнинг бари шу экан-да!

— Шунга айтмоқчиман!

— Дарвоқе, ёзувчи неварам бор дегандинг?

— Расулнинг тўнғич ўғлини айтудим-да, Анварни. Шу боламнинг ёзувчи бўладиган сиёқи бор-ов. Бизнинг Хончорбоғ ҳақида китоб ёзди. Қўлга олса арзирли — қалин китоб ёзди. Сувонқул, Мирхон, Убайларни, иннайкейин, Наби Тароқни мақтаб ёзди. Тунов куни у минан дардлашиб ўтириб Аямбой ака раҳматли ҳақида, у кишининг илми ҳақида сўзлаб берувдим. «Ана шу одам ҳақида китоб ёзсанг бўлади», дедим. Содир аканинг

номаъкул ишларини сенинг ҳикоянг бўйича айтиб бердим. Жуда таъсирланди аммо-лекигин...

— Энди Шокир, ошна, менингам бир оёғим ерда бўлса, иккинчиси гўрда, — деб узоқдан сўз бошлади Аппон чол, у Абдулазизнинг нопок ишидан қаттиқ изтиробга тушганини айтишни ножоиз деб билди, зеро, Шокир базознинг аҳволи ўзиникидан яхши эмаслигини кўриб-билиб турганди — фронтдош ошналарининг уларга нисбатан қилган беадабгарчилиги уни баттар хафалантириши мумкин эди: — Дадам раҳматли кўзлари очиклигида менга бир нарсани қаттиқ тайинлаб кетгандилар. Биласан, Шокир, у киши жуда маърифатпарвар, китобга жонини берувчи одам эдилар. Алғов-далғов йилларда кўп эски китобларини ўзлари яшириб қўйгандилар. Қамалганларидея оғим икковимиз у кишининг яна анчагина китобларини ҳовлимиз орқасидаги жарликка кўмишга улгургандик. Кейин жуда хурсанд бўлгандилар бизнинг бу ишимиздан. Улимларидан бурун дадам бир гапни айтгандилар. «Болам, биз ўтмишимиздан узилиб қолдик. Аммо қачондир албатта қайтиш бўлади. Шунда бу лоямут китоблар ўзбекнинг бирор кунига яраб қолар. Буларни эҳтиёт қил», деб қаттиқ тайинлагандилар. Энди, менам ўлиб кетсам, Шокир, дадамнинг бор китоблари чанг босиб ётаверса, ё, худо кўрсатмасин, йўқолиб кетса, унда жуда ёмон иш бўлади-я! Шунинг учун уларни сенинг Анваринг олақолсин! У ёзувчи бўлса, ўзигами ё у орқали бошқа бировгами бирор нафи тегиб қолар бу китобларнинг. Шуни бугун-эртадан қолмай опкелиб олсин. Дадам раҳматли шу юмушни гарданамга юклагандилар. Менам хотиржам бўлай, — деди Аппон чол, зотан у «менам хотиржам ўлай» дейишликни мўлжаллаганди-ю, аммо бу гапи Шокир базозга ҳам айил ботиши мумкинлигини ўйлаб юқоридаги жумла билан қаноатланиб қўя қолди.

— Буни тўғри ўйлабсан!

— Тўғри ўйлабманми?

— Ҳа, тўғри ўйлабсан, — деди Шокир базоз ўйчанлик билан. — Китобни кейинги томирларимизга ташлаб кетсак ёмон иш бўлмайди. Уни ўқиб-ўрганиб, мағзини чақсалар жаҳолатдан узоқроқ яшашга уринадилар. Жоҳилнинг биттаси эса, ўзинг гувоҳи бўлдинг, Аямбой акадек покдил одамнинг бошига не мусибатлар солмади.

— Неваранг ҳозир уйда йўқди? — сўради Аппон чол, Шокир базознинг мана бу сўзлари уни ҳам чуқур ўйга толдирганди.

— Ҳозир уйда йўқ, ишда бўлса керак, — жавоб қилди Шокир базоз. — Уйда бўлганда менга қарашгани тушарди. Бугун кўринмади.

Аппон чол яна ич-ичдан тутуди. Шокир базоз жоҳиллик ҳақида гапирганида боз кўз ўнгидан Абдулазизнинг доғули, сур башараси, ёлғон сўзлари ўтаверди. У ҳамма нарсани кечирарди, аммо ёлғонни, яна унинг учун муқаддас саналган уруш йиллари хотирасига хиёнатни, йўқ, сира ҳам кечиролмайди. У ақалли шу дамда буларни ўйламасликка, тўғрироғи, Абдулазизнинг қилмишини ёддан чиқаришга уринганди, уҳдалаёлмади, у ҳадеганда айланиб келиб хаёлини банд этаверди.

— Қирқ учинчи йил эсингдами? Кузьминка қишлоғи яқинида қуршовда қолиб кетганимиз? — У ўзи сезмаган ҳолда гапни уруш мавзуга бурди.

Шокир базоз Аппон чол нима учун шу дамда уруш йилларини кўмсаб қолганига ажабсинса-да, лекин ошнасининг хотираси ўзиникига нисбатан анча бутун эканига тан берди. Унинг хотираси эса кўпинча панд берарди. Сўнгги пайтларда у ҳатто бир кун аввал еган овқатини ҳам унутиб қўядиган бўлиб қолган ва буни қарилликка ўйиш орқалигина ўзини тинчлантирарди. У уруш йил-

ларидаги жуда кўп воқеаларни аллақачон ёдидан чиқариб юборган, лекин қуршовда қолган кунлари ҳали-ҳануз эсида сақланмоқда эди. Қачон, қайси қишлоқда қуршовда қолганларини унутган эса-да, аммо ўшанда икки ойга яқин қуршов азобини чекканларини фаромуш қилмаганди.

— Ҳа, ёдимда, — деди у, бироқ нима учун Аппон чол қуршовда қолганларини ҳозир эслаб қолганига таажжубланишда давом этди.

— Икки-икки ярим ойга яқин қолиб кетгандик-а?

— Ҳа.

— Нималарни кўрмадик, нималар бошимизга тушмади-я, Шокир!

— Урмонма-ўрмон санқиганларимизни назарда тут-япсанми?..

— Униям, умуман урушда кўрган кунларимизни айт-таман-да!..

— Э-э, баъзан тушга ўхшаб кетади. Ертўла, хандақлар қазиганларимизни эсласам, ҳаммаси худди тушда содир бўлгандек кўринаверади-я!

— Нимасини айтасан? У кунларни унутиб бўлармиди?! Арча, қарағайларнинг пўстлоғини шилиб еган кунларимизни эсдан чиқариб бўлармиди?!

— Молдахмат икковингми, ё Сакен биланмиди, ту-нука бочкадан печка ясаганларинг?

— Молдахмат билан эди. Ҳа, тўғри, Молдахмат икковимиз печка ясовдик. — Шокир базоз бу номни тилга олганида нима сабабдандир ғалати бўлиб кетди. Кенг пешонасидаги тарам-тарам ажинлари чуқурлашиб, юз-кўзларида хафаланишга монанд ифода қалқиди.

Аппон чол ундаги ана шу ўзгаришни дарров илғгани боис:

— Нима, Молдахмат ҳақида ёмон хабар борми? Молдахмат оламдан ўтибдими, ғалати бўп кетдинг? — деб Шокир базозни сўроққа тутди.

— Худо сақласин, ундай дема! Молдахмат ҳаёт-е! — деди Шокир базоз, сўнг эса ниманидир дараклашга шайланди-ю, бироқ истиҳолога бордими, ёхуд журъат қилолмадими, ниятидан қайтди.

Аппон чол ошнаси ундан бир нимани яширишга уринаётганини сезди. Шунинг учун ҳам уни қистоққа олишини қўймади:

— Сен, Шокир, менадан бир нарсани яширяпсан? Ҳа, кўзларинг айтиб турибди ниманидир яшираётганингни?!

Шокир базоз ўнғайсизланди. Аппон чолга «сендан ниманиям яширардим» қабилида боқди-да:

— Утган ҳафта, Аппон, Рашидни кўргани Ангренга бориб келдик, — деб гап бошлади. — Келиним, бояги Баҳодир неварам — учқовимиз. Уша ердаги бетон чиқарадиган заводда ишлатаётган экан уларни. Уша ерда кимни кўрдинг дегин, — Шокир базоз оғзи қуриб қолгани учун чойдан хўплаб олди. — У ерда Молдахматни учратиб қолдим. У бечораниям қамашибди экан...

— Йўғ-э!! — азбаройи ишонмаганидан сапчиб тушди Аппон чол. — Қўй-э ундай гапни!..

Шокир базоз «ана шунинг учун сенга айтишни истамовдим-да» дегандай нигоҳ қадади, сўнг деди:

— Молдахматни таниганим йўқ эди, унинг ўзи мени таниб қолиб олдимга келди. Жуда антиқа учрашув бўлди. Фронтдош ошналар қирқ йилдан кейин қамоқда учрашсалар-а, Аппон!..

— Нима гуноҳ қилган экан? — бетоқатланиб сўради Аппон чол.

— Колхознинг чорвасини боқаркан — чўпон экан. Уч-тўрт йил бурун сел келиб қўйларнинг кўпини оқизиб кетибди. Уша ернинг катталари бу бечорага айб тақашибди. «Нега шунча қўйни оқиздириб юбординг, сақлаб қололмадинг?!» деб унинг бошида ёнғоқ қақишиб-

ди. Ана ўшалар қаматиб юборишибди Молдахматни.

Аппон чол тутаб кетди. Жаҳли чиққанидан қўлидаги рўмолчасини нарига итқитиб юборди.

— Оббо падарқусурлар-э! Табиий офатга бас келиб бўларканми?! Селни тўхтатоларканми одам боласи?! Оббо ярамаслар-э!..

— Уни қара, Аппон, уни қара, — жиғибийрон бўлиб сўзлади Шокир баззоз. — Ушаларни деб тўрт-беш еридан ўқ еб келган етмиш ёшли бир мўйсафидниям аяшмабди-я!.. Одам боласига нима бўп кетяпти, Аппон?!

— Қонун деб булар худониям унутиб юборишган. Охир замоннинг одамлари шундай бўлади деб ёзади-ку! — деди Аппон чол, кейин ажабсингандай бир қиёфада сўради: — Молдахмат қозоқ-ку! Нима, кетмаган эканми юртига?..

— Ундан менам худди шуни сўрадим. Ушанда у юртига кетатуриб қашқадарёлик бир қиз билан танишиб, унга ишқи тушиб қолган экан. Юртимда барибир ҳеч кимим йўқ-ку, деб, қизниқига кетаверган экан... Ўзбеклар қадримга етишмади, дейди икки гапнинг бирида... Ўзбекда нима айб, Молдахмат, дедим. Ўзбек бечораям сенинг сувда оқиб кетган қўйингга ўхшаган ювшош бир халқ бўлса, уям селда оқиб кетишдан қўрқади, дедим...

— Тўғри айтибсан. Қонунни ўзбек тузмайди. Қонун юқоридан келади.

— Сенларни кўп ўйлардим. Сенларни ўлиб кетгандир деб юривдим, дейди Молдахмат. Айниқса, сени Аппон, қайта-қайта сўради. Ғалаба куни телевизорда Абдазни кўриб қолдим. Шундан сизларнинг ҳаёт эканликларингни билдим. Бошим осмонга етди, дейди. Яна... — Шокир баззоз ўйланиб қолди, уёғини айтмади, уёғини айтишни истамаганини юз-кўзларидан ҳам билиш қийин эмасди.

Аппон чол Молдахматнинг Абдулазиз ҳақида айтган гапини Шокир баззоз яшираётганини сездди. Шунинг учун ҳам «яна нима деди?» деб тихирлик қилиб ўтирмади, «Шокир мени аягани учун ҳам Молдахматнинг гапларини айтмади», деб мулоҳаза юритди ва унинг ўзи ҳам Шокир баззозни ортиқ қўйнагиси келмади.

— Ҳали анча бор эканми қутулишига? — деб суриштирди.

— Ҳукуматнинг амунасига тушган экан. Беш-ўн кунларда қутулиб қоламан, — деди, қайдам, ҳозир озод бўлиб чиқиб кетгандир ҳам.

— Тўғри. Одамлар айтишаётганди: ҳукумат Ғалабанинг қирқ йиллигига афв эълон қилади, деб. Молдахмат урушда қатнашган. Уни чиқариб юборишлари керак.

— Менам шу гапни Рашиддан эшитувдим. Урушда қатнашганлар, ҳукуматнинг орденини олганлар, инвалидлар амунасига тушади, деб эди. Молдахмат ана шу амунасига тушди деганидан кейин ишондим, — деди Шокир баззоз, у бу гапни жуда шикаста, ўғли эмас, унинг ўзи Норхолни машинада уриб юборгандай бир қўйи баён қилди.

Аппон чол баззознинг аҳволи руҳиясини туйгани учун унинг кўнглини овлашга тутинди:

— Рашид ҳам бағрингга қайтиб қолар. Ҳали бу кунларинг унут бўлади, Шокир. Ҳали кўрмагандай бўп кетасан.

Шокир баззоз Аппон чолга «кўнглимни кўтарганинг учун раҳмат» қабалида боқса-да:

— Ўртада Норхол ўлиб кетди Аппон. Биласан, Норхол менга бегона эмасди, — деди, дастурхоннинг попуғини бураган қўйи анча тек қолди, серсоқол ияги қалтиради. — Қайси қилган гуноҳим учун олло таоло мени

бунчалар жазоладийкин, ҳайронман.

Аппон чол баззознинг аҳволи ўзиникидан ҳам аянчли эканига дилдан иқрор бўлди. Шу боисдан боз унга далда берди:

— Қўлимиздан нимаям келарди, Шокир, ҳаммамиз ожизлик қиламиз бу масалада, — деди, хаёлидан эса: «Шокирга далда беряпсану ўзинг ўгитларингга амал қилмайсан», деган ўй ўтди, ўтдию ичидаги Аппон жавоб берди: Шокирнинг йўриғи бўлакча. Норхолнинг ўлимида ўғлининг айби йўқ. У атайдан қилмаган бўлса, бахтсиз ҳодиса туфайли шундай бўлган. Аммо Абдазнинг хатти-ҳаракати... Эҳ, Абдаз, Абдаз... Шокирдай, Молдахматдай одамларнинг юзини ерга қаратдинг-а! Мен-ку майли, лекин буларни ўртага қўшганинг нимаси эди? Биттаси аъзойи баданидаги жароҳати етмагандай, емаган сомсасига пул тўлаб, яна не азобларга дучор бўпти, иккинчиси мана қаршимда — ҳам яқин кишисидан айрилиб, ҳам ўғлининг қамалишидан куйиб ўтирибди. Сен эса, сен мана шундай ошналарингни номини эрзонгаровга сотиб юрибсан...

— Хабаринг борми-йўқми, Аппон, Норхол билан бир-биримизга кўнгили қўйиб турмуш қургандик, — анча жимликдан сўнг сўз бошлади Шокир баззоз. — Турмушимиз ширин эди, бироқ фарзандсизлик орамизга ғов бўлиб, бизларни бир-биримиздан узоқлаштирди. Раҳматлининг ўзи қиз қидиришга тушиб, Рашидларнинг онасини — Рихсихонни ўртада туриб менга олиб берганди. Тантиликни қара. Ўзи эса қанча қистамай меникида қолмади — қизлик уйига кетди-ворди... Ундан ҳали-ҳалигача хабар олиб турардим. Тақдирнинг мана бунақа ўйинига қара...

Аппон чолни унинг ҳикояси ўйлатиб қўйди. Аппон чол анчагача ўй суриб қолди. Шокир баззозга далда бериш учун бирор арзирли сўз тополмади. Бирор кўнгили кўтарар гап келавермади калласига. Бу ишда унга кўмак беришга ожиз эди...

Шу маҳал сўрига осиб қўйилган тўрқовоқлардаги беданалар бирин-кетин сайраб қолдию миясига ялт этиб бир фикр келди: Абдаз шайтоннинг бедана уриштирганани айтиб бераман!..

— Беданаларингдан бири тезотар кўринади, — деди у Шокир баззозни чалғитишга тутиниб, дераза орқали ҳовлига қаради: — Ҳув анави қизил тўрқовоқдагиси шекилли уриб-уриб сайраётгани?..

— Ҳа, ўша. — Шокир баззознинг кайфияти ўзгармади.

— Абдаз шайтон дегин, — дея сўз бошлади Аппон чол, «шайтон» сифатини тақаркан, зўрма-зўраки жимлайди, — носфуруш куёви бор, Анормат деган, унга синглисини узатган, шунинг туллагини опкеб уриштирибди-да, Аппоннинг сариқ беданасини макиёнминан енгдим, деб гап тарқатиб юрибди. У нодонни қара, — деди, бу гапни ҳазил тариқасида айтаётгандай эса-да, мазкур уриниши кўнгилдагидек чиқмаганини ўзи ҳам сезди, сездию сўзини яқунлаб қўя қолди: — Қариб қулмаган шайтонни қара, шундай иш қипти-я!..

Шокир баззоз унинг гапига кулмади, аксинча Абдулазизнинг номини эшитиб юзи янада тундлашди, пешонаси тиришди. Аммо-лекин ундаги бу ўзгаришни Аппон чол илғаб қолмасин учун яна тезда асли ҳолига қайтди-да, ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдай деди: — Тунов куни у бу ерга кеп кетувди.

Аппон чол учун бу янгилик эди.

— Сени кўрганими? — ажабсинди у.

— Ҳа. — Шокир баззознинг бу сўзи Абдулазиз уни кўргани келганини тасдиқламасди. У бир оздан кейин деди: — Қайси бир мухбир ҳаммамизни газетага мақтаб чиқмоқчи экан. Шуни опкелай, суратга тушайлик,

урушдан сўзлаб берайлик унга, дейди...

— Шунга кептими?! — хуноби ошиб кетди Аппон чолнинг. Бу ҳолатини Шокир баззозга ифшо этиб қўйганидан ўнғайсизланди.

— Мен «йўқ» дедим. Аҳволимни тушунтирдим. Суратим газетга чиқса, юрт номга дейди, дедим. «Ўғли қамалиб ётса-да, Шокир баззоз пўримларга ўхшаб суратга тушганини-чи», демайдими одамлар, дедим. Билмадим, ранжиб кетди чоғи.

Аппон чол тутатанган-тутади. «Одамам шунчалик бетига чарм қоплаб оладими, шунчалик сур бўладими?!» деб мулоҳазаланди, мулоҳазаландию Уялмай-нетмай Шокирни келганини-чи?! Қандай қилиб эшик тақиллатиб келди экан?! Қандай қилиб юзи чидади экан?! — деб сўзланди, янаям ижирғанди. Шокир баззоз унга синовчан тикилаётгандай бўлиб кўрингани боис:

— Ҳа, Абдазининг ошиғи олчи бўп қолди қариган чоғида, — деди, бу сўзларни у кино тарзи эмас, кино тарзи айтишга Шокир баззоздан истиҳола қилди, зеро у Аппон жуда ҳасадгўй бўлиб қолибди дейиши мумкин эди, шу сабаб ҳазил тарзида баён қилди: — Ғалаба байрами шарофатига ҳарбий комиссарликдан орден олди, кўрагини нишонларга тўлдириб телевизорга чиқди.

Шокир баззоз унга қўшилиб кулиб қўйди. Унинг кулгисидан Абдулазизга тааллуқли ниманидир яшираётганини, ниманидир Аппонга айтишни истамаётганини сезиш мумкин эди.

— Ҳай, майли, омон бўлсин, — деди Шокир баззоз, яна ўз ғам-ташвиши ёдига тушди чоғи: — Ҳар банда ўзидан тинсин экан, — деб қўшиб қўйди.

— Шундай, — деб бош чайқади Аппон чол, бари бир у ичида Абдулазизнинг қилган иши билан келишолмаётганлиги ва бу ҳол унинг кўзларида ҳам яққол акс этиб турарди.

У чуқур хўрсинди. Кейин соат неча бўлганини билишга тутиниб тепасига қаради.

Шу маҳал айвон олдида ёши ўттиз беш билан қирқлар атрофидаги, гавдасига муқоясалардан қорни ҳаддан ташқари чиқиб кетган хомсемиз бир йигит келиб уларга салом берди-да, Шокир баззозни йўқлади.

Шокир баззоз дераза томонга ўгирилди:

— Кир буёққа, Башир, — деб ичкарига таклиф этди. Башир уйга кирмади — ўша ердан туриб:

— Амаки, уёқдан келишувди. Сизни сўрашяпти, — деди.

Шокир баззоз Аппон чолни назарда тутиб:

— Меҳмоним бор, ошнам кеп қолди, — дея унга узрини айтган бўлди.

Башир ундан ранжиганиданми ё ўзи шундайми, бармоқлари орасида қисқлиқ турган сигаретасини лабига олиб бориб анча ичиға тортди-да, оғзи-бурнидан тутун чиқарди, сўнг миқ этмай ҳовлини тарк этди.

— Нима иш эди? — деб сўради Аппон чол.

— Башир ён қўшним, — деди Шокир баззоз, — уч-тўрт йил бурун ўзи бош бўлиб укасини уйлантирувди. Ота-онаси қазо қип кетишганда, ота ўрнида оталик қилиб шу укасини уйлантирувди. Унинг юраги чатоқ экан дегин, ўтган йили нобуд бўлиб қолди. Аммо-лекигин жуда ўқимишли, эс-хушли бола эди... Қуда томондан келишган шекилли, қизларини опкетгани...

Аппон чолнинг юзини яна изтироб эгаллади.

— Войбўй, жуда чатоқ бўлган экан-ку! — дея бошини сарак-сарак қилди. — Ёшгина жони кетибди-да боёқишнинг!..

— Нима дейсан энди Аппон? Жуда увол бўлди-да бола шўрлик. Буёқда ёшгина келин...

— Мен турай, Шокир. Анча ўтиришиб қолдик.

— Озиб-ёзиб бир кепсан — ош қилсин Тоҳира, — деди Шокир баззоз, келинини ахтарган бўли ҳовлига мўралади.

— Ош емаган уйимми? — этироз билдирди Аппон чол. — Сенам, Шокир, ҳалиги қўшнингникига чиқ. Хафа бўп кетди чоғи бояғи йигит.

— Сен борлигингни кўрди-ку! Нега хафа бўлади?

— Йўқ, ошна, бир ернинг одамисизлар — чиқмасанг уят бўлади, — сўзида қатъий турди Аппон чол. Шокир баззоз ўйга чўмди. Чуқур тин олди.

— Рашид қамалганидан буёқ юртнинг ичида бош кўтаролмай қолдим, Аппон, — дея зорланди у, пича тек турди, сўнг сўзида давом этди: — Оббаҳолам, Башир ҳалиги айтганим қуда томонга фотиҳани ўзингиз беринг деб чиққан кўринади. Мен, ахир, Аппон... мени Рашид уялтирган, мени юзим шувут бўлган бўлса. Қандай қилиб уларга фотиҳа бераман.

— Ҳалиям шунга ўхшаш гап қилувдинг, — ундан астойдил ранжиди Аппон чол. — Нега юзинг шувут бўларкан? Ҳечам ундай деб ўйлама! Сен қандай одам эканингни эл-юрт билади-ку! Қолаверса, бояғи исмини Башир деганингни йигит ҳурматинг борлиги учун ёнингга чиққан. Бундай бўлмағур гаплар билан ўзингни сиқиб нима қиласан? Рашид ҳам шундай бўлсин дептими? Кўргилик-да ахир!..

— Шундай дейсан-ку, Аппон, ўртада Норхол ўлиб кетди.

— Бу энди худодан. Бандасининг қўлидан нимаям келади. Дунёга ҳеч ким устун бўлмаган. Ҳаммамиз кетамиз бирин-сирин...

— ...

— Қани фотиҳа ўқи. Улар ҳам кутиб қолишгандир сени, — деб уни ошиқтирди Аппон чол.

Шокир баззоз чор-ночор фотиҳа ўқиди. Улар ўрниларидан қўзғалдилар.

Кўчага чиққанда Аппон чол баайни ошнасини бўлак кўрмайдигандай кўчоқлашиб хўшлашди.

— Яхши кунларда кўришайлик, — деб юзига фотиҳа тортди Шокир баззоз.

— Айтганингни келсин, — унга қўшилишди Аппон чол, сўнг эса энг муҳим нарсани унутаёзгандай: — Ҳа, дарвоқе, неваранг қандай бўлмасин эрта-индин борсин меникига, — деб қайта тайинлади.

— Анварга айтаман, албатта боради, — ваъда берди Шокир баззоз.

— Уйим эсингдан чиқмагандир, — ҳазил мазмунида сўради Аппон чол.

Шокир баззоз кулимсида.

— Ҳали эсимдан чиққанича йўқ. Аммо-лекин шунақа йўқ бўлиб кетсанг унутиб юборишим ҳеч гапмас.

Ўз навбатида Аппон чол ҳам ошнасининг гиналанишидан кулимсиради.

— Чуқурсойга етмасдан ўйинчоқ фабрикасининг олдида тушиб қолиб, сой ёқалаб мактабнинг орқаси билан кириб борсам бўлади. Ё гузарда тушсин-да, чаптадаги кўча билан мактабнинг олдида чиқиб олсин. У ердан катта йўл билан пастликка тушиб боради. Сабзавот дўкони келади. Ундан ўтиб ўнгга, иккита кўча юргач тагин ўнгга бурилади. Аппон отаники қаерда деса ҳамма айтиб беради.

— Ёдимдан чиқарганим йўқ уйингни. Ўзимам тушунтириб қўёламан.

— Майли-да, бир эслатиб қўяяпман.

— Айтаман, албатта боради.

— Шундай қил, — деди Аппон чол, йўлка билан катта йўл орасидаги ариқдан ҳатлади-да, келган томони — Жаркўчага юрганди ҳамки, Шокир баззоз уни тўхтатди.



— Манов йўлминан ўннга, салдан кейин чапга юриб Олмазорга чиққанинг тузукмасми? — дея тўғридаги кўчага ишора қилди. — Ильичга етиб олсанг, уёғига дуч келган автобус Чуқурсойга боради.

Аппон чол бу ерга келаётганда кўнглига туккан истакни эслади. Эслаши заҳоти майор Қаҳрамоновнинг ялпоқ юзи, бесаранжом боқувчи укки кўзларию «Бу отанинг ҳужжатларида чатоқ ери борийди, бу отанинг ҳужжатлари юқоридан қайтанди», мазмунидаги доғулилик билан айтган сўзлари боз кўз олдида тажассумланиб, вужудида сўниб улгурган истак тағин хуружини бошлади.

— Бу гапни яхши айтдинг, — деди у, — Ильичда ўзимнинг ҳам ишим бор эди, бир ерга кириб ўтишим керак эди.

— Шундай қилганинг дуруст, — деди Шокир баззоз, бу нарсалардан беҳабар кўйи. — Тахтапулнинг йўли анча айланиш. Қийналиб қоласан.

— Хўп, яхши қол.

— Омон бўл, Аппон. Яхши кунларда кўришайлик. Аппон чол тўғри билан юрди.

Шокир баззоз у ўнгдаги кўчага бурилгунга қадар ортидан кузатиб турди. Аппон чол кўздан ғойиб бўлгач, янги мошранг бахмал дўпписини қўлга олиб бош қашиди, сўнг иккилана-иккилана кўшниси Баширникига йўналди.

Аппон чол йўлда Қаҳрамоновнинг қабулига қай йўсин киришни, кирганда нималар дейишни ўзича чамалаб борди. Ильичга етганда эса, иттифоқо, вужудида жунбушга кирган ўжар истак уни яна тарк этди-қўйди. Унга ўйлаганларнинг бари бемаъни, ҳозир қилмоқчи бўлган иши аҳмоқона кўринаверди. «Қобил, ахир, буваси Содир ака дадамга нисбатан адолатсизлик қилганини билгани учун мендан ўзини олиб қочди-ку! Йўқ, нотўғрими? Ана шунинг учунам мени ўшанда ўзига яқинлаштирмади. Ўзининг ўша Содир аканинг невараси эканини билишимни истамасди, — деди у ўзига-ўзи. — Тағин мен унинг олдида: «Дадамни қаматган сенинг буванг бўлди, Содир ака бўлади», деб кираманми? «Бундан роппа-роса йигирма тўрт йил бурун сен мени «Москвич»ингда кеп опкетганинда Содир ака шуларни бўйнига олган, йиғламоқдан бери бўлиб тавба-тазаррулар қилган, дадамга хиёлати учун пушаймонлар еган», дейманми? Буларнинг ҳаммасидан у хабардор-ку! Ҳаммасидан хабардор бўлмасан ҳам, ҳар ҳолда, буваси мени шунинг учун йўқлатганини билар, ахир?! «Бувам қаматган бўлса менда нима гуноҳ? Мендан не истайсиз? Ана, қўлингиздан келса Ибройим отага бориб ўзини сўроқланг! Ўзи жавобини берсин! Қачондан буюқ отларнинг айбига фарзандлар жавоб берадиган бўп қолди?!», демайдимми? Айтади! Худди ана шундай дейди! Албатта шундай дейди-да! Шубҳам йўқ шу гапни гапиришга! Унда нима қиласан? Нима деб жавоб қайтарасан? «Шуни сенга айтиб қўяй деб қошинга келдим», дейсанми? Шундай дейдирган бўлсанг, у: «Йўқ, сизнинг муддаоингиз бу эмас, сиз бўлак мақсадни кўзлаб келгансиз бу ерга», деб, кечаги Абдазинг бемаврид гапига шама қилиб қолса-чи? Унда нима деган одам бўласан? Яна мулзам бўп қайтиб чиқаверасанми?!», дея турфа ўй-мушоҳадаларга борди, боргани сайин ҳозирги хатти-ҳаракати чиндан-да бемаъниликдан бошқа нарса эмаслигини тағин ҳам чуқурроқ идрок этди. Шахтидан қайтди. Ортиқ мулоҳазаланиб ўтирмай, ёнидаги бекатга келиб тўхтаган автобусга қараб югурди.

Автобусда ҳам, автобусдан ўйинчоқ фабрикасининг рўпарасида тушиб қолганида ҳам ҳарбий комиссариат-

га кирмай тўғри иш қилганини, мабодо киргудай бўлса, майор Қаҳрамонов, кечаги тасодифий учрашувдан сўнг «бу чол ўша, унга теғмай қолган орденнинг илинжида юрибди» деб ўйлаши ва албатта «бари бир бош эгиб келаркансан-ку олдимга» мазмунида ҳукм чиқариши мумкинлигини тасаввур қилиб, шундай йўл тутмаганидан дилда мамнунлик ҳис этди.

У катта кўприкдан юрмай, ёнидаги йўловчилар учун мўлжалланган омонатгина ёғоч кўприкдан нариги қирғоққа ўтиб олди-да, сой ёқалаб кетди. Энди у Қаҳрамоновни ҳам, унинг қабулига кирмай тўғри иш қилганини ҳам унутган, энди хаёли Молдахматга кўчган, энди хаёлини Шокир баззознинг бошига тушган мусибат банд этганди. Тақдир бу одамларни қариган чоғларида мушкул кўйга солиб қўйганини, айниқса Шокир баззозга жабр бўлганини, унинг аҳволи ўзиникидан ҳам чигаллашиб кетганини қалбан чуқур ҳис этди. Ҳаётнинг бу одам устидан кулгуси билан сира ҳам чиқишолмади. «Ё тавба, — деди у, — яратганинг раҳми келмас экан-да! Бандасини шунчалар аянчли аҳволга солади-ми?!» Шокир баззозга куйинаркан, унинг оилавий шароитини кўриб-билиб туриб муҳбир билан суҳбатлашайлик, газетага бирга суратга тушайлик деб борган Абдулазиздан янада нафратланди. «Ифлос бузоқ подани булғатади» деганлари тўғри экан. У бадкирдор ҳам ярамас хатти-ҳаракатлари билан Молдахматдай, Шокирдай одамларнинг номини булғатиб юрибди!», деб уни ич-ичдан койиб келаётганди, ён тарафдаги гузарнинг йўлидан хиёл букик бўлган қотма гавдасига номувофиқ равишда катта-катта одим отиб чиқиб қолган Тиллага кўзи тушиб хаёли бўлинди.

Тилла, йигирма билан йигирма бешлар миёнасидаги думбул табиат йигит, устарада қирдиргани сезилиб турган юмалоқ бошига қаржлари кўринмай кетган эски дўпписини сал қийшайтириб кийиб олган, энглидаги солдатча кўйлаги ҳам оҳордан тўкилган, боз устига, икки тирсагига қора сурпдан ямоқ тушган, йўл-йўл тиринка шимининг карнайдай почаси ёзнинг кунига номуносиб бесўнақай ботинкасида ярим қаричча юқорида; белидаги қайиш шимини маҳкам тутса-да, у худди тушиб кетаётгандек ҳадеб кўтариб қўйишда тўхтамас, иш шу йўсинда давом этаверса, бугун бўлмасан эртага шимининг оғига ҳам ямоқ тушиши эҳтимолдан узоқ эмас; оқ-сарикқа мойил чиройли кулча юзини истисно қилганда, мана шу туриш аҳволининг ўзиёқ унинг девонасифатлигини ифшо этарди.

У ўнг қўлидаги халтани сўл қўлига олди-да, Аппон чолга чўчинқираб салом берди. Кўришиш учун қўл чўзганида ҳам узун билан қисқа оралиғидаги бармоқлари ғайришуурий тарзда титраб кетди.

Аппон чол унинг ҳайқиши сабабини туйиб, кечаги воқеани фаромуш қилган одамдай саломига алик олди, қўлини сиқиб қўйди.

— Ҳа, Тилла болам, қаердан келяпсан?— деб уни сўроқлади.

Тилла, одатда, Аппон чолнинг «Тилла болам»идан сўнг ийиб кетарди, ҳозир ҳам чол кечаги воқеадан оғиз очмаганини кўриб чеҳраси пича ёришди, баайни гўдақлардек суюлиб:

— Сочимни олдириб келяпман, Ота, — деди, у Чуқурсойда ёлғиз Аппон чолни «ота» дер, ёлғиз шу мўйсафид билан ўз яқинидай гаплашар, онда-сонда ундан хабар олгани уйига ҳам ташриф буюриб турарди. У дўпписини қўлига олиб бошини Аппон чол томон энгаштирди: — Устара ҳақи олинг, Ота, устара ҳақи...

Аппон чолнинг Тиллага ичи ачишди. Унинг қўлидаги дўпписини олиб бошига кийдириб қўйди.

— Бундай қилма, Тилла болам!  
Тилла ундан норозиланди:  
— Ҳамма олганда сиз олмайсизми?!  
— Ҳамма деганинг ким? — деб қизишиб сўради  
Аппон чол.  
— Чойхонадагилар-да, Ота!  
— Самоварга кирибам устара ҳақи олдиртириб  
юриссанми?  
— Ҳа-да, Ота!..  
Шу пайт сал нарида ёнғоқ ўйнаётган болалардан  
бири Тиллани мазах қила бошлади:  
— Тилла — бир қути пилла!..  
Унга иккинчи шериги ҳам қўшилди:  
— Тилла, Тилла — ўн қути пилла!..  
Аппон чол уларни инсофга чақирди.  
Тилла болаларга қараб беозор кулди. Сўнг эса улар  
томон юриб:  
— Қани, буюққа келинлар! — деб бошидан дўппи-  
сини олди. — Устара ҳақи олмайсизларми?  
Болалар журъат қилишолмади — бир-бирларига  
қараб «пиқ-пиқ» кулиб қўйишди.  
— Ҳа, қўрқоқлар! — ўз навбатида уларнинг ҳам  
устидан кулган бўлди Тилла. — Устара ҳақи ололмаган  
қўрқоқлар!  
— Юр, Тилла болам, — деди Аппон чол. — Қўй энди  
уларни. Сенга почапўстин ва телпак бермоқчийдим.  
Шуни обервораи.  
Тилла болалардан кўзини узмай «ҳа, қўрқоқлар!» деб  
хитоб қилишини қўймасди.  
Шунда болалардан бири — бўйга паст, озғин, тўга-  
рак юз, шалпангқулоғи жажжи кафтига туплаб олиб,  
юрак ютиб унинг ёнига келди, «ма, ур»лаб чўкка тушиб  
ўтирган Тилланинг бошига икки-уч марта туширди.  
Тилла ҳам тек турмади — боланинг иштонини ечиб  
юборди.  
Борқа болалар ўртоқларининг устидан кулишди.  
Аппон чол ҳам Тилланинг қилиғидан кулиб юборди.  
Фақат ҳалиги шалпангқулоқ бола йиғламоқдан бери  
бўлиб уни мазах қилишга тушди:  
— Тилла, Тилла — юз қути пилла! Тилла, Тилла —  
минг қути пилла!  
Аппон чол «юр энди» деб Тиллани ўзи билан олиб  
кетди.  
Улар сабзавот дўконига етганларида қаршидаги кў-  
чадан бир-бирини қўлтиқлаб олган бўйи етган қизлар  
чиқиб қолишди. Аппон чол улардан бирини таниди.  
Абдулазизнинг набираси — Иқболхон эди.  
Иқболхон Аппон чолни учратиб қолганидан нечоғ-  
лик севинса, Тиллага йўлиққанидан шунчалик энсаси  
қотиб кетди; бунининг ўсмаси қоп-қора бўлиб қол-  
ган қалам қошини паст-баланд чимириб, қовоқларини  
дарров уйиб олганидан ҳам туйиш мумкин эди. Унинг  
дугонаси ҳам Тилладан чўчиб турарди.  
— Амаки, яхши ўзингизни кўриб қолдим, энди уйин-  
гизга бормоқчи бўп турувдик, — деди у баайни ортидан  
ёв қулаётгандек тез-тез сўзлаб, шунинг робарида  
Тиллага хавотир аралаш кўз қирини югуртириб олди. —  
Бувамни кўрмадингизми? Абдаз бувамни редакция-  
дан йўқлаб келишибди. Бир мухбир сўраб кепти, —  
деди.  
Аппон чол Абдулазизнинг исмини эшитиб фиғони  
фалакка кўтарилди. Иқболхонга бу ҳолатини сезди-  
масликка қанчалар тиришмасин, уҳдалаёлмади, бужур  
юзидан белгилар унинг кайфиятини ошкор этиб қўйди.  
— Бувангни кўрганим йўқ. Буванг меникига келмай  
кетган, — деди у қисқа, қуруққина қилиб.  
Тилла баайни ҳушидан айрилганга ўхшаб Иқболхон-  
дан кўз узмай турарди.

Иқболхон унинг қарашини сезса-да, сезмаганликка  
йўйди.

— Энди нима қилдик? — деб дугонасига ташвишли  
нигоҳда боқди. Ваҳоланки у Тилланинг ўзи томон  
анграйиб қараб турганидан ноқулайлик ҳис этгани,  
ноқулайлик ҳис этишдан ҳам бурун кулиб юборишдан  
ўзини тийиб қолгани учун ҳам мазкур гапни қилганди.

— Мен топиб берайми? Бувангни мен топиб бе-  
райми, Иқбол?! — ҳаяжонланиб, айна пайтда чуқур  
меҳр билан, ошиқларнинг маъшуқасига «сенга ойни  
олиб берайми?» дегандай йўсиндаги мурожаатидан  
қилиб сўради Тилла.

Иқболхон унинг орага суқилишидан ғижинди. Бунининг  
кўҳликкина юзи тундлашиб, қийғоч кўзлари каттариб  
кетганидан ҳам, қўйган ўсмаси ярашмайроқ тушган  
қалам қошларини чимириб, юпқа иринларини бурга-  
нидан ҳам пайқаш мушкул эмасди.

У нигоҳини Тилладан олиб қочиб, дугонасига қа-  
ратди.

Дугонаси Тиллага бошдан-оёқ разм солиб чиқди.  
Тилланинг юз-кўзларидаги ғалати беқарорлик, хурсанд-  
лик ва ҳаяжон ифодаси уни саросимага қўйди. Ортиқ  
Тилланинг ёнида туришдан чўчиб:

— Юр, гузарга чиқамиз. Чойхонани қараймиз, —  
деди-да, Иқболхонни қўлтиқлаб олиб нарига судради.

Орага тагин Тилла аралашди:

— У ерда йўқ буванг! Мен ўша ёқдан келяпман, Иқ-  
болхон!..

Қизлар Тилланинг ўзига ҳам, сўзига ҳам қулоқ сол-  
май — индамай кета беришди.

Аппон чол уларнинг ортидан ҳайкал мисоли сер-  
райиб қараб қолган Тиллага юзланиб:

— Юр энди, болам, — деди.

Тилла унга қулоқ солмади — унинг кўзи ҳали ҳам  
ўзидан олислашиб бораётган Иқболхонда эди.

— Ота, айши қизни оберинг! Умрбод юмушингиз-  
ни қилай, Ота, айши қизни оберинг!..

Мууюлишга етган қизлар бир-бирларига нимадир  
деб сўзландилар-да, сўнг кетларига қараб Тиллани  
мазах қилиб хахлаб кулдилар.

Уларнинг ана шу кулгиси Тиллага қаттиқ таъсир этди.  
Унинг юз-кўзларидаги ҳайрат, эҳтирос ўрнини ғам-  
аламга монанд ифода эгаллаб улгурди, яна бу нурли,  
мунгли чеҳра қизларга қарата «нега ахир?» ёинки «гу-  
ноҳим нима?» деяётгандек бўларди. Баногоҳ у айюхан-  
нос солиб йиғлаб қолса бўладими? Ерга ўтириб олиб  
хўнграй бошлади.

Аппон чол Тиллага қизларнинг кулгиси айил бот-  
ганини сезди. Унга ачиниб, хўрлиги келди, аммо ўзи-  
ни қўлга олди.

— Тилла, тур энди болам! Шу ақлсизлардан хафа бў-  
ласанми?! — дея уни кўтаришга чоғланди. — Турсанг-чи  
энди, ҳамма сенга қараяпти!..

Тилла сўл оёғининг болдирини чангаллаб йиғлаши-  
ни қўймади:

— Айши ерим қийшайиб қолди, Ота! Айши ерим  
қийшайиб қолди!..

Аппон чол унинг шимини почасини тиззасига дову  
кўтарди. Товуқникидай ингичка болдирига кўз югуртди:  
— Ҳечам қийшайган жойи йўқ! Жудаям тўғри-да  
оёғинг! Ваҳима қилаверасанми?!

Тилла қани энди унинг гапига кўнса. Ҳадеб бир сўзини  
қайтараверди:

— Иқболхон бекорга кулмади, Ота! Иқболхон оёғим-  
нинг қийшайиб қолганидан кулди!

Аппон чолни Тилланинг оҳ-ноласи бир томондан  
ранжитса, иккинчи томондан кулгисини қўзғади.

— Э, болам-а! Улар сенинг оёғингдан эмас, соддали-

гингдан кулишди, соддалигингдан!..

— Йўқ, Ота, Иқболхон айши ерим қийшайганидан кулди!

Аппон чол энди Тилладан астойдил ранжиди.

— Қани тура қол энди! Ҳали мазорга боришим керак, ҳали Далавой гўрковдан хабар олишим керак!..

Унинг жаҳли чиқа бошлаганини фаҳмлаган Тилла энди эркалик қилишга ўтди:

— Айши ёғочларни оёғимга боғламасангиз бормайман, Ота. — У шундай деб халтасини титкилаб икки-та силлиқ тахтача ва чизимча чиқарди.

Аппон чол Тилланинг қўлидан халта тушмасини биларди-ю, аммо ичида нима борлиги билан қизиқиб кўрмаганди. Фақат ҳозир буни тушуниб етди. Иш бунчалар осон кўчганидан бир ҳисобда севинди ҳам. У Тилладан чизимча ва тахталарни олди-да, болдирига тахтакач боғлагандай қилиб сиқиб боғлади. Шимининг почасини туширди.

Утган-кетган уларга ҳайрон бўлиб боқарди.

Тилла ўрнидан кўзғалди. Оёғига қараб-қараб олди.

— Ана энди тўғри бўлди, Ота.

Аппон чол унга маъюсина тикиларкан, қисқагина жилмайди.

Улар яна йўлга тушдилар...

Ҳовлига киришлари билан Аппон чол кампирини чақирди:

— Сора-ей, ҳой Сора! Қара, Тилла ўғлингни бошлаб келдим!

Аппон чол овозини баралла қўйиб кампирини чақиршидан Тилланинг завқи ошди. У шимини юқорига кўтариб олди-да, катта ялпоқ бурнининг учини қашиб қўйиб:

— Айши қизини сиз оберинг, Ота, айши қизини сиз оберинг — менам эшиқдан кирганда бақириб кираман! Сизга ўхшаб: «Ҳой Иқболхон, Тилла ўғлингни бошлаб келдим!» дейман...

Сора кампир чоли айтганини қилиб Тиллани бошлаб келганидан бош тебратиб кулиб қўйди.

— Ассаломалайкум, Ойи. — Тилла қўлини кўксига қўйганча Сора кампир елкасига қоқсин учун энгашиброқ турди.

Сора кампир унинг майлини туйиб, елкасига қоқиб қўйди.

— Эсонмисан, Тиллавой? Уйнаб-кулиб юрибсанми, болам? — деб ундан ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

Тиллага Сора кампирнинг ширин муомаласи мойдек ёқди, у кулча юзига муқоясалаганда бир оз каттароқ, аммо ялпоқ бурнига мутаносиб оғзини хунук қийшайтириб кулди.

— Айши Отам бошлаб келдилар, Ойи. Пўстин бераман, телпак бераман, дедилар, — Тилла Аппон чолнинг яқинига келди. — А, Ота? Пўстингизни бера-сиз-а? Телпакниям бера-сиз-а?..

— Қани, юр-чи, — деб уни супага бошлади Аппон чол. — Юр, аввал чой-пой ичайлик. Уша пўстин сеники...

Тилла унамади.

— Олдин айши оёғимни ювиб олай, — деб учки томонининг тагчарми кўчиб, оғзи очилиб қолган ботинкасига ишора қилди. — Иннайкейин бориб ўтираман.

Тилла ҳалидан буюқ «айши» сўзини ишлатаётган эса-да, бу сўз унинг феълига, юриш-туришига мувофиқ тушган, шу боисдан ҳам унинг талаффузида ўзгачалик касб этганди. Бунга Аппон чол айни чоқда яна бир бор иқрор бўлди. У Тилланинг раъйига қаради. «Дуруст, дуруст, — деб қўйди ичида, — соддароқ бўлсанг-да озодасан, ўғлим...»

— Бор, ҳув анув ариқда ювиб кел, — деди Аппон

чол, ўзи эса кийимини алмаштиргани уйга кириб кетди.

Сора кампир ўчоқбоши ёнидаги самовардан чойнакка чой дамлади, у чиқсин учун устига қўйди. Узи супадаги дастурхонни йиғиштириб, гулзорга олиб бориб қоқди, кейин қайтиб олиб келиб ёзди. Патнис тузаб чиқди. Бир ликопчага буваки узум, иккинчисига зарғалдоқ шафтоли тўлдириб, униям дастурхонга қўйди. Тилла ювинаятган ариқ яқинидаги гилос шохига эски сочиқ илиб қайтди.

Чоли ҳаяллаганига хавотирланиб, ундан хабар олгани уйга йўналди.

Яктагини алмаштираётган Аппон чол кампирига юзланиб:

— Ана, токчадаги тошойнанинг орқасига қўйдим пулни. Қутича ичига, — деди.

Сора кампирнинг нуруний чехраси боз тундлашди. У чоли бу ишга астойдил киришганини кўриб шу ҳолга тушганди.

— Жуда қизиқсиз-да, дадаси...

— Ҳали айтганларимни қилдингми? — деб сўради Аппон чол.

— Жуда қизиқсиз-да, — паришонхотирлик билан ҳозирги сўзини такрорлади Сора кампир.

Аппон чол унинг шу лаҳзадаги аҳволини тушунгани учун индамади.

— Сандиғингни очиб почапўстин билан телпакни олсанг, — деди, бирпас тек тургач қўшимча қилди: — Иннайкейин, Далавойнинг сарпосини ҳозирласанг!..

Сора кампир «хўп» ишорасида бош лиқиллатди.

Аппон чол ҳовлига тушди.

Супа ёнида унинг чиқишини кутаётган Тиллага сўзланиб:

— Ҳўв анув самоварнинг устидан чойнакни опкел-да, чой қўйиб ичиб тур. Мени кутиб ўтирма. Мен намозимни ўқиб оламан, — деди.

Тилла унинг айтганини қилди. Самовардан чойнакни олиб келди-да, ботинкасини бир четга ечиб, супага чиқиб пастроққа ўрнашди.

Аппон чол обдастага сув тўлғазиб, таҳорат олгани йўналди.

У намоз ўқиб қайтганида Тилла шафтоли арчиётганди. Аппон чолни кўриши ҳамано сапчиб ўрнидан турди-да, унга салом берди. Аппон чол «ўтир-ўтир» ишорасини қилди. Тилла яна бесўнақай тарзда жойига чўкди.

— Ойим мени сийладилар, Ота, — деб қўлидаги шафтолига ишора қилди, сўнг уни шошилмасдан, берилиб арчишда давом этди.

— Ойинг сени яхши кўради-да, шунинг учун шафтоли билан меҳмон қилган, — дея унинг кўнглини кўтарди Аппон чол.

— Айшини еб маза қиляпман, Ота, — мамнун қиёфада юпқа ва қалин оралиғидаги лабарани тамшаниб қўйди Тилла. — Шоптоли маза бўларкан!

— Еявер, ош бўлсин, — кулимсиди Аппон чол, чойнакдан ўзига бир пиёла чой қўйиб олди.

Улар хийла жим ўтирдилар. Тилла шафтоли ейиш билан овора бўлди, Аппон чол эса чойига оқ қанд ботириб шимиш билан банд эди.

— Сенга бир оталик насиҳатим бор, Тиллавой, — деди бир пайт Аппон чол. Тилла шафтолисини еб бўлиб энди сочиққа қўлини артишга чоғланаётганда, унинг мана бу гапини эшитдию таққа тўхтади. Катта-катта зогча кўзларини пирпиратиб Аппон чолнинг оғзига анграйиб қараб қолди: — Кечагидақа воқеа бошқа қайтарилмасин, — дея томоғига чертиб кўрсатди Аппон чол. — Бу ишни қилма, болам. Бу нарса сенга ярашмайди, сени одоқ қип қўяди.

Тилланинг кўзлари жавдиради. Худди кечагига ўхшаб ҳовлиққан кўйи ўзини оқлашга тушди:

— Айши нарсани пақат уч марта ичдим, Ота! Пақат уч мартагина!..

— Умуман ичмагин. Бу шайтоннинг ичимлиги яхши оқибатларга олиб келмайди. Буни ичиб ҳеч ким барака топмаган.

Тилла боз ўзиникини маъқуллади:

— Айшини бир марта Мовлонниқида ичдим. Бир мошина кўмирини ташиб берганимда пул бермади, айшиндан қуйиб берди. Айшининг қуввати пулдан ўтади, деди. Босиб-босиб уч марта қуйиб берди. Айшиндан кейин аммо-лекин маза қилдим... Иккинчи марта Абдаз амакининг тўнқасини қовлаб берганимда ичдим. Иқболхоннинг дадаси қуйиб берди. Учинчи марта эшиги тагидаги «Жигули»га болалар мих тикаётганини кириб айтганимда қуйиб берди. Полковник меҳмон қуйиб берди. Айшинда яна бир тўйдим, — оғзининг таноби қочиб ҳисобот берди Тилла.

Аппон чол у «полковник меҳмон» деганда майор Қаҳрамоновни назарда тутаётганини сезди, сездию тутақанча сўради:

— Нима, кеча тагин Абдазникига қайтиб бордингми?!

— Ҳа, Ота, қайтиб бордим, — деди Тилла унинг қизишганини пайқамай. — Уларга ашула айтиб бердим. «Қўлгани-иб»ни айтиб бердим, Машрабни айтиб бердим. Мана бундай айтиб бердим, Ота, — дея Тилла оёқларини чалиштириб ўтириб олди-да, қўлларида ба-мисоли рубоб ушлагандай бўлиб қўшиқ айтишга киришди: —

**Кўрдим юзунгни девона бўлдум,  
Ақлу ҳушимдан бегона бўлдум.  
Тортиб жафони ўлсам кўйингда-аа,  
Қайтмасман ҳаргиз — мардона бўлдум-ээ...  
Бўлуб жаҳонда расво олам,  
Яхши-ямонга афсона бўлдум...  
Яхши-ямонга афсона бўлдум-ээ...**

Айшини айтиб бердим, Ота. Манови еримга орден тақиб қўйишди, — ғоз қараш қилиб кўкрагига ниқтади у. — Аввал полковник меҳмон тақди, кейин унга Абдаз амаки қўшилди. Уларга «Девона бўлдум»ни яна бир марта айтиб бердим, — деб қикирлаб кулди Тилла, сўнг эса «бирова билмасин» қабилида уёқ-буёққа кўз қирини югуртиб олди-да, Аппон чол томон энгашиб, болаларча соддадиллик билан деди: — Аслида бу ашулани улар учун айтганим йўқ, Ота. Аслида бу ашулани қўшни уйда ўтирган Иқболхон учун айтдим. Айши қиз учун айтдим, — у энди муғамбирона кулган бўлди. — Ҳалиги лақмалар эса бизга айтяпти де-еб чаккамга иккита бешталиқ қистиришди-и. — У яна «уларни бопладим» йўсинида пиқир-пиқир кулди. — Айши бешталиқларни яшириб қўйиппан, пайпогимнинг ичига яшириб қўйиппан, Ота. Мана ҳозир сизга кўрсатаман... — Тилла шундай деб шимининг почасини кўтаришга чоғланганди, Аппон чол уни тўхтатиб улгурди.

— Бўлди, бўлди, олма, сенга ишонаман, — деди у, Тилланинг: «Манови еримга орден тақиб қўйишди. Аввал полковник меҳмон тақди, кейин унга Абдаз амаки қўшилди», деганидан, айниқса, бир хил бўлиб кетди. Абдулазиз ва Қаҳрамоновнинг бир нотаваон йигитни мазах қилганликлари унга ҳеч ҳам тинчлик бермади. Тиллага: «Сен Абдазникига борма, иккинчи марта унинг юмушини қилма», демоқчи бўлди-ю, бироқ унинг соддалигини, боз устига, бошига ишқ савдоси тушганини ўйлаб қолди, айтгани билан у қўлоқ солмасини, солган тақдирда ҳам уни бу йўлдан қайта-

риб бўлмасини, қайтаришнинг ҳожати ҳам йўқ эканини тушуниб етди. «Майли, билганини қилсин, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида», деб фикр юритди, шундай эса-да Тилланинг юқоридаги ҳикояси таассуротидан келиб чиқиб ич-ичдан сиқилаверди.

Шу маҳал Сора кампир почапўстин билан сувсар телпакни кўтариб олиб келди-да, Тилланинг ёнига қўйди. Почапўстиндан нафталин ҳиди анқиб ётарди.

— Қани, болам, пўстинни кий-чи, — деди Аппон чол. — Қани, ўрнингдан тур!..

Тилла суюниб кетди. Урнидан кўзғалар-кўзғалмас почапўстинни энглига кийишга ошиқди, бошидан дўпписини олиб ўрнига сувсар телпакни кийди.

— Войбўй, Отабек бўп кетдию Тиллаво! — ўзини тутиб қололмай чапак чалиб юборди Сора кампир.

Тилла Сора кампирнинг мақтовидан суюлди.

— Энди битта тўриқ бўлсайди, Ота, — дея Аппон чолга юзланди, сўнг ўйчан бир нигоҳда ҳовли оша узоқ-узоқларга термулди.

Аппон чол отни Тилла нима қилишига қизиққани боис сўради:

— Тўриқ нега керак?

Тилла ўйлаб ўтирмай жавоб қилди:

— Иқболхонни ўтирғизиб опқочиб кетардим, Ота! Чуқурсойдан опқочиб кетардим!

Сора кампир «вой ўлсу-ун» деб кулиб юборди. Унга Аппон чол ҳам қўшилди. Кейин дарров жиддий тусга кириб:

— Сен, ўғлим, Иқболни унут. У қиз сенинг тенгинг эмас, — деди. — Агар мен бирёққа кетмаганимда сенга ўзингга ўхшаган беғубро, соддасидан оберадим.

Тилла шаҳодат бармоғини бурнининг учига қўйиб ўйга толди. У ҳеч маҳал бу қадар узоқ ўй сурмагани.

Ниҳоят Аппон чолдан сўради:

— Қаёққа кетяпсиз, Ота?

— Олис сафарга, — жавоб берди Аппон чол. — Отам йўқлабдилар. Бормасам бўлмас.

Тилла Сора кампирга қаради. Сора кампир ортиқ чидолмади — юзини кафти билан яширганча улардан нари кетди.

— Қачон қайтасиз, Ота?

Аппон чол ичидан чиққан хўрсиниқни аранг босди.

— Қайтишим даргумон, Тиллаво.

— Менинг сиздан бошқа Отам йўқ-ку, — зорланди Тилла. — Мениям опкетмайсизми?

— Йўқ, Тилла, сенинг ойинг бор. Ойингнинг ҳолидан хабар олиб туришинг керак. Хўпми болам?..

Тилла тихирлик қилмай дарров кўнақолди:

— Хўп, Ота. Ойимнинг ўтинини ёриб бераман, кўмирини ташиб бераман. Ойим буюрган юмуш борки, барини бажараман.

— Шунақа қил, ўғлим.

— Хўп, Ота.

Тилла почапўстинни билар-билмас ўраб қўлтиғига суқди, телпакни қўлида авайлаб ушлаган бўлиб:

— Айшиларни уйга обориб бекитиб қўяй, биров обқўймасин Ота, — деди.

Аппон чол ҳазил мазмунида уни қўрқитди:

— Сен қолиб, Анормат кийиб олмасин тагин!

Тилла унинг ҳазилини балодай тушуниб:

— Йўқ, Ота, Анормат тоғамга пўстин керакмас.

Анормат тоғамга айши нарса бўлса бўлгани, — дея бош ҳамда кўрсаткич бармоқларини бир-бирига ишқаб пулга шама қилди.

— Сенга-чи? Сенга бу нарса керакмасми? — деб уни синади Аппон чол.

— Менга, Ота, бу нарса керакмас! Менга Иқболхон керак! Айши қиз керак!

Аппон чол мийиғида кулди. Кейин қабристонга бориши керак бўлгани учун Тиллага жавоб берди.

— Ота, сиз Ойимдан хавотир олманг. Дадангининг олдиларига бемалол бораверинг, — деди Тилла кўча эшикка етганларида. — Ойимдан ўзим хабар олиб тураман.

Аппон чол «хўп» ишорасида бошини чайқади. Тилла қишининг аёзли кунларида дилдираб, бошини икки елкаси орасига суқиб эмас, почпаўстиннинг ичиди роҳатланиб юришини тасаввур қилдию хурсанд бўлиб кетди. Бу ҳис унинг дилидагина эмас, ташқи кўринишида ҳам ўз мазмунини топди.

У намозини анча барвақт ўқиди.

Сора кампир қизил шоҳи қийиққа тугиб берган гўрковга тегишли сарпони кўтариб ҳовлидан чиқаркан, киссасидан носқовогини олди. Чарм тиқинини очиб, оғзини кафтига тўнкарганди, бир чекишли нос тушди, холос. Шунда у Тиллага, нос ташлаб кет, деб пул бериб юбормаганига афсусланди. Қабристондан қайтишда тағин Анорматникига боришга тўғри келишини ўйлаб кафтидаги носни оғзига отди-да, йўлга равона бўлди.

У дарвозадан кириб борганида ҳали қош қораймаган, чўғдай кўёш қабристоннинг орқасидаги толзорга ёнбош ташлаганди.

Аппон чол кираверишда ўнгдан асфальт йўлга катак чизиклар тортиб сопалак ўйнаётган қизларнинг саломига алик олди. Сал наридаги панжарали қабрга тақалган беҳи остида кечаги бола букчайган кўйи қизларнинг ўйинини томоша қилиб ўтирар, орқасида сариқ лайча ўт-ўланлар орасини искаб юрарди.

Аппон чол боланинг онасиникига ўхшаш қисик кўзлари ич-ичига кириб, қовоқлари кўкимтир тус олганини, рангпар юзини ҳадеганда тириштираётганини кўриб у ҳақдаги кечаги ўйи тўғри эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилгандай бўлди. Сўнг боланинг ўтириш аҳволига, тиззасига ямоқ тушган йўл-йўл чолвори почасидан кўриниб турган ингичка, қизларникига ўхшаш оппоқ оёғига диққатини жалб этди. «Боёқиш-э, дарди бўлмас юзи бунчалик тиришиб кетмасди, иннайкейин, мана бундай букчайиб олмасди ҳам», деб хулоса чиқарди.

Бола Аппон чолни таниди. Қаддини сал ростлади, тиришиқ юзи саллиқлашди.

— Ассаломаллакум, амаки, — деб ўрнидан қўзғалишга чоғланди.

Аппон чол уни уринтиргиси келмади:

— Қимирлама, ўғлим, қимирлама! — деди, бола жойига ўрнашиб олгач, сўради: — Даданг уйдаими?..

Бола Аппон чолнинг қўлидаги тугунга қараб қўйди-да: — Ҳув ўша ёққа замбилғалтак тортиб кетувдилар, — дея қабристоннинг кунботарига ишора қилди.

Аппон чол Далавой унинг учун гўр қазигани кетганини фаҳмласа-да, замбилғалтак нима учун керак бўлганига таажубланди. Шу боисдан ўсмоқчилади:

— Анча бўлдими кетганига?

— Ҳа, анча бўлди, — деб жавоб қилди бола, тағин бир марта бўхчага кўз югуртириб олди.

— Майли, — деди Аппон чол, бола кўрсатган томонга юрди.

— Тополасизми, амаки?

Аппон чол болага миннатдорчилик билдираркан: — Тополаман, ўғлим, — деди.

Бола Аппон чолга эргашиб кетаётган лайчасини ўзи томон чорлади. Лайча унга қулоқ солди — ерни искаб-искаб орқасига қайтди.

Аппон чол хилхонасига етиб келганида гўрков аллақачон унинг гўрини қазиб қўйган, тупроғини замбил-

ғалтакка солиб, ёввойи дўлана билан девор оралиғидаги пасткам ерга ағдариб қайтаётган эди.

— Ҳорма, Далавой, — деди у, қўлидаги бўхчани беридидаги қабрга ўрнатилган мрамртош устига қўйди. — Нега ундай қиялсан?..

Гўрков Аппон чолга салом берди. У қўйган бўхчага бепарволик билан қаради.

— Айтганингиздай қилдим, ака-а, — деди, манглай терини кир, гижим рўмолчасида артди. — Ёнбошлаб ётиш уёқда турсин, чордана куриб ўтириб ачиққ фамил чой ичсангиз ҳам бўлади — бошингизни шифтига уриб олмайсиз, — дея жилмайди.

Аппон чол бу сафар гўрковнинг ҳазилини ўзига қаттиқ олди. Фиқ этмади.

Далавой гўрков ҳам бундан сезди. Аппон ака ўлишни истамай қолди шекилли, ҳазилимни ўзига қаттиқ олди, деб ўйлади, филҳол гапни бўлак тарафга буриб, унинг юқоридаги саволига жавоб қайтарди:

— Биласиз, ака, ҳар хил одамлар бор. Битта-яримта гап қилиб қолиши мумкин. — У нарида ётган бўйрани олиб гўрнинг устига ёпди. — Ана шунда кўзга ташланмайди.

Аппон чол кеча шийпонда кўргани бир учи ёнган бўйрани таниди.

— Бу томонларга кимам ўтарди, Далавой.

— Сиз шундай дейсиз, Аппон ака. Мана, икки-уч кундан кейин намоз турилади — кичик ҳайит бўлса. Одамлар келиб яқинларининг гўрини суваб кетишяпти, ўтини юлишяпти, — у шундай деб бўйрани ўзи томон тортди. — Иннайкейин, иннайкейин, зора ҳалиги гапингиз нотўғри чиқиб умрингиз узоқ бўлса! Бўйранинг устига иккита тунука ташлаб қўяман — тураверади қишин-ёзин — бировнинг эйтиборини ўзига тортмайди.

— Йўк, Далавой, — деди Аппон чол ҳазин бир овозда. — Умрим поёни кўриниб қолганини сезиб турирман. Узоқ яшамасим аниқ, иним.

Далавой гўрков бу сафар чурқ этмади. Тупроқнинг охириги замбилғалтакка ўйди, ўзи билан олиб келган чўлтоқ супургида курси, панжаралар орасига кириб қолган қолдиғини тушириб, бир ерга тўплади-да, уни ҳам белкурак билан замбилғалтакка солди. Қабр атрофи чиннидай бўлди. У супураётганида сурилиб кетган бўйрани боз тўғрилади, сўнг замбилғалтакни девор томондаги пасткам ерга тортиб кетди.

Аппон чол гўрков олислганида ўзи учун қазилган гўр тепасига келди-да, бўйранинг бир учини кўтариб пастга қаради, қарадию юраги увушиб кетди. Далавой айтган ҳайҳотдай гўр одамни ўзига тортаман дерди. Аппон чол бўйранинг учини қўйиб юборди. Уриндиққа ўтирди, анча ўтирди. Уйга толди: «Нега одамлар гуноҳдан кўрқмайдилар? Нега ўша Содир ака дадам раҳматлига тўхмат тошини ёғдираётганида мана бунақа гўрга тушишини ўйламади? Нега ўша катталар табиий офат туфайли қирилиб кетган қўйларни деб Молдахматдай бир бечорани қаматаётганларида мана бу ерга келишларини эслашмади? Нега Абдаз, қартайиб қолган, бир оёғи мана шунга ўхшаган гўрда турган Абдаз юртни алдашгача бериб етди? Ҳеч ким мунинг ичига тушишдан қочиб қутулолмайди-ку?! Шундай экан, қачондир, эртами-кечми паймонаси тўлиб, бу ерга келишини ўйламайдими?!» Ана шу мазмундаги ўй-мулоҳазалар миясидан ўтиши замони Улар бу ерга келишларини ўйлаганларида шунчалар паст кетармидилар? Сен айтаётган Содир ака ўзининг жонини сақлаб қолиш учун дадангни жарга улоқтириб юборди. Ушанда бу ерга келишини ўйлаган деб ўйлайсанми?! Қандай қилиб бўлмасин бу ердан, манови лаҳад оғзидан омон қутулиш мақсадида бировни туртиб юборган! Ўзининг қўйру-

ғини сақлаб қолган! Нима, ҳалиги катталар, ё бўлмаса Абдаз ёки бундан ўн-ўн беш кунлар бурун мана шу мозористонга (!) шармсиз бир аёлни олиб кириб ўйнашиб ўтирган Бўривой ўйлайди дейсанми бу ерга келишини?! Уйласа бу нопокликларни, фосиқ ишларни қилармиди? Йўқ, қилмасди албатта!.. — деб сўзланди, кейин яна ўйга чўмди. Одамзод ғалати яратилган-да! Мана битта афанди ҳали бандалиқни бажо келтирмай туриб ўзига гўр қаздириб қўйди, деб ўйлади, яна ўзига қазилган гўрнинг тепасида бировларнинг номаъқул ишларидан хуноб бўлиб ўтирибди, деб ўйлади, яна бошқа кўп нарсалар ҳақида фикр қилиб турганда, Далавой гўрков қайтиб келиб қолиб хаёли бўлинди.

— Ҳа, ака, — деди у, Аппон чолнинг хомуш, ўйчан юзига синовчан тикилди. — Ҳа, ака, тинчликми?..

Аппон чол гўрковнинг ташвишли нигоҳида «сизга нима бўлди?» мазмундаги савол ётганини фаҳмласа-да, кўнглининг ғариб, нотавон кўчаларида кечган ҳасратли ўйларини унга ифшо этишни номувофиқ деб билди. Шу боисдан ҳам:

— Ҳазим, шундай, — дейиш билан кифояланиб, дарҳол мавзунга бўлак тарафга бурди: — Бир ўғлинг бор экан, Далавой, ҳозир келаётсам мозорга кираверишда ўтирган экан. Шу ўғлингнинг бирор дарди бор кўринди — олдини олгин, ука.

— Э-э, Ҳайитвойни айтяпсиз шекилли, — деди гўрков бепарволик билан. — Тўғри, ўша ўғлим ипак ойим бўлиб ўсди. Чақалоқлигида онаси қаттиқ шамоллатиб қўйганди. Шунинг асорати, билмадим, оёқ оғриғиси тез-тез хуруж қип туради. Эрта-индин куз келаяпти, тагин бошланяпти чоғи.

Аппон чолнинг болага ичи ачишди. Далавойнинг локайдлигидан қаттиқ хафаланди.

— Эрта-индин ўсиб-улғаяди, унда бундан ҳам қийин бўлади. Болага жабр бўлади. Ёр-биродарларига қўшилмай қолади, бунинг устига уйланиши ҳам керак, — деб куйиниб сўзлади Аппон чол. — Шу Сора холангния бод касали тез-тез ушлаб қолиб, ранги чиқмай юрарди. У маҳалларда Бекободда — металлда пўлат эритувчилик қилардим. Э-э, ўша даврларам ўтиб кетди-я, Далавой... — чуқур хўрсиниб қўйди у. — Ҳана кезлари сурункасига уч-тўрт йил Наманганга олиб бордим. «Чортоқ» деган ерида яхши санаторий бор. Балчиқ билан муолажа қиларкан. Минерал сув билан даволаркан... Ҳайитвой ўғлингния, Далавой, ўша ерга олиб бор. Ҳа, ука, вақтида олиб бормасанг бўлмайди.

Гўрков «маслаҳатингиз учун раҳмат» йўсинида вазмин бош силкиди. Сўнгра супурги, кетмон, белкуракларни замбилғалтакка жойлади. Аппон чолга юзланиб:

— Ака, қуръон тиловат қилиб юборасизми, — деди. Аппон чол ота-боболари руҳига атаб қуръон тиловат қилди. Ўрнидан кўзғалиб, ҳалиги сағана устидаги тугунни бориб олди-да, уни Далавой гўрковнинг қўлига тутқизди. Яна ёнига эллик сўм ҳам қўшди.

Гўрков одамгарчилик юзасидан:

— Тугунингизни олсам ҳам пулни олмайман, — деди.

Аппон чол олмаганига қўймади:

— Расм-русуми шу — олмасанг бўлмайди. Мендан кейин бу ишларни кўнгилдагидай қиладиларми-йўқми, Далавой, — деди.

Гўрков ахири пулни ҳам олишга мажбур бўлди.

— Қани, бўлмаса бир дуо қилинг, ака, — деди.

Аппон чол унинг ҳақида дуо қилди.

Улар қабристон дарвозасига етиб келганларида қош қорайиб қолган, бояғи сопалак ўйнаётган қизлар уй-ўйларига тарқаб кетишган, гўрковнинг касалманд ўғли ҳам ғойиб бўлганди.

Аппон чол, Далавой берган пулимга оғринмадим, деган хаёлга боргани учун:

— Камига қарздорман, Далавой, — деди.

— Ярашадиган гапни қилинг, Аппон ака, — ундан ранжиди гўрков.

— Баракалла, Далавой, — кўнгли ёришди Аппон чолнинг, кейин муҳим нарса ёдига тушгандай қўйи: — Ҳа, дарвоқе, сигир тузалиб қолдим ишқилиб? — деб сўради.

— Кечагидан дуруст. Кўз ёмон нарса-да, Аппон ака. Ҳалиги дардга чалиниб, иштаҳадан қолувди, йўқ, бугундан ул-бул ея бошлади, — деб жавоб қайтарди Далавой гўрков.

— Худо хоҳласа, тузалиб кетади, — деди Аппон чол, у билан хайрлашди-да, яна сўлга бурилди.

Гўрков Аппон чол бугун ҳам пастликдаги овлоқ йўлни танлаганига ажабланса-да, миқ этмади, бирор иши бордир-да ўша ёқда, деб мулоҳазаланиб орқасига қайтди.

Аппон чол узун, тор йўлакнинг адоғидаги очиқ турган эшикка яқинлашиб, энди Анорматни чақиришни мўлжаллаётгани ҳам, кираверишдан чадаги айвонда Салтанатнинг шангиллаб гапираётгани қулоғига кирди.

— Бу Тиллангиз бугун яна қаёқдандир почапўстин билан телпак толиб келди. Сизга айтаман-ку, бу йигит ўлгурнинг қўли эгри деб...

— Қўй-э, ундаймасдир! Тиллангиз ўғрилиқ қилишга ақли етмайди, — дея жиянининг ёнини олди Анормат, унинг овози хотининикига нисбатан бирмунча юмшоқ ва вазмин эди.

— Иқболхон, Иқболхон деб акамгиларнинг остонасида оҳ-воҳ қип юришга ақли етадию ўғрилиқ қилишга ақли етмас экан-да, а? Ана, ўзингиз ҳам айтяпсиз, пайпоғининг ичига пул яшираётганига кўзим тушди, деб. Кўрпачанинг тагига қўйган пулингизниям Тилла олганига шубҳам йўқ.

— ...

— Майли, мен шу тўрттагина патирни ташлаб келай. Акамниям оғзилари тегсин.

Аппон чол безовталанди. У сўз Тилла ҳақида бораётган бўлгани учун қулоқ солган, бу хонадондагиларнинг унга муносабатини билмоқни истагани важи носфурушни чақиришга шошилмаганди, йўқ, Салтанатнинг Тиллани хуш кўрмасини туйга, яна у акаси Абдулазиз-никига отланганини ҳам пайқагач, унинг чиқиб қолишидан, чиқиб қолганида Аппон амаки гап поймаётган экан-да, деб ўйлаши мумкинлигидан чўчиб, тезда остона ҳатлаб ўтди-да, кираверишда деворда ёруғ шуъла таратиб турган чироқ тагига келиб носфурушни чақирди:

— Анормат! Анормат-э!..

Носфуруш айвонда туриб овоз берди. Ўрнига Салтанат чиқиб келди.

У энглига сариқ шифон, сариқ атласдан лозим кийган, бошига эса зар рўмол ўраб олганди. Қўлтиғидаги тугун эмас, қоғоз халта эса-да, ноз-карашма билан юриши баайни тўйга отланган аёлларнинг тусини берарди.

— Ассалому алайкум, амаки, — деди у, Аппон чолга салом берганида упа-элик суртиб олган юзида ясама табассум жилваланиб, оғзидаги тилла тишлари ярқираб кетди. У хана қўйгани билиниб турган қўли билан кўксини яширган бўлиб манзират қилди: — Келинг, келинг!..

Аппон чол унинг юриш-туришидан ижирғанса-да, ана шу кайфиятини ташқи белгиларда ошкор этмади, сир бой бермай унинг саломига алик олди.

— Анормат борми? — деб сўради, сўраш баробарида юз ифодасида Салтанатнинг бемаҳалда кўчага ке-

таётганидан таажжубда эканини ҳам зухур қилган бўлди.

Салтанат Аппон чолни акаси Абдулазизнинг ошнаси деб билгани боис, аввал ҳол-аҳвол сўради:

— Яхши юрибсизми, амаки? Опоқим опоқимлар? — Унинг бош силкиб сўзлаш тарзида эркаланишга монанд бир оҳанг бор эдиким, бу оҳанг бировга яхши кўриниш ёхуд ўша бировнинг диққатини ўзига жалб этиш учун хизмат қилишини йирик, кўкчил кўзларидаги нос-ишва ҳам фош этиб турарди. Буни Аппон чол ҳам ҳис этди.

У Салтанатга қараб-қарамай «ҳа, раҳмат», деб қўяркан хаёлан: «Ё тавба! Такаббурлигу доғулиликда акаси-дан қолишмайди-я!» деб фикр қилди.

— Келаверинг, келавермайсизми, Аппон ака! — айвондан туриб овоз берди Анормат.

— Ана, ўзлариям чақиряптилар. Бораверинг, чой ичиб ўтирувдилар, — деди Салтанат, Аппон чол, бу бе-маҳалда қаерга йўргалаяпти, демасин, дедими, изоҳ берди: — Акамларникига кетаётувдим, бирров кўриб келгани.

Аппон чолнинг кўз ўнгида боз қабристон воқеаси тажассумланди. Тажассумландию нима учундир Салтанат акасиникига кетмаётгандек, ўзига оро бериб ясантусан қилиб олганидан бўлак ерга отлангандек бўлиб кўринаверди. «Ҳа, ҳа, Абдазникига кетмаяпти! Абдазникига кетаётган бўлганида бунчалар турланиб олмасди!» деб мулоҳазаланди, сўнг эса мазкур мулоҳазасидан ўзи ноқулайлик ҳис этди. «Қаерга кетиши билан сенинг неча пуллик ишинг бор? Нега Салтанатга ёпишиб олдинг? Ана, уни кутадиган Анормат бор!», дея ўзига дакки-дашном берди, шу кайфиятда олди очик айвон рўпарасига келди.

— Кириб юрмаган уйингиз бўлса майли эди, Аппон ака, — деб аранг ўрнидан қўзғалди Анормат, унинг чаққон ҳаракат қилишига қаппайиб чиққан қорни халал берди. — Ассаломалайкум. — У Аппон чол билан қўл бериб сўрашди-да, ўрнини унга бўшатиб бериб, ўзи пастроққа — ҳовлига орқа ўгириб ўтирди.

Аппон чол фотиҳа ўқиди. Ташрифининг мазмунини олдиндан баён этди:

— Мен дарров тураман. Носга келувдим, Анормат.

— Хўп, ака. Менам сизга ош дамлайман деяётганим йўқ. Ош дамлайдиган, ўзингиз кўрдингиз, акасиникига кетди, — деди носфуруш, бу гапни шунчаки кулги учун айтаётганини сездириш мақсадида катта, пучуқ бурнини қашиди.

Анормат эллик беш билан олтмишлар миёнасидаги ўрта бўй, юзга чўзиқ, гўштдор, икки ёноғи олма янглиғ қизил бўлган кўсанамо, аммо истарали одам эди.

У Аппон чолга чой узатди, дастурхондаги ушатиғлиқ патир бўлақларини унга томон сураркан:

— Манов патирдан олинг, Аппон ака. Келинингиз жизза қўшиб ёпиб эди, — деди.

— Хўп, хўп... — Аппон чол патирдан бир-икки тишлам ушатди-да, қолган бўлагини яна жойига суриб, чойдан хўплади.

— Соғлиқлар яхшими, Аппон ака?

— Раҳмат. Тупроқдан ташқаридаман ишқилиб. Судрали-иб юрибман.

— Шуниси катта бахт экан, ака. Тунов куни денг, бир ошнарни кўриб келдим, болаликдаги ошнарни. Бир йилдан буёқ оёқ-қўли ишламайди. Унинг ётиш аҳволига ичим бирам ачишади денг. Ёшини суриштириб келсангиз, мен қатори, энди эллик беш-эллик олтиларга кирди, ундан ортиқ эмас...

— Ана шуниси ёмон-да! Ҳеч бандаи мўминни ётгулик қилмасин!..

— Тўғри айтасиз. Уям шу гапни айтди. «Омонатини

оладиган бўлса, елдек келиб, селдек опкетганиям тузук экан. Тирик товон бўп ётишдан ёмони йўқ», деб ҳасрат қилди бечора.

Аппон чолнинг ўзи ҳам «сафар» тадоригини кўриб юргани учун ортиқ бу мавзуда эзмаланишни истамасди. Пиёласидаги чойни ичиб тугатди-да, катта, кўримсиз ҳовлига кўз югуртди, аниқроғи, этак тарафдаги, орқасида кичикроқ майдони бўлган пастак, омонат иморатларга разм солди. Буларнинг бири хожатхона, иккинчиси қўйхона, учинчиси кўмирхона эканини Аппон чол биларди, яна, кўмирхонадан тепадаги қоронғи, зах қазноқни Анормат Тилла учун уй қилиб берганидан ҳам хабардор эди, ўша ёқда чироқ ёнмаганидан таажжубланиб, сўради:

— Дарвоқе, жиянинг кўринмайди-ми?..

Аппон чолнинг сўровидан Анорматнинг тор пешанаси тиришди. Тишида бодом чақаётгандек, бир қоши баланд-бири эса паст бўлиб чимирилди.

— Юргандир кўчама-кўча санқиб, — энсаси қотди унинг.

— Нега ундай дейсан? — ранжиди Аппон чол, носфурушга Салтанат бояги гапи билан таъсир ўтказиб улгурганини пайқади.

— Хабарингиз бор, ака, ўн-ўн беш йил бўп қолди уни ўз қарамоғимга олганимга. Раҳматли синглимининг арвоҳи шод бўлар деб пианиста отасининг қўлида қолдирмадим. Унга ялиниб, бунга ялиниб саккиз синфни ўқиттирдим. Кино қўядиганларнинг бир йиллик ўқишига опкирдим. Амал-тақал қилиб у ерниям битказдирдим. Манов ўйинчоқ фабрикасининг каттаси билан гаплашиб, клубига ишга киритиб ҳам қўйдим: ҳафта, ойда бир кино қўйиб юрар, деган мақсадда. Кимдир бунинг устидан кулиб, лентани тескарисига айлантисанг зўр кино бўлади, дебди-да! Бу калвак ҳам ўйламай-нетмай бир марта эмас, бир марта бўлса майли эди, уч-тўрт марта шу ишни қипти. Буни менга клубнинг каттаси айтиб берди. Бунақаларни ушлаб туришармиди — паттасини қўлига тутқазиб, бўшатиб юборишди. Энди бу... энди бу боланинг эси сал кирди-чиқдилиги майлику-я, қўли эгри чиққани чатоқ бўлди. Ана шунга диққатим ошиб кетяпти.

— Оббахолам, сен Тилла бугун кўтариб келган пўстинга ишора қилаётган бўлсанг керак? — сўради Аппон чол.

— Ҳа, унга ҳам, — жавоб қилди Анормат, Аппон чол буни қаёқдан билганига ажабланди.

— Уни мен Тиллага бердим. Қишда кунига яратар дедим. — Аппон чол бу гапни айтмоқчи эмасди-ю, аммо мавриди келгани учун айтди, негаки Анормат: «Аппон ака Салтанат икковимизнинг сўхбатимизга қўлоқ солиб турган экан-да», деган хаёлга бориши ҳам эҳтимолдан узоқ эмасди.


— Ростдан сиз бердингизми? — Анормат бу саволни Аппон чолнинг сўзларига ишонмаганидан эмас, балки хотинининг Тилла ҳақидаги иддаоси нотўғри чиққани учун берганди ва бундан маълум даражада севиниб кетганди ҳам, зеро унинг ўзи ҳам жиянининг қўлидан ўғрилиқ келмасига, ўғрилиқ уёқда турсин, бировнинг нарсасига кўз олайтириш келмасига эътимод қилганди. Буни Аппон чол жуда яхши туйди.

— Ҳа, нима, сени алдайманми?!

— Ундай демоқчимасман... — ўзини оқлашга тутинди Анормат.

Аппон чол гапни кўпам чуватишни истамасди.

— Утган қишда уни бир-икки бор юпун кўргандим. Шунинг учун бердим, — деди, кейин эса: «Ҳали қишга анча бор-ку! Анормат «ўшанга яқин берардингиз-да», деб қолса нима бўлади?!» дея хаёл қилиб, чўчиб тур-



Расмларни Х. Лутфуллаев ишлаган.



ганди, хайрият ўйлагани бўлмади, Анормат бу гапни айтмади.

— Пальтоси бор. Узоқ йили ўзим Черняевкадан опкеб берганман. Ёймачилардан сотиб олиб эдим, — деди у.

— Ёймачилардан дегин? — лабининг бурчи билан кулди Аппон чол.

— Сиз мени тўғри тушунмадиди, Аппон ака. Ёймачилардан олган бўлсам ҳам яп-янги пальто эди.

— ...

— Ўзи кийинишни ёқтирмайди. Солдатча кўйлагини ёғи чиққан тусдўпписидан бошқасини тан олмайди. Ҳа, яна битта ботинкаси бор, дадасини кўргани борганида бериб юбориб эди, шунини айтмабман.

— Ҳамма кийинишни Салтанатга чиқарган, — деди Аппон чол, кинояси таъсирида Анорматнинг бети тагин ҳам қизариб кетганини туйди, ортиқ уни уялтиришни истамади, шу гапнинг ўзи етади — яхши отга бир қамчи, дейдилар-ку, деб муҳокама юритди, сўнгра сўзини яна пўстинга бурди: — Дадам раҳматлиники эди. Аямбой отасига ўхшаб юрсин!..

— Ҳа, майли, табаррук экан, ўша кишига ўхшасин, — тили зўр-базўр айланди Анорматнинг, кейин ўлганининг кунидан кўшиб қўйди: — Менам ҳайит кунини берарман деб бош-оёқ кийим қип қўювдим.

— Майли, Анормат. Сен Тиллани сийласанг, сени худо сийлайди, ука, — насихат қилди Аппон чол, башоратининг нишонаси сифатида чўнтагидан чарм ҳам-ёнини олди-да, ичидан иккита сўлкавой чиқариб Анорматга тутди.

Анормат сўлкавойларни кўрганда хотинига нисбат бериб айтилган илмоқли гапни ҳам унутди: юзи ёришиб, қовоқлари очилди, катта-катта кўзлари ҳам чақнаб кетди. Мана шу авзойининг ўзи унинг пулни бошқа кўп нарсалардан устун қўйишини ифшо этарди.

У пулни киссасига солди, ўрнидан қўзғалди, айвон орқали ўтиладиган якка тавақа эшикдан уйга кириб кетди. Анчагача унинг ичкарида куймаланаётгани қулоққа чалиниб турди. Бир маҳал дафтар муқовасига носвойни воронкага ўхшатиб ўраб чиқди, қоғознинг оғзини ёпишга тутинаётгани ҳам, Аппон чол уни тўхтатди. Чўнтагидан носқовогини олиб Анорматга узатаркан:

— Ушандан мановигаям солиб бер, сенинг кўзинг ўткирроқ, — деди.

Анормат носқовоққа нос тўлдириб берди.

Аппон чол носқовоқни бир киссасига, қоғоздаги носни бошқасига жойлади. Дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрнидан қўзғалди.

Анормат унга «ўтирардик-да, Аппон ака», деб манзират қилган бўлди, шунинг баробарида эсноқ босганини дараклаб, оғзини катта очиб ҳомуза тортиди.

Аппон чол унинг қўқон манзиратига эътибор бермади.

— Йўқ, анча кеч бўп қолди, кампирнинг бир ўзи қолувди, — деди.

— Кампирингизни ишонмайсиз-а, Аппон ака, — ҳазиллашиб кулди Анормат.

Аппон чол ҳам: «Ҳаммаям сенга ўхшаганми, Анормат, хотинини ясангириб кечқурун акасиникига жўнатаргани», дея ҳазил қилмоққа чоғланди-ю, аммо бу гапни ҳам худди боягига ўхшаб носфурушга айил ботишини, айил ботишдан ҳам бурун кўнглида номақбул шубҳашиквалар туғдириши мумкинлигини тасаввур қилиб, тилини тийди. Ташқарига чиққанида ҳам ана шу гапни гапирмаганига севинди.

У гузарнинг йўли билан юрмоққа тараддудланди-ю,

аммо ўйланиб қолди. Кўнгли бир нарсани сезгандек, уни қабристоннинг овлоқ йўлидан юришликка ундади.

У кўнглининг измига бўйсунди.

Толзорга етар-етмас иккита шарпага кўзи тушди. Филҳол ўзини панасага олди.

Шарпалардан бири гуваляк деворнинг нураб ётган еридан қабристонга сакраб ўтди.

Аппон чолнинг юраги гуп-гуп ура бошлади. «Наҳотки яна ўшалар бўлса?!» деган ўй калласига айланиб келиб, тагин унинг тинчини ўғирлади. Ортига қайтмоқчи ёки ўзини билмаганликка олиб нарироқдан ўтиб кетмоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ шарпаларнинг иккинчиси аёл киши эканини, у ичкарига ўтишда қийналганидан «вой» деб юборганини эшитиб қолгани учун яна жойида тўхтади. У ана шу «вой»лаб юборган аёлни Салтанат деб чамалагани ва унинг сўзини эшитиб бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгани учун ҳам кетиш ниятидан воз кечди.

У ой ёруғида битта-битта одимлаб ариқдан қатлади-да, деворга яқинлашди. Яқинлашдию туйқусдан юрагига ғулу тушди: «Қайтиб чиқиб қолишса-чи?!» Ана шу ўйи таъсирида орқасига — толзорга қайтди. Баҳайбат толлар панасига яшириниб ўша ёқни кузатди. Йўқ, ҳеч ким қайтиб тушмагач, бунинг устига қабристонда эркак ва аёлнинг ғўнғир-ғўнғири қулоққа чалинган, бояги истак тагин хуружини бошлади. Шунда у: «Бу, ахир, гуноҳ-ку! Бировнинг орқасидан кузатиш сендек мўйсафидга уят эмасми? Учрашса-учрашавермайдимми?! Сенга нима?! Нима жин уриб буёқдан юрақолдинг?!» дея ўзининг ҳозирги хатти-ҳаракатларини қоралади, лекин ичидаги бошқа Аппон унинг ҳаловатини ўғирлаб улгурганди. «Уларнинг манови ишлари гуноҳмасми? Бири хотинидан, иккинчиси эридан бекитиқча мана бундай хуфия учрашувлар тайинлашлари; яна қаерда — мазор ичида (!) бу номаъқулчиликни қилишлари гуноҳи азиммасми?! Кимлар ўтмаган, кимлар кўмилмаган муқаддас жойда-я!..» У ана шу мазмундаги ўй-мушоҳадалар билан яна деворга яқинлашди. Юраги кўкрак қафасига сиғмай гурс-гурс тепа бошлади. Аёлнинг овозини таниди. Овоз ҳақиқатан ҳам Салтанатники эди. «Алоҳал ниятингга етдинг! Бўривой билан дон олишиб юрган ўша сатанг эканини ўз қулоғинг билан эшитдинг! Ана энди бу ердан қорангни йўқот, Аппон! Бу шарму ҳаё нималигини билмайдиган бетавфиқларнинг ёнида қолма! Тезроқ бу ердан жўна!..» деди ўзига, аммо оёқлари унинг измига юрмади. Устига-устак, ичкаридагиларнинг мусоҳабаси беихтиёр унинг диққатини ўзига жалб этди.

— Кўрпачани бу ерга қачон опкеб улгурдингиз, Бўри ака?

— Ҳашаклар орасига яшириб қўювдим.

— Ҳашаклар орасига?

— Ҳа. Айтмоқчи, қўлингиздаги нима Салтанат?

— Патир. Сизга опкелдим. Сизниям оғзингиз тегсин, дедим.

— Раҳмат, жоним...

— Мана шу учрашувимизни деб каллаи саҳарлаб хамир қоришга тушибман-а!..

— Намунча ўзингни уринтирмасанг?

— Унақа қилманг, Бўри ака, қитиғим келяпти.

— Қанақа қилай?

— Э-э, ўлинг-е! Бўйнимда қитиғим борлигини айт-япман! Дарров эгри томонга бурасиз-а!..

— Шундай демайсанми?

— Кутиб қолгандирсиз?

Аппон чол девор ёнидан энгашиб ўтиб кетмоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ қабристондагиларга сездириб қўйишдан чўчиди. Орқага қайтмоқча яна илож бўл-

мади. Ичкарида Бўривой ўрнидан қўзғалиб бир нимани торганини сезди. Аппон чол қўрқиб кетганидан деворга суяниб олди.

— Мана бу тахтани оёғинг тагига ташлаб ол, — деб Салтанатга меҳрибонлик қилди Бўривой.

— Раҳмат.

— Яқинда кеп турувдим, — Салтанатнинг юқоридаги саволига жавоб берди Бўривой.

— Яхшиям акам йўқ экан уйда. Бўлмаса ушланиб қолармидим худо билади. Пакетни ташладиму «буларнинг меҳмони бор эди» деб оёғимни қўлимга олиб орқамга қайтдим.

— Ростданам меҳмони бормиди?

— Қаёқда?! Ҳалиги чол бор-ку, Абдаз акамнинг ош-наси, анави ёнғоқзордан бериги кўчада яшайдиган Аппон ака, шу келувди, мен уйдан чиқиб кетаётганим-да. Носвой сўраб келувди шекилли.

Аппон чол Салтанатнинг оғзидан ўз исмини эшитиб янаям капалаги учиб кетди. Оёқлари йўқ бўлиб қолгандай туюлди. Бу ердан қандай кетаман деб ташвишга тушди. Деворга янаям қапишиб олди.

Бу маҳалда қабристондагиларнинг мусоҳабаси авжи-да эди:

— Бошқа бир баҳона қилмабсан-да, Салтанат!

— Сезиб қолади деб қўрқдим.

— Акангникига қидириб борса-чи?

— Улибди-да энди. Бормайди. Анув чолнинг келганиям тузук бўлди. Ҳали икки соат эзмаланани иккови. Кўса бир гапга кирса борми, жағини ёпиш амримаҳол бўлади.

Бўривой хахолаб кулди.

Аппон чолнинг эхонаси чиқиб кетди. Девор тагига ўтириб қолди. Кейин амал-тақал қилиб яна ўрнидан турди. «Бу имонини шайтонга олдирганларнинг гапига қулоқ солишга қулоқ солдим, гуноҳи азимга ботишга ботдим, қани, буёғини эшитайин-чи, нима бўларкин?!» деб фикр қилиб, тагин ичкаридагиларнинг суҳбатига қулоқ тутди.

Бўривойнинг кулгисидан у ерда Салтанатнинг ҳам ўтакаси ёрилаётгани эди.

— Биров эшитиб қоладиям демайсиз-а, Бўри ака! — дея жазманидан норозиланди у.

— Буёқдан кимам юрарди. Ҳаммага тескари бу йўл.

— Шундай дейсиз-да! Қачондир бу учрашувимиз кўсага ё бўлмаса бошқа битта-яримтага ошкор бўп қолишидан қўрқаман!..

— Эрингга яхши лақаб топибсан.

— Ҳе, ўлсин илойим. Уша қурумсоқдан гапирманг.

— Анави-чи, девона?

— Ҳе, оти ўчсин унинг. Эримдан ҳам кўра ўшандан қўрқаман...

— Нега энди?

— Ҳозир ҳам кетимдан келаётгандек бўлиб туюлаверди. Орқамга қарайвериб бўйним қийшайиб қолаёзди.

— Сени қаёқдан кўрди?

— Мактабнинг кўчасида икки-учта бола уни калака қилаётганига кўзим тушувди.

— Нима қип юрибди уёқда?

— Девона-девона деймиз-у, сизминан мандан бало... Уёқнинг ишқлари Азизнинг қизига тушиптимиш. Иқболнинг ишқидея ёниб юрибди анчадан буёқ.

— Йўғ-э! — ажабланиди Бўривой. — Девоналардаям ишқ бўларканми? Девоналарам севгини тушунарканми?!

— Сиз билан мен девона деймиз. Носфуруш унга соғ одамга қарагандай муомалада бўлади.

— Нима қилсаям жияни-да!

— Жияни бўлмай кетсин! Яшшамагур сизминан менга халал беряпти-да!

— Қайси маънода?

— Шу бўлмаганда, памилдори экилган томорқамиз бор-ку, сой томонда, орқамиза-чи?..

— Хўш, хўш?

— Ана ўша ёққа ўтадиган эшик бор кўмирхонада. Уша ерда учрашиб турсак ҳам бўларди. Кўса ҳар куни ўн бўлмасидан ухлаб қолади. Билмасди... Тилладан одам қўрқади. Девона, девона, деймиз-ку, балонинг ўқи йигит ўлгур!..

— Нима, бу ер бўлмайдими? Бу ерам хилват — ҳеч зоғ ўтмайдиган жой-ку?

— Шундай дейсиз-ку, Бўри ака, нима қилсаям мазор — мазор-да!

— Уликлардан қўрқасанми?

— Қўрқасанми дейишларини-чи? Нима, сиз қўрқмайсизми?!

— Қўрқсам сени бу ерга бошлаб келармидим?! Шу мазорда ўйнаб юриб катта бўлган бўлсам. Дарсдан қочганларимда буёққа келиб ухлаб кетардим.

— Энди мана бунақа ишлар... бу ерларда... гуноҳи азимга ботмайлик дейман-да!..

— Бу ерда ётганларни фаришталар деб ўйлайсанми? Ҳаммаси осий бандалар-ку! Қани, ичида марди бўлса, ўрнидан туриб айтсин: мана мен бегуноҳман! Нега сен бетимга лой чаплайсан, десин-чи?!

— Қўйинг, одамни қўрқитманг Бўри ака!

Аппон чол ортиқ бу ерда туролмади. Ортиқ бу ерда қолса юраги тарс ёрилиб кетишини фаҳмлади. Амалтақал қилиб девор ёнидан ўтиб олди-да, оёқ учидея юриб кетди. Шу тарзи анча йўл босди. Узининг бу қилмишидан қаттиқ куйинса-да, ичкаридагиларнинг фосиқликларидан ундан беш баттар сиқилаверди. Айниқса, Салтанатники ҳаммасидан ўтиб тушди. «Одам деганам шунчаликка бориб етадими? Эри бўлмаса майли эди-я! Эри бор-ку бу мочағарнинг! Наҳотки бу шармсизлигим изсиз кетади деб ўйласа?! Наҳотки буларни Анормат билмайди деб ўйласа?! Бугун бўлмаса эртага билади-ку, ахир! Бу хиёнати бугун бўлмаса эртага очилади-ку?!» деган ўй кўнглидан кечди, кечдию Сенам қизиқсан, Аппон! Бу малъунда ор-номус бўлса экан, тушуниб етса! — деб сўзланди, сўнг эса орқага қайтиб бориб Анорматни қақриб келмаганига афсусланди, аммо кейин, бундай йўл тутмаганига ҳам севинди, зеро, бу каби чақимчилик унинг шаънига муносиб келмас, боз устига, бундан катта жанжал чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди. Аппон чолни хаёл ҳар қаёққа олиб кетаверди. У ўзидан ҳам ижирғанишда давом этди. «Фалокат босиб бу кўча билан юганингни-чи? Юганининг майли, шу нарсани сезганинг учун юрдингку-я, илло бу бетавфиқларнинг суҳбатига қулоқ солганинг нимаси эди?!» деб ўзини тергагини қўймади, сўнгра аёлнинг Салтанат эканига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлиб деворга яқинлашганини ўйлади, ўйладию Хўп, ана, Салтанатлигини билиб олдинг, лекин бу билан бир нарсаси ўзгардимми? Бир нарсани ўзгартиролдингми? Қайтага тахмининг тўғри чиққанига ундан баттар эзилиб ётибсан! Ундан кўра, шубҳанг-шубҳалигича қолгани тузукмасмиди? — деб сўзланди, ортидан эса: «Шунинг учун экан-да, Салтанат Тиллани Анорматга ёмон кўрсатишга уринаётгани! Хуфия учрашувларини ҳовлиснинг орқасига кўчиролмагани важи нуқул Тилланинг юзига лой чаплатмоқчи бўлаётган экан-да!» деб муҳокама юритди, кейин нега бундай фикрлар қилаётганини, етти ёт бегоналарнинг турмушига бурун суқаётганини эслаб қолиб, тагин кўнгли бир хил бўлиб кетди. Бу кайфиятдан ҳозир кўрган, эшитганларининг барчасини фаромуш

қилиш орқалигина форяғ бўлиш мумкинлигини англаб етгани боис, шунга эришмоқликка тиришди.

У тош зинага етганида чуқур хўрсинди. Ҳзи сезмаган ҳолда уф тортиб юборди. Иттифоқо носнинг ҳумори тутаётганини ҳис этди. Киссасидан носқовоғини олди. Йўл четидаги чироғи липиллаб ёниб турган устун тагига келиб кафтига нос тўкаётганда, қўллари, на фақат қўллари, балки бутун аъзойи бадани ҳалиям титрашда давом этаётганини идрок этиб қолди. Ана шу кўйи носни тилининг тагига ташлади. Зинадан аранг кўтарилиб, текис йўл билан тўғрига юрди...

Аппон чол ярим кечада чўчиб уйғонди. Яна тушига отаси кириб чиққанди. Уни Содир ака эмас, балки Абдулазиз қаматганмиш. Жавондаги эски китобларни ҳам ҳар тарафга сочиб, энди гугурт қақаётганда у шартта қўлидан ушлаб олиб: «Аблаҳ одам экансан, жоҳил одам экансан! Бу китобларни, ахир, дадам раҳматли болаларимизга ташлаб кетган-ку! Бу китобларни Шокирнинг невараси, сен телевизор орқали ёмонлаганинг Шокирнинг, ўша мен билан, сен билан, Молдахмат билан қон кечиб келган, бир бурда нонни тўртга бўлиб еганимиз Шокирнинг невараси Анвар опкетиши керак эди. Сен жоҳил дадамни қаматганинг етмагандай, авлодларимизга деб авайлаб-асраганинг китоблариниям ёқмоқчимисан?!» деб койирмиш. Шу маҳал қайдандир Тилла пайдо бўлиб Абдулазизни ура кетибди. Урармишу ҳадеб бир жумлани қайтараверармиш: «Мениям бошимга муштлаган айши одам! Мениям устимдан кулган айши одам! Мениям қаматган айши одам!» Шунда китоблар тепасида айланиб учиб юрган отасининг арвоғи чирқиллай-чирқиллай тилга кириб: «Бу инсон эмас! Инсон дегани бундай бўлмайди! Бу илон!.. Илон қиёфасидаги шайтон! Худди шунга ўхшаган шайтон Жаннатда Одам Ато ва Момо Ҳоввани йўлдан оздирган! Худди шу тоифа шайтон уларни худодан бездирган!..» — дермиш. Бир маҳал уй шифтидаги вассажуфтлар ораси ғирчиллаб очилиб, тагидан бир гала кўршапалак учиб чиқибди-да, арвоғни ҳар тарафдан талай кетибди. Арвоҳ ҳовлига, ундан эса кўчага қочибди, кейин у қабристоннинг овлоқ йўлида пайдо бўлибди. Нураб ётган гувалак девор оша ичкарига кирган экан, Бўривой билан Салтанатнинг яланғоч ҳолда ётганини кўриб қолибди. Улар ҳам тура солиб арвоҳга дўқ уришибди: «Ҳой осий банда, мард бўлсанг беғуноҳман дегин-чи?! Мард бўлсанг фариштаман дегин-чи?!» Сон-саноксиз кўршапалаклар тагин арвоҳга ёпиша кетишибди. Бу сафар улар ён-атрофдаги қабрлардан чиқиб талай бошлабдилар. Қабристонни кўршапалак босиб кетибди. Бўривой билан Салтанат ҳам катта кўршапалакка айланиб, арвоҳга ҳамла қила бошлабдилар... Шунда Аппон чол бақириб юборди. Ҳз овозидан Ҳзи чўчиб уйғониб кетди. Ўрни устида ўтириб олди. Анчагача оёқ-қўли йўқ бўлиб ўтирди. Кичик уйда ухлаб ётган кампирини уйғотишга тараддудланди-ю, аммо яна ўйланиб қолди: у нима ҳам қиларди?..

Юраги ғалати уриб, кўнглини нохуш туйғу чулғади. Уридан туришга тутинганди — бўлмади — тиззалаб ўтириб қолди. Ҳийла ана шундай ўтирди, сўнг ўрнидан аранг кўзғалди. Оёқларини наматга ишқалади. Сўл оёғи аслига қайтди, аммо ўнги ҳали ҳам сон-саноксиз игна санчилаётгандай оғрир, баайни кесак мисоли жонсиз бўлиб қолганди. У оқсоқланиб девор ёнига борди. Қозикдан чопонини олиб елкасига ташлади. Деразадан тушиб турган ой нурида кичик уйга чиқиб борди. Тўлин ой бу хонани ҳам бирдай ёритар, Сора кампирнинг деворга ўгирилиб букчайиб ухлаётгани бемалол кўриниб турарди. Кампирининг ётиш тарзи-

данми ёинки алоқ-чалоқ тушдан кейинги руҳий ҳолати туфайлими, ишқилиб, Аппон чол чуқур хўрсинди. Дунё шу дамда кўзига тор кўриниб кетди. «Қийин бўлганда шунга қийин бўлади — қизлар ўз йўлига! Уларнинг эри бор, бола-чақаси бор. Менинг ўлганимни, дунёда бўлганимни ўн кун эшлашади, бир ой эшлашади, бор ана нари борса бир йил эшлашар, кейин унутишади. Аммо Сора унутмайди, ўла-ўлгунча унутмайди, негаки унинг суянчиғи мен эдим, менинг суянчиғим у эди... Унга қийин бўлади, ох, унга жавр бўлади», — деган ўй-мулоҳазага борди. Ана шу кўйи ҳовлига тушди. Бу пайтда ўнг оёғи ҳам асли ҳолига қайтган, аммо руҳиятидаги тушкунлик уни тарк этмаган, бильакс у ўзини бу ёруғ оламда янаям ёлғиз ҳис эта бошлаганди. Бу туйғу уни биргина ҳозир эмас, бурун ҳам жуда кўп маротаба ўз исканжасига олгани важи унга эътибор бермасликка тутинди...

Август ойининг охирлари. Ёз тугаб, куз бошланиш арафасида. Сутдек ойдин кеча. Атроф жимжит. Тунги салқин одамнинг этини жунжиктирадиган бўлиб қолган.

Аппон чол келаси ҳафтадаги кичик ҳайитни эслаб: «Ана шундай улуғ кунларда дадамнинг ёнларига ўтсам ёмон бўлмасди», деб фикр қилди. Ҳожатхонага бориб таҳорат ушатиб қайтди. Юз-қўлини юшиб, артиниб, бомдодга ҳали эрталиги учун отасининг уйига йўналди...

Отаси, одатда, ҳовлига қараган дераза тўғрисидаги райҳонзорга, ундан сал наридаги бир туп шафтолига тикилган кўйи хаёллар дарёсига фарқ бўлиб ўтиришни хуш кўрар, ҳовлида куймаланиб юрган Аппон дераза ёнига келиб: «Ҳа, дада, тинчликми, ўй суриб қолдингиз?» дейдиган бўлса, у жилмайиб қўярди-да: «Ўй суришимнинг боиси, ўтмишим билан суҳбат қуряпман, ўғлим», деган гапни қиларди. Ҳозир эса ана шу жойда Аппон ўтирарди. У отасига ўхшаб ўтмиши ҳақида эмас, кўрган туши таъсирида хаёл суриб ўтирарди. «Во дариғо! — деди у, кўнглининг ғариб, нотавон кўчалари янаям яраланди. — Оз бўлмаса у нобакор китобларни ёқиб юбораёзди-я! Неча йиллаб авайлаб-асраганим китобларни-я!.. Дадам раҳматлининг васияти амалга ошмай қолса нима бўларди?!» Ушбу мазмунда муҳокама юритиши ҳамоно: «Буларнинг бари тушда содир бўлдию! Нега ваҳима қилаверасан?» дея ўзини тергади, шунда ҳам кўнгли ўрнига тушмади, Китобларни опкетса бўларди, Шокирнинг невараси тезроқ келиб опкетса бўларди. Бу беҳосият туш бир балони бошлаб келмаса гўрга эди, деб хулосаланди. Уридан кўзғалди-да, уйнинг тўридаги китоб жавони ёнига борди. Эски эса-да, батартиб терилган китобларни кўздан кечириб чиқди. Отаси бир пайлар унга кўрсатгани китобни қўлига олди. Ҳойибдан отасининг овози эшитилгандай бўлди: «Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳамса»си кў-ўп ажойиб асар-да, ўғлим. Навоий бобомиз бу кишини ўз устозларидайд кўриб «Соҳири ҳинд», яъники «Ҳинд сеҳргари» деган эканлар... Бу буюк зотнинг ота-боболари ўзимизнинг шахрисабзлик туркий қабилалардан эканлар... ота-боболари ўзимизнинг шахрисабзлик туркий қабилалардан эканлар... туркий қабилалардан эканлар...» Отасининг овози узоқлашиб, узоқлашавериб, охири тинди. Аппон чол, алаҳлаяпманми, деб бошини тебратади. Йўқ, алаҳламаётганди, отасининг овозини жуда яқиндан эшитганди... У китобнинг дуч келган саҳифасини очди. Бу саҳифада ҳам отаси тагига чизиб қўйган сатрлар бор эди:

**Чарх сувидан юрар гар тегирмони,  
Осонликча унинг қайнамас қони,  
Душман забун бўлса эҳсон қилади,**

**Мардликка жон тикиб меҳмон қилади.  
Гуноҳкор бўлса гар сўрайди узор,  
Узгалар гуноҳин дилидан кечур.  
Қудратли наздинда бўларкан ночор,  
Зарб урма душманинг бўлса ҳам бекор.  
Карам кўрсат қўлинг келганда баланд,  
Жаҳлмас, карамдир гўзаллик ҳарчанд...**

Аппон чол китобни юзига яқинлаштирди. Ундан отасининг ҳиди келаётгандай бўлди гўё. Ундан отасининг бармоқлари изини ахтарди. Сўнгги икки қаторни яна бир бор мутолаа қилди: «Карам кўрсат қўлинг келганда баланд, Жаҳлмас, карамдир гўзаллик ҳарчанд!» Мазкур мисраларни ўқиши замони боз ўйга толди: «Наҳотки дадам ошнасининг аблаҳлигини кечирган, унга карам кўрсатган бўлса?! Йўғ-э! Бундай разолатни кечириб бўлармиди!..» У отаси тагига чизиб қўйган аввалги сатрлар билан мана бу сатрлар орасида боғлиқлик кўрди. Китобни қайта варақлаб ўша сатрларни топиб ўқиди: «Агар кичик бир ўқ тегса дафъатан, У ўқ отганданмас, ўқ юборгандан!» Демак, яратгандан, деб сўзланди, сўнг эса ҳозирги саҳифани очиб, юқоридаги икки мисрани яна бир марта ўқиб чиқди: «Карам кўрсат қўлинг келганда баланд, Жаҳлмас, карамдир гўзаллик ҳарчанд!» Ҳа, ҳа, дадам уни кечирган! Менинг қамалишим тақдири азалдан пешанамга битилган, у ўртада фақат сабабчи, деб, унга карам кўрсатган, дея хулосаланди Аппон чол, ортидан Содир аканинг бир йилга яқин азоб чекиб ётганини эслаб: «Аммо, аммо яратган бу осий банданинг қилмишидан кечмади-ку!» — деди. Шундай мулоҳазага бориши заҳоти уйнинг чироғи янаям ёришиб кетди. У чироққа қарайман деган эди, кўзи тўрда деворга илиб қўйилган қизил бахмал жилдли Қуръонга тушди. Унинг тагида катта, боши ва қанотида майда катак-катак чизиқчалари бўлган қўнғирранг арвоҳ капалак ўтирарди. Бу ҳув бирда тушига кириб, бедава тулпорга айланган капалакнинг ўзгинаси эди. «Дадамники! Бу чиройли капалак дадамники!» деган ўй ҳаёлидан ўтди, ўтдию Дадам кептилар! Дадам меҳмон бўп кептилар! — деб сўзланди, бу сўзларида ҳаяжон ҳам, кўрқув ҳам зоҳир эди. Шунда томоғи қақраб кетганини ҳис этди. Тупугини ютишга тутинди-ю, аммо унинг ўзи йўқлиги учун танглайи қичишгандан қичишди. Отасининг руҳига қуръон тиловат қилиб улгурмаган ҳам эдики, ҳалиги капалак каттаргандай бўлди. Каттаверди, каттаверди, охир-оқибат пастга юриб туша бошлади. Аппон чол кўзларига ишонмади. Капалак пастга тушганида отасига айланган ва унинг қаршисида Аямбой ака кулиб турарди. У айнан Аппон чол тушида кўрган кийим-бошда эди: энгида тоза ипакдан оқ кўйлак-иштон, бошида қора бахмал дўппи, оёқларида янги пучуқ калишмиш. Сочлари қиртишланган, кичиккина чўққи соқолли юзидаги ажинлари йўқолиб, янада чиройли тортган, боз устига ундан ҳадеганда нур ёғилармиш...

Аппон чол ўрнидан туриб кўрпача соламан деган эди, оёқлари унга бўйсунмади — ўтириб қолди.

Отаси ҳам уни тўхтатди:

— Ҳеч ниманинг кераги йўқ, ўғлим. Фақат сенми-нан бироз суҳбатлашсам шунинг ўзи кифоя!..

Аппон чол отасига салом бермаганини эслаб, бошига урди:

— Ассалому алайкум, дада.

— Ваалайкум ассалом, — кулиб туриб алик олди отаси. Унинг кулгисидан уй янаям ёришиб кетгандай бўлди. У келиб ўғлининг қаршисида ўтирди. Ота-боланинг кўзлари бир-бирига тўқинди. Аппон чол дарров ерга қараб олди. Унинг боши ерга қараганини кўрган

отаси: — Бошингни кўтар, ўғлим! — деб буюрди.

Аппон чол бошини кўтарди:

— Боя Деҳлавий ҳақидаги бирда айтган гапингизни қайтардингиз шекилли?

— Ҳа, ўғлим.

— Узимам шундай деб ўйловдим, дада, — деди Аппон чол, сўнг эса отасининг бармоқларига зимдан кўз югуртирди. Улар худди ёш йигитларникига ўхшаб таранг тортилиб турар, илгариги сертомир, титроқи қўлдан асар қолмаганди.

— Тўғри ўйлабсан, Аппон, — деди отаси, ўғлининг кўнглидан кечаётган ўйларни пайқагани боис қўшимча қилди: — Ҳа, Аппон, шунақа ёшариб кетдим. Юзимдаги ажинлару қўлларимдаги қарилик нишонлари йўқ бўлиб кетди.

Аппон чол отаси кўнглидан кечган ўйларни уқайтганини кўриб ғалати бўлиб кетди. Йўқ, отасининг ана шундай хислат соҳиби эканидан эмас, ўзининг юқоридаги хаёлларга борганидан ноқулайлик ҳис этди.

— Ҳозир алоқ-чалоқ туш кўрдим. Жуда бехосият туш, — зорлангандай оҳангда дараклади у.

— Хабарим бор, Аппон. Анавининг қўлидан гугуртни тортиб олганинг яхши бўлди.

— Йўқса ёқиб юборишдан ҳам тоймасди бу жоҳил! — энди зардали оҳангда сўзлади Аппон чол.

— Вақтида ушлаб қолдинг, — деди отаси ўта хотиржамлик билан. Шу дамда унинг юзи янада кўркамлашиб кетганди.

— Бу ҳам, дада, Содир акага ўхшайди.

— Бу тоифадагиларнинг тупроғи бир ердан олинган, ўғлим. — Отасининг одамга синовчан боқувчи чуқур, қора кўзларига энди ғам чўкканди.

— Абдаз ҳам бизларни аямади, дада. Мени, Молдахматни, Шокирни... Уруш йилларимиз хотирасини оёғостни қилди. Эл-юрт ўртасида юзимиз шувут бўлди.

— ...

— Сиздан кейин Содир ака қилган разиллигини менга айтди. Аблаҳлигини бўйнига олди.

Отаси яна миқ этмади. Кафти кўмагида юзини яширганча ўйга толди.

— Сизнинг қирқингиз куни шу ерда ўтирсам невараси йўқлаб келди...

— Сенга орден бермаган неварасими?

— Дада, мен орденга қараб қолмаганман, — деди Аппон чол, бу сўзларни у юмшоқ, отасига айил ботмайдиган тарзда айтди.

— Балли, ўғлим, — дея отаси ғурурланиб қўйди, сўнг яна асли ҳолига қайтди: — Менинг арвоҳим Содирга тинчлик бермаганди. Шунинг учун ҳам неварасига сени топиб келишни буюрган...

— Йўғ-э!

— Ҳа, ўғлим, рост айтяпман, — деди отаси хомуш бир тарзда. Унинг хомушлиги ҳам бошқаларнинг хурсандлигидан аъло кўринарди. Ва буни ўғли ҳайрат билан кузатаётганини у сезди.

— Дада, мен ҳув ўша Қуръонни униқидан опчиқиб кетдим. Кўршапалаклар талаётганди, опқочиб кетдим.

— Шайтон малайлари...

— Нима дедингиз, дада?

— Йўқ, ўзим, шундай, — тагин ҳам маънос қиёфага кирди отаси.

— Дада сиз уни кечирдингизми?! — ҳам савол, ҳам таажжуб аралаш термулди Аппон чол. Отаси ҳадеганда жавоб беравермагач, «қани, нима деркинлар?» қабилда унга интизорланиб қараб тураверди.

Отасининг юзидаги хомушлик ўрнини хотиржамлик ифодаси эгаллади.

— Бояги ўйинг тўғри, ўғлим, бояги.

— Қайси ўйим, дада?  
— «Хамса»ни қўлингга олганингдаги фикринг.  
— Карам кўрсат қўлинг келганда баланд, Жаҳлмас, карамдир гўзаллик ҳарчанд...

Отасининг юзи ёришиб кетди:

— Баракалла, Аппон!..  
— Ундай қилолмайман, дада.

Отасининг юзи энди тундлашди. Тундлашди дейиш у қадар тўғри бўлмас эҳтимол, отасининг юзини ўғлидан ранжиганини зуҳур этувчи белгилар чулғаб олди дейиш жоиздир. Шундай дейиш ҳам керакдир.

— Унда сен билан Абдазининг орасида фарқ қолмайди, болам.

Аппон чолнинг авзойи ўзгарди.

— Хиёнатнинг катта-кичиги бўлмас экан, дада, — деди у, бошига оғир мусибат тушган одамнинг тусига кирди.

— Хиёнатнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам одамга бирдай азоб беради.

— Шунга айтмоқчи эдим.

— Йўқ, Аппон, инсофга чақир, инсофга!

— Ундай қилолмасам керак.

— Агар кичик ўқ тегса дафъатан... — дея боз «Хамса»даги мисраларни эслатди отаси.

— Аммо У кечмайди-ку, дада?!

— Яратганининг ишига аралашма, ўғлим.

— Тушимга кириб чиқяпсиз, дада. Супамизда ўтирганмишсиз. Нуқул қўлимга сув қўйиб тур, Аппон, дейсиз.

Отасининг юзини қўрқув аломати эгаллади. У ҳовлиққан кўйи деди:

— Йўқ, демадингми?! Ҳали сув қўйиб туришга эрта, дада, демайсанми?!

— Эсингиздами, Атҳамбой бобонгни кўрдим тушимда, девдингиз. Мени уйлантираётганларида қандай ясанган бўлсалар, тушимдаям худди шундай ясениб олганлар, девдингиз... Сизни, дада, мана шу кийимбошда кўрдим. Иннайкейин, бедов отда кириб келдингиз ҳовлимизга. Ҳа, дарвоқе, дада, нега қора бахмал дўппи кийиб олдингиз бошингизга? Сиз, ахир, сира ҳам бундай дўппи киймасдингиз-ку? Нега оёғингизга пучук калиш илиб олдингиз? Сиз, ахир, бурун пучук калиш киймагандингиз-ку?!

Отаси жим қолди. Анчагача жим қолди. Юзида энди одам боласи уқиб олиши амримаҳол бўлган афтода бир ўзгариш қалқиди. У ўғлининг саволига жавоб беради. Юқоридаги сўзига қайтиб:

— Бари бир, сизнинг ёнингизга ўтишга эрта, демайсанми, — деди.

— Йўқ, дада, мавриди етган кўринади.

.....  
Баногоҳ чироқ хиралашди, кейин лип-лип қилдию ўчди-қолди.

Аппон чол қўрқиб кетди. Отаси билан мусохабада эканида ана шу ҳис уни тарк этганди. Йўқ, чироқ ўчиши ҳамона бутун борлигини яна шу туйғу қамраб олди. «Дада, шу ердасиз?» демоқликка чоғланди-ю, бироқ тили айланмади, ҳалқумига ёнғоқдек бир нарса тикилгандай бўлиб ғулдиради. Қандай қилиб қўрқмай отаси билан гаплашганига ўзининг ҳам ақли етмади. Йўқ, салдан кейин чироқ ёнди. Чироқ ёнишга-ёндию рўпарасида ўтирган отаси қаёққадир ғойиб бўлганди. Чироқ энди аввалгидай шуъла таратмас — хирагина ёниб тураверарди. Аппон чолнинг хаёлини бундан йигирма тўрт йил бурунги воқеа банд этди. «Ё тавба! Ушандаям чироқ худди ҳозиргига ўхшаб ўчиб қолганди. Аммо қайтиб келмаганди. Ҳозир эса чироқ қайтиб келди-ю, лекин дадам ғойиб бўлди!» деб муҳокама юрит-

ди, муҳокама юритдию Бундан чиқди, уйни ёритиб турган дадам экан-да! Аслида чироқ мана шунга ўхшаб хира шуъла таратган-у, дадам кириб келиши билан ёришиб кетган экан-да! — деб ҳукм чиқарди, кейин отасининг «Шайтон малайлари» деган жумласини хотирлади. Нега отаси шундай деди? Кимга ишора қилди? Нимага ишора қилди? «Кўршапалакларга-да албатта! Мен, ахир, унга Қуръонни кўршапалаклар талаганини эслатдим-ку! У анча ўйга ботиб шу гапни гапирди! Ундан олдинги сўзи-чи? Ундан олдин нима деди дадам? Дадам арвоҳи Содир акага тинчлик бермаганини айтди! Ҳа, ҳа! «Менинг арвоҳим унга тинчлик бермади. Шунинг учун ҳам неварасига сени топиб келишликни буюрганди», деди. Демак, ўша ерда унинг ўзиям бўлган экан-да! Қуръонни опчиқиб кетишга у ундаган экан-да! Ҳа, ҳа, у кўнглимга шу ишни солган!» Аппон чол ана шу мазмундаги ўй-хаёллар оғушида деворга қараган эди, у ердаги арвоҳ капалак ҳам ғойиб бўлганининг гувоҳи бўлди. У ҳайратдан ёқа ушлади. Ҳайратдан ёқа ушладию: «Шунинг учун ҳам чироқ ўчган!» дея хулосаланди.

Шу маҳал ҳовлида оёқ товуши эшитилди. Кейин обдастанинг қопқоғи шарақлаб ерга тушди. Тўғридаги торгина йўлка билан кампир таҳоратхонага ўтиб кетганини кўрди. То этакка етунгга қадар Аппон чол уни кузатиб турди. Салдан кейин ҳовлидаги супада чироқ ёнди. Ёруғлик сўрига илиб қўйилган беданаларни безовта қилди чоғи, уларнинг типирчилаб, тўрқовоқларни тебратганлари кўринди. Кейин эса сайроқни бошлаб юбордилар. Сора кампир ариқ сувида юз-қўлини ювди-да, уйга кириб кетди. Кўп ўтмай бошига кўк шол рўмолини ўраб қайтиб чиқди, шувёққа юрди.

У Аппон чол ўтирган уйга яқинлашганида ҳар эҳтимолга қарши йўталиб ҳам қўйди. Эшикни қия очиб, ичкарига мўралади.

— Ҳа, нима қилиб ўтирибсиз бу ерда? — дея чолини саволга тутди.

Аппон чол «қани, буёққа кир-чи», деди, кампир ичкарига кирган эса, «ўтир» деб рўпарасидан жой кўрсатди. Сора кампир, муҳимроқ гапи бордир-да чолининг, деб ўйлаб у кўрсатган ерга ўтирди.

— Мана шу сен ўтирган жойда ҳозир дадам ўтиргандилар десам инонасанми, Сора? — деди дабдурустан Аппон чол, гапи кампирга қандай таъсир этишини кузатди.

Сора кампир унинг сўзларидан сапчиб тушса-да, ўзини йўқотмади. «Нима деркин?» дегандай йўсинда оғзига анграий қараб турган чолига юзланиб:

— Қўйинг-е! Шу гапга ишониб бўларканми?! — деди, ўз навбатида у ҳам Аппон чолга синовчан назар солди. — Улган одам, бу дунёни йигирма тўрт-йигирма беш йил бурун тарк этган одам қандай қилиб сизнинг ёнингизда ўтирган бўлади?

— Менинг ўзимам ишонмасдим-у, Сора, лекин гапим чин-да! Ҳозиргина мана шу ерда дадам билан гаплашиб ўтирдим, анча вақт, — деди Аппон чол.

Сора кампир ҳали ҳам унинг сўзларига ишонмасди: — Ваҳимангиз ҳам бор бўлсин!..

Аппон чол девордаги Қуръонга ишора қилди:

— Анови Қуръон тагида арвоҳ капалак ўтирганди. Кейин у дадамга айланди. Анча гаплашдик деяпман-ку, нега инонмайсан?!

Сора кампир ҳам у кўрсатган томонга қаради. Қарадию арвоҳ капалакка кўзи тушмагач, кўнгли ўрнига тушди. Юзидаги ташвишлианишгами ёинки қўрқувгами монанд ифода ҳам тарқади.

— Қани, йўқ-ку?! Сизга шундай кўрингандир!

Кампирининг сўнги гапи Аппон чолни ўйлатиб қўйди.

— Ундай бўлиши мумкинмас, — таажжубланиб чаккасини қашиди у. — Дадамнинг уст-бошлари, нима деганларигача ёдимда ўрнашиб қолди-ку?! Нега энди кўринган бўларканлар?!

— Болалигимда ойим раҳматли айтиб берган гаплари ҳали-ҳали ёдимда, — деб сўз бошлади Сора кампир. — Ез ойлари эди шекилли. Айвонда жияк тепчибли ё бўлмаса дўппига пилта урибми ўтирувдим-да, ишқилиб. Тепамда катта капалак айланаверди. Шунда нима қилдинг денг? Шунда бошимдаги башорат дўппимни унга отиб ҳовлига чиқариб юбордим. Бозордан қайтган ойимга бу воқеани айтиб бергандим, у киши мендан қаттиқ ранжидилар. «Нега ундай қиласан? У, ахир, арвоҳ капалақдир! Балки бибинг бизникига меҳмон бўлиб келгандирлар!», дедилар. Уша куннинг эртасига оналари тушларига кирганини, тушларида у кишининг юзи кўқарган бўлганини менга дараклаб: «Кўрдингми, қизим, сен дўппинг билан уриб бибингнинг юзларини кўкартирибсан!», дедилар. Ушанга ўхшаб, сизнинг ҳам тушингизга дадам кирган бўлсалар, худди ёнингизда ўтиргандай кўрингандирлар-да!..

— Йўқ, Сора, ҳозир сенминан қандай гаплашаётган бўлсам, дадам биланам ана шундай гаплашиб ўтирдим, — деб юқоридаги сўзини маъқуллашини қўймади Аппон чол. — Арвоҳ капалак ҳам Қуръон тагида турганди. У дадамга айланганини ўз кўзим билан кўрдим-ку!..

Сора кампир «чолимга бир нарса бўлдими ўзи» дегандай уни кузатди. Аммо унга бир нима бўлганини асослайдиган ҳеч қандай аломат кўрмагач:

— Қайдам, эҳтимол Қуръоннинг ичига кириб кетгандир, — дея чолининг юқоридидаги гапига мувофиқ жавоб билан қутулмоқни афзал билди.

— Бўлиши ҳам мумкин... — Аппон чолни кампирнинг ушбу жавоби қаноатлантирди. Буни унинг отасиникига ўхшаш нурли юзи ёришиб, манглайи ва чаккасидаги ажнларни хийла силлиқлашганидан ҳам фаҳмлаш мумкин эди: — Лекин, Сора, дадам мендан хурсанд бўлдилар-ов!..

Сора кампир ажабсинди.

— Нима учун?

— Китобларни Шокирнинг неварасига бермоқчи бўлганимдан-да! Анвари бугун-эрта келиб опкетиши керак...

Сора кампир учун чолининг ўлмай туриб ўзига гўр қаздириши, почапўстин ва телпакини бир девонага бериб юбориши, китобларни ошнасининг неварасига тортиқ қилмоқчилиги нечоғлик ғалати, эриш туюлса, ҳозирги: «Уйимизга дадам меҳмон бўлиб келдилар. У киши билан суҳбатлашдим», дея ишонтирмоққа тутиниши, боз устига «арвоҳ капалак дадамга айланди», дея иддао қилиши ундан ҳам номуносиб кўриниб, энсасини қотирди. Аммо бу кайфиятини ошкор этмади, бунга ҳам тоқат қилишга ўзида мажбурият сезди.

— Майли, опкетаверсин, — деди Сора кампир, сўнг эса чоли тушмагур яна шунга ўхшаш номақбул гап топишидан чўчиб, мавзунни бўлак томонга бурди: — Дарвоқе, бомдодингизни ўқимайсизми?..

— Ҳали вақтли шекилли. — Аппон чол қоронғи ҳовлига қараб қўйди.

— Мен турганимда беш ярим эди. Намоз маҳалиям бўп қолгандир, — Сора кампир шундай дедию ўзи сезмаган равишда Қуръонга нигоҳ тикди.

— Ҳали вақт бор, — деди Аппон чол, унинг диққатини тўрдаги жавон ўзига жалб этди: — Тушимда оз бўлмаса китобларни Абдаз ёқиб юборай деди-я! Яхшиям Тилла бор экан, тоза дўппослади-ку уни! Хўп адабини берди-да!..

— Ҳе тушийизам бор бўлсин! Қўйдек ювош бир одамни девонага дўппослатиб ўтирибсизми?

Аппон чол кампирнинг соддалигидан ижирғанди.

— Қўйдек ювош эмиш? Абдаз қўйдек ювош эмиш-а?!

— Ҳа, нима, ювошмасми? Узингизнинг неча йиллик ошангиз-ку Абдаз ака! Йўқ, ёлғонми?..

Аппон чол чурқ этмади, тўғрироғи чурқ этолмади. Қандай қилиб чурқ этсин? Қандай қилиб кампирига: «Абдаз ошначилигимизни бузди. Қариган чоғида энг тоза туйғуларимизни, қон кечиб келган кунларимиз хотирасини оёқости қилди. У калтафаҳм мени, Шокирни, Молдахматни юзини ерга қаратди», — десин? Қандай қилиб айтсин бу гапларни?! Афсус, айтолмайди! Сора кампир унга қанчалик яқин бўлмасин, бундай деёлмайди! Бундай дейиш учун бошқа Аппон бўлиши керак, аммо бу Аппон айтолмайди! Шокирга ҳам ёрилолмади-ю, ахир қандай қилиб аёл кишига дийдиё ўқисин! Лекин Шокир базознинг бошига тушган мусибатнинг учини чиқариб:

— Шокирга оғир бўпти, Сора, — деди, андак мулоҳазадан сўнг қўшиб қўйди: — Уғли Рашид одам босиб олиб қамалиб қопти. Унга жудаям оғир бўпти!..

Сора кампирнинг ҳам Шокир базозга ичи ачишди.

— Вой, жуда ёмон бўпти-ку?! Нима, босиб олган одами ўлибдими? — деб сўради.

Аппон чол чуқур хўрсиниш ила «ҳа» ишорасида бош чайқади, лекин кимни босганини, қандай босганини айтмади, гапни қисқа қилиб ўрнидан қўзғалди.

Бомдод намозидан сўнг чол-кампир икковлари нонушта қилиб олишди. Сора кампир ҳайитлик пишириқлар учун бир қадоқ атрофида қўй думбаси, йигирма-ўттиз дона тухум керак бўлишини айтди. Аппон чол шу нарсаларни олиб келиш учун отланди. Сора кампир унинг қўлига халта тутқазди. Аппон чол, мен кетдим, деб кўчага йўналди.

У автобус йўлига чиқиб борганида кун ҳали ёришиб улгурмаган, тўлиной ҳам теварак-атрофга нурсиз шуъла таратарди. Бекат орқасидаги пастакина пахса девор билан ўралган боғ ҳовлидан тўрқовоқдаги тезотар беданаларнинг бири олиб бири қўйиб сайраётгани қулоққа эшитилиб турар, уларга майна қўшилиб хониш қилишда чарчамасди. Қўшни хонадонларда, бизлар ҳам қатордан қолмайлик, дегандай мусичалар кукулаб, чумчуқлар чирқиллаб, хўроз нечанчи бор қичқириб тонг отаётганини, янги кун бошланаётганини оламга, одамларга даракларди.

Бир маҳал беданалар сайраётган ҳовли эшигини бир бола ланг очиб, тагига ғишт қўйди. Ичкаридан жайдари қўнғир сигир арқонини судраб чиқди, унга бешолти чоғли қўй маъраб, қумалоқ тезакларини йўлга сочиб эргашди.

Бола ғиштини ичкарига тепиб юборди. Ўзи эшик тарақлаб ёпилмасидан лип этиб остона ҳатлаб ўтиб улгурди. У яримта нонни қўйнига солди. Қўлтиғида китоб қистириғлиқ бўлган қўлидаги тол хивични бунисига олди-да, йўл четидаги яккам-дуқкам ўсган бурган, ёвшан, шувоқ, қоқиўтларни эрмак қилаётган сигирининг сағрисига у билан туширди. Сигир калтакка парво қилмади, думини икки тарафга силкитиб қўйиб, яна бурган томон бўйин чўзди. Бола боз хивични ишга солди, «чуҳ» деди. Сигир оғзидаги емишини кавшаганча Аппон чолдан нажот кутгандай унга қараб «мў-мў»лаб қўйди, сўнг истаб-истамай жойидан жилди. У Аппон чолнинг ёнидан машина йўлини кесиб ўтди-да, пастликка қараб эниб кетди. Оғзиларидаги ўтларини қирсиллатиб чайнаётган қўйлар ҳам бири олдин, бири кетин машина йўлига тезакларини сочиб, сигирга эргашиб пастликка тушиб кетдилар.

Бола қўнидаги нондан бир бурда ушатиб олди-да, уни тишлаб лунжини шиширди, шу қўни Аппон чолга салом берди.

Аппон чол ўн икки-ўн уч ёшлар атрофидаги, ориқ эса-да чайирлиги кўриниб турган боланинг нон ейишдан кулди. Унинг саломига алик олди.

— Амаки, — деди бола, нони томоғига тикилаёзди. У товуқниқидай ингичка бўйинини чўзиб, зўрғаталаб ютиб юборди. — Амаки, бугун шанба, автобуслар кам юради.

— Сен қаердан биласан? — кулимсиди Аппон чол.

— Бугун шанба деяпман-ку, амаки! — куйинчаклик билан юқоридаги сўзини такрорлади бола, «нега гапимга ишонмайсиз» қабилда кўзларини лўқ қилиб боқди.

— Бошқа иложим йўқ, ўғлим. Кутишга мажбурман.

— Анча кутиб қоласиз-да, амаки, — деди бола, энди кетишга чоғланаётганди, Аппон чол уни гапга тутиб, сўради:

— Китоб ўқишни яхши кўрасанми?

— Ҳа, — қўлтиғига кўз югуртиб олди бола. — Саргузашт китобларни яхши кўраман.

— Қўлингдаги нима китоб?

— «Қасоскорнинг олтин боши».

— Қасоскорнинг олтин боши?

— Ҳа. Намоз ўғри ҳақида!..

— Менам бир ўғрини билардим. Порси ўғри дейишарди уни. Халқпарвар ўғри эди. Дадам раҳматлининг айтишича, ўша ўғри ҳақида Қодирий китоб ёзмоқчи бўлган эканлар. Бир ўтиришда ниятларини Порсига айтибдилар ҳам...

— Ўша китоб ҳозир борми?

— Йўқ. У китоб ёзилмай қолган. Аммо бошқа китоблари бор. «Утган кунлар» деган. Отабек ва Кумушбиби ҳақидаги китоблари.

— Ўқимаганман, амаки.

— Шунини топиб ўқи, ўғлим. Жуда антиқа китоб...

— Топиб ўқийман, амаки, — ёши улғу кишиларга хос тарзда жавоб қилди бола, кейин анча олислаб кетган молларининг ортидан югурди.

Аппон чол болани анчагача кузатиб қолди. У кўздан ғойиб бўлгунга довуз кузатди. Порсини тилга олгани учун у билан боғлиқ бир воқеа ёдига тушди. Воқеа олис, жуда олис болалиғида рўй берганди...

...Ушанда айни ёз чилласи эди. Ҳали унинг суннат тўйи ҳам бўлмаганди. Улар, уч-тўртта шумтака болалар, толкўчанинг адоғидаги майдончада хоммапиш ўйнаб ўтиришарди. Бир маҳал Ҳасанбойнинг йўлидан шу томонга от йўрттириб беш-олтита отлиқ келиб қолди. Оқ от мингани — гавдага кенг, адил қомат, юзга тўғарак, дўнг пешана, димоғидан эшак қурти ёғилғудай бўлиб турган шопмўйловлиси пастга тушди-да, бошқа болаларнинг эмас, яланғоч ўтирган эса-да бошига дўппи кийиб олган Аппоннинг тепасига келиб: «Сен кимнинг улмасан?» деди, кейин ундан «носвой» сўради. Аппон унинг қўлига «носвой» тутқизаркан: «Аям аканинг ўғлиман», деб бийрон жавоб қилди. У эса: «Э, ҳали шундайми? Аямнинг улмасан? Аямбой яхши одам. Аямбойнинг улини носвойи ҳам зўр экан!», деди. Шундан сўнг унинг шериклари ҳам отларидан тушиб Аппондан «носвой» сўрашди, улар ҳам катталарининг гапини такрорлаб, «Носвойи зўр экан-э!» дейишди. Ҳалиги одам отига миниб туриб: «Даданга айтгин: Порси амаким мени «зўр» дедилар, сизга салом йўлладилар, дегин», деди. У бўлган воқеани оқизмай-томизмай отасига сўзлаб берди. Отаси кулиб қўйиб: «Порси сендан «носвой» сўраб «зўр» деган бўлса, бугундан бошлаб. Аппон Зўрсан, болам», деди. Шу-шу уни ҳамма

«Аппон Зўр» дейдиган бўлди, шу-шу ҳаммага Аппон Зўр бўлиб танилди, аммо... Аммо отаси қамалдию одамлар унинг Аппон Зўрлигини унутишди. Зўрлиги уёқда турсин, ҳатто исмини айтиб чақиришдан ҳайиққан кунлари бўлди...

У ана шуларни хотирлаётганди ҳамки, ёнига «ғиқ» этиб автобус келиб тўхтади. Аппон чол бум-бўш автобусга чиқди-да, олди ўриндиғига ўтирди. Автобус жойдан жилди.

У автобусдан Қумлоқда тушди.

Бозорга кириб бир қадоқдан ошиқ қўй ёғи харид қилди. Уттиз дона тухумни эҳтиётланиб халтага жойлади, олтига ёпган нон олиб қийиқча тугди. Кейин эса, сабзавот дўкони билан пойабзал устахонаси миёнасидаги камгак ерга баайни чорбозор ёймачиларига ўхшаб жойлашиб олиб, чинни идиш-товоқларни чегалаб ўтирган Толиб ака исмли эски танишининг ёнига борди.

Бўйга паст, елкага кенг бўлган бу миқтигина малла мўйсафид Аппон чолдан ўн-ўн беш ёшлар чамасида катта эса-да, ҳали тетик, хатти-ҳаракатлари ҳам шунга ярашиқли эди.

У Аппон чолни кўриши ҳаммо қаншаридан пастга сирғалган тўғарак гардишли алмисоқи ойнагини жойига сурди, қисик кўзлари чақнаб, бурни учуда ва ўнг ёноғида нўхатдай-нўхатдай холлари бўлган бужур юзига хурсандчилик аломати ёйилди. Аппон чолнинг саломига алик олиб қўшқўллаб сўрашди-да, устига баайни куяганган ўхшаб териси кўриниб қолган эчки пўстаги тўшалган пастаккина қўлбола курсини ёнига суриб, уни ўтиришга таклиф этди.

Аппон чол курсига ўтираркан, чегачининг ён-атрофидаги синган, дарзи кетган лаган, коса, чойнак-пиёлаларга кўз югуртиб чиқди.

Толиб ака фотиҳа ўқиб бўлиб:

— Саломатмисан, Аппон, бола-чақалар омонми? — деб ҳол-аҳвол сўради. — Жуда камнамосан, ука?..

— Одам ўзидан ортмас экан, Толиб ака, — серсоқол иягини қашиб туриб жавоб қилди Аппон чол. — Узингиз соғ-саломатмисиз? Уйдагилар омонми?..

— Худога шукр, иним. Яхшиям отамиздан ўрганганимиз мана шу чегачилик бор экан дегин, қаригандаям эрмак бўп турипти ишқилиб, — деди Толиб ака, сўнг устига кичиккина эски кўрпача ташлаб қўйилган човгунни олди-да, қорни чегаланган катта сидирга пиёлани чайқаб, ним ярим қилиб фамил чой қўйиб, Аппон чолга узатди: — Қани, чойдан ич, ука.

Аппон чол унинг қўлидан пиёлани оларкан:

— Раҳмат, — деб миннатдорчилик билдирди.

— Бозорга кепсан-да, Аппон?

— Ҳа. Кампирнинг беминнат дастёримиз, ака, — кулимсиди Аппон чол, пиёла четидаги қилни жимжилоғида сидириб олди. — Ҳайит пишириқлари учун думбаминан тухум керак бўларкан, шуларни олиб, қайтиб кетмоқчи бўлиб турувдим.

Толиб ака сўл ёнидаги жун хуржун оғзида турган кичиккина тўқмоқни олиб бу томонига — қўтида ярмидан иккига ажраб ётган хитойи лаган устига қўйди-да, хуржунга қўл суқиб елим тиқин билан ёпиб қўйилган ярим литрли шиша идишни олди.

— Бу нишолдани янганг уч-тўрт кун аввал қилувди. Хончорбоғда Исмоил деган бир қариндоши бор. Уғил уйлантирди. Шунанига қилувди. Эрталаб буёққа келлаётганимда кўярда-қўймай хуржунга солиб бериб эди. — У Аппон чолнинг тиришиб-тортишиб қаршилиқ билдиришига эътибор бермай ўзи чой ичаётган пиёлага нишолдадан ағдарди, ёнидаги эски газетани Аппон чолнинг яқинига суриб, устига пиёлани қўйди. Кейин нон олмоқчи бўлиб яна хуржунга қўл суққанди, Аппон

чол уни тўхтатди. «Мен ҳозиргина юшоқ ёпган нон харид қилувдим», дея қийиқни ечди-да, бўрсилдоқ нонлардан бирини олиб дарров синдирди. Толиб ака «бисмилло» деб бир бурда нонни қўлига олди-да, уни тагин ушатиб нишолдага ботирди, сўнг Аппон чолни ҳам ўзидан ибрат олишга ундади. Аппон чол ҳам «насиба экан» дея нишолдага нон ботирди...

— Бир ўзим олиб ейишни истамай турувдим. Қайнанаси суйган одам экансан, Аппон, — дея ҳазил қилди Толиб ака, Аппон чолнинг пиёласига чой қуйиб узатди. У эътироз билдириб «сиздан бўлсин, мен ҳозир ичдим», дегач, чойни ўзи ҳўплашга киришди.

Улар бирпасда нишолдага нон ботириб еб туга-тишди.

Толиб ака шиша идишга ишора қилиб:

— Яна ағдарайми? — деб сўради.

Оғзини рўмолчасида артаётган Аппон чол:

— Йўк, йўк, — дея қаршилиқ билдирди. — Раҳмат, Толиб ака. Аммо-лекин таъми оғиздан бир йилгача кетмайдирган нишолда бўпти-да! Ҳув бирда уйингизга кеп опкетувдим-ку, ўшанданам ширин бўпти. Янганинг қўллари дард кўрмасин.

Толиб ака пиёлага чой қуйиб Аппон чолга тутди. Ўзи эса нишолда юқи пиёлада ичди.

— Ҳа, айтмоқчи, Толиб ака. Сиздан кўпдан буёқ бир нарсани сўрайман дейману, очиги, ийманаман, — дея сўзини олисдан бошлади Аппон чол. — Ёшлигингизда Порси аканинг йигитларидан бўлгансиз деб эшитганим бор. Шу одамнинг ўттинчи йиллар миёнасида дом-дараксиз йўқолгани ростми?..

Толиб ака Аппон чолни Порси ўғри қизиқтириб қолганига бошида таажубланди. Шу боисдан ҳам сўради:

— Сенга нега керак бўп қолди бу нарса?..

— Дадам раҳматлининг ҳам Порси ака билан яқинлиги бор эди. Уни камбағалпарвар ўғрилардан дердилар.

— Бамаъни гап айтибди даданг, — деди Толиб ака, мийиғида кулди. — Порси аканинг даданг билан ошна бўлганидан хабарим бор. Сен унда жуда ёш эдинг, ўзинг қатори уч-тўртта бола билан лой ўйнаб ўтиргандинг. Бизлар шу Ҳасанбойдан қайтаётгандик-ов янглишмасам. Сендан «носвой» сўради Порси ака. Унинг қўлига «носвой» тутдинг. У киши «кимнинг ўғлисан?» деб сўради, шунда сен «Аямбой аканинг», дединг, у эса, «Аямбойнинг ўғлини «носвой»и зўр экан», деганидан сўнг элда «Аппон Зўр» бўлиб кетиб эдинг... Яқинда бир одам, ўзини Абдулазиз деб таништирди чоғи, иккита чойнагини чегалатиб кетди. Шундан Аппон Зўрни танийсизми, уям Чуқурсойда яшайди, эски танишларимдан, десам, Аппонни танийман, менинг ошнам бўлади, аммо Зўрлигини билмайман, деган гапни қилди. Бирда телевизордаям чиқувди-ку, кўкрагига қатор орденлар тақиб, шу одам эди шекилли...

— Ҳа, ака, одамлар менинг Аппон Зўрлигимни аллақачонлар унутиб юборишган. Дадам қамалиб кетганларида ҳатто исмиمنى тилга олишга қўрқадиганлар бўлди. Тағинам у пайтлар ўтиб кетдию, — деди Аппон чол, катта-катта қўйқўзларида ўйчан, хомуш бир ифода қалқиди.

Толиб ака ундаги хафаланишга монанд ўзгаришни пайқагани боис филҳол гапни илиб кетди:

— Сен ўзинг ўша болалик кезларингни эслайсанми? Порси ака «носвой» сўраганини эслайсанми? — дея кулди у.

— Эслайман, — деди Аппон чол.

— Хотиринг яхши экан шулар ёдингда турган бўлса.

— Мана сиз ҳам эслашпсиз-ку, Толиб ака.

— Мен унда ўн етти-ўн саккизлар атрофидаги йигит

эдим. Отамиз раҳматлининг чегачилиқ орқасидан топган пули жўжабирдай оиланинг қора қозонини қайна-толмагани сабаб Порси аканинг тўдасига қўшилиб қолиб эдим. Охирги марта у билан занжирлиқ Юсуф заргар отли бир одамникига ўғрилиқка тушгандик, — деди Толиб ака, бош чайқаб кулиб қўйди. — Порси ака ўшанда заргарнинг қайнатаси Валихўжабой Тошканинг йирик савдогарларидан бўлганини айтганди. Николай подшонинг замонида Маскоп, Оренбуругларга бориб келиб турадиган бойлардан ўтган экан. «Шўро ҳукумати уни қулоқ қилиб юборган», дедди Порси ака. Шу заргарнинг омборини Шайхонтахур ариғи томондан ўйиб бордик. Тўрт-беш чоғли йигит ичкарига кирдик, улар орасида Порси аканинг ўзи ҳам бор эди, қолган йигитларимиз ташқарида пойлоқчилик қилишди. Омборда олтита хум бор экан: бирида ёғ, иккинчисида гуруч, учинчисида ун, тўртинчисида мош... қўй-чи, олтинчи хумнинг қопқоғини Порси аканинг ўзи очди. «Бунда шакар экан», деди-да, ўзининг тахминига янаям ишонч ҳосил қилмоқ истагида унга қўлини ботириб олиб, ялаб кўрди. Шунда нима бўлди дегин? Шунда у кишининг тахмини нотўғри келиб, ҳалиги ялагани туз бўлиб чиқди... — Толиб ака бу воқеани аллақандай ғурур ва айни пайтда кулги билан сўзларди. — Аввалги хумлардаги молларни қопларга жойлаётгандик, тўхтатди. «Ҳеч нарсага қўл теккизманглар! — деб буйруқ берди қутилмаганда. — Мен бу хонадоннинг тузини яладим, демаски меҳмони бўлдим! Мезбонга хиёнат қилсам онамнинг фарзанди эмасман!» — деди, ҳаммамиз унга серрайиб қараб қолдик. У биринчи бўлиб омборни тарк этди, бизлар ҳам унинг амрига итоат қилиб, ҳеч нарсага қўл урмай қайтиб чиқдик. Тагин ўйиб кирган еримизни ўзидай қилиб суваб ҳам қўйдик. — Толиб ака ёшлик кезларини эслаб завқланди чоғи, қисик кўзлари чақнаб, чувак, бужур юзига қизиллик югурди, яна ўсиқ, кўзларининг устига тушган кумуш кошларию сийрак киприклари болаларча пирпир учди. У бурни учидаги холини силаб туриб қўшимча қилди: — Жуда антиқа феъли бор эди-да Порси аканинг...

Аппон чол ҳам унинг ҳикояси таъсирида анчагача нурли жилмайиб турди.

— Ҳа, дадам раҳматли ҳам у кишини яхши кўрардилар, — деди Аппон чол, шундай дейиши ҳамано бугун тонгга яқин отасининг арвоғи билан бўлиб ўтган мусоҳаба ёдига тушди. Чуқур тин олди. Юраги алланечук убашди.

— Ана шу воқеадан кўп ўтмай у киши ҳаммамизни бир ерга йиғди-да, бундан-буёқ ўғрилиқ касбини йиғиштирганини айтди. Бизларни ҳам тарқатиб юборди. У кишининг хотини Қашқар маҳаллалик эди. Ўттинчи йиллар ўртасида ана шу хотинини, бола-чақасини олиб Хитойга ўтиб кетди-да Порси ака.

— Шу гап аниқмикин, Толиб ака? Баъзилар у кишини қамалиб кетган дейишади-ку?!

— Бўлмаган гап, — деди Толиб ака, одамлар тўқиган уйдирмасидан истеҳзоланди. — Сенга боя айтганим Исмоил бор-ку, Исмоил охун?.. Шу одам кўкламда Ғулжага бориб келди. Тоғасидан унга анча мол-мулк мерос қолган экан, шуларни опкегани борди. Тоғасининг қабрини зиёрат қилаётиб, Порси аканинг ғўрига ҳам кўзи тушиб қопти дегин. Уша ернинг гўркови уни яхши танирган, Исмоилга «бу одам ҳам сизга ўхшаб тошканлик эди», дебди. У киши ҳақида анча сўзлаб берибди. Порси ака олтмишинчи йиллар ўртасида оламдан ўтган экан. «У кишининг руҳига атаб ҳам қуръон ўқиб қайтдим», деди Исмоил. Жуда хурсанд бўп кетдим...



— Кў-ўп савоб иш қипти-да Исмоил деганингиз, — унинг сўзларини қувватлади Аппон чол, анча тек қолди. У шу дамда Порси ўғрининг Юсуф заргарниқига тушганини ва ҳеч нарсага қўл урмай қайтиб чиқиб кетганини ўзича кўз ўнгида тажассумлантирганди.

— Аммо-лекин юртни жуда қўмсабди-да, Исмоилнинг гапига қараганда. Буни унга гўрков айтган экан. Тошкани жудаям қўмсабди. Қайтиб келай деса, болачақанин кўзи қиймабди.

— Ҳа-аа, мусофирчилик осон эмас. Айниқаси, Порси акага ўхшаган одам учун, — деди Аппон чол, яна жим қолди. Бир пайт тиззасига шаппатилаб урди-да, ўрнидан қўзғалди: — Энди менга ижозат берасиз, ака.

— Утириппиз-да, гурунглаши-иб!..

— Борай, ака. Сизни ишдан қўйганим учун узр.

— Иш одоқ бўлармиди, Аппон. Қайтага яхши бўлди — Порси акани эслаб анча ёзилиб олдик.

— Унақа одамлар камдан-кам бўлади, — деди Аппон чол, халта ва қийқни қўлига олди, жўнашга тараддулланиб турганда, Толиб ака тўхтатди.

— Манови нишолдани кампиринга ола кетгин, Аппон, — дея у шиша идишнинг тиқинини ёпиб унга тутди.

Аппон чол нишолдани олишни истамади.

— Қўйинг, Толиб ака, бундай иш қилманг, — деб қаршилик билдирди.

Толиб ака ҳам сўзида қатъий турди:

— Олмасанг хафа бўламан, вассалом!

Аппон чол чор-ночор рози бўлди. Толиб акага миннатдорчилик билдирди-да, нишолдали идишни халтасига жойлади. Чегачи билан хайр-хўшлашиб кўчанинг у бетига ўтди. Сал нарида — анҳор устидаги чойхонада беш-ўн чоғли одам давра қуриб ўтириб олиб бедана уриштираётганди. Кўнгли ўша ёққа боришни тусади-ю, аммо Толиб аканинг олдида анча суҳбат қурганини, яна самоварда ҳам ушланиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, ундан кейин, кампири қўлидаги нарсаларни кутаётганини эслаб, шахтидан қайтди. Чорраҳадан ўтиб, Қумлоқ билан Хаси Имомнинг кесишган ерида — сартарошхона рўпарасида тўхтади. Шу ердаги бекатда Чукүрсойнинг автобусини кутди.

У пешинга яқин уйига келди.

Қўлидаги нарсаларни кампирига тутқазди-да, ўзи кийимини алмаштириб чиқди. Таҳорат олиб, пешин намозини ўқиш учун кириб кетаётганди, кўча эшик тарафдан «дада!» деган овоз келгандай бўлди. Уша ёққа қаради: бўсағада Янгийўлга узатилган қизи Дилбар кулиб турарди.

— Ҳой, Сора, буёққа қара! — Аппон чол ўчоқбошида куймаланиб юрган кампирини чақирди. — Нима бало, қулоғинг том битганми, Сора?!

Сора кампир ўша ердан туриб «ҳозир-ҳозир» деди-ю, бироқ ҳадеганда кўриниш беравермади.

— Қизинг келди, Дилбар келди! — дараклади Аппон чол, сўнг орқасида тўхтаган қизи билан кучоқлашиб кўришди.

Дилбар отаси билан сўрашаркан, унинг ич-ичига кириб кетган нурсиз кўзларига, ажин босган юзига узоқ термулди. Олдинги сафар келганида отаси бунчалик ўзини олдириб қўймаганди, йўқ, бу гал унинг ранги бир ҳол-бир сар бўлиб қолган, шахти ҳам бурунгидай эмасди.

— Яхши юрибсанми, қизим? Бола-чақалар омонми? Файбулла куёв тинчми?..

— Худога шукр, дада. Ўзингиз соғ-саломатмисиз? Чарчамасдан юрибсизми?!

— Менинг чарчаганим қаёққа борарди, — лабининг

бурчи билан кулди Аппон чол, кейин шуюёққа ошиқаётган кампирига ишора қилиб, — ана унга қийин, у чарчаб қоляпти, — деди, шунинг баробарида қизининг ташрифидан кўнгли хийла хотиржам тортди. «Менга бир нима бўп қолса Соранинг ўзи қийналарди. Йўқ, Дилбарнинг келгани тузук бўлди, жуда яхши бўлди», — дея муҳокама юритди.

— Чарчаб нима — кетмон чопяпманми?! — деди Сора кампир, чолига норозиланиб боқди. Унинг қарашида «қизингиз келмасидан гина-кудурат бошлашингиз нимаси эди?» деган мазмун бор экани яққол сезилиб турарди.

— Мен ҳозир. Пешинимни ўқиб чиқай, кейин бафуржа гаплашармиз, — деди Аппон чол, она-боланинг узоқ йиллар дийдор кўришмаганлардай бир-бирларига қапишиб ўпишишини кўриб бош силкиди. — Супага жой тайёрлай қолинглар. Уша ер баҳавороқ.

— Хўп, — деди Сора кампир.

Аппон чол намозини ўқиб қайтганида кампири ва қизи супада нима ҳақдадир берилиб суҳбатлашаётган эди. Уни кўриб ҳар иккови жим бўлди.

— Ҳа, нега индамай қолдинглар? — киноя аралаш кулди Аппон чол, кампири унинг устидан қизига ҳасрат қилаётганини, ҳасрат қилишдан ҳам бурун ғалати қилиқларини чақиб бераётганини туйди. — Менинг иғвомни қиялпсан шекилли, Сора?..

Дилбар отасига яна бир салом берди-да, унга жойини бўшатиб, ўзи пастроққа — онасининг ёнига ўтирди.

Сора кампир яшириб ўтирмади, тўғриси айтиб қўя қолди:

— Ҳа, ўлим ҳақида ғалати-ғалати гаплар қилиб мени кўрқитаётганингизни унга чақиб беряпман.

— Ғалати гап эмас, омади гапни айтяпман.

Дилбар отасига ичи ачишиб боқса-да:

— Нега унақа дейсиз, дада. Ҳали кўп йил яшайсиз, — деди, лекин отасининг кўп йил яшашига унинг ўзи ҳам ишонмаётганини юз-кўзлари ошкор этарди.

— Мени қўйиб тур, ўзинг яхшимисан? Қизларинг? Нега уларни опкемадинг? Сожидангни жуда соғиндим-да!..

— Ҳали хабарингиз йўқмиди, Сожидаям опаси билан кетди-ку! Дадаси Наргиза икковига Бурчмулладаги лагерга йўлланма овердилар. Ун-ўн беш кун бўп қолди кетишганига.

— Ҳа-аа... Файбулла-чи? Файбулла ишлаб турибдими? Йўғ-е, ичиб турибдими деганим? — ҳазил йўсинида сўради Аппон чол.

Қизи Дилбарга отасининг ҳазили салбий таъсир этмай қолмади: онасиникига ўхшаш чўзиқ, кўҳлик юзи лола янглиғ қизарди.

— Кўёвингиз бу нарсани аллақачон йиғиштириб қўйганлар. Жигарлари оғрийдиган бўлгандан бери арақ ичишни ташлаганлар, — деб жавоб қайтарди у.

— Бари ана шу шайтоннинг ичимлиги туфайли, — орага қўшилди Сора кампир. — Ҳозир жигарни ишдан чиқарган экан, эртага юракниям одоқ қилади бу касофат ўлгур.

— Ичишни ташлаган бўлса яхши. Дарвоқе, нега келмади ўзи?..

— Бугун уларнинг иш кунлари. Эртага эрталаб ўртоқларининг машинасида келадилар. Бирга Бурчмуллага чиқмоқчимиз — болаларнинг олдига. Мени уйдан опкетақолинг, оймларнинг у-бу юмушларини қилиб берай, мана ҳайитгаям саноқли кун қолди, дедим. Ўзим келавердим.

— Яхши қипсан, — деб севинди Аппон чол. — Ойинг мени каллаи саҳарлаб бозорга тушириб юборди: қўй ёғи, тухум топиб келинг, ҳайитга пишириқлар қиламан,

деб. Бирга киришадиган бўпсизлар-да шу ишга.

— Дилбарни худонинг ўзи менга етказди, — чолининг гапини тасдиқлади Сора кампир. — Бир ўзим қачон бошлардим у қачон тугатардим.

— Қани, қизим, мана бу нишолдага қара-чи, — Аппон чол шундай дея бир бурда нонни пиёлага бо-тириб олди. — Қумлоқда Толиб ака деган одам бор, чегачи, шу бериб юборди. Аямбой бувангниям жуда яхши танийди. Илгарилари ҳам бир-икки марта ўша одамдан нишолда олиб эдим.

Дилбар онасига қараб кулди:

— Ҳозир оймларга айтиб турувдим: дадам Қумлоқдаги ошналариникидан опкелган бўлсалар керак, деб. Тўғри топганимни қаранг.

— Сенинг келишингни билиб опкелдим-да, болам, — деди Аппон чол, нишолдали пиёлани қизининг яқинига сурди.

— Нишолда еб иштаҳани бўғиб қўйма, Дилбар, — дея огоҳлантирди Сора кампир, ўрнидан туришга чоғланаркан, Аппон чолга юзланди: — Шўрвани сузиб келаверайми?..

— Пишган бўлса сузавермайсанми? Нега ўтириб-сан?! — жеркигандай оҳангда буюрди Аппон чол, кампирга «шуни ҳам мендан сўрайсанми?» қабилида норозиланиб боқди.

— Энди айтаман-да, — ўзини оқлашга тутинди Сора кампир.

Дилбар дустурхон бурчидаги сочиқни олиб қўлларини артди.

— Сиз ўтиринг, ойи, менинг ўзим сузиб келаман, — дея дик этиб ўрнидан турди-да, оёғига онасининг кавушини илиб ўчоқбошига йўналди.

— Барака топ, қизим, — унинг орқасидан дуо қилиб қолди Сора кампир, сўнг эса чоли томон ўгирилиб: — Сиз, дадаси, болаларнинг олдида одамни унақа силтаманг-да! — деб ундан ўпка-гина қилди.

— Узингам, Сора, ғалати саволлар берасан-да! Билсанки, менам, қизинг Дилбарам чарчаб келганмиз, индамай бориб сузиб келавермайсанми! Шуниям мендан сўрашинг шартми энди?

Сора кампир чолининг юқоридаги таънасини ўзига қаттиқ олган экан, аразлашини қўймади.

— Мен сизни оила боши деб сўрай қолувдим, — деди у юмшоқ, ҳазин овозда. — Сиз эса... сиз одамни...

Аппон чол ўзининг бемаврид гап қилганини сезди. Зотан, кампири қизи келгани, учовлари кичик бир оила бўлиб ўтиришгани учун ундан овқат сузишга ижозат сўрагани. Бурун ахир шундай эди-да! Унинг рухсати билан овқат сузиларди, унинг рухсати билан болалар ўрниларидан туриб кетишарди. Кампири қадим-қадимдан ўзбек хонадонларида таомилга кирган ана шу удумни юз хотирлаб унга мурожат этгани. Афсус, буни у тушунмади. «Эҳ, каллаварам, шунгаям ақлинг етмадими?! — деб ўзини койиди Аппон чол. — Эҳ, мияси айниган чол!..»

— Билмабман, Сора! Билмай қолибман-да энди! — дея айбини бўйнига олди у. — Мен калвакни кечир...

Сора кампир индамади. Сора кампир чолини кечиргани. Унинг кек сақлаш одати йўқ эканини юз-кўзлари шундоқ айтиб турарди.

Шўрвадан сўнг она-бола хамирга уннашни баҳона қилиб туриб кетдилар. Аппон чол ҳам ҳовли этагидаги уч-тўрт ариқ помидор, болгар гармдориси, нўш пиёзларга сув боғлаш мақсадида ўрнидан қўзғалди.

У бостирмадан кетмон топиб чиқиб, зўғатасига пона қоқиб маҳкамлади, сўнг ҳовлини кўндалангига кесиб ўтиб, қўшнисиникига оқиб кирадиган сувни этак томондаги ариқча бурди. Сув кичиккина ўқ ариқча ўтиб



аввал помидорларга, кейин эса гармдори, нўш пиёз экилган жўякларга етиб борди. Бирор чорак соатлар ичида барча ариқ сувга тўлди. Сув экин-тикинга жон киргазди: куннинг тафтидан сўлиб, қовжирай бошлаганлари ҳам тезда ўзини тутиб олди — қадди ростланди.

Аппон чол, шу баҳонада мевали дарахтлар ҳам сув ичсин деб, олма, нок, ундан эса ўчоқбоши қаршисидаги чиллаки узум тагига нагичка ариқ тортиди. Унинг қўлидаги томирларга ўхшаб икки-уч тарафга тарвақайлаган тор ариқчалардан дарахтлар остига оби ҳаёт етиб келди...

У ариққа қўйган тўсиқ тунукани олди. Уқ ариқнинг устига тупроқ тортиб бекитди. Отасининг уйи ариқдан анча берида бўлгани учун дераза олдидаги райҳон, гултожихўроз, шафтолиларга челақлаб сув ташиб сўғорди. Охириги икки челақ сувни райҳонлар устига шакароб қилиб сепди — ён-атрофни димоқни қитиқловчи хушбўй ис тутиб кетди. У уй деразасини ланг очиб юборди. Шу маҳал ҳовлида вижир-вижир сайраб учиб юрган атласпўш қалдирғочлардан бири деразадан ичкарига кирди. Аппон чол бундан йигирма тўрт йил бурунги август оқшомини хотирлади. «Ўшандаям ҳаммаёқни райҳон ис тутиб кетиб эди. Дадам раҳматли бу ўсимликни яхши кўрардилар», деб ичкарига кирди. Уйнинг ичини ҳам хушбўй ҳид туганди. У шифтга яқин ерда учиб юрган қалдирғочга халал бермаслик мақсадида кўрпачага ўтирди. Анчагача ўйга чўмиб ўтириб қолди. Қалдирғочнинг қай маҳал учиб чиқиб кетганини ҳам пайқамасди. У жавондаги китобларга нигоҳ қадади. Назарида Шокир баззознинг невараси уларни шу бугун келиб олиб кетадигандай кўринаверди. Унга китоблардан айрилиш ҳам жуда оғир эди. Лекин нима қилсин? Эрта-индин ўлиб-нетиб қолса нима бўлади? Булар кимга қолиб кетади? «Дадамнинг ўзлари хурсанд бўлдилар, — деб сўзланди у, сўнг Қуръонга қараб қўйди: — «Анавининг қўлидан гугуртни тортиб олганинг яхши бўлди», дедилар! Бундан чиқди, унинг гугурт чақиб юборишидан чўчиган эканлар-да! Унда ёмон бўларди! Унинг гугурт чақишга уриниши ёмонлик аломати бўлса ажаб эмас!.. Нега дадам билан кўпроқ гаплашолмадим-а? Нега?!» У ана шундай мулоҳазага бориши ҳамоно Ахир, чироқ ўчиб қолди-ку! Йўқса, анча суҳбатлашган бўлардим-а! — деб хулосаланди, шундан сўнг чироқнинг бекорга ўчмаганини, ўзининг ноўрин гапи оқибатида ўчганини хотирлади. Ҳа, чакки бўлди, чакки, деди, чакки бўлганини ўйлаб ўрнидан кўзгалди, чакки бўлганини ўйлаб ҳовлига тушди, чакки бўлганини ўйлаб челақни ўчоқбошига элтди, кетмонни бостирмага ташлади, у ердан айрили ёғочни олиб чиқиб сўридаги тўрқовоқларни пастга туширди. «Анвар китобларни шу бугун келиб опкетса яхши бўларди, шу бугундан қолдирмай», дея фикр қилди. Беданаларнинг сувдонидидаги сувини алмаштирди, айвондаги тоқчадан шиша идишни олиб тушиб, ичидаги тариқдан тўрқовоқларга солди. Кейин эса, «Нега энди шу бугун!» — деб ўзини сўроққа тутди, «Ҳар қалай, шу бугун опкетганда ёмон бўлмасди-да», деб саволига жавоб олди, хаёли яна Абдулазизга кўчди, хаёли Абдулазизга кўчдию уруш йиллари кўз олдида тажассумланди. Уларнинг батальони «Туя» тепалигига жойлашиб олган немисларни йўқ қилиб, тепаликни қўлга киритиши керак эди. Урис комбат у ерга олиб борадиган йўл миналаштирилган-миналаштирилмаганини билиш, сўнг душман тепаликнинг қайси қисмига, қай тартибда жойлашганини аниқлаш учун осиелик йигитларни текширувга юборишга қарор қилганди. Сакен, Шокир, Абдулазиз бориши керак эди. Охириги дақиқаларда Абдулазиз

ўзининг аҳволи чатоқлигини, тумов бўлиб қолганини рўкач қилиб олди. Уни ҳеч ким айбламади. Ўрнига Молдахмат жўнади. Лекин ўша текширув Молдахматга қимматга тушди — икки еридан ўқ еди. «Ўшанда Молдахмат нима деганди? Қошида айбдорлардек елкасини қисиб турган Абдулазизга нима деганди? — деб эслашга тутинди Аппон чол. — «Сен хижолат чекма, Абдаз, ҳечам ўзинга олма!» деганди, бу ярамаснинг кўрқоқлигини, бунинг ўрнига бориб ўқ еб келганини юзига солмаганди. Бу эса... бу эса уялмай-нетмай ўзини қаҳрамон қип кўрсатяпти...» У шуларни ёдга олиб турганди ҳамки, ташқарида кимдир уни йўқлаб қолди.

Аппон чол кўча эшикка юрди.

Остонада йигирма беш билан ўттизлар оралиғидаги, оқ-сарикдан келган, ўрта бўй, бўйига мутаносиб елкали, кулча юз, қўнғирранг, тўлқинсимон ва андак сийрак сочили, чуқур қора кўзларидан ўйчан ва мулоҳазали экани кўринаётган йигит турарди. Юз бичимининг ўзиёқ унинг Шокир баззознинг невараси эканидан далолат берарди. Унинг қўлида устига майда холли қийиқ эпилган челақ ҳам бор эди. Қийиқнинг дўмпайиб туришидан челаққа узум тўлғазилганини сезиш қийин эмасди.

— Ассалому алайкум, ота, — деди у, Аппон чол билан қўл бериб сўрашаркан, ўзини таништирди: — Мени Шокир ака юбордилар. Мен у кишининг невалариман. Анварман.

Аппон чолнинг юзи ёришди.

— Кел, болам, кел. Ҳозир сен ҳақингда ўйлаб турувдим, — деди, Анвар уни «ота» деганидан янаям ийиб кетди. Уни Тилладан бўлак ҳеч ким «ота» демагани ва у бу йигитнинг юзида ҳам Тиллага ўхшашликни кўрди. Бу ўхшашлик ҳар икковида болаларга хос бўлган белгиларнинг, аниқроғи, болалигини йўқотмаган одамларда учрайдиган белгиларнинг яққол кўзга ташланиб туришида ўз аксини топганди.

Улар ҳовлига кирганларида Анвар қўлидаги челаққа ишора қилиб:

— Мана буни нима қилай, Аппон ота? — деб сўради.

Аппон чол унинг бу нарсани кўтариб келганидан ранжиди.

— Нима қип овора бўп юрибсан? Ҳечам кераги йўқ эди-да бу нарсанинг! — деди.

Анвар «овораси бор эканми?» дегандай боқиб:

— Шокир бувам бериб юбордилар. Узимизнинг боғдаги ҳусайнидан, — деб жавоб қилди.

Аппон чол кампирини чақирди:

— Сора! Ҳов Сора! Бўёққа қара!..

Сора кампир, унинг орқасидан қизи Дилбар ким келганини билиш илинжида ёяётган хамирларини ташлаб чиқдилар.

Сора кампир кавушини кийиб пастга тушди. Дилбар ҳам унга эргашди.

Анвар аввал Сора кампирга, сўнг эса қизига салом берди.

Улар Анварнинг саломига олдинма-кейин алик олишди. Аммо унинг ўзини таниёлмай гаранг бўлиб тураверишди. Шу боис, қўлидаги челақни ҳам олишга истиҳола қилишди.

— Бу йигит ошнам Шокирнинг ёзувчи невараси. Сенга айтувдим-ку, ошнам Шокирнинг Анвар деган невараси уларнинг Хончорбоғи ҳақида китоб ёзибди, деб. Ана ўша Анвар шу йигит бўлади, — деб таништирди Аппон чол.

Анвар ўзини бу йўсин таништиришларидан уялди. Аппон чолга «ҳали ёзувчи бўлиб нима иш қилибман?» дегандай боқди, қизариб ер чизди.

Сора кампирга Анварнинг ўзини тутиши маъқул тушди.

— Вой бўйингдан айланай! Яхши келдингми, болам? Буванг, бувинг, ўзингнинг ойинг — ҳамма-ҳаммалари яхшими? — деб унинг кифтига қоқиб сўрашди, сўнг қизига юзланиб:

— Дилбар, боламнинг қўлидаги челақни олақол! — деди.

Ёшгина йигитнинг китоб ёзганига қизиқсиниб ва айна пайтда ишонқирамай қараб турган Дилбар онасининг буйруғидан сўнггина унинг қўлидаги юкни олишга журъат қилди.

Анварнинг тиришиб-тортишиб эътироз билдиришига қарамай уни супадаги дастурхонга бошладилар.

— Бир пиёла чойга ҳам йўқ дейсанми, болам. Ўзбекнинг хонадонига меҳмон келганида бир пиёла чойини ичмай кетса, шу хонадон шаънигаям, меҳмон шаънигаям дуруст бўлмайди, — деб уқтирган бўлди Аппон чол, Анварга қараб синовчан кўлди: — Буни сен, болам, мендан яхши билишинг керак, ҳарҳолда ёзувчисан-ку!..

Чолининг ўғитини Сора кампир ҳам бош силкиш орқали тасдиқлади.

Анвар Аппон чол боз унинг ёзувчилигини эслатганидан ноқулайлик ҳис этди.

— Ҳали «ёзувчи» дейишингизга арзирли бирор иш қилганим йўқ, Аппон ота. Ҳали ёзувчи бўлишга эҳ-ҳе!.. Мана Қодирий, Ойбек домларимизни «ёзувчи» десангиз арзийди. Мен эса... мен шунчаки бир ҳаваскорман. Ёзишни яхши кўраман, холос...

Аппон чолга Анварнинг тортиниб туриши, камсуқумлиги маъқул тушди. Боз устига у Қодирийни эслатганидан севиниб кетди ҳам. Зеро, отаси худди ана шу ёзувчининг кўп маротаба тилга олганини, унинг ўқувчиси, ўқувчисидан ҳам кўра мухлиси — ихлосманди эканини, у одам ҳам отасини ўзига яқин олиб элда машҳур китобини тортиқ қилганини юқорида таъкидлагандикки, Анварнинг мана бу гапи нур устига аъло нур бўлиб тушди ва отасининг китобларини бу йигитга бериб юборишга аҳд қилганидан яна бир қарра дилида мамнунлик ҳис этди.

— Бари ҳавасдан бошланади, ўғлим. Ҳавас қилиш яхши. Ҳаммаям қодир эмас бунга!.. — Аппон чол ушбу жумлани Анварнинг кўнглини кўтариш учун айтган эса-да, ҳақиқатда шу дамда Содир ака, Абдулазизнинг совуқ, сур башаралари кўз олдида тажассумланганди. «Улар ҳам умриларида бировга ҳавас қилганмикинлар? Бировга меҳр, ихлос билан қараганмикинлар?» деб саволланди, саволландию Улар ҳавас қилишни билмасалар керак, ҳавас қилишдан йироқ бўлсалар керак! Ихлосга келсак, ихлос... — дедию ўйга толди, сўнг ўйга толганини фаромуш қилиб, фикрини бир ерга жамлашга тутиниб, юқоридаги сўзида давом этди: — Муслмончилик астачиликдан-да, болам. Барининг отаси меҳнат. Меҳнат қилсанг бир ердан чиқасан. Хайрли ишга қўл урган экансан, шунинг ўзи таҳсинга лойиқ, ўғлим...

Шу маҳал қизи Дилбар чойнақда чой кўтариб келди. Сўнг онаси шуёққа олиб келаётган ликопдаги узум, шафтолини унинг қўлидан олди-да, яна бедана юриш қилиб дастурхонга қўйиб кетди.

— Қани, ол, болам, — деб ҳўл меваларга ишора қилди Аппон чол, бир шингил узум олиб олди-да, ликопчани Анварга яқин сурди. — Обба Шокир-э! Кўнгли бўлмабди-да! Аппоннинг оғзи тегсин дебди-да!..

— Ҳа, шуни обор, Аппониям оғзи тегсин, дедилар, — дея унинг сўзини тасдиқлади Анвар, ликопчани қайта жойига сурди. — Ўзимизнинг боғдаги узумдан, ота.

— Ошнамга қийин бўпти, — деб бош чайқади Аппон чол. Буни Анварга қаттиқ ботмасин деган истиҳолада ич-ичдан қийналиб, айтмаса яна бўлмаслигини дилдан чуқур англаб етгани важи айтаётганини юз кўринишидан сезиш қийин эмасди. — Амакинг Рашиднинг қамалиб қолгани яхши иш бўлмапти, жуда ёмон бўпти...

— Ёмон бўлди. — Анвар бошини ҳам қилган кўйи дастурхон попугини бармоқлари билан ўйнаб, чирмади. — Яхшиям боғимиз бор экан, ўша ерда овуниб юрибдилар, ишқилиб.

— Анҳор устига қаравот қуряпман, дейдими?

— Ҳа, Қичқириқнинг устига... Катта анҳоримиз бор — кўргандирсиз?

— Ҳа, албатта! — Аппон чол «нега энди кўрмай?» қабилида ажабсинди. Ортиқ Шокир баззознинг бошига тушган мусибатни эслатиб Анварни қийнагиси келмади. — Ҳа, майли, шу иш билан овуниб юргани яхши, — дейиш билан кифояланди, холос.

Дилбар шўрва олиб келиб Анварнинг ёнига қўйди. — Мен ичмайман. Яқинда овқатлангандим, — эътироз билдирди Анвар.

Дилбар норозиланди. Отасига кўз қирини югуртириб олди-да:

— Суюқ оши-ку, ярим коса, — дея такаллуф қилди, кейин орқасига қайтди.

Аппон чол ҳам қизининг гапини маъқуллаб, Анварни кистоққа олди:

— Ярм коса шўрва йигит кишига нима бўлади? Ичиб ол, болам.

Анвар чор-ночор қошиққа қўл узатди.

Аппон чол бу маҳалда ҳусайнидан яна бир шингилини узиб, ейишга киришди.

— Дадам раҳматли узумни яхши кўрардилар. — У отасини эслади, бужур юзига сезилар-сезилмас табассум югурди. — «Бу жаннат мевасини «ноне ангур» деб нонга менгзаган эканлар Навойй бувамиз», дердилар, — дея отасининг узумга таърифини Анварга айтиб берди.

— Дадангиз анжирниям яхши кўрарканлар-а?

Аппон чол чўққи соқолини силади.

— Сенга Шокир айтгандир?

— Ҳа, бувам айтдилар. Дадангиз ҳақида кўп гапирдилар.

Аппон чолнинг нурли юзидаги ажинлари қуюқлашиб, ич-ичига кирган ўйчан кўзларига мунг чўкди. Чуқур хўрсинди. У отасининг арвоҳи билан бугун кечқурунги суҳбатни хотирлагани сабаб ана шундай хўрсинганди.

— Сенинг катта буванг Ҳосил ота ва менинг дадам яқин оғайни бўлишган, худди Шокир икковимизга ўхшаб. Инқилобдан бурун оқ подшо мардикорга олган-ку, билсанг керак, ана ўшанда танишиб қолишган экан... Шокирни дадамнинг қўлига олиб келиб берган эканлар Ҳосил ака: шунга иш ўргат, деб. Дадам матбаачи эдилар, тош босмада ҳарф терардилар. Эски Жўвадаги биринчи босмахонада... Йўқ, кейин, ҳалигиндақа ишлар бўп кетди... — Аппон чол анча тек қолди. Бир нуқтага тикилган кўйи ўйга толди. Сўнгра сўзида давом эттирди: — Илмни, маърифатни яхши кўрардилар. Боя сен тилга олганинг ёзувчи бор-ку, Абдулла Қодирий, шу кишини яқиндан танирдилар. У кишининг китобларини тош босмада дадам босган эканлар — ўзимизнинг эски алифбозимизда. Дадамга дастхат ҳам ёзиб берганлар, Отабек ва Кумушбибининг китобига. Яна бир фалати китоб тортиқ қилганлар — ҳали кўрсатаман сенга...

Аппон чолнинг гаплари Анварни қизиқтиргани учун у шўрва ичишни ҳам йиғиштириб қўйди. Бутун вужуди қулоққа айланиб, у тагин нима деркин, қабилида оғзига қараб қолди.

Анварнинг болаларга хос тарзда мўлтайиб қараб туришини кўрган Аппон чолнинг хаёлидан яна Тилла ўтди. «У ҳозир қаердайкин? Нима қилаётганикин?» деб муҳокама юритди, Тилла ҳақидаги ўй унинг хотирида Бўривой-Салтанат воқеасини жонлантирди. «Тиллани бир балога гирифтор қилмаса гўрга эди бу худосизлар», дея ичида сўзланди, сўнг ёнида ҳамсўхбати — Анвар бор экани ёдига тушиб қолдию Тиллани ҳам, Тиллани балога гирифтор қилиши мумкин бўлган худосизларни ҳам унутди. Анварга юзланиб:

— Нега қараб ўтирибсан, ўғлим? Шўрванг совуб қолди-ку! — дея уни тергади.

Анвар шўрвадан истаб-истамай яна уч-тўрт қошиқ ичди, сўнг ёнидаги сочиққа қўлини артди.

Аппон чол ортиқ текилинч қилмади, юқорида чала қолган сўзида давом этди:

— Менам, болам, бувангга ўхшаб қартайиб қолдим. Бугун бор бўлсам, эртага йўқман...

— Ундай деманг, ота, — дея Аппон чолнинг кўнглини кўтарди Анвар, — ҳали кўп йил яшайсиз.

— Йўқ, ўғлим, — унинг фикрига қўшилмади Аппон чол, — мана сизлар кўп йил яшайсизлар. Бизлар кўрмаган кунларни худо хоҳласа сизлар кўрасизлар... — у шундай дегач, асосий мақсадга кўчди: — Шокир сенга айтдим, йўқми, дадам раҳматли илми, маърифатни яхши кўрардилар. Ўзлари ҳам арабийфаҳм бир одам эдилар. У кишидан анчагина китоблар қолган. Дадамни опкетишганида ойим икковимиз ана шу китобларни ҳовлимизнинг орқасидаги, — у қўли билан ён томонига ишора қилди, — мана буёқдаги жарликка кўмиб қўйгандик. Дадам кейин жуда хурсанд бўлдилар бу ишимиздан. У киши кўп маротаба қайтарардилар: «Биз ўтмишимиздан узилиб қолдик. Жоҳиллар узиб қўйишди ўтмишимиздан. Қачондир албатта қайтиш бўлади. Уша кунларда бу китоблар болаларимизга, болаларимизга бўлмаса, уларнинг болаларига асқатар — ўзбекнинг бирор кунига ярар!» — дердилар. Мен, болам, уларни ўқиёлмадим. Эшитгандирсан, дадам қамалганларидан кейин менга қандай муносабатда бўлишганини. Бир ёқда уруш бошланди қолди. Урушдан қайтгач, Бекободга ишга жўнаб кетдим... — у «Бекободга ишга жўнаб кетдим» деган жумлани ғалати талаффуз этди, у ерга ўз истаги билан эмас, ўзга одамнинг хоҳиши орқасида кетганини айтмоқчи бўлгану шундай деёлмай «ўзимнинг истагим билан кетдим», деб қўя қолай» дегандай тарзи сўзлади. Зеро, Анвар буни билишини, Шокир базоз унга айтган бўлишини у яхши англагани учун ҳам ортиқ такрорлагиси келмай юқоридаги жумла билан чегараланганди: — Ўғлим бўлганида албатта ўқитардим, эски илмимизни ўрганишига шароит туғдириб берардим, лекин қизлар бировнинг хасми экан. Эрга теканидан сўнг илм қилолмай ўз ёғига ўзи қовурилиб юравераркан...

Аппон чол ана шуларни гапириб турганида кизи Дилбар ёнларига келдию фикри бўлинди-қўйди.

Дилбар меҳмоннинг косасини қўлига олди. Ичидаги овқатга ишора қилиб:

— Дада, бу укамлар шўрвани ичмадилар-ку, — деди.

Анвар аёлнинг бемаврид келиб қизиқарли суҳбатнинг белига тепганидан ранжиса-да, бу кайфиятини иложи борича унга сездирмасликка тиришди.

— Йўқ, йўқ, яхши ичдим, — деди, яхши ичмаганини ўзи ҳам билгани важи зўр-базўр жилмайди.

— Ҳа, майли, зўрлама, — деб Анварнинг ёни бўлди Аппон чол. — Ҳар ким кўнгли тусаганча тановул қилади овқатдан.

— Чойингларни янгилаб берайми? — сўради қизи. Аппон чол Анварга қаради. У эса «мен ичмайман» йў-

синида пиёласининг устини кафти билан тўсди. Аппон чол чойнакни ҳам қизининг қўлига тутқизаркан:

— Йўқ, қўя қол, — деди, биратўла овқатга ҳам, дастурхонга ҳам фотиҳа ўқиди. Қўлларини стол четига тираб ўрнидан кўзгалди.

Анвар ҳам юзига фотиҳа тортди-да, чаққонлик билан пастга тушиб Аппон чолнинг калишини тўғрилади.

Аппон чол уни дуо қилди.

— Майли, қолган эзмачиликларни ўша ерда қилармиз. Юр, болам, — деб отасининг уйига йўл бошлади.

Анвар унга эргашди.

Анвар сабзавот дўкони ёнидан тўхтатиб келган «такси»га китоблар солинган қопларни яхшилаб жойлади. Бўсағада хомушланиб унга нигоҳ қадаган Аппон чолнинг ёнига қайтди. «Аппон ота китобларини олиб кетаётганимдан хафаланаяпти шекилли», деб мулоҳаза юритгани учун жуда ноқулайлик ҳис этди. Шу боис ҳам бошида унга ҳеч нарса деёлмай турди, йўқ, охири:

— Ота, сиздан қарздорман, китоблар учун! — дейишга журъат қилди.

Аппон чолнинг маъюс юзида, анча киртайиб қолган кўзларида Анвардан ранжиганини кўрсатувчи белгилар зуҳур этди.

— Нималар деяпсан?! — деди у Анварнинг гапи мазмунидан келиб чиқиб. — Ҳозир нималар ҳақида ўйлаб қолганимни биласанми? Сен бўлсанг уялмай-нетмай қарздорман дейсан!... — У ўзи томон қизаринқираб қараб турган Анвардан кўзини узмади. — Мен, ҳозир, ўша пайтларда шунга ўхшаган сон-саноқсиз китобларни сақлолмаганимизни ўйлаяпман. Сенга ўхшаган илми фарзандларимиз олдида қанчалар гуноҳга ботганимизни, қанчалар айбдор эканимизни ўйлаяпман. Дадам раҳматли ва ойим раҳматлилар асраб қолишди, лекин жуда яхши эслайман: ўнлаб, юзлаб одамлар уларни ёқиб юборганди, сувга оқизганди, ўпқонларга кўмиб ташлаганди; нега ўшаларни тўхтатиб қололмаганимга, «Ҳой, яхшилар, ахир бир кунмас-бир кун бу китоблар кейинги томирларимизга асқатади-ку! Улар сизларнинг бу ишингизни кечиримайди!» деёлмаганимдан ўпкаланаяпман. Нима қилай, у пайтларда бунинг фарқига яхши бормагандим, мана энди эса... ўша гуноҳларга ўзим ҳам шерик эканимни англаб етаяпман...

— Нега ундай дейсиз? Ундай деманг! Шунча китобларни эҳтиёт қилганингизнинг ўзим катта гап-ку?! — дея унга тасалли берди Анвар.

Аппон чол истеҳозли кулди-да:

— Кошки бунда менинг зиғирдай ҳиссам бўлса экан, — деди.

Шу пайт машинаси моторини ўт олдириб турган шофёр сигнал чалиб Анварни шоширди.

— Ҳозир, ҳозир! — дея уни тинчлантирди Анвар.

— Борақол, бор. Шўпир кутиб қолди, — унинг кифтига қоқди Аппон чол, сўнг муҳим нарсани эслагандай йўсунда Анварни тўхтатди: — Бир гапни айтиш ёдимдан кўтарилмай дебди, болам. Бувангни эҳтиёт қилинглар. Сен тушунган йигитсан, унинг ҳолидан хабар олиб тур, унга қийин бўпти.

Анвар машинага ўтираркан:

— Мен келаман. Бошқа бир келаман, ота. Бувам икковимиз келамиз. Ҳа, айтгандай, қопларниям ўшанда опкеламан, — деди.

— Майли, майли... — Аппон чол кўз, қош, қўл ишорасида «машина эшигини ёпақол» деган бўлди.

Анвар эшикни ёпиб улгурмасидан, шофёр машинани физиллатиб ҳайдаб кетди.

Аппон чол машина катта йўлга бурилгунга қадар жойидан жилмади. Кўнгли ўксиди. Бир томондан китоб-

ларни бериб юбориб, яқин бир овунчоғи, яқин бир сирдошидан айрилгандай сезса ўзини, иккинчи томондан уларнинг олисга, келажакка ўтганини чуқур анлагани боис дилида мамнуният туйди. «Қолиб кетса, ё йўқолиб кетса нима бўларди?» деб мулоҳазаланди ва ана шу мулоҳазаси таъсирида ҳовлига қайтди.

У ошхона ёнидан ўтиб кетаётган, ўчоқдаги ўтиннинг буруқсаб ёнаётганини, кампири билан қизи нимадан-дир хуноб бўлиб турганини кўрди.

Уларнинг ёнига кирди. Учоқбошининг қурум босган шифтига яқин ерда муаллақ қотгандай кўринаётган тутунга қараб олди-да:

— Нима, қайрағоч ёқувдинларми? Ё ўтинларинг хўлимиди? — деб сўради.

— Халонинг орқасига саржинлаб қўйганингиз ўтиндан опкелувди Дилбар,— деди Сора кампир.

— Хом иш қипсанлар-да! Бостирма ичида саксовул ётувди — неча йилдан бери ишлатилмай. Ана ўшандан ёққанларингда бунчалик тутун бўп кетмасди ҳаммаёқ. Сен айтаётган қайрағочлар ҳали нам эди, яхши қуримаганди,— деди, кейин ўчоқдаги тутундан ҳам бурун кампири ва қизининг тутуни чиқаётгани ёдига тушиб қолиб: — Ҳа, тинчликми? Она-бола икковинг жигибийрон бўп турибсан? — деб сўради.

Сора кампир тепадаги мўри тутун тормаяпти деб ўйлаб деразанинг иккинчи табақасини ҳам очиб юборди. Сўнг эса, «нега нунобимиз ошаётганини айтмайми?» дегандай қизи Дилбар томон кўз қирини ташлаганди, ундан бурун Дилбарнинг ўзи арзу дод қилиб қолди:

— Кўрмайсизми, дада, қозон кичиклик қияпти. Ёғ қизишига-ку яхши, аммо буёқдаги иш орқага судралади. Бўғирсоқни пишириб олай десак варақи қоп кетади, варақини қовуриб олай десак буёқда қуштили билан чакчак турибди денг...

Аппон чол кулимсиди:

— Шу холосми? Қозон топиб кеберсам бўлдимми?!

Сора кампир қизига, қизи Сора кампирга нигоҳ қадади.

— Нега бир-бирингга қарайсан?

Дилбар тутундан ачишган кўзларини ишқалади. Қўлидаги капгир билан ўт олган ўчоққа ишора қилди:

— Бу ўчоғинларга мадав декчага ўхшаган қозондан бошқаси сиғмайди, дада.

— Учоқ ҳам бўлади, қизим,— уни тинчлантирди Аппон чол.— Бирда Раҳмонбердиникида темир ўчоқ кўрувдим, қозони билан. Сизларнинг пишириқларингга жуда мос ўчоқ-да! Шунинг опкеб берайми? — деб кампирдан сўради у.

— Қани эди,— деди Сора кампир.

— Менам бораёми, дада?

— Сен нима қиласан?

— Кўтаришиб юбораман.

Аппон чол рози бўлмади.

— Раҳмонбердининг олтита ўғли бор. Шулардан битта-яримтасига айтаман, кўмаклашади,— деб, тагин ташқарига йўналди.

Қўшни кўчанинг адоғидаги ёнғоқли ҳовли Раҳмонбердига қарашли эди. Унинг касб-кори шофёрлик бўлиб, «Тез ёрдам» машинасини ҳайдаса-да, аксарият вақти юртнинг тўю маъракасида ош дамлаш билан ўтар, шу ваздан ҳам одамлар унинг шофёрлигидан кўра ошпазлигини қадрлар, давраларда у ҳақда гап айлангудай бўлса, албатта, исмининг ёнига ошпазлигини ҳам қўшиб кетишар, боз устига, Раҳмонберди рулда ўтирганда кўплар унга зътибор бермас, зътибор бермас эмас, рулда ўтирган Раҳмонберди ошпаз экани уларга эриш туюлар, ундан кейин, унинг келбатига машина ру-

ли ярашмас ҳам эди. Унга дошқозоннинг тепасида кап-гирини ўйнатиб лаганга ош тортиш ярашар ва у қозон қошида рулда ўтиргандан кўра ўзини эркин ҳис этар, одамлар ҳам ошини еб бўлиб, бири узоқдан, бири яқиндан унинг ҳақиға дуо-санолар айтиб кетишар, бу мақтовлар, турган гапки, Раҳмонберди ошпазни янада семиртириб юборарди.

Хуллас калом, Аппон чол ана шу Раҳмонбердиникига жўнади.

Ошпазникидан берида каттагина майдон бор эди. Майдон этагида тўрт-беш туп қари ёнғоқ бир-бирига соя ташлаб ётарди. Ёнғоқлар остида беш-ўн чоғли одам давра қуриб олиб хўроз уриштираётганди. Давранинг ён томонида, ёнғоқлар панасида ўсмай қолиб кетган жийда танасига боғланган эшакарава рўпарасида Тилла ҳам турганди. Аппон чол Бағиш Тиллани эшагига қорувул қилиб қўйганини сўзди.

У ҳам ўша ёққа юрди.

Хўроз уриштираётганлардан бири Раҳмонбердининг тўнғич ўғли Мавлон, иккинчиси эса Бўривой бўлиб чиқди. Аппон чол Бўривойни кўрдию тепа сочи тикка бўлиб кетди. Бу ерга келганга пушаймон еди. Шунинг баробарида кўнглини асоссиз ҳадик ҳам чулғаб олди: Салтанат икковининг суҳбатини эшитганимни сезган бўлса-чи?!

Бўривой ёш жиҳатдан Мавлондан анча катта эса-да, ташқи кўринишдан бу фарқ у қадар сезилмас, башарти унинг ўзи «эллика кирдим» деб оёқ тираб олса ҳам кўплар учун бу иддаога ўхшаб кўринган бўлар, иддаога ўхшаб кўринмаган тақдирда ҳам сўзига инонмасликлари ёинки бунга шубҳа остида қарашлари турган гап эди. У адил қомат, юзга чўзиқ, қуюқ жингала соч, қий-ғир бурун, чоғир кўз, баайни Чигатой лўлиларига ўхшаб қорамағиздан келган бир кимса эди.

Давра миёнасида уришаётган ҳар икки бабақ хўроз ҳам жўжа эди-ю, аммо Мавлонники бироз новчароқ, тетикроқ эди, шу боис Бўривойнинг хўрозидан каттароқ кўринар, уришаётганда ҳам бу устунлик сезилиш берарди. Охири шу билан тугадик, Мавлоннинг хўрози Бўривойникининг чап кўзини чўқиб олди, у чунон қичқириб даврани тарк этди-да, эшакарава турган ерга қочиб борди.

Аппон чолга тўғрима-тўғри турган Бағиш Бўривойни изза қилди:

— Кўрясанме, ошно, хўрозенг манобе зўрдан қочеб, менинг харем билон беллошгане шайлонопте!.. Лулининг пичингидан ҳамма кулиб юборди.

Бўривойни зимдан кузатаётган Аппон чол унинг хўрози енгилганидан севиниб турганди, йўқ, Бағишнинг мана бу мазахидан ундан ҳам қувонди. «Жуда боплади-да Бағиш! Жуда кўнглимдаги иш бўлди-да!» деб ичида сўзланди.

Бўривойга Бағишнинг қочирими ёмон таъсир этди. У ғалабага эришгани сабаб даврада мардона айланиб юрган хўрозга ҳасад кўзи билан боқди. Сўнг эса, югуриб келиб Аппон чол билан сўрашига тушган Тиллага қараб:

— Ҳўв, Тилла, бор, айши қанжиқни тутиб келгин! — деб буйруқ берди.

Даврадагилар яна кулиб юборишди. Улар Бўривойнинг Тиллага зуғум ўтказиб иш буюришидан ё бўлмаса Тилланнинг ҳам устидан эмас, балки хўрози қочганини ўзига қаттиқ олган Бўривойнинг устидан кулиб юборишганди.

Қўлидаги қамчи дастаси билан чаккасини қашиётган Бағиш орага тушди:

— Тезроқ бор, Тилло! Таёғен менинг эшагемне майлеп қип қўямасен Бўрининг хўрозе! — дея хахолаб кулди у,

жез узук тақиб олган қўли билан чўзиқ, ичига кирган ия-гига довура етган қуюқ шопмўйловини бураб қўйди.

Бўривой унга «сен лўлига бировнинг устидан кулишни ким қўйипти» қабилда олайиб қараса-да, бир оғиз сўз демади. Унинг қочиримларига тишини-тишига қўйиб чидади.

Аппон чол Бўривойнинг Бағиш олдида тили қисиклик жойи бор эканини сезди. «Йўқса, бу падар ланнати ўзини бунчалар оёғоси қилдириб ўтирмасди», деди.

Тилла дам Аппон чолга, дам Бағишга, дам Бўривойга анқовсираб боқди. Иш буюрган одамнинг важоҳатидан чўчидими, қўлидаги халтани ерга қўйди-да, эшакарава орқасида «қуқ-қуқ»лаб юрган хўрозни тутиб келиш учун йўналди.

Бўривойнинг бир бечорага қилган муомаласи Аппон чолни ёмон ғазаблантирди. Тилига аччиқ-тиззиқ гап келди-ю, бироқ яна Салтанат иккисининг хуфия учрашувини бекитиқча кузатганини хотирлаб қолиб, ўз қилмишидан уялгани боис, шахтидан қайтди — тилини тийишликка мажбурлик ҳис этди.

Бўривой анча ёшга бориб қолган одамнинг ёнида сўкиниб юборганидан тариқча андишага бормади.

— Бари бир, укаси-да, шунинг учун қочди,— деди Мавлонга қараб, аламли, зўрма-зўраки кулди. У бу гапи билан бир томондан ўзига таскин берса, иккинчи томондан, ёнимдагилар ҳам хўрозимнинг енгилиши сабабини билиб қўйсинлар, деган бўлганди.

— Кўрдингизме, ако? — дея Аппон чолга мурожаат қилди Бағиш.— Кўрдингизме Бўрине! Буям Абдаз аконинг бир турее! У кише ҳам носфуруш куёвене туллаге не қўйе-еб, макиён қўйде-ем, деганедай, Бўриям хўрозе не «укасе» деб баҳона қилоптее!..

Бўривой лўлининг оғзидан Абдулазиз ва носфурушнинг исмларини эшитиши ҳамоно юраги така-пука, кўзлари ола-кула бўлиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бу ҳолни нафаси ичига тушиб, довдираёзганидан ҳам билиш мумкин эди.

Унинг бу ҳолатини бошқалар сезмади, аммо Аппон чол сезди. «Бағиш нишонга аниқ урди», деб муҳокама юритди, муҳокама юритдию У Абдаз ва Анорматни номини тилга олганида Бўри тўнғизнинг ўтакаси ёрилдию! «Бағиш Салтанат билан дон олишиб юрганимни сезган бўлса-я!», деб ўйлади-ёв, деб сўзланди, Бўривойга яна да нафрат билан тикилди.

Қўлида қора бабақ хўроз ушлаб турган кўккўз йигит, Аппон чол уни танимади, Бўривойдан сўради:

— Нима, булар бир товўқнинг тухумидан чиққанми?..

Бўривой Тилла тутиб келган хўрозини қўлига олди. Нариги хўроз чўкиб олган сўл кўзига икки-уч бор тупурди-да:

— Ҳа, Мовлонникидан ўн беш-йигирма кунлик кичик меники. Уни Мовлондан иккита каптарга алмаштириб олиб эдим. Чинни билан қопқонга,— деди.

— Акамнинг чинни ва қопқонлари бир ҳафта ўтмасдан ўзларига қочиб кетди, аммо қайтариб бериш эсларига келмади,— дея ундан гиналанди Мавлон.

— Айтдем-ку, Бўри Абдаз акага ўхшайде-ее, деб. Унинг ўттизта ёғ шиша опчиқе-еб берганене сизга айтотдем-а, Аппон ако? — дея бедана уриштириш воқеасига шама қилди Бағиш, сўнг эса хўрозининг тўшини силаётган кўккўз йигитга юзланди: — Сенам хўрозе не кўясанме, ука?..

Кўккўз йигит Бағишнинг сўзлаш тарзидан жилмайиб: — Мовлонники нафасини ростлаб олсин, кейин бир гап бўлар,— деди.

Бағишга йигитнинг мужмал жавоби ёқмади. «Кутишга тоқатим йўқ» дегандай қўл силтаб, Аппон чол билан

хайр-хўшлашиб, эшакараваси томон юрди.

Бўривой бир томондан Бағишнинг бу ердан «даф бўлганига» севинса, иккинчи томондан каптарларни Мавлонга қайтариб бермаганига, қайтариб бериш эсига келмаганига севинди. Ҳоври босилди. Хўрозининг энди чиқиб келаётган пихини ушлаб кўраётган Тиллага муғамбирона тиржайиб:

— Нимасини ушлаб кўряпсан? — деди, бу гапи билан бир тарафдан Мавлонни чалғитмоқчи бўлса, иккинчи тарафдан ўзининг сўз ўйини атрофдагиларга қандай таъсир этганини кузатди, ҳеч ким унинг қочиримига эътиборини қаратмагач эса: — Айшини бизникига ташлаб келсанг-чи? Мен бир жойга бормоқчи эдим. Бор, анави халтангни олкегин, ичига солиб бераман — кўтаришга осон бўлади,— деди.

Тилла кўйлаги этагини шимининг ичига тикди. Ялпоқ бурнини қашиди. Ёнидагиларга кўз қири билан қараб олди-да, эркалик, ялинчоқлик билан шарт қўйди:

— Айши хўрозини ташлаб келсам тўриқ отизга бир марта минаманми?..

Тилладай бир девонанинг шарт қўйишини Бўривой кутмагани, йўқ, унинг талабини эшитиб бошида ажабланди, сўнгра энсаси қотганини очиқ-ойдин намойиш этди:

— Қачондан бери сен отга минадиган бўп қолдинг? А, менга айт-чи?!

Тилла унинг бу кесатиғини ҳам тўғри қабул қилди:

— Айши елкамда Арслонни икки-уч марта тепаликка кўтариб чиқдим-ку, Ибройим отанинг орқасидаги тепаликка, шундан бери,— дея гўдақлардек илжайди у, кейин Аппон чолнинг тунов кунги даккиси ёдига тушди чоғи, ер остидан унга ўғринча қараб олди.— Арслон менга тўриққа минишни ўргатди. Мен уни айши елкамда кўтариб чиқдим,— деб елкасига уриб кўрсатди.— Отга миниш яхши экан, ака-аа!.. Маз-за экан!..

Аппон чол Бўривой Тиллани ҳадеб ғадабга олаверишида Салтанатнинг у ҳақда айтган номатлуб сўзлари таъсири ҳам бор эканини туйди. Туйдию: «Бу ярамаслар Тиллага зиён-заҳмат етказмасалар гўрга эди», деб хулосаланди.

— Отга миниш яхши эканми, Тилла? — деб уни мазах қилди Бўривой. Аппон чолнинг ўзи томон ғилайланиб қараётганини кўргач эса, дарров жиддий тусга кирди-да: — Бўпти, минасан! Арслоннинг ўргатгани нима бўларди? Мен ўзим сенга отда юришни ўргатаман! — дея ваъдани қуюқ қилди.

Орага Мавлон аралашиб:

— Акам сенга отда юришни ўргатадилар-да, Тилла-вой,— деди, унинг бу сўзлари замирида «Бўривой ака кишда қорни бировга раво кўрмайди-ку, сенга отда юришни ўргатармиди?!» деган маъно бор эди.

Атрофдагилар Мавлоннинг кесатиғидан ҳам, Тилланинг соддалигидан ҳам кулиб юборишди. Фақат Аппон чолгина кулмади. Зеро, шу дамда унинг бутун фикрийини қабристон воқеаси банд этган, шу боисдан ҳам Мавлоннинг гапини англолмай қолганди.

Тилла Мавлоннинг кесатиғини ҳам тўғри қабул қилди. Хурсанд бўлганидан ҳовлиқиб бориб халтасини ердан кўтарди-да, Бўривойнинг ёнига келди.

Бўривой халтаннинг ичига хўрозни жойлаб туриб:

— Бизникига оборгин-а? Арслонними ё бўлмаса кеннойингними қўлига бергин-а?! — деди.

— Хўп, ака. Айши хўрозни Арслонга обориб бераман,— деди Тилла, халтани икки қўллаб кўтариб олиб Аппон чолга яқинлашди. Овозини хийла пасайтириб: — Ота, тўриқда Иқболхоннинг олдига бораман! Сени олсига опқочиб кетаман, дейман! — деб огоҳлантирган бўлди, сўнг тез-тез одим ташлаб давранан узоқлашди.

Бўриной Аппон чолга қараб совуқ илжайди:  
— Қандай замон бўлди? Шу девониям порасиз бир  
ш қилмайди-я! — деди.

Аппон чол унинг сўзларидан ич-ичдан тутайди-ю, аммо ўзини босиб қолди. «Қандай замон бўлди» эмиш-а? Замоннинг шундай бўлишига сенлар сабабчисанлар-ку, худосиз! Тагин уялмай-нетмай «Қандай замон бўлди?» дейди-я!» деб мулоҳаза юритди, мулоҳазаси ортидан Сен қаердан билардинг Тиллагини дарди нимада эканини?! Сен қаердан билардинг унинг юрагида нималар кечаётганини?! Сенинг ё сени унга олқишлаб қўйган сатанг ўйнашининг юраги ана шу галдирничилик бўлса жон дерларинг-а?! Афсус, у сенларга ўхшамганидай, сенларам унингдек бўлмайсанлар! — деб сўзланди-да, даврани тарк этиб, Раҳмонбердиникига қараб жўнади.

У ошпазникига кириб борганида ҳам, иккита ўғлига қозон-ўчоқни кўтартириб уйга қайтиб келганида ҳам Бўринойнинг Тиллага ўтказган зуғуми хаёлини банд этаверди. Шунга сари, унинг оғзига уриб ташламаганига, уриб ташлашнинг уҳдасидан чиқолмаганига ўздан ўпқаланаверди. У тўрқовоклардаги беданаларнинг домини, сувини алмаштиришга киришгандагина юқоридаги гапларни унутган, у энди бир товуқ тухумидан чиққан жўжа хўрозларнинг жангини кўз олдига келтириб, ўзи ҳам бедана уриштирганда ана шунга ўхшаш бир-бирига яқин паррандаларни чўқиштирган бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрмаганидан қаттиқ ранжий бошлаганди. У мазкур мулоҳаза биргина ҳозир эмас, ҳали, хўрозлар қондош эканини эшитганида ҳам кўнглидан кечганини хотирлади, хотирладию: «Тўрқовоклардан чиқариб юбораман! Беданаларнинг ҳаммасини чиқариб юбораман! Қаёққа учиб кетишса кетаверишсин!» деб хулосаланди, кейин нега бурун шундай қилмаганини, бояги хўрозлар жанги таассуротидан сўнггина бундай тўхтамга келганини ўйлади. «Бировнинг камчилигини кўришга устаси фарангсан, Аппон, аммо-лекин ўзининг айбиги шунча маҳалдан бери кўринмай келувди», дея ўзини тергади, барча тўрқовокларни супага жамлади, ичидаги беданаларни бирин-сирин чиқариб юбораверди. Улардан бири кўча тарафга, иккинчиси ҳовлининг орқасидаги жарликка, учинчиси девордармиён қўшиникига учиб кетди. Охирги иккитаси, бири сариқ бедана эди, олисга учмай, уй рўпарасидаги сўрига бориб қўнди. Аппон чол ердан кесак олиб, ўша ёққа отди.

— Ҳушт, ҳушт, ҳушт-е, баччағар! — дея чапак чалиб қувган бўлди, шунда ҳам учавермагач, яна бир марта кесак отди. Беданаларнинг бири жарлик тарафга кўтарилди, сариқ бедана эса отасининг уйи олдидидаги гулзорга учиб тушиб, райҳонлар орасида ғойиб бўлди. «Кеч киришига ҳали вақтли-ку, учиб кетар», деди Аппон чол, шунда ҳам кўнгли ўрнига тушмади — хавотирланишда давом этаверди: «Мушук-пушук тутиб еса-чи? Унда нима бўлади?» У шу хаёл билан гулзорга яқинлашди-да, райҳонлар орасини титди.

Янги ўчоққа нариги ўчоқдан хокандозда чўғ олиб келаётган Дилбар отасининг қилаётган ишидан таажжубланиб сўради:

— Ҳа, тинчликми дада? Нега беданаларни чиқариб юбордингиз?..

— Даданг шунақа бўп қолганлар, боя айтувдим-ку сенга,— дея чолининг устидан боз шикоятланди Сора кампир.

Аппон чолга кампирининг орага суқулиши ёқмади. Шунинг учун ҳам унинг ҳасратига эътибор бермаган қилиб кўрсатди ўзини.

— Бу жониворлар ҳам эркинликка чиқсин-да! Етар

шунча тўрқовокда яшаганлари! — деди у қизига, сариқ беданани қидиришда давом этди.— Учиб кетаверишсин, истаган тарафларига учиб кетаверишсин!..

— Қизиқ экансиз, дада? Булар тўрқовокда туриб сайрайди-да, ахир!..

— Шунча сайрагани етади, қизим! Буларам сал бўлса-да яйрасин!..— сўзида қатъий турди Аппон чол, шу маҳал ёнидаги жўяқдан сариқ бедана «пир» этиб тепага кўтарилди-да, пахса девор оша кўчага учиб чиқиб кетди. Аппон чолнинг кўнгли ўрнига тушди.

— Мени айтди дерсиз, дада, бу беданаларингизни битта-яримта тутиб олади.

— Зора сен айтгандай бўлмаса,— дея умид қилди Аппон чол, у ўзининг ишидан мамнун эди.— Эркинликка нима етсин, қизим!..

Дилбар отасининг гапига ҳайрон бўлди. Ундан норозиланиб бош тебратди-да, яна ўз ишига уйнай кетди.

Аппон чол беданалардан бўшаган тўрқовокларни супадан олди-да, сўрининг бағазига қатор қилиб илди, ариқда кўлини ювди, аср намозини ўқиш учун уйга йўналди..

Эртасига эрталаб куёви Ғайбулла ошнасининг «Жигули»сида келди-да, Дилбарни олиб кетди.

Чол-кампир яна ёлғиз қолишди..

Аппон чол аср намозини ўқиб бўлгач, Раҳмонбердининг қозон-ўчоғини олиб чиқиб беришда ёрдамлашсин учун қўшни болалардан битта-яримтасини чақириб келгани ташқарига йўналди. Бахтга қарши, кўчада қўшни болалардан биронтаси ҳам кўринмади. У «энди нима қилдим» қабилида дўпписини қўлига олиб бош қашиб турганди, Толкўчадан шувёққа келаётган Абдулазизга кўзи тушдию юраги ғалати уриб кетди. Гарангсиради, нима қилаётганини ўзи ҳам идрок этмай, эшикни тарақлатиб ёпиб ҳовлига қайтиб кирди.

Сора кампир қизи кейинги сафар келганида саваб беришга ваъда қилган эски пахталарни офтобруя айвон саҳнига олиб чиқиб, устига тўртта савағич қўйиб, бир қулоқли тўгарак ойнагини кўзига тақишга чоғланаётганди, чолининг ёв қувлагандай қайтиб кирганини кўриб таажжубланди.

Аппон чол кампирининг қараши маъносини сезгани учун ҳам ўнғайсизланди, унга нима дейишини билмагани боис, шоша-пиша тўтал сўзланди:

— Кўчада бола-бақра кўринмайди, Сора. Ҳалироқми, эрта-пертами опчиқиб берилар,— деди, хаёлидан эса: «Абдаз шувёққа келаётган бўлса-чи? Меникига кириб кеп қолса-чи?!» деган хавотирли ўй ўтди, ўтдию Ишни хом қипман-да! Эшикни тамбалаб келмайманми-я! — деб сўзланди, аммо унда кампир уи кимдандир қочиб кирганини пайқаб қолишини ўйлаб, бу ишни қилмаганига бир ҳисобда севинди, ортига бир қараб қўйди-да, энди уйга кириб кетишни мўлжаллаб турганди ҳамки, остонада Абдулазиз кўринди.

У ҳеч нарса бўлмагандай, ҳеч нарса билмагандай йўсинда:

— Аппон-ей, ҳов Аппон! — дея шанғиллаб уни чақирди-да, ҳовлига тушиб келаверди.

Аппон чол Абдулазизни қувиб чиқармоқчи бўлди-ю, аммо ёдига отаси, отасининг арвоғи билан бўлиб ўтган мусоҳаба тушаверди: Карам кўрсат қўлинг келганда баланд, Жаҳлмас, карамдир гўзаллик ҳарчанд!.. «Бу бадбахтнинг нимасига Карам кўрсатиш керак, нимасига?!» У мазкур мулоҳазага бориши ҳамано яна арвоғининг гапи дилидан ўтди: Унда сен билан Абдазнинг орасида фарқ қолмайди, болам! У ана шу фарқнинг қолиши учун ҳам Абдулазизни қувиб чиқармасликка аҳд қилди, у ана шу фарқнинг бўлиши учун ҳам уни ҳовлидаги супага эмас, ичкари уйга бошлади.



— Манави супа тузукмасми, Аппон. Шу ер баҳавороқ экан,— деди Абдулазиз, у Аппон чол қовоқ-тумшугини осилтириб олганини, ўзининг қадам ранжида қилгани ошнасига ёқмаганини сезса-да, сезмаганликка йўйди.

— Йўқ, Абдаз, сени ҳовлига ўтқизиш уят бўлади. Сен унақа-бунақа меҳмонмассан,— деди Аппон чол, бу кесатиғи орқали Абдулазизнинг кейинги маҳалларда «юрт ўртасида обрў қозонишга интилиши»га ишора қилган-ди.

Абдулазиз пихини ёрган одам эди, у Аппон чолнинг ушбу қочиримига ҳам эътибор бермаган бўлди. Уз таклифида собит туриб, эътироз билдиришнинг ҳам мавриди эмаслигини пайқаб, унга эргашди.

Сора кампир хонтахта атрофига беқасам кўрпачаларидан тўшади, пар болишлардан олиб чиқиб қўйди, шунинг бараварида Абдулазизнинг, кампири ва болачақаларининг ҳол-аҳволини сўради.

Аппон чол кампирининг Абдулазиз билан қуюқ сўришишига ўзини эътибор бермаган қилиб кўрсатса-да, ҳақиқатда ич-ичдан аччиқланаётганди.

Сора кампир дастурхон ёзди, патнис тузаб чиқди, қизи иккови пиширган бўғирсоқ, қуштили, варақи, юпқа, чакчақлардан ликопчаларга солиб олиб кирди, фамили чой дамлаб келиб, аввал Абдулазизга, сўнг Аппон чолга қуйиб узатди. Чоли Абдулазизнинг ташрифидан мамнун эмаслигини туйиб: «Нега ошнасини хушламай қаршилади экан? Нима бало, ораларидан гап қочганми?» — дея мулоҳазаланди, мулоҳазаландию уларни холи қолдириб чиқиб кетди.

Орага жимлик чўқди. Анчагача на Аппон чолдан, на Абдулазиздан садо бўлди: ҳар икковлари мум тишлаб ўтиравердилар.

Ниҳоят Аппон чол сўз бошлади:

— Хўш, Абдаз, ишларинг қалай?..

Абдулазизнинг иягига қадар торайиб кетган бужур, серсоқол юзида ясама табассум йўнади. У Аппон чолнинг сўроғидаги кинояни эътиборга олмади, эътиборга олмади эмас, балодай эътиборга олдику-я, аммо ўзини эътиборга олмаган қилиб кўрсатди:

— Ёмонмас. Ўзинг қалайсан, Аппон? Ўзинг ҳечам кўриниш бермайсан? Тунов кунги учрашувимиз демаса, сўнги марта кўришганимиз ҳарбий комиссарликда эди шекилли? Орден муносабати билан борганимизда эди шекилли?..

Абдулазиз ҳарбий комиссариатдаги воқеани эслатиб Аппон чолнинг тилини қисиб қўймоқчи эди. Зеро у телевизордаги чиқишани қоралагудай бўлса: «Орден олганимни кўролмаганинг учун шу гапни қиляпсан!» дейиши мумкин эди-да!..

Буни Аппон чол сезди. У ҳам жўрттага ўша воқеага ишора қилиб:

— Ҳа, ўшанда эди. Сенинг тунов кунги меҳмонинг мени бошқа куни чақирамиз деб қайтариб юборган куни эди,— деди.

— Шунинг учунам ўтган куни Қаҳрамоновга ўша воқеани эслатдим-да,— деб тутал сўзланди Абдулазиз, сал ўзини қўлга олди, юзи хиёл ёришди. Аввалги кундагига ўхшаб Аппон чолга яхши кўриниб олмоқча тутинди: — Уша орденини бермаса ҳам сенинг урушда қандай жанг қип келганингни биламан-ку! Ҳа, дарвоқе, бирда телевизорга чақиринганди. Қуршовда қолиб кетганларимизни, «Туя» тепалигини олишдаги қийинчиликларимизни гапириб бердим. Сеням тоза мақтадим...

Аппон чолнинг қони қайнаб кетди. Қони қайнаб кетганини унинг авзойи янаям тундлашиб, бет мускуллари, юпқа ва қалин оралигидаги қовжироқ лаблари пир-пир учганидан, чой ушлаб турган сертомир қўли ғайришурий тебраниб кетганидан ҳам билиш қийин эмасди. У

ҳозир: «Сен, ахир, ёлғон сўзладинг-ку, ярамас! Одамларни ўзининг лўттибозликларинга инонтирмоқчи бўлдинг-ку! Нега бу ишни қилдинг?! Нега бизларни юрт олдида уялтирдинг?!» — дейдиган бўлса, Абдулазиз ҳеч бир андиша қилмай, «Майор Қаҳрамонов сени қайтариб юборгани, менга эса биринчи даражали Ватан уруши орденини бергани учун шундай деяпсан!» деб туриб олиши муқаррар эканини туйди, шунинг учун ҳам юқоридаги гапни айтолмади, аламини ичига ютди-да, қисқагина қилиб: «Ҳа, кўрдим», дейиш билан чекланди.

— Шу кунда дегин, бир муҳбир йигит қаттиқ ёпишиб олди. Газетага сизлар ҳақиқигизда катта мақола ёзаман, дейди,— у Аппон чолни ўзининг сўзларига қизиқтирмоқчи бўлди.— Тагин дегин, суратларингниям босиб чиқарамиз, дейди...

— Хўп, мана шу гапни менга айтиш учун бу ерга келдингми? — қизишди Аппон чол, унга очикдан-очик хўмрайиб боқди.

Абдулазиз бошида эсанкиради, йўқ, яна тезда ўзини қўлга олди. Пиёласидаги чойдан бир-икки хўплади, жойига янаям ўрнашиб ўтириб олди.

— Дарвоқе, бир янгилик бор,— деди у, Аппон чолнинг диққатини ўзига жалб этмоқча ошиқиб.— Шокирникига борувдим, у Молдахматни кўрганини айтди, биз билан бирга жанг қилган Молдахмат-чи? У ҳаёт экан! Мен уни аллақачон ўлганга чиқариб юборувдим...

«Шунинг учун у кўрсатган жасоратни ўзингники қилиб олган экансан-да!»

— У қаердалигини айтдими Шокир? — сўради Аппон чол, бу хабарни Абдулазиз қувонч билан дараклаётганидан изтиробга тушди. «Ё тавба! Шокирнинг аҳволини кўриб-билиб, Молдахматнинг қамалганини ундан эшитиб, буни гўё хушхабардек менга етказяпти-я! Уларга ҳамдардлик билдириб сўзлаш ўрнига, бу янгилик билан менинг кўнглимни кўтармоқчи, мени чалғитмоқчи бўляпти-я!..»

— Ҳа, айтди. У қамалиб қопти,— деди Абдулазиз, бу гапни гапираётганида на юзида, на сўзлаш тарзида Молдахматга нисбатан ачиниш ҳисси сезилмади. Унинг ана шу ҳолати Аппон чолни баттар ғазаблантирди.

— Нима учун қамалганини Шокирдан сўрадингми?

— Колхознинг қўйларини сувда оқизиб юборипти экан.

— Шунақа эканми?!

— Ҳа, шунақа,— деди Шокир.

— Колхознинг қўйларини Молдахмат эмас, сел келиб оқизиб кетган, сел!..

Абдулазиз унга «нега менга ўшқирасан?» дегандай нигоҳ қадади.

Аппон чол унинг қараши мазмунини туйгани учун овозини бир баҳя пасайтирди.

— Шокирнинг оиласида ҳам бахтсиз ҳодиса юз берганини эшитгандирсан?

— Ҳа, эшитдим. Ўғли машинасида одам босиб опти-миш.

— Шунинг билиб туриб: «Мухбирга уруш ҳақида сўзлаб берайлик, газетага суратга тушайлик», дедингми?!

— Йўқ, уни қистовга олганим йўқ. Индамай қайтиб келавердим,— ўзини айбсиз қилиб кўрсатишга уринди Абдулазиз, Аппон чолга «сенам уникага борибмидинг?» қабилида сивовчан тикилди, ликопчадаги қуштилидан олиб пиёласига ботирди.

— Шокирни қистовга олмаган бўлсанг, мени қистовга оларкансан-да, а, Абдаз? — дея истеҳзоли кулди Аппон чол.

— Шунинг учун олдингга келдим,— мулоҳаза қилиб ўтирмай жавоб қайтарди Абдулазиз.— Тунов куни эди шекилли, мен йўғимда тагин уйга кеп кетипти. Мухбир

халқи жуда хира бўларкан дегин, ҳеч тинч қўймапти. Сен газетасига бориб овора бўлмайсан, ўзини шу ерга опкеламан. Фақат у-буни айтиб берайлик, иннайкейин, бирга суратга тушайлик...

Аппон чол ачиқ киноя билан:

— Иккаламиз машҳур бўларканмиз-да, а, Абдаз?!— деди.

— Ҳа-да! — унинг қочиримини тўғри қабул қилгани важи севинди Абдулазиз.

Аппон чол жиддий тортди. Қўлидаги пиёлани тақ этказиб дастурхонга қўйди. Чуқур хўрсинди. Абдулазизнинг чоғир кўзларига, катта қирғий бурнига, бурун катакларидан ўсиб чиққан мошгуруч тукларига узоқ тикилиб турди. Йўқ, у Абдулазизнинг на чоғир кўзларини, на қирғий бурнини ва на бурун катакларидан ўсиб чиққан мошгуруч тукларини кўрди, у фақат нигоҳини шу нуқтага қаратгани, холос, кўзига эса оч-ҳаворанг ҳалқачалардан бўлак ҳеч вақо кўринмасди.

Аппон чол юмшоқ, унга ачингандай оҳангда сўради:

— Сенга бу нарсаларнинг нима кераги бор, Абдаз?

— Қайси нарсаларнинг? Нимани назарда тутясан?! — ўсмоқчилади Абдулазиз.

— Ҳазинни гўлликка солма. Ҳаммасини яхши билиб турибсан.

— Нимани?

— Қариган чоғингда нима кераги бор шу ишларнинг? — Аппон чол «ёлғон-яшиқ ишларнинг» демоқчи бўлди-ю, айтолмади, андишага борди, сўнгра ўзининг андишага борганига ёжини келди.

Абдулазиз ўзини ночор аҳволга тушганга солиб зорланди:

— Ҳеч бўлмаса қариганимда одамларга ўхшаб яшай, Аппон!

— Бурун одамларга ўхшаб яшамовмидинг?

— Мен жилла қурса қариганимда оғзим ошга етсин, қарилик гаштини сурайин деяпман! — изоҳ берди Абдулазиз. — Шунинг учун одамларга ўхшаб яшай деяпман!..

— Ойнаи жаҳонга чиқсанг, газетада мақталсанг қарилик гаштини сурган бўласанми? А?..

— Э, сен содда экансан, Аппон! — унинг устидан кулди Абдулазиз. — Кўкрагингни орденга тўлдириб телевизорга чиқсанг, суратинг газетада босилса, эл-юрт ўртасида тилинг узун бўлади, ҳукуматдан бир нима ундиришинг осонлашади. Шуниям билмайсанми? Шуниям айтишим шартми сенга?..

— Сен нима ундирдинг? — ўзини қизиққанга солди Аппон чол. — А, нима ундирдинг ҳукуматдан?!

— Военкомат қоғоз қибрувди, ижроқўм навбатсиз «Жигули» берди — Азизга обертдим! Мановиниям ундирдим, — дея қўлагининг киссасига қўл суқди Абдулазиз, шалдиқроқ хитой қоғозга ўралган қизил ҳужжатни чиқарди. — Телевизорда чиққанимни кўрган экан, ҳурматимни ўрнига қўйди. Сиздақалар саноқли қолди, ота, сиздақаларнинг қадрига етишимиз керак, сиздақалар бўлмаганда мана бундай курсиларда талтайиб ўтиришимиз қаёқда эди, деб, оғзимдан чиқмасидан тўғри-лаб берди, энг каттақонининг ўзи тўғри-лаб берди. Аптобусда, троллейбусда, анови оти қурғур... трамвайда бепул юравераман. Тагин бошқаларни текширишга ҳам ваколат берилган. Масалан, сен, Аппон, аптобусга чиқдинг-а? Мен «ҳой Аппон, паттанг борми? Қани, кўриб қўяй-чи паттангни?» деб сўрашга ҳақлиман, негаки мана бу бор — қизил кинишка... ана шунақа ошна. Тошканднинг энг катта дўкони бор-ку, ГУМ, шу ерга бириктиб қўйилганман, истаган кийим-кечагимни олиб кийишга ҳаққим бор. Газетага чиқиб олай, ҳали ижроқўмининг раисига кираман. Уй беришини талаб қилиб кираман.

Хабаринг бор, иккита ўғлим бир жойда яшайди, улардан бирини чиқариб юбормоқчиман. Сен эса «қарилик гаштини сурган бўласанми?» дейсан...

Аппон чол Абдулазизга нафрат билан қараб турарди. У ортиқ чидолмади — портлади:

— Ана шу майда ҳою ҳаваслар учун телевизорга чиқволиб юртга ёлғон сўзлаган экансан-да! А, шундайми, шулар учунми?..

Абдулазиз ҳам бўш келмади, ўзини тутатқандай қилиб кўрсатди:

— Оғзинга қараб гапир! Юртга нима деб ёлғон сўзлабман?!

— Астағфирулло! Мусулмонсан-а, Абдаз?!

— Мусулмонлигимни пеш қилма, Аппон! Ўзинг мусулмонмасмисан?..

— Худога минг қатла шукр, мусулмонман!

— Менам мусулмонман.

— Сен мусулмон бўлганимда, бунчалар паст кетиб, ёлғон гапирмасдинг!.. Ушанда, ўрис комбат сени, Шокирни, Сакенни «Туя» тепалигига кетаверишдаги майдон миналаштирилган-миналаштирилмаганини аниқлаш учун текширувга юбораётганида, сен тумов бўп қолганингни баҳона қилиб олувдинг, ўрнингга Молдахмат жўновди. У ердан қайтишда Молдахмат икки ердан ўқ еганди, бу менинг хотирамда жуда яхши қолган. Қўлинггайм ўзинг нон қўйиб туриб отганинг. Сен ўртани обораётганга нима дединг? Уялмай-нетмай: «Душман ўқи бармогимни учириб ўтди», дединг-а? Бу майли, бу ўзингнинг виждонингга ҳавола, лекин Сакен билан Молдахматни, Минск яқинида, қанақасига сен санчагга опичиб обординг? У ерга, ахир, бошқа одамлар опичиб оборинмаганмиди?! — у «мен ва Шокир опичиб обориндик-ку?!» дейишликни ўзига эп билмагани важи юқоридаги жумла билан қаноатлангани. — Иннайкейин, ушанда сенам яраланганинг-ку?! Сениям Шокир санчагга элтиб қўйиб эди шекилли? Ё нотўғримми гапим?..

— Э-э, шунга шунчами? — ясама табассум билан жавоб қилди Абдулазиз. — Мен бирор каттароқ гуноҳ иш қил қўйиппанми депман!..

Аппон чол янаям дарғазаб бўлди:

— Нима, бу катта гуноҳмасми?!

— Телевизорга биринчи марта чиқишим бўлса, гапдан адашиб кетганимдан-да энди! Қаричилик! Шунгайм ота гўри қозихонами?..

— Ўзингнинг зарарингга адашмайсан-а!..

— Гапим сал қизиқроқ чиқсин девдим.

— Гапим сал қизиқроқ чиқсин деб, мана шу оппоқ соқолинг билан ўша кунларимизни оёқости қиласанми? Тагин «мусулмонман» дейсан-а оғзингни тўлдириб!..

— ...

— Порси ўғри деганини эшитгандирсан?

— Қайси Порси ўғрини? — эслолмай сўради Абдулазиз, шу билан бирга: «Аппон Қобилжондан ололмаган ўчини мендан оляпти. Буни ўтган куни унинг олдида ўзини йўқотиб қўйганидаёқ сезувдим», деб мулоҳазаланди. Ана шу гапни албатта бетига айтаман, мавриди етиши билан айтмай қўймайман, деб кўнглига тугди.

— Порси ўғрини-да! Эсингда бўлса, болагимизда, отини гижинглатиб келарди-ку Чуқурсойга, бир тўда йигитлари билан?..

— Хўш?

— Қумлоқда бир чегачи бор, Толиб ака деган. Дарвоқе, сенам танийсан уни, чойнақларингни чегалатишга оборган экансан, ўзи айтиб қолди. У бир пайтлар ана шу Порси аканинг йигитларидан бўлган. Шу одам улар занжирлилик бир заргарникига тушишганини айтиб берди. Порси ўғри ярим кечада заргарнинг омборига Шайхонтаҳур жарлиги тарафдан ўйиб кирибди. У билан уч-

тўртта йигит ҳам бор экан, қолганлари пойлоқчилик қилишибди. Омборда олтита хум турганмиш. Улардан бирида ёғ, иккинчисида дон, учинчисида ун, тўртинчисида мош, бешинчисида яна бир нима бор экан. Ниҳоят, сўнгги олтинчисини очибди. Шакар деб ўйлаб ялаб кўрса, ҳалиги хумдаги шакар эмас, туз бўлиб чиқибди...

— Туз?

— Ҳа, ўзимизнинг ош тузи бўлиб чиқибди!

— Э, чакки бўпти-ку!

— У нима қипти дегин?

— Нима қипти?

— Бу хонадоннинг тузини яладим, демакки меҳмони бўлдим, деб, ҳеч нарсага тегмай, шерикларининг қўлини ҳам ҳеч нарсага урдирмай, қандай кириб келган бўлса, шундай чиқиб кетибди. Ҳаттоки ўйиб кирган ерини ўзидай қилиб суваб ҳам қўйибди.

— Э-бе, жуда ғалати иш қипти-ку Порси ўғри деганинг! — кинояомуз илжайди Абдулазиз, бош чайқаш орқали ундан норозиланганини ифшо этди.

Аппон чол Абдулазизга Порси ўғрининг тутган йўли ёқмаганини сезди. Унга ачиниб, айни пайтда хуноби ошиб қаради. Индамай чой ҳўплади...

Бир маҳал Сора кампир чинни лаганда буғи чиқиб турган палов кўтариб кирди. Липочада устига райҳон тўғралган аччиқ-чучук ҳам олиб келди. У эҳтиётланиб, уларнинг суҳбатини бўлиб қўйишдан чўчигандай қўйи кириб, худди шу тарзи оҳиста чиқиб кетди.

Ошдан сўнг Абдулазиз қорни тўйганининг шаҳодати сифатида дон тиқилан товукдай бўйинини чўзиб кекирди. Аппон чолдан сўради:

— Беданаларинг кўринмайдими, Аппон? Сайраб тургувчи эди?..

Аппон чол ўйланиб ўтирмай:

— Қўйиб юбордим. Ҳаммасини учириб юбордим,— деди.

Абдулазизнинг сичқон бетини эслатувчи учбурчакка монанд юзига қизиллик югурди. У ярим муғамбирона жилмайиб деди:

— Э-э, унда сеники экан-да! Азизнинг ўғли, неварам, кеча битта бедана тутиб кепти. Қаердан олдинг, десам, Толкўчадан тутволдим, деган гапни қилди. Сарик бедана эди.

— Сарик бедана бўлса, ўша, сенинг макиёнингдан енгилган беданам экан-да,— дея пичингнамо сўз қотди Аппон чол.

Абдулазиз унинг киноясига эътибор бермаган бўлди.

— Узимам шундай деб ўйловдим. Опкеб берайми?

— Йўқ, сенга мендан эсдалик,— тагдор қилиб кулди Аппон чол.— Мени эслаб юрарсан.

— Раҳмат,— унинг мурувватидан севиниб кетди Абдулазиз.

— Ҳа, айтмоқчи, сен Тиллага анави шайтоннинг ичимлигидан берма.— Аппон чолнинг юзи боз тундлашиб, Абдулазизга еб қўйгудек ўкрайди.— Уша куни шуни айтаман деб уйингга борувдим, йўқса қадамимни босмасдимку-я... Уғлинг анави майор билан келдию гапим оғзимда қолиб кетди... Иннайкейин, болага оғир ишларни ҳам буюрма. Яримталиги етади ўзига.

— Қайси Тиллани айтяпсан?

— Анорматнинг жиянини.

— Тилла девонаними?

— Ҳа, ўшани.

Абдулазиз ғайришуурий равишда кулиб юборди. Кулгиси Аппон чолга ёқмаганини сезса-да, ундан тўхтамади, баттар авжига минди. Кўзлари ёшлангандан-ёшланди. Чўнтагини ковлаб дастрўмолини олди.

— У нима қипти дегин? — дея кўзёшларини рўмолчасининг бир учига артди. Аппон чолнинг «Тилла нима қипти?» дегандай нигоҳ қадаб турганини кўргач, сўзида давом этди: — Бўривой бор-ку, керосин сотадиган Бўривой, мазорнинг кўчасида яшайдиган? Шунинг отини ўғирлабди-я!..

Унинг сўзлари Аппон чолни ижирғантирди.

— Бундай бўлиши мумкинмас! Тилланинг қўлидан ўғрилик қилиш келмайди! Уни мен жуда яхши билан!

— Нега ишонмайсан? Кеча кечқурун шундай иш қипти! Узим гувоҳи бўлдим-а!..

— Кўп алжима, Абдаз! Тилланинг қўлидан ўғрилик қилиш келмайди, деяпман-ку сенга!..

Абдулазиз Аппон чолга «нега гапимга ишонмайсан?» қабилида боқди, боқдию боз қиқирлаб кулишга тушди.

— Меникига кепти ана шу отда! Эшитяпсанми, менинг неварамни, Азизнинг қизини опқочмоқчи бўлиб кептимиш! Девонанинг ишига қара! Отда Иқболни опқочмоқчи бўп кептимиш-а?! Шу иссиқ кунда энглига нима кийиб олибди дегин? Энглига сариқ почапўстин, бошига ғалати сувсар телпак кийиб олибди! У нарсаларниям битта-яримтаникидан ўмариб чиққанми, худо биллади?!

— Ҳеч қаердан ўмарган эмас! Пўстин ва телпакни унга мен тортиқ қилганман! — Абдулазизнинг ҳадеганда Тиллани айбситаверишидан ғазабга минди Аппон чол.— Иннайкейин, Бўрининг ўзи кеча уни отга миндиришга ваъда берганди, хўроз уриштираётганида. Тилла бекордан-бекорга бировнинг отига тегмайди.

— Бўривойнинг ваъда берган-бермаганидан хабарим йўқ-ку, лекин пўстин ва телпакни чиндан унга сен тортиқ қилдингми? — деб унинг сўзларига ишонқирамай сўради Абдулазиз.

— Ҳа, мен совға қилдим. Дадам раҳматлиники эди,— деди Аппон чол.

— Шундан экан-да, Бўривой тортиб олмоқчи бўлганида унга жон-жаҳди билан ёпишиб қўлини тишлагани.

Аппон чолнинг юраги ғалати увушиб кетди.

— Нима, Бўри пўстинни тортиб олмоқчи бўлдимми? — деб сўради у, хаёлидан эса: «Бўри бу ишни жўрттага қилган! Ҳа, Ҳа, Тилла боёқишни ёмон отлига чиқариш учун «отимни ўғирлади» деб гап тарқатган! Бунақалар ўзларининг палид мақсадлари йўлида ҳар қандай пасткашликдан ҳам қайтмайдилар! Ҳаммасига Бўрини Тиллага олқишлаган бузуқ синглинг сабабчи! Ҳа, Ҳа, ҳаммасини ўша фосид Салтанат бошлаган!», деган ўй ўтди, ўтдию Айтмовмидим, булар Тиллани бир балога гирифтор қилмасалар гўрга эди, демовмидим, деб сўзланди, Бўривойнинг ҳасадгўйлигини ошкор этувчи совуқ, мутакаббир башарасию фақат ўзим бўлай қабилидаги гап-сўзлари, Салтанатнинг беҳаёларча боқувчи катта-катта кўкчил кўзларини ўзини бозорга солиб ясан-тусан қилиб юришлари бир онда кўзи олдидан ўтди. Уларни, улардан бир туки ўзга бўлмаган ёнидаги Абдулазизни лаънатлагандан-лаънатлади.

— Пўстин билан телпакниям худди отга ўхшаб битта-яримтаникидан ўғирлаб чиққан деб ўйлади Бўривой, ундаям айб йўқ!

— Тилла мен берганимни айтмадимми? — деди Аппон чол, хаёлидан эса: «Бўри шу баҳонада Тилладан почапўстинни ҳам тортиб олмоқчи бўлган», деган ўй ўтди, ўтдию Унинг кўзи очлигини, ҳеч бир андишасиз бировнинг нарсасини ўзлаштириб олиш одати бор эканини кеча ўзим эшитдим-ку! У пўстиниям ўзиники қилиб олмоқчи бўлган-да! — деб сўзланди.

— Айтмади. Аммо-лекин девона бўлсаям пишиқ

экан, Бўривойга бермади уларни.

— Ҳозир у қаерда?

Абдулазиз унинг сўроғидан кулимсиди.

— Қизиқ экансан-ку! Туппа-тузук одамларнинг уйига келиб қизини ўғирламоқчи бўлса, бировнинг фалон пуллик отини боғлоғлик турган еридан ечиб олиб чиқиб кетса... нима шаҳар бедарвоза эканми?..

— Унинг қўлидан қиз ўғирлаш келмасини мендан яхши биласан-ку ахир!..

— Девонага ишониб бўладими? Узи шундоқ ҳам Иқболхон кўчага чиқишга чўчидиган, Тиллага дуч келишдан кўрқадиган бўп қолувди!..

Аппон чолнинг кўнглини нохуш туйғу чулғаб, безовталангандан-безовталанди. Дўқ ургандай йўсинда сўради:

— Тилла қаерда деяпман?!

— Бўривой билан Азиз мелиса чақиринди. Тоғаси Анорматниям топиб келишди. У Тиллани эплолмаслигини айтиб: «Нима қилсанглар қилинглар, мениям жонимга тегди!» деди. Ҳа, айтмоқчи, Салтанатнинг гапига қараганда, Тилла Анорматнинг ҳам киссасига бир-икки марта тушган экан. У бечора буни яшириб келибди, бирова чурқ этиб оғиз очмабди шунчадан бери...

Аппон чолнинг фиғони фалакка кўтарилди.

— Ҳаммасига сенинг Салтанатнинг сабабчи! Ҳаммасини ўша сатанг синглинг бошлаган!..

— Оғзинга қараб гапир! Нега синглимни бу ишга тикасан? Нима, синглим арпангни хом ўрганми?!

Аппон чол Салтанатнинг Анорматга хиёнатини, Бўривой билан хуфия дон олишиб юришларини ошкор этмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо бети чидамади, боз устига, жанжаллари янаям чуқурлашиб кетиши мумкинлигини ўйлаб қолди, шайтонга ҳай беришликни афзал билди.

— Ҳозир у қани? Тилла қаерда деяпман?!

— Уни опкетишди,— деди Абдулазиз, Аппон чолнинг ўзи томон титраб-қақшаб қараётганига кўзи тушгач эса: — Қамоққамас, жиннихонага опкетишди! Соининг орқасидаги жиннихонага опкетишди! — дея изоҳ бериб уни тинчлантирди.

— Аблаҳсанлар! Аблаҳнинг ишини қипсанлар!..

Унинг ҳақорати Абдулазизнинг иззат-нафсини кўзгамай қолмади: ранги дам гезарди, дам қизарди.

— Нима, нима? Оғзинга қараб гапир! Бир девонани деб ошнангни ҳақорат қиласанми?!

— Сен менга ошна эмассан! Менга сендақа ошна керакмас!.. Сен... Сен...

Абдулазиз қараса Аппон чолнинг важоҳати борган сарфи ёмон тарафга ўзгармоқда эди, бу, айниқса, унинг бет мушаклари пир-пир учиб, иягининг титрашида яққол кўзга ташланиб турарди. Унинг вужудини кўрқув қамради. Ҳозир Аппон мени уриб юборади ё бўлмаса ёнидаги пиёлами, чойнакни отиб қолади, деган ҳаёлга боргани боис, нолигандай овозда деди:

— Неварамни... Иқболни бир бало қип қўйса майлими? А, майли экан-да?!

— Тур бу ердан, қорангни кўрмай! — уни ҳайдашга тушди Аппон чол.— Қани, бўл!..

— Тўхта, тўхта! — деди Абдулазиз.— Кўрқма, кўрқма, кетаман!.. Бир девонани деб... Йўқ, сен девонани деб эмас, бу ерда бошқа гап бор! Ҳа, ҳа! Сен, биламан, ўша кундан бошлаб... ўша — мен орден олиб, сен қуруқ қайтган кундан бошлаб ўзгариб қолдинг! Ушандан буёқ мени кўргани кўздинг, отгани ўқинг йўқ! Ушандан буёқ сенга ёқмай қолдим! Телевизорга чиқишим ёқмайди, газетага ёзишмоқчи бўлишгани ёқмайди... яна, яна... — дедию бўлак гап оғзига келмади, ўрнидан кўзгалди,— кўрқма, кетаман, уйингда қолмайман, бир минута қолмайман! — у шундай деса-да чиқиб кетолма-

ди, Аппон чолнинг уйдан қувиши унга ёмон алам қилди. Яна нимадир деб уни «чақиб» олмоқчи бўларди-ю, аммо ғуборини аритадиган сўз тополмай қийналарди. У шу кўйи хийла серрайиб турди. Бошини ҳам қилиб олган Аппон чолнинг «ўтир» деб қолишини кутгандай жойидан жилмади.

— Мени биласан-а? Мени ҳатто уруш йилларида ҳам орден қизиқтирмаганини яхши биласан-а?! Ушандаям бу нарсалардан узоқда юрганман! Мени бошқа нарсалар қизиқтирган!..

— Беришганда-ку қизиқардинг-а?! Сен эмас, қатталар узоқлаштиришган!...— заҳарханда билан хужумга ўтди Абдулазиз, у шу йўл орқали Аппон чолдан аламини олмоқчи бўлганди.

— Чиқиб кет деяпман! — қўлига чойнак ушлаб янди Аппон чол.— Жўна бу ердан, юзсиз!..

Абдулазиз ўзича бир нималар деб валдираб уйдан чиқди.

Аппон чол жойидан жилмади. Бошини ердан кўтармасдан ўтираверди. Чойнак ушлаган қўли эса титрашда қавом этар, шунинг баробарида бутун аъзойи бадани дивирди. У кампирининг қай маҳал кириб келганини қай маҳал дастурхонни йиғиштириб чиқиб кетганини ҳам сезмади. У анчагача Абдулазиз билан ораларида бўлиб ўтган можарони таҳлил қилиб ўтираверди.

Бир маҳал ўрнидан кўзгалди. Айвонга чиқди. Ҳовлига тушди. Бўривойникига боришини, ундан эса носфрушникига ўтишни — уовларини аччиқ-тиззиқ гаплар айтиб адабларини бериб келишни, шунинг баробарида хумордан ҳам тарқашни кўнглига олди-ю, аммо энди бефойда эканини, уларга дўқ-пўписа қилган билан Тилла қайтиб келмасини тушуниб этиб, шахтидан қайтиди. Шалвираб супага келиб ўтирди...

У шу куни алла-паллагача ухлай олмади. Анча ётди, кўзини юмиб кўрди, у ёнига ағдарилди, бу ёнига ағдарилди, бўлмади, охири ўрнида ўтириб олди, хаёлидан Абдулазизнинг туҳмат гапи кетмади. «Бари бир ўйлаганим бўлди: «Сен менинг орден олганимни кўролмаяпсан!» деб айтди-я, калтафаҳм!» дея мулоҳаза юритди, мулоҳазаси кетидан Қаёқданам у худосизни ҳовлига киритдим-а! — деб сўзланди, сўзланиб бўлмасидан кўкрагига игна санчилгандай бўлди. У қўли билан ўша ерини пайпаслади. «Юракка ўхшайди! Ҳа, ҳа, албатта юрак-да!» деди, ўша ғавғони фаромуш қилишга чоғланди, аммо уддалаёлмади, Абдулазизнинг совуқ, сур башараси, куракда турмайдиган иддаоиси номақбул сўзлари ҳадеганда кўз олдидан ўтишини қўймасди. У нима қилишини билмади. Шу маҳал кўшни хонада кампири эснаб, ҳомуза тортиди. Унинг ҳам уйқуси қочгани аниқ эди. Аппон чол деразага қаради: ҳовлини ой нури ёритиб турарди; ой нурига фарқ бўлган ҳовлига термулган кўйи хаёл суриб қолди. Баногоҳ сураётган хаёли боғия можарога тааллуқли эмаслигини, хаёли ой нури ҳовлига ўзгача бир фазз киритиб, уни сеҳрли, сеҳрли эмас, сирли қилиб юборгани ҳақида эканини ҳис этди. Шу дам негадир ҳовлига чиққиси келиб кетди. Уша сирлиликда ўзи ҳам бўлишни, ўша сирлиликка ўзи ҳам сингиб кетишни истаб қолди. Вужудида ғалати, ёқимли истак хуруж бошлаганига ажабсизса-да, ўрнидан кўзгалди, қозиқда илиғлик турган яланг қават тўнини олиб елкасига ташлади, битта-битта қадам қўйиб кичик уйга чиқди. Кампирининг юзини ой нури ёритиб турганини кўрди. Ой нурида кампирининг ажин босган юзи ойдек бўлиб кўринди. Ой нурида кампири мозийда қолган, ўша чимилдиққа кирган кундаги ойдинга ўхшаб кетганди...

— Сора, Сора,— деди у энгашиб.— Сора, ухлаяпсанми?..

Сора кампир дарров жавоб қилмади, салдан кейин кўзини очмай туриб:

— Ҳа, нимаёйди,— деди.

Аппон чол сўл кифтидан тушиб кетган тўнини кўтариб қўйди. У яна сурилиб тушиб кетгач эса, энглига кийиб олди, тагин кампири томон энгашиди-да:

— Сора, сени шу пайтда жуда яхши кўриб кетяпман,— деб шивирлади, айна лаҳзада кайфияти кўтарилганини ҳис этди, кўкрагидаги ҳалиги санчиқ ҳам қўлгадир йўқолганди.

Сора кампир кўзини очди. Сийрак қошлари паст-баланд қамирилиб, қаншарида тугунча ҳосил бўлгани элас-элас кўринди.

— Ғалати, ёшингизга ярашмайдиган гапларни қиласиз-да! — деди у чолидан норозиланган бўлиб.— Анави куни «Аппон ака» дегин деб ансамни қотирувдингиз, энди бўлса...

Кампирининг таънаси таъсир этиб, Аппон чолнинг руҳи тушиб кетди. У яна аввалги кайфиятига қайтди.

— Сора, Сора,— деб кампирининг тирсагидан туртди.— Сора, кўзингни юмма!

— Ҳа, нима дейсиз? — ўлганининг кунидан кўзини очди Сора кампир.

— Улар Тиллани жиннихонага бердириб юборишибди. Эшитяпсанми, Сора?..

— Улар деганингиз ким?

— Абдаз, ўғли Азиз, Бўривой... Анорматам уларнинг ёни бўпти. Биламан, бари Салтанатнинг иши. Анорматни у қайраган. Нос олгани боғанимда, Тилла шаънига бўлмаган бўхтонлар тақаб, эрига уни ёмонлаётгани қулоғимга чалинувди. Ахир ниятларига етишибди ҳаромилар...

— Шунинг учун уйдан қувиб чиқардингизми ошнангизни?

— У менга ошна эмас. Уни ошнангиз дема.

— Улғаям кунларда бировнинг дилини оғритдингиз!..

— Улар Тиллага жабр қилишибди. Уям инсон-ку?! Уям... унияма бировга кўнгил қўйишга ҳаққи бор-ку, Сора!..

Сора кампир жавоб қайтармади. Сора кампирнинг кўзи яна уйқуга кетганди...

Аппон чол айвонга чиқди. Оёғига калишини кийиб пастга тушди. «Тиллага жабр бўпти» деган ўй хаёлидан кетмади. «Эртага, йўқ, эрта қолдимми, аллақачон бугун бўлди-ку, бугун кундузи бораман-да, уни қандай қилиб бўлмасин у ердан опчиқаман. Уларга айтаман: бунинг қўлидан от ўғирлаш келмайди, бу Абдазининг неварасини яхши кўриб қолгани учун шу ишни қилган, имонини комилки, уни ўғирлаш етти ухлаб тушига кирмаган, дейман. Тиллани қандай қилиб бўлмасин у ердан опчиқаман», деб муҳокама юритди, муҳокамаси поёнига етмаган ҳам эдики, ҳовли устидан сузиб ўтган баркашдай ойга кўзи тушди. Ой эмас, ой эмас, булутлар сузиб ўтди, ой ҳалиям жойида, юлдузлар ўртасида ярақлаб турибди, деди, кейин хаёлига: «Тиллани қутқаролмасам-а?! Тилла жиннихонада қоп кетса-я?!» деган хавотирли ўй келди. Бу хавотирли ўй ортидан ундан ҳам ваҳимали фикр миясини чулғаб олди: «Шундай ойдин кечада ўлиш ҳеч ақлга сиғмас экан-да!» Ушбу фикрини хаёлидан чиқариб юборишга қанчалар уринмасин, у далаёлмади. Иттифоқо, энгил шабада туриб, димоғига райхон исини олиб келиб урди. Райхон исини маст қилаёзди, райхон исини димоғига ўрнашиб қолганини туйдию ўлим ҳақидаги фикрини ёдидан чиқарди. Ана шу исини отасининг уйи томон етаклади. Дераза олдидан ўтиб, зинага оёқ қўйган ҳам эдики, боши чайқалиб кетгандай бўлди. У аҳамият бермай, иккинчи поғонасига

чиқиб, эшик қабзасига қўл узатдию бармоқлари етиб бормади, боши пастга, оёғи тепага кўтарилаётганини, сўнг эса гурс этиб ерга тушганини, райхонлар шитирлаб кетганини сезди. Фойибдан: «Ёмон тушмадингми, Аппон?» деган овозни эшитгандай бўлди. Кўзи очиқ ётганини ва бу овозни илгари ҳам қаердадир эшитганини, бу овоз онасиники эканини, бобосининг ҳовузи бўйидаги, кўм-кўк суви жимирлаб турган ҳовузи бўйидаги сада тагида бешик тебратиб ўтирган онасиники эканини, теваарак-атроф ҳам кўм-кўк, баҳор либосига ўралганини ўйлади, яна отасининг овози қулоғига чалингандай эди: «Кўзи очиқ ётибди, демак ёмон тушмабди!» «Ҳа, ҳа, ёмон тушмадим — кўзим очиқ!» деди у, ўрнидан кўзғалишга уринди, бўлмади, фақат райхонлар орасида ётганини, ҳаммаёқни райхон исини тутиб кетганини ҳис этди. Шу дамда тим қора осмонда сузиб юрган тўлинони кўрди. Ҳаммаёқ оқариб кетди. Оппоқлик, оппоқликлар орасида қизил, сарик, қўнғирранг капалаклар учиб юрарди. Кейин ҳад-ҳудудсиз дала, дала шамолида ноз қилиб тебранаётган майсалар кўз ўнгида тажассумланди. Майсалар бағрида бирда тушига кирган қанотли бедав ўтлаб юрар, унинг устида юзи Тилланикига ўхшаб кетадиган яланғоч болакай кулимсираб ўтирарди. Кейин ҳаммаёқ қизарди... Кўз олдига қизил жилдли Қуръон намоён бўлди. Отаси, онаси намоён бўлишди. Қизиллик кўзидан чиқиб кетди, қизиллик ой атрофигача етиб борди, энди осмон ҳам қизил эди, осмон ҳам...

Аппон чолни эртаси куни асрда ерга қўйишди...

Унинг башорати нечоғлик тўғри чиққанидан ҳайратга тушган Далавой гўрков ёнига келиб кўришган Абдулазизга юзланиб:

— Аппон ака раҳматли беш-олти кун бурун олдимга келувди. Улишини сезган экан, гўр қаздириб кетувди,— деди, пича тек турди, сўнгра ҳеч қандай бўлак хаёлга бормади дараклади: — Ушанда сизниям эсловди, Абдаз ака. Бедана уриштирганларингни гапирувди...

Гўрковнинг гапи Абдулазизнинг жон-понини чиқариб юборди. Ранги дам гезарди, дам қизарди. Чоғир кўзи косасидан чиқиб кетгудай олайиб, бужур юзи тагин ҳам хунуклашди.

— Нима, Аппон аканинг ўлимида сизнинг айбингиз бор демоқчимисан бу сўзларинг билан? А, шу гапга опкеляпсанми?! — дея дўқ урди у, товўқниқидай ингичка бўйидаги томирлари ўқлоғидек бўртди.

Гўрков Абдулазиз гапни бу томонга буриб юборишини кутмаганди, хийла довдираб қолди, хижолатланган бир тарзда лаб тйшлади, ўзини оқлашга тутинди:

— Сиз мени тўғри тушунмадидиз, Абдаз ака! Мен ундай демоқчимасдим!..

Далавой гўрков ундай демоқчимиди, йўқми, аммо Абдулазиз уни шундай тушунди: ҳоври пасаймади, бильакс тутаққандан-тутақиб, пойинтар-сойинтар сўзланиб, унга захрини сочди:

— Оғзингга қараб гапиргин, Далавой! Аппон билан минг йиллик ошнамиз!.. Буни халқ жуда яхши билади! Эшитяпсанми, буни одамлар жуда яхши билишади! Аппон билан урушда қон кечиб келганимизни сен билмасанг, бошқалар жуда яхши билишади!..

Далавой гўрков у билан пачакилашиб ўтиришни ўзига эп билмади. Бемаврид гапи учун узр сўраган бўлди-да, кетмонини елкасига ташлаб уйи томон ўтиб кетди.


Абдулазиз унинг орқасидан вайсаб қолаверди. Ҳафта ўтар-ўтмас гўрковни идорага чақиртишди. Бу дунёни тарк этган, бундан ўн-ўн беш кун аввал эса ҳали ёруғ оламда яшаб юрган Аппон чолга ўлимидан бурун гўр қазиб қўйгани учун унга ҳайфсан эълон қилинди...

Тошкент — Переделкино, 1988 йил.





# НИГОҲ



# Ортик Отажонов

Қандай олий бахт,  
элинг сени тингласа,  
юртинг қадрласа!  
Қўшиғинг  
халқингнинг  
оғир-енгил  
дамларида ҳамдам  
бўлса!

Ешлар юрагига олов  
солса, меҳру вафога  
ундаса!

Эзгу мақсад ва  
умидларингиз  
йўлида ҳар доим  
яхши қўшиқлар  
бор бўлсин!

*О. Отажонов*

Суратчи А. ЖУМАЕВ  
Саҳифани безовчи  
Н. АҚРОМОВ



# БЎХТОН ва ҲАҚИҚАТ

Фарғона области месхети турклари ва ўзбеклар ўртасида чиққан низо оқибатида рўй берган воқеаларга ва уларни бартараф этиш юзасидан қўлланган чора-тадбирларга сиёсий баҳо бериш лозим. Ҳеч қандай далилни яширмаслик, бўяб кўрсатмаслик, камайтириб ёки ошириб юбормаслик мақсадга мувофиқдир. Чунки ана шу тамойилнинг бузилиши бундан ҳам ҳалокатлироқ оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Биз халқнинг талаблари билан боғлиқ сиёсий масалага рўбарў келиб турганлигимизни инкор этмаслигимиз керак.

Шу йилнинг 20 майидан бошлаб Фарғонада содир бўлган воқеа сабабларига тўхталиб, айрим тажрибаси, малакаси, сиёсий билими етарли бўлмаган партия ва совет, маъмурий органлар ходимларининг ўзларича аҳоли олдида воқеага баҳо беришга интилаётганликлари йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Масалан, айрим мансабдор кишилар Фарғонада Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга уриниш бўлди, юзлаб, минглаб кишилардан иборат ғалаён кўтарган одамлар бизнинг душманимиздир, деган ақл бовар қилмайдиган бўхтон гапларни тарқатишди.

Бу, биринчидан, давлат хавфсизлиги маҳкамаларига, хусусан, давлат хавфсизлиги комитети Фарғона область бошқармасига, область партия ва совет ташкилотларига, область меҳнаткашларига тўхматдир. Негаки, областда Совет ҳокимиятини ағдаришга тайёргарлик бор экан-у, чекистларимиз, партия ва Совет ходимлари ҳеч нимадан беҳабар туришган экан-да?! Асло бундай эмас.

Қувасойдаги воқеа тўсатдан рўй берди, тез ва тўғри бартараф этилмаганлиги натижасида бошқа районларга ҳам яшин тезлигида тарқалди. Бундан айрим қайта куришга қарши бўлган кимсалар ўз шахсий манфаатлари йўлида мохирона фойдаландилар, оддий муштлашувдан чиққан можаро сиёсий тўс олди ва ғалаёнга айланди.

Иккинчидан, «ҳокимиятни ағдариб ташлашга ҳаракат бўлди», дейиш сиёсий калтабинликдир. Бу тор фикрлайдиган сиёсатчининг жазаваси, халқ ичига кирмаслик, уларнинг дардларини ҳис этмаслик, республикамизда аллақачон пишиб етилган пахта яккаҳокимлигини тугатиш, пахта ва пилланинг баҳосини ошириш, экологик ҳалокатнинг олдини олиш, турар жой танқислиги, ишсизлик, ўзбек тили ва тарихини, маданиятини ўрганиш, республиканинг мустақиллигини таъминлаш муаммоларини илғамаслик ёки тан олмасликка интилиш, оммадан ажраб қолиш, демакдир.

20 майда Қувасойда месхети турклари билан ўзбек-

лар ўртасида бошланган низо Фарғона, Марғилон, Қўқон, Тошлоқ, Яйпан сингари шаҳар ва қишлоқларга ёйилди. Кейинчалик эса бошқа областларда ҳам бундай хавф туғилди. Хўш, нималар вазиятни кескинлаштириб юборди? Хунрезликка, қон тўкилишига, фожиага нималар сабаб бўлди?

1. Қувасойда бўлган воқеа тафсилоти аҳолидан беркитилди. Маҳаллий ўзбек аҳолисининг турклар томонидан ҳақоратлангани, камситилганига эътибор қаратилмасдан адолатсизликка йўл қўйилди. Ишоти: Қувасойдаги воқеа орадан 20 кун ўтгач республика матбуотида ёритилди.

2. Республика ва Иттифоқ матбуоти ўзбек халқига сиёсий тўхмат қилди. Ҳақиқий аҳволни бўяб кўрсатди. Халқ талабларига, оломон қўлидаги ёзма талабларга қасддан эътибор берилмади. Туркларнинг қилмишлари ҳақида лом-мим дейилмади.

1) Далолатимиз қуйидагича:

Ҳар бир эълон қилинган мақола ва ахборотда ғалаён кўтарганларга «безорилар, экстремистлар, миллатчилар, наша чеккан, қора дори истеъмол қилган гиёҳвандлар, спиртли ичимлик ичган тартиббузарлар, газандалар, дея разил ва мунофиқона тамғалар ёпиштирилиб, (бу 30-йиллардаги Бериянинг усули) бутун республика аҳолиси, бутун Совет халқининг фикри чалғитилди. Муайян талаблар билан чиққан кишилар ҳақида атайин салбий фикрлар уйғотиш, мамлакат жамоатчилигини уларга қарши қўйиш, уларни ваҳший қилиб кўрсатиш учун шундай риёкорлик қилинди.

13 июнь куни Ўзбекистон телевидениеси Фарғона медэкспертиза ташкилоти ходими Ҳасан Раҳмоновдан интервью олди. Ҳ. Раҳмонов текширилган 100 кишидан бирортасида ҳам наша чекканлик аломатлари аниқланмаганлигини айтди. Бунга республикамизнинг 20 миллионли аҳолиси гувоҳ.

2. Ғалаён кўтарган кишилардан бирорта одамга телевидение кўрсатувларида сўз берилмади. Сўз берилган киши эса гапира бошлагани билан узиб юборилди. Газеталар ҳам ўз репортажларида бирор кишининг фикрини, нима учун улар кескин ҳаракат қилаётганликларини сўрамади. Аксинча, УзТАГ муҳбири белбоғини тасодифан силкиган одамни кўк байроқ кўтариб чиқди деб ёзди. Бундан ҳам пасткашлик бўладими?!

3. Ғалаён кўтарган кишилар қўлларида «Пахта нархи оширилсин!» деб талабнома ёзилган шиор борлиги республика матбуотида анча кейин айтилди. Масалан,



А. Ибодинов «Совет Ўзбекистони» газетасининг 12 июнь сонисида «Қувасойда нима бўлган эди?» сарлавҳали мақола-сидида Боғдод посёлкасидан Қўқонга борувчи йўлда одамлар «Пахтанинг нархи оширилсин!» деган шиорни кўтариб олганлигини ўз кўзи билан кўрганлигини ёзди. Бу Фарғона воқеалари чуқур социал илдиэга, сиёсий характерга эга эканлигини кўрсатади, минглаб одамларнинг тартиббузар, безори эмасликлари, улар ўз ҳақларини талаб қилиб майдонга чиққанликларини исбот қилувчи реал, мутлақо рад этиб бўлмайдиган фактдир. Ана шундай шиорлар билан чиққан одамларни безорилар, миллатчилар, деб аташ сиёсий калтабинлик ва мунофиқликдир. Бундай муносабат халқни умидсизлан-тирди, одамларда давлат органларига ишончсизлик уйғотди ва янада кескинроқ ҳаракат қилишга мажбур этди.

4. СССР Ички Ишлар Министри ўртоқ В. В. Бақатин 5 июнь куни Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси мухбири билан суҳбатда сиёсий жиҳатдан хато фикр билдирди («Совет Ўзбекистони» газетаси 7 июнь сониси).

Марксча-ленинча таълимот бўйича энг қудратли куч — бу халқ. Ҳамма нарса халқ учун ва унинг бахт-саодати учун деб социализм байроғига ёзиб қўйилган. Халқнинг фикри ва талаби билан ҳисоблашмаслик марксча таълимотга зид ҳолдир. Ўртоқ В. В. Бақатин ўз интервьюсида бундай дейди: «... Ҳеч кимга қандайдир шартлар қўйишни маслаҳат бермаймиз, бундай шартлар ўтмайди».

Нима, ўзбек халқи қулми? Нима учун уларнинг талаби, шартлари ўтмайди? Аввало, безорилар билан ғалаён кўтарган оломонни ажратиб олиш лозим. Оломон талаб қилаётган экан, у халқ бўлаги экан, уни тинглаш зарур. Чунки биз дунёда биринчи халқ ҳоқимияти ўрнатилган Совет давлатида яшаётганлигимизни унутмаслигимиз керак.

Афсуски, Фарғонада буларнинг тескариси бўлди. Оқибатда, халқнинг қаҳр-ғазаби янада кучайиб кетди. Ҳозир Сталин даври эмас. Сталин ўлган, Берия отилган...

5. СССР ички ишлар Министрлиги ички қўшинлар бошлиғи генерал-полковник Ю. Шаталин «Совет Ўзбекистони» газетасининг 10 июнь сонисидаги ЎзТАГ мухбири тайёрлаган «Газандалар бебошлиғи» мақоласида бундай дейди: «Қўқон шаҳрининг бир ярим мингга яқин аҳолиси экстремистларга зарба бериш учун қурол сўраб мурожаат қилди. Бу масала ҳозир кўриб чиқилмоқда».

Бундай интервьюлар халқнинг қаҳр ва ғазабини кўз-ғатмай қўймайди. Кимлар ўша қурол сўраган кишилар? Туркларми? Бошқа миллат вакилларими? Еки ўзбеклар ўз жигарбандларини отмоқчи бўлишдими? Буларга қатъий жавоб бериш керак. Қаранглар, ҳурматли генералимиз дангал «бу масала кўриб чиқилмоқда» деяпти. Нима, пичоқ билан таёқ кўтариб, ўз ҳақини талаб қилаётган халққа қарата отиш учун бир ярим минг кишига автомат ва пулемётлар бериш керакмиди?! Ю. Шаталин ўзбекларга қарши Фарғонада СССР ички ишлар министрлигининг ички қўшинлари тарихида биринчи марта ҳаво десантини қўллади. Десантчилар ғалаёнчилардан бир қанчасини отиб ўлдирди. Бундай ваҳшийлик халқнинг ғазабини баттар ошириб юборди.

Балки генерал ўзбекларга қарши бомбардимончи самолётларни, ракеталарни ҳам биринчи бўлиб қўллар?! Генерал Родионов грузин халқига қарши химиявий қуролни, захарли моддаларни қўллагани каби! Балки Ю. Шаталин шу йўл билан тарихда ўз номини қолди-роққидир?! Қатъият билан ҳар қандай даражадаги кишига шундай деймиз: Ўзбекистон мустамлака эмас. Ўртоқ Шаталин ҳам мустамлакачи эмас. Ўзбекистон

Совет Иттифоқи таркибидаги суверен республика. Шунинг учун унинг интервьюсига сиёсий баҳо берилиши-ни сабот билан талаб қиламиз.

6. Энг ёмони шундаки, Фарғона области территориясида комендантлик соати жорий этилгач, республика аҳолиси, ўзбек халқи ўзининг Фарғонадаги юртдошларининг ҳоли нима кечаётганлигини ўша кунларда билолмади. Фарғона қуршаб олинди. Расмий кишилардан ташқари, кишиларга телефон алоқаси ҳам тўхтатилди. Матбуотда эса ёлғон хабарлар кўпроқ эди. Бу вазиятни сунъий ҳолатда янада кескинлаштириб юборди. Миш-мишлар, ваҳимали гаплар тарқалди. Ёшларнинг Фарғона шаҳарларига боришига, уларга ёрдам беришга интилишларига олиб келди. Оқибатда қурбонлар кўпайди.

7. Можарони бартараф этиш ва тегишли чора кўриш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг (собик) раиси Ф. Ҳ. Қодиров бошчилигида тузилган комиссия яхши ишламади. Комиссия пассив фаолияти вазиятни нормаллаштира олмади. Республика ва Иттифоқ матбуотида берилаётган ахборотларни назорат қилмади. Воқеаларни бўяб кўрсатилишига, ўзбек халқига тўхмат қилинишига, халқ юзига балчиқ чапланишига йўл қўйиб берди. Натижада халқимизнинг номи бутун дунё олдида бадном этилди. Буни асло кечириб бўлмади.

8. Фарғонадаги можарони ҳал этиш учун тузилган ҳукумат комиссиясига ўртоқ Ф. Ҳ. Қодировнинг раҳбар қилиб тайинланиши мақсадга мувофиқ эмасди. Чунки у Самарқанд областида рўй берган можарони тўхтатишда босиқлик кўрсата олмаган, халқнинг ўзига бўлган ишончини аллақачон йўқотган эди. Халққа қарши қурол кўтарган, унинг талабларини қурол кучи билан бостиришга уринган раҳбар халқ меҳрига ва ишончига сазовор эмас.

9. Тартибсизликлар муносабати билан мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан жалб қилинган икки юз кишига яқин терговчилар группаси Фарғонада иш бошлади. Бу халққа худди буқанинг кўзига қизил рўмол кўрсатгандек таъсир этди. Республикаимизда 1984 йилдан буён ишлаётган икки юз кишилик терговчилар группаси ҳали ўз ишини тугаллагани йўқ. Яна икки юз кишилик тергов группаси! Эшитиши биланоқ одамнинг юраги эзилади. Хўрлиги келади. Миллий ғуруринг камситилганини ҳис этасан киши, ўксинасан...

Нима, Ўзбекистоннинг ўзида малакали терговчилар йўқми? Бу терговчиларни республиканинг ўзидаги областлардан ташкил этса бўлмасмиди?! Бундай ҳаракат Ўзбекистонга, ўзбек халқига Иттифоқ ҳукумати томонидан экстремистик ҳаракат эмасми?! Нима учун шундай йўл тutilмоқда? Нима, четдан келган терговчилар Гдлян ва Иванов сингари ўзбекларга шафқатсизроқ бўлишлари, бераҳмроқ иш кўришлари учунми? Ахир буларни ўйлаб кўриш вақти келмадимикин?! Бундай ҳаракатлар Совет Иттифоқи таркибидаги суверен Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасига, унинг захматкаш халқига ҳурматсизлик эмасми? Ахир бу республикаимизнинг мустақиллигини ерга уриш эмасми?! Бошқа миллат вакилларидан иборат терговчилар группа-группа бўлиб республикаимизга келаверса, бундай терговлар интернационал туйғуларимизнинг илдиэига болта урмайдими? Халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстликка путур етмайдими?!

10. Фарғона областидаги қонли воқеаларда хотин-қизлар ва болаларнинг кўплаб ҳалок бўлганлиги факти зўр бериб яширишга уринилмоқда. Бирорта ҳам бола ўлмаган деган гаплар айтилаётир. Аёллардан эса фақатгина 3—4 тагина ҳалок бўлди дейилмоқда. Аслида шундаймикин?

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 8 июнь сониди эълон қилинган ЎзТАГ махсус мухбирининг «Фарғонада кескин вазият» репортажида шундай жумлалар ёзилган: «Ҳалок бўлганлар орасида хотин-қизлар ва болалар оз эмас».

Бундай фактлар Фарғонада ҳалок бўлган юртдошларимиз, отилган кишилар сонининг камайтириб эълон қилинганлигини исбот этади.

11. Матбуотда, ғалаёнда иштирок этган кишиларнинг ҳибсга олиниши, уларнинг сони ҳақида ҳам хабарлар турлича эълон қилинди. Бу хабарлар бир-бирини инкор этади. Бундан қамоққа олинаётган кишилар сони қасддан халқни алдаш, чалғитиш мақсадида камайтириб кўрсатилганлигини англаб олиш мумкин.

Исботи: «Правда» газетаси 7 июнь сонидидаги Б. Пипянинг «Брифинг в МВД СССР» сарлавҳали мақоласида 300 киши ҳибсга олинганлигини маълум қилган. «Известия» газетаси 6 июнь сонидидаги мақолада ҳам юқоридаги рақам айнан қайд этилди. Аммо «Совет Ўзбекистони» газетаси 9 июнь сонидидаги А. Ибодиновнинг «Қонунсизликка йўл қўйилмайди» репортажида: «Область партия комитетида ташкил этилган матбуот марказидан бизга берилган маълумотга кўра бошловчиларнинг арзимасган бир қисмигина қўлга тушган, холос», деб кўрсатилган. Бу фактлар шуни ойдин кўрсатмоқда, ҳибсга олинганлар сони чалкаштириб юборилган. Бу иш билан муайян кишилар шугулланганлар.

Ҳозир қамоққа олинган юзлаб кишиларнинг тақдири хавф остида турибди. Республика ҳукумат комиссиясининг матбуотда 13 июнь куни эълон қилинган ахборотида адолатли фикр илгари сурилди. Ғалаёнларда қатнашган умумий оломоннинг ичидан гуноҳсиз кишиларни аниқ ажратиш олиш зарур. Фақат одам ўлдирган, ўт қўйган кишиларгина жазоланмоғи лозим. Шуларни ҳисобга олиб, қуйидаги адолатли талаблар Совет ҳукумати олдига қўйилиши лозим:

1. Ғалаёнларнинг кенгайиб, ҳалокатли тус олиб кетишида маҳаллий ҳукумат ҳамда ҳукумат комиссиясининг ҳам аниқ айблари, хатолари бўлгани учун жиноий ишлар кўзғатилиб, тергов олиб борилаётганларнинг беғуноҳ қисми зудлик билан озод қилинсин.

2. Тергов ишларига ўзбекистонлик терговчилар жалб қилиниб, мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан келган терговчиларни сарсон қилмай, улар қайтариб юборилсин.

3. Қамоққа олинганларнинг сони, миллати, жинси, яшаш жойи, ишлаш ёки ўқиш жойи, уларнинг терговдаги аниқ, қисқа жавоблари, фикр ва мулоҳазалари халққа тезда маълум қилинсин.

4. Қамоққа олинганларни тергов қилинаётган пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларациясига сўзсиз, тўлиқ амал қилинсин. Ўз ҳақини талаб қилиб чиққан ўзбек халқи вакилларининг инсоний ва ҳаётий ҳуқуқларини камситишга мутлақо йўл қўйилмасин.

5. Ғалаёнда қатнашган одамлар безорилар, гиёҳвандлар эмас, балки месхети турклари томонидан ҳақоратланганлиги учун ўз шаънини, номусини ҳимоя қилиб чиққан, социал муаммоларни ҳал этиш юзасидан қўйган талаблари бажарилмасдан, сунъий равишда қўзиб келинаётганидан ғазабланган кишилар деб талқин қилинсин. Ўзбек халқи шаънига тўхмат қилган, халқ юзига қора балчиқ чаплаган мухбирлар, матбуот органлари халқдан расман кечирим сўрашсин. Айбдорлар қонун олдидида жавоб берсин.

6. Фарғона областида бўлиб ўтган қонли воқеалар давомида неча киши ўлдирилгани, уларнинг қандай ҳолатда нима билан ўлдирилгани, миллати, жинси, яшаш

ва ишлаш жойи, туғилган йили ҳақида халққа аниқ маълумот берилсин. Айтилган, ички кўшинлар ва милиция томонидан отиб ўлдирилган кишилар ҳақидаги маълумотлар алоҳида қайд этиб берилсин.

7. Маҳаллий ўзбек халқи вакилларини ҳақорат қилган, шундай қонли воқеаларга сабаб бўлган, Фарғона водийсида, Ўзбекистонда, бутун мамлакатимизда хавфли вазиятни юзага келтирган бошқа миллатга мансуб шахслар ҳам қонун олдидида жавоб берсин.

Биз республика партия ва ҳукуматининг мазкур можаро бўйича аҳолига мурожаатномасини қўллаб-қувватлаймиз ва маъқуллаймиз. Ҳар қандай тартибсизликни, қонунсиз ҳаракатларни, одам ўлдириш, ўт қўйиш каби ҳаракатларни, халқлар ўртасидаги дўстликни бузишга бўлган ҳар қандай уринишларни кескин қоралаймиз. Шу билан бирга ўзбек халқининг қонуний талаб ва истаклари қабул қилиниши, мавжуд сиёсий-ижтимоий муаммоларни дарҳол ҳал этиш чоралари партия ва ҳукуматимиз томонидан кўрилиб, амалга оширилиши шарт деб ҳисоблаймиз.

Шу йил 17 июнда Ўзбекистон Компартияси Наманган область партия комитети бизга Фарғона областидаги воқеалар оқибати билан яқиндан танишиш имкониятини яратди. Бир группа партия, совет ташкилотлари, матбуот ходимлари, меҳнат ветеранлари Наманган—Марғилон—Тошлоқ—Фарғона—Қувасой маршрути бўйлаб сафар қилдик. Ўт қўйилган уйлارни ўз кўзимиз билан кўрдик. Аҳоли билан суҳбатлашдик.

Мен шу сафарда мазкур воқеалар ҳақида янги, очиғи, жуда муҳим маълумотга, тушунчага эга бўлдим. Туркларнинг ёндирилган уйларидаги ҳолат диққат-эътиборимни тортди. Барча ҳовлилардан мол-қоллар олиб чиқиб кетилган эди. Ветеранлардан бири «уларнинг ўзлари ҳам ўт қўйишганга ўхшайди», деди. Чунки улар узок вақтдан буён ўз юртига қайтариш учун юқори давлат органларига мурожаат қилиб келганлар. Бироқ аризалар оқибатсиз қолаверган. Улар ниҳоят масалани кескинроқ ҳолатда ҳал қилиш мумкин деган фикрга келган бўлишлари эҳтимол.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 17 июнь сонидида босилган «Босиқлик, ақл-идрок — яхши маслаҳатчи» сарлавҳали давра суҳбатини ўқир эканман, юқоридаги фикрларда жон борлиги, ҳақиқатга анча яқинлиги янада равшан бўлди. Мазкур суҳбатда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги ўртоқ И. Искандаров бундай дейди: «...Турклар ҳар қандай бўлса ҳам ўз юртига қайтиш ниятида эканлар. Бу ҳақда жуда кўп идораларга, марказга ёзишган, мурожаат қилишган. Бироқ натижа бўлмаган. Уларнинг ариза ва шикоятлари инобатсиз қолаверган. Шундан сўнг асаббузарлик қилиб, икки миллат ўртасида келишмовчилик келтириб чиқариб, кўчиб кетиш мақсадида бўлишган. Осланов деган мактаб директорининг гапларига қараганда, ўзаро низо ана шу тарзда вужудга келган».

Биз Фарғонадан қайтиб келатуриб, Марғилонда тўхтадик. Одамлар билан суҳбатлашдик. Шаҳар марказида, йўлларда, чорраҳаларда автомат ва дубинкалар билан қуролланган солдатлар соқчилик қилиб туришар эди. Бир кун олдин шаҳар марказидаги соқчи мотоцикл минган ўзбек йигитни тўхтамагани учун отиб ўлдирибди. Шунда соат беш минут кам ўн экан. Аслида, комендантлик соати ўнда бошланади. Марғилонликларнинг айтишларига қараганда, отиб ўлдирилган йигитни эрталабча кўчадаги дарахтга бўйнидан осиб қўйишибди. Бировлар солдатларнинг ўзи осиб қўйди деса, бошқалар ўликни турклар осиб кетибди дейишарди.

Бундай ёвузлик ҳам халқ юрагида ғазаб уйғотган эди. Бу ишга сиёсий баҳо бериладиган бўлса, уни фақат-

гина фашистлар усули деб аташ мумкин. Чунки кимлардир шундай йўл билан халқни чўчитишни ўйлаган бўлса, улар сиёсий жиҳатдан калтабинлик қилиб қўйганликларини ўзлари ҳам сезишмаган бўлса керак. Агар ўша отиб, сўнг осиб қўйилган йигит жиноятчи бўлган тақдирда ҳам унга нисбатан қўлланган жазо ўзбек халқини оёқости қилиш, уни таҳқирлаш, менсимаслик дейиш мумкин. Фақат чор ҳукумати даврида бош кўтарган маҳаллий аҳоли вакиллари ана шундай усул билан жазоланар эди. Инқилобдан олдин Андижонда Дукчи эшон бошлиқ осиб ўлдирилган саккиз киши қисматини эсланг. Ушанда қатл маросимида ҳатто болалар ҳам келган ва даҳшатдан кўплар ҳушидан кетиб қолганлиги тарихий манбалардан маълум. Бу иш аҳолининг бўғилиб кўзлари, тиллари осилиб чиқиб қолган кўрқинчли мурдалар қиёфасини унутмаслиги учун қилинган эди. Шунини эсланган кишилар абадий асоратда, қулликда яшайверишларига, бир оғиз қарши сўз айта олмасликларига чор мустамлакачиларининг ишончи комил эди, албатта.

Ҳозир-чи? Бу — қабоҳат. Бундай воқеаларга сиёсий баҳо бериш шарт. Марғилонликлар бу ҳақда алам ва изтироб билан гапирдилар. Масаланинг моҳиятига тўхталадиган бўлсак, бундай йўл билан осойишталикни таъминлаш асло мумкин эмас. Осойишталик посбонлари қош кўяман деб кўз чиқарганликлари шубҳасиз.

Айрим кишилар намойишга чиққан, митингга тўпланган кишиларнинг ҳаммасини отавериш керак, деб баралла айтишди. Буни қонун билан тўғри эканлигини исботлашга ҳам уринишди. Агар отиш билан масала ҳал бўлса эди, улар ҳақ бўлиб чиқишарди. Бироқ отиб ўлдирилган ёки отиб ярадор қилинган кишининг акаси, укаси, отаси, қариндош-уруғлари борлигини ўйламаслик ўта беақлликдир. Негаки бундай ўлим бирор кишининг ёдидан чиқмайди ва ҳалок бўлган кишининг яқинларини давлатга, хусусан, милиция ходимларига ишончи қолганлигига, дўстлигига бирор киши кафолат бера олмайди. Соқчи солдат бир кишини отиш билан ўнлаб кишиларни мавжуд тузумга батамом қарши қилиб қўяётганлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Фарғона водийсида шундай воқеалар содир бўлдики, бу Ўзбекистон тарихига ўз-ўзидан киради. Воқеани бартараф этишда йўл қўйилган хатолар ўз таъсирини кўрсатиб турибди. Келгусида унинг салбий оқибатларини камайтириш бугун унга қанчалик тўғри баҳо берилишига боғлиқ. Ҳозир ҳамма ҳам шу ҳақда ўйлаши ва тўғри хулосага келиб олиши мақсадга мувофиқдир.

Абдулла АБДУЖАЛИЛОВ,  
Поп район жамоатчилик фикрини ўрганиш  
марказининг раиси

**РЕДАКЦИЯДАН:** Фарғона воқеаларини текшириш давом этмоқда. Ҳали жуда кўп фактларга аниқлик киритилади. Виз редакциямизга шу мавзуда келатган ўнлаб хат ва мақолалардан бирини эътиборингизга ҳавола этдик. Бундан мақсад йўл қўйилган хатдан тегишли хулосалар чиқариш, содир бўлган воқеалар ҳақида вазминлик билан фикрлаш, бинобарин, миллий низоларнинг такрорланишига йўл қўймасликдир.

**СССР халқлари!  
Совет федерациясини  
аҳил, гуллаб-яшнаётган  
кўпмиллатли давлатга  
айлантирайлик!**

**Фан ва маданият  
ходимлари! Халқ сиздан  
амалий ва самарали ишлар  
кутмоқда! Ўз ақл-заковатингизни  
рўёбга чиқарингиз!**

**Совет йигит ва қизлари!  
Комсомоллар! Қайта қуриш — сизлар  
амалга оширадиган инқилобдир!  
Ёшларнинг ақл-идроки,  
ғайрат-шижоати —  
социализмни янгилаш ишига  
хизмат қилсин!**

КПСС Марказий Комитетининг  
Улуғ Октябрь социалистик революцияси 72 йиллигига чақириқларидан

4 ТУРВО.РД



## Ориф Тўхташев

Самарқанд область, Иштихон районидаги 24-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси. Ёш ижодкорларнинг V-семинари қатнашчиси. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган. «Юлдузча» нашриётида «Менинг ойим» номли илк китобчаси нашрга тайёрланмоқда.

## Нуқтанинг дўстлари

Мен нуқтаман,  
Мен нуқта.  
Урган аввал  
Сен пухта.  
Гапларнинг  
Ҳар бирида  
Шай тургум  
Охирида.  
Бўлса агар  
Гап сўроқ,  
Бошимда турар  
Уроқ,  
Гап ундов  
Бўлганда боқ:  
Тепамда  
Турар таёқ.  
Вергулларда  
Думим бор.  
Бошқа, дўстим,  
Кимим бор?..

## Тез ўқир

### экан

Китоб ўқирди Камол,  
Аксига, туриб шамол  
Қўлидан олиб қочди,  
Бир-бир варағин очди.  
Шунда қараб Алишер  
Сендан тез ўқиркан, дер...

## Балиқлар

### каникулда

— Қаёқдан келаяпсан? —  
Сўрар Ҳасандан Ҳусан.  
— Дўстим, балиқ тутай деб,  
Борган эдим мен кўлга.  
Ёз фасли балиқлар ҳам  
Чиққанмиш каникулга.

## Сиздан ўзиб

### кетаман

— Аввалги йил ёшим ўнда  
Дегандингиз-ку менга.  
Ака, менинг ҳам ёшим  
Етай деб қолди ўнга.  
Ҳеч гап эмас, акажон,  
Сизни қувиб етаман.  
Озроқ сабр қилсангиз,  
Ҳатто ўзиб кетаман.

## Оғир бўлмоқ учун

Мунча енгил юрибсан,  
Кун совуқ, яна шамол.  
Уғлим, шамоллаб қолма,  
Камзулингни кийиб ол.  
Дея ойим койиса  
Кичик укам Рустамни.  
У дер, — тошга тўлдириб  
Юрайинми киссамни?..

## Иш қилмагач

— Нега филнинг қулоғи,  
Бўлади, айт-чи, катта?  
Деб сўрасам укамдан,  
Гапимни бўлди шартта:  
— Саволингиз осон-ку,  
Ахир маълум боиси —  
Иш қилмагач, қулоғин  
Чўзиб қўйган ойиси.



## Сувон Мелиев



Қайта қуриш янгитдан қуришдан қийинроқ. Қайта қурмоқ учун аввал майдонни эски иморат қолдиқларидан тозалаш, керагини олиб, нокерагидан возкечиш талаб этилади. Адабиётда ҳам тозалаш ишларини олиб бормади туриб, янгича фикрлаш даврининг маънавий атмосферасини устивор қилиб бўлмайди. Адабиётдаги эркинлик биринчи навбатда танқид эркинлигидир.

«Бой ила хизматчи» драмасынинг Ҳамза Ҳакимзоданинг яқин шоғирди драматург Комил Яшин томонидан 1939 йили тикланган нусхаси келажакда кўп-кўп тадқиқотларга сабаб бўлиши табиий. Бу вариантнинг юзага келиши, яъни муаллифи тирик бўлмаган, асл нусхаси йўқолган асарнинг бошқа бир адиб томонидан тикланиши жаҳон адабий тажрибасида кўрилмаган ҳодисадир.

Яқин-яқинларгача бу нусха мўътабар матн сифатида Ҳамза асарлари тўпламларида нашр этиларди. Кўникилган нотабиий ҳолат яқинда бузилди. ЎзФА Тил ва адабиёт институти чиқарган Ҳамзанинг беш томлик Тўла асарлар тўламида қайта тикланган нусха биринчи бор илова қисмида берилиши билан у драманинг мўътабар матни бўла олмаслиги, ниҳоят, тан олинди.

Асарнинг тикланиши ҳақида К. Яшин шундай ёзадилар: «Ҳамза Ҳакимзода ижодига қизиқишим, унинг ижодига бўлган илхосимдан хабардор бўлган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий юбилейини ўтказиш комиссияси «Бой ила хизматчи» драмасыни янгитдан саҳнага тайёрлашни менга топширди. Бу асар революциянинг биринчи йилларидаги саҳна шароитига мосланиб, озгина киши қатнашадиган қилиб, кичик ҳажмда ёзил-

# «БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ»

## ёки ТИКЛАНГАН НУСХА МУАММОСИ

ган бўлиб, асарни ҳозирги вақтда гуллаб-яшнаб бораётган, ажойиб истеъдодли артистларга эга бўлган театри-мизнинг талабига мувофиқ қилиб кенгайтириш керак эди. Мен шарафли, айни вақтда масъулиятли вазифани ўташда яна устознинг ўзига қаттиқ суяндим. Қисқаси, Ҳамзанинг бошқа чала қолган асарларидан фойдаланиб бу драмани мукамаллаштиришга киришдим<sup>1</sup>.

Комил Яшин тарафидан бажарилган ишнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида ҳозир ҳукм чиқариш ортиқча. Бўлган иш бўлган. Аммо унинг ижобий ва салбий жиҳатларини қайд этиш, ҳолис баҳо бериш мумкин ва бу ҳозирги қайта қуриш ва ошқоралик даврида зарур ҳам. Ярим асрдан буён ўзбек, умумсовет ва жаҳон сахналарида кўйилиб, олқиш олиб келаётган «Бой ила хизматчи» айни шу тикланган нусха эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Шу спектакллар шарофати билан ўзбек актёрларининг бутун бир плеядаси етишиб чиққанлиги ҳам факт.

Аммо медалнинг икки томони бор. Истаймизми, йўқми, драманинг шу тахлитда тикланиши Ҳамза ижодини ҳар

тарафлама, илмий ҳолис ўрганилишига тўсқинлик қилиб келди. Бу нусха кўп йиллар давомида масаланинг илди-лари билан қизиққан тадқиқотчи йўлида К. Яшиннинг обрў-эътиборидан куч олиб кўндаланг турди, салкам асл нусха даражасига кўтарилди. Иккинчидан, табиий равишда, Ҳамза ижодининг бутунлигига путур етди. Унинг айрим асарлари, айниқса, «Бурунги сайловлар» оригинал асар сифатида ўз нуфузини йўқотди, сахналаштиришга яроқсиз бўлиб қолди. Қодиркул мингбоши ва Холматни «Бой ила хизматчи»да учратиб феъл-атвори билан танишган китобхон ёки томошабин «Бурунги сайловлар»ни ўқимай қўйиши, ёки зални ташлаб чиқиши эҳтимолдан узоқ эмас. Ваҳоланки, театршунос Тошпўлат Турсунов тўғри таъкидлаганидек, «1926 йилда ёзилган «Бурунги сайловлар» пьесаси Ҳамзанинг етук асарларидан биридир»<sup>2</sup>.

Маълумки, кинода монтаж деган нарсас бор. Бу оддий тилда турли парчаларни уйғунликда тўплаб, бир бутун асар ҳолига келтириш дегани. «Бой ила хизматчи» ҳам тахминан шу усулда тикланган. Агар кинода бўлаклар би-

риктирилганда чоклар унча кўзга ташланмаса, сўз санъатида чокнинг сезилмаслиги жуда қийин.

Тикланган нусханинг иккинчи пардасида Холматнинг супуриб туриб айтган монологиди шундай сўзлар бор: «Мана энди шухратингдан ўргилай, мўъжазгина, у тиззадан — бу тиззага учиб қўнадиган Жамилахоннинг («Бурунги сайловлар»да номсиз «янги пошшоҳон») дарагини эшитиб қолгандан буён, бой поччадан ҳам илгари, бизнинг юрагимиз дириг-дириг ўйнайди. Билмайманки, у жонимни олгур, бойга тегиб олиб, бизнинг бу кир чопон билан, ёғлиқ дўппини назарларига илармикан? Мана бизда бу янги ишқ мижозининг гами...».

«Бурунги сайловлар»дан, деярли, ўзгаришсиз кирган бу гаплар «Бой ила хизматчи»нинг воқеалар ва образлар мантиғига сингишмайди. Биринчидан, «дарагини эшитиб қолиш» ибораси узоқдаги ёки илгари эшитилмаган нарсаси ҳодисага нисбатан қўлланади. Жамила эса бойнинг ёнгинасида, ўз хонадонидида. Бой уни кўриб қолади, холос. Иккинчидан, Холматнинг ҳали бойга хотин бўлмаган, бировнинг, ўзи каби хизматкор дўсти Гофирнинг жуфти ҳалоллига элбурутдан кўз олайтириши мантиққа зид, ҳар қалай Холматга ёпишмайди деган жирканч ҳол.

Тўғри, монологнинг К. Яшин ўзидан қўшган иккинчи қисмида Холматнинг ақли жойига келади: «Шошманг, Холматжон тўра, ўзингча нима деб вайса-япсан? Ҳадеб бойга пашанг берасан! Бой кимни олмоқчи! Жамила-ку!.. Уз Гофиримизнинг хотини...»<sup>3</sup>. Аммо бу

<sup>1</sup> «Бой ила хизматчи» драмаси ҳақида». Комил Яшин, Асарлар, Олти жилдлик, 5-жилд, Тошкент, 1980, 41—42-бетлар.

<sup>2</sup> Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари (Тадқиқотлар), Тошкент, 1988, 28-бет.

<sup>3</sup> Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами, 3-том, Тошкент, 1988, 231-бет Шу ерда.

**РЕДАКЦИЯДАН:** ҳаётимизда рўй бераётган янгила-ниш жараёни ижтимоий-эстетик қадриятларимизни ҳам қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Жумладан. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг нисбатан мукамал тарзда биринчи бор беш жилдлик асарларининг нашр қили-ниши ушбу фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Чунки шу нашр сабаб бизнинг Ҳамза ҳаёти ва ижоди тўғри-сидаги эски тасавурларимиз ўзгармоқда. Абдулла Қодирий, Чўлпонлар каби Ҳамза Ҳакимзода ҳам 20-йил-лардаги мураккаб ва зиддиятли ижтимоий-сиёсий, адабий ҳаётнинг тўлақонли вакили эканлиги, фақат 30-йилларнинг машғум сиёсати туфайлигина унинг ижо-дининг шу жиҳатлари сунъий равишда йўқотилганини энди кўпчилик билади. Сувон Мелиевнинг «Бой ила хизматчи»ни ким ёзган ёки «Тикланган нусха муаммо-

си» номли мақоласи ушбу мураккаб масалаларга ойдин-лик киритишдаги дастлабки қадамдир. Сарлавҳадан ҳам кўриниб турибдики, унда муаллиф адабий жамоат-чиликни узоқ йиллардан буён ўйлантириб келаётган иккита муҳим муаммони, яъни ўзбек совет адабиётинида социалистик реализм методининг илк намунаси сифа-тида қабул қилинган «Бой ила хизматчи» драмасининг асл нусхасини баҳолаш ҳамда Комил Яшин томонидан тикланган нусханинг қандай сабабларга кўра юзага келганлиги масаласини диққат марказига қўяди. Уму-ман, мақолада ҳозир жуда кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган социалистик реализм методига мос-лаштиришнинг салбий оқибатлари бир асар тақдири нисолида кўрсатиб берилади. Уйлаймизки, мақола кўп-чиликлда қизиқиш уйғотади.

гаплар юқорида Жамила шаънига ай-тилган ножўя гапларни (масалан, «у тиз-задан бу тиззага учиб қўнадиган Жами-лахон...» каби) ювиб кетолмайди. Ба-дийий асарда ҳам ҳаётдагидек айтилган сўз — отилган ўқ, уни орқага қайтариб бўлмайди. Гап шундаки, бу ерда айб Холматда эмас, Жамила ҳам биз билган Жамила эмас. Акс ҳолда «у тиззадан бу тиззага учиб қўнадиган» Жамила заҳар ичиб ўтирмас, бойнинг эркатой хотини бўлиб, тақдирга кўнар, кўнабгина қол-май боши кўкка етган бўлар эди.

Холмат ҳам ўз гапларини гапир-аётди. Фақат у «Бой ила хизматчи»даги бойнинг хизматкори эмас, «Бурунги сайловлар»нинг қатнашувчилари рўйха-тида айтилгандек «чапан кучер» Хол-матдир. У ҳўжайини Қодирқул каби ҳар қандай жирканч ишлардан (бировнинг хотинига кўз олайтириш, бузуқчилик, баччавозлик) қайтмайдиган, бузуқ одам.

Бу ўринда Ҳамза теран ҳаётий маз-мунни бадийий теран ифодалайди, яъни кишини киши эзишга асосланган жами-ятда нафақат бой, ҳўкмдор табақа, бал-ки камбағал синфларнинг бир қисми ҳам айнашдан четда қолмайди. (Яна шунини айтиш мумкинки, Ҳамза етишган бу теран мазмунни ақидапараст соци-алистик реализм шотирлари ҳазм эта олмадилар, улар бойми, албатта ёмон, камбағалми, демак яхши қабилида фикр юритиб, жонли воқеликни андо-зага солиб тасвирладилар. Ҳамза бу ақидадан анча баландда эди).

Шунинг учун «Бой ила хизматчи» нинг учинчи пардасида ҳўким ҳўзурида Хол-мат «Ҳай, ҳўқиқат борми, Ҳўқиқат?» дея исён кўтариши бадийий мантиққа зиддек. Солиҳбойнинг ҳамсуҳбат маҳ-рами, хонаки масхаравози, доим ошиғи олчи бўлган (ҳатто бой ҳали олиб ул-гурмаган Жамиланинг васлидан ҳам умидвор!) Холмат нега исён қилсин. Бундай хавфли қадам қўйиш учун «Сен камбағалсан, камбағалга қайиш-да, хумпар!» каби умумий гаплардан куч-лироқ ҳаётий зарба даркор. Тик-ланган нусхада Холмат исёнининг ички сабабларини очувчи психологик далил-лар етарли эмас.

Психологик далиллар ҳақида гап кет-ганда тикланган нусхадаги яна бир ўрин диққатни тортади. 50-60 ёшлардаги Со-лиҳбойнинг ягона чақалоқ ўғли бор. Даҳшатли фожиа рўй берди, ҳўзиргина шу ягона фарзанд қайноқ сувда куйиб ҳалок бўлди. Ушбу дақиқаларда Солиҳ-бойнинг ҳолати: «Бой (кўзини Жамила-дан узмай). Қандай оташи жон? Қандай малак бу? (Хотинларга) Йўқолинг!.. Бу нима гап? Яна шунини кўрдим-у, ўтдай ёниб турган одам мулойим бўлдим-қолдим. Қара, қандай соз, қандай тиниқ нарса бу? Ҳе, бу дунё беш кун... Бешови ҳам қора кун. Уйнаш керак, ку-лиш керак. Қандай келишган нозанин бу?»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, бой ўлиқнинг исёғи совимасдан туриб, Жамилага «севғи» изҳор қилади. Бу ҳол на инсоний ман-тик, на бадийий мантиққа мос келади. Бой бу ерда ҳар қандай инсоний туйғу-дан маҳрум маҳлуқ ҳўлига туширилган.

Балки К. Яшин (Ҳамзанинг бирор аса-рида юқоридагидек, ёки шунга ўхшаш эпизод йўқ) Шекспирнинг Ричард III типидagi оламшумул нобакор образи-ни яратишни кўзлагандир. Аммо бун-дай вазифа ҳам Солиҳбойнинг қўлидан келмайди. У ўртача одам.

Яқинда таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев «ўзбек театри нега чет элга чиқмайди?» деган саволни шарҳлаб, жумладан шундай деди: «Бундан таш-қари, асарни саҳнада қандай талқин қи-лишда гап кўп. Агар фақат бир томон-лама ёндошиб, ижтимоий нуқтаи на-зардан бойни бой, ёмон, камбағални яхши деб талқин қилверсак, томоша-бин ҳам зерикади. Шунинг учун ҳар бир образни ҳам ижтимоий, ҳам инсо-ний қиёфасини очишга ҳаракат қилиш лозим»<sup>2</sup>.

Тикланган нусхада Солиҳбойнинг ин-соний қиёфаси ақидапарастлик оқиб-атида ижтимоий мансубиятга қурбон берилган.

Баззи ҳамзашунослар драманинг ёзилган пайти 1918 йил эканлиги ҳўқи-қатга яқинлигига қарамай, у 1917 йил октябрида яратилган деган фикрни ол-га суришади. Бу эса «ўзбек адабиётида социалистик реализм методининг қар-рор топиш йилини хийла олдинга суриш илинжи»<sup>3</sup>дан бошқа нарса эмас. Дар-ҳўқиқат, катта ҳамзашунос Лазиз Қаю-мов драманинг туғилиш йилини бир йил олдинга суриб олган, ёзади: «Шундай бўлгач, ўзбек адабиётида социалистик реализм методи 1917 йилда, Улуғ Ок-тябрь социалистик революцияси ара-фасида Ҳамза Ҳўкимзода Ниёзий ижо-дида пайдо бўлган ва жуда тез тарқали-б, ўша йиллардаёқ адабиётимизнинг етакчи методига айланган, деган фикр-га келамиз»<sup>4</sup>.

Бу ерда гап асл «Бой ила хизматчи» ҳўқида бораептими ёки тикланган нус-ха ҳўқидами? Ҳаммага маълумки, дра-манинг асл нусхаси йўқолган. Асарнинг суфлёр вариантга суяниб бундай катта хулосага келиш қийин, албатта. Афиша-лар ва маромномаларда баён этилган умумий мазмун ҳамда қатнашув-чи персонажларни билиш ҳам бундай йирик хулосага келиш имконини бер-майди, чунки афишада асарнинг асосий нуқталари, бош сюжет чизиғи баён эти-лади, холос. Демак, афишадаги маз-мунга суяниб юқоридаги хулосага кели-ш мумкин эмас. Шу боис драманинг тикланган нусхасини асл нусха ўрнида қабул қилдиришга уринаётганларнинг асл мақсади аён бўлади. Улар мумкин бўлмаган ишни қилмоқчи, яъни 1939 йил тикланган нусха воситасида инқи-лоб арафаси ўзбек адабиётида соци-алистик реализм етакчи методга айлан-ган эди, деган тезисни исботламоқчи бўладилар. Ваҳоланки, тикланган нусха фақат тикланган даври маҳсули ва шу даврнинг ҳўжжати сифатида тан оли-ниши даркор.

Демак, мазкур хулосанинг таянчи «Бой ила хизматчи»нинг 1939 йил тик-ланган нусхасидир. Шундай савол туғи-лади; қандай қилиб 1939 йилда тик-ланган, адабиётшунос Наим Каримов юқорида эсланган мақоласида мутлақо

тўғри таъкидлаганидек, «қайта ишлан-ган ва тахир этилган нусха» социалис-тик реализм 1917 йилдаёқ адабиётим-изнинг етакчи методига айланганини кўрсата олади?

Узоқ замонларда бир доно подшоҳ ўғлига насихат қилган экан: кучинг тў-либ-тошиб кетса ҳам зинҳор ҳўқиқатга қарши борма, толталган ҳўқиқат бир кун келиб белингни чиқаради. Ҳўқиқат эса шундан иборатки, 1939 йил қайта ишланган нусха инқилоб арафасидаги эмас, балки сталинчиликнинг даҳшатли йилларида ўзбек адабиётида ҳўкм сур-ган ғўйий-психологик атмосферани акс эттиради.

1939 йил жуда маънодор сана. Ада-биёт эгалари ур-калтак қилинган хона-дон сингари ҳўвилиб, деярли, ур-кал-такчиларнинг ўзлари қолган пайт. Аб-дулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби адабиётимизнинг йирик намоёндалари гўё йўқлик қарғига чўкишган. Ур-кал-такчилар энди улардан ном ҳам, нишон ҳам қолмайди, асарлари абадий тақиқ-да қолиб кетади, деб ишонардилар.

«Бой ила хизматчи» драмасини қайта тиклаш ғўяси пайдо бўлишини кўпчи-лик, жумладан, тикланган нусха муал-лифи К. Яшин ҳам Ҳамза таваллуднинг 50 йиллиги муносабати билан тузилган юбилей комиссиясининг қарори билан боғлашади. Бу аслида ҳўдисанинг таш-қи томони, фасад, холос.

Асл сабаб эса Сталин бошчилигида ишлаб чиқилган янги методга мос кела-диган ҳар бир миллий адабиётда, жум-ладан ўзбек адабиётида намунавий асар топиш, бўлмаса яшаш заруриятида эди. Аини яшаш керак бўлиб, қўлбола методнинг ҳамма қоидаларига жавоб берадиган ҳўқиқий бадийий асар яратиш аслида мумкин эмас эди. Жонли ҳўёт жонсиз қоидаларга сиғмасди.

К. Яшин «Давр овози» мақоласида «Ҳамза бу асарида... социалистик ре-ализм принципларига монанд иш кўр-ди», деб ёзади. Шунга ўхшаш фикр бошқа ҳамзашунослар ишларида ҳам учрайди. Бу фикр бир саволга ундайди: метод бирламчими, ижод? Метод яра-тилган асарлардан келиб чиқадими ёки методнинг қонун-қоидалари, прин-циплари асосида асар яратилдими? Менингда, бунга ҳўзир кўпчилик қў-шилса керак, яратилган асарлардан кели-б чиқиб, методнинг қонуниятлари шаклланади.

Аммо бу гап социалистик реализмга, «совет санъатига пўлатдан ясалган сиртмоқ солтанга» (Борис Васильев) ме-тодга тўғри келмайди. Унинг бош мақ-сади ижодий эркин фикрни жиловлаб,

<sup>1</sup> Ҳамза Ҳўкимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами, 3-том, 224-бет.

<sup>2</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил, 16 июнь, №25.

<sup>3</sup> Наим Каримов. «Бой ила хизматчи» драмасининг ижодий тақдири. Ҳамза Ҳў-кимзода ижоди проблемалари (Тадқиқот-лар), Тошкент, 1988, 58-бет.

<sup>4</sup> Қаюмов Л. Инқилобий драма. Тошкент, 1970, 75-бет.

бадий адабиётни югурдак, хизматчи ҳолига тушириш. Шу маънода социалистик реализм адабиёт ва санъат соҳасидаги сталинизм дейилса, хато бўлмайди.

Тикланган нусха ҳақидаги гап ҳозирги кунда принципиал маъно касб этади. Сталининг инсоният олдидаги катта жиноятларидан бири синфлар курашига ҳақдан зиёд ургу беришидир. Синфий курашнинг муттасил кучайиб бориши ҳақидаги мудҳиш «назария»ни ўйлаб топиб, шу асосда деҳқонлар ва интеллигенциянинг катта қисмини йўқ қилиш, оғир қийноқларга дучор қилиш сталинизмнинг совет халқига кўрсатган «кароматлари»дан эди.

Тикланган нусхадаги Жамиланинг ўлимолди ҳайкириғида — «...Болангни ўлдирган, хотинингни хазон қилган бойнинг, бутун бойларнинг жазосини бер. Замонасига ўт қўй, ёндир.» — 17 ёки 18-йилнинг эмас, 39-йилнинг дағдағаси кўпроқ. Чунки бу сўзларни Ҳамза эмас (Ҳамзанинг Жамиласи содда ва табиийроқ ўлади: «Оҳ, Гофир, сан ўйлама, Жамилам бойга қолди, деб. Бойга мен қўлимни ҳам ушлабмадим. Сансиз бу ҳаёт манга керак эмас!»), Комил Яшин ёзган, Ёзувчилик уюшмаси минбаридан туриб «Битсин бизнинг орамиздан ҳайдалган ва бизнинг адабиётимизни бузишга уринган халқ душманлари — троцкийчи, бухаринчи, миллатчи, аксил-инқилобчи З. Саид, Элбек, Чўлпон, Фитратлар»<sup>2</sup> деб хитоб қилган Комил Яшин.

Шундай қилиб, социалистик реализм методининг намунавий асари бўлиш «бахти» қайта тикланган «Бой ила хизматчи» асарига насиб этди. Бу ўринда Яшиннинг шахсий хизматига ортиқча баҳо бериш инсофдан эмас. Агар Яшин бўлмаса бу вазифани бошқа биров, масалан, З. Саид бажарган, балки шунда репрессиядан омон қолган бўлур эди.

Лекин бу жараёнда Яшиннинг шахсий масъулияти ҳам борки, бу ҳақда қуйида сўзлаймиз.

Маълумки, драманинг асл нусхаси йўқолган. Афишалардан ташқари асл «Бой ила хизматчи»дан икки нишона бор. Бири М. Бузрук Солиҳовнинг «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» китобига кирган бир парча (у Ҳамза Тўла асарлар тўпламининг 3-томида ҳақли равишда драманинг асосий мўтабар матни сифатида берилди), иккинчиси ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланган, ҳамзашуносликда кўпроқ асарнинг суфлёр варианты деб номланган нусхаси.

К. Яшин драмани тиклашда фойдаланган манбалар ҳақида гапирганда суфлёр нусхаси ҳақида бепасандроқ муносабат билдирса-да, «Бой ила хизматчи»нинг фабуласини тиклашда унинг роли анча катта бўлган. Чунки бу нусха камчиликларидан қатъи назар драмадан қолган нисбатан тўлиқ ёдгорлик бўлиб, асарни тиклашда ундан фойдаланмаслик мумкин эмас эди.<sup>3</sup>

Шоир Миразиз Аъзам «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг анкетасига жавоб бериб, жумладан «Социалистик

Меҳнат Қаҳрамони, академик Комил Яшин Ҳамза ижодини тарғиб қилишда қанчалик катта роль ўйнаган бўлса, унинг ижодини бузиб кўрсатишга ҳам ўз ҳиссасини қўшди»<sup>4</sup> деб аччиқ, аммо ҳақли гапни айтади. У Ҳамза ижодини бузиб кўрсатишга мисол тариқасида Яшин «Бой ила хизматчи» драмасыни ишлаб чиққанда асарни шу қадар ўзгартириб юборганини келтиради.

Миразиз Аъзам масалани тўғри қўяди. Аммо бизнингча, қайта тиклаш жараёнининг баъзи жиҳатларига яна эътиборни қаратиш лозимга ўхшайди. Шундай жиҳатлардан бири Яшин вариантыдаги Солиҳбойнинг хотинлари билан боғлиқ воқеалар ва унинг манбаи, балки турткиси масаласидир. Миразиз Аъзам эслатилган анкетага жавобда «Ҳамзада Солиҳбойнинг хотини йўқ, К. Яшинда уч хотин бор» дея экан, тўлиқ ҳақ эмас. Асарнинг суфлёр нусхасидан маълум бўладики, бойнинг уч хотини ва беш боласи бор (Қаранг: Ҳамза. Тўла асарлар тўплами, 3-том, 180-бет). Аммо бу фақат икки жойда айтилади, холос. Иштирок этувчилар рўйхатида бойнинг хотинлари йўқ, чунки улар асар сюжетида қатнашмайдилар. Шу нусханинг учинчи пардасида бойнинг ичкари уйи тасвирланади аммо бунда ҳам бойдан ташқари қўшмачи хотин Сифат буви ва Гофирнинг хотини Жамила қатнашади, холос.

Драманинг мазмун баён қилинган 1919 йил 25 октябрда чиқарилган театр афишасида ҳам бойнинг хотинлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Келинг, энди Яшин домланинг ўзларига мурожаат қилайлик. Юқорида эслатилган «Бой ила хизматчи» драмасы ҳақида» мақоласида у киши ана шундай дейдилар: «Бой ила хизматчи»даги ҳозирги иккинчи парда, яъни бойнинг меҳмонхонаси билан боғлиқ воқеалар ҳам Ҳамзанинг бошқа бир чала асарига таяниб, худди шу асосда жамлаб кўрсатилди. Жамиланинг тўртинчи пардадаги заҳар ичиб ўлиш картинасини «Бурунги сайловлар» ва бўлак чала қолган асарларига таяниб туриб кенгайтирилди»<sup>5</sup>.

«Ҳамзанинг бошқа бир чала асари» қайси, унинг номи борми? Тўла асарлар тўпламининг 3-4-томларидан Ҳамзанинг драматик асарлари ўрин олган. Шу ерда тугалланмай қолган асарлар ҳам берилган, аммо уларнинг ҳеч бирида бойнинг хонадони, хотинлари тасвири йўқ.

Ҳамза таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан К. Яшин «Бой ила хизматчи»га бағишланган «Давр овози» деган мақола ёздилар. Унда драманинг тиклиниш тарихига яна қайтиб, жумладан, ёзадилар: «Шу тариқа сахнабоп биринчи вариант вужудга келди ва уни режиссёр Етим Бобожонов билан бирга кўриб чиқдик. Бироқ бу вариант режиссёрни қаноатлантирмади. Солиҳбой, Гофир, Жамила, Холмат, Ҳоким, Эллиқбоши, имом, мингбоши, Сифат буви, қози, пристав образлари бор, лекин Солиҳбой хонадонининг ички ҳаёти кўрсатилмаган, шунинг учун бермасангиз бўлмайди, деб туриб олди.

Драмадаги Ҳожи она, Хонзода, Гулбаҳор, Раҳима хола, Мастон образлари Солиҳбой хонадонининг ички ҳаётини, ундаги кирдикорларни очиш, чиркинлигини кўрсатиш мақсадида вужудга келди ва асар бирмунча тўлишди»<sup>6</sup>.

Тикланган нусхадаги Солиҳбой хонадонининг ички ҳаёти билан боғлиқ сахналар Ҳамзанинг бирор бир асарига йўқ экан, демек, уни ё Яшиннинг ўзи ёзган, ёки бошқа бир манбадан ҳеч бўлмаса мотив тариқасида фойдаланган деган тахмин туғилиши табиий.

Биз Яшиннинг «Давр овози» мақоласидан биламизки, «Бой ила хизматчи»нинг сахнабоп биринчи варианты билан Солиҳбой хонадонининг ички ҳаёти тасвирланган кейинги варианты орасида унча кўп муддат ўтмади. Қисқа вақт ичида Пошшоойим, Хонзода, Гулбаҳор каби ҳар бири индивидуал қиёфага эга бўлган образларни йўқ жойдан бор қилиш осон эмасди.

Менингча, воқеалар тахминан шундай кечган. Етим Бобожоновнинг Солиҳбой хонадонининг ички ҳаётини кўрсатиш кераклиги ҳақидаги жўяли мулоҳазаси шундай фикр туғдирган: Тўхта, отилиб, номи ўчиб кетган «халқ душмани» Чўлпоннинг босилиб чиққан романида режиссёр айтганга ўхшаш эпизодлар бор-ку, улардан нега ижодий фойдаланиш мумкин эмас. Ким билиб ўтирибди, Чўлпон номини тилга олиш ўлим билан тенг пайтда, Чўлпондан ўзлаштирибсан дейишга кимнинг юраги бетларди.

Ўрта мактаб ўқувчилари, ҳатто олий мактаб талабалари кўпинча Йўлчи билан Гофирни, Гулнор билан Жамилани, Мирзакаримбой билан Солиҳбойни, баъзан Ермат билан Холматни аралаштириб юборишади, қай бири «Қутлуғ қон»даю, қай бири «Бой ила хизматчи»да эканлигини билишолмай бош ғовлатиб юришади. Айб, чамаси, ўқувчи ёки талабанинг хотира ожизлигида эмас. Улар бир-бирига эгизак бўлишса, ўқувчида нима гуноҳ.

Дарвоқе, улар нега бунчалик ўхшаш. Ҳар икки асар адабиётимизнинг тан олинган намуналари. Етакчи образлардаги ўзаро ўхшашлик уларнинг кейинги кадр-қимматига таъсир кўрсатмайди, деб ўйлайман. Аммо...

Савол саволигича қолади. «Қутлуғ қон» 1939 йили ёзиб битказилган, худди шу йили Яшин домла «Бой ила хизматчи»ни, ўз гапларига қараганда, устознинг ўзига қаттиқ суяган ҳолда қайта тиклаганлар. Шундай экан, нари-бери шубҳаларга ўрин йўқ. Бу ерда бир сир бордек туюлса-да, ўзаро ўхшашлик тасодифий дейишга мажбурмиз.

<sup>1</sup> Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами, 3-том, 192 бет.

<sup>2</sup> «Ёшлик» журнали, 1989, 6-сон, 48-бет.

<sup>3</sup> Бу борада Н. Каримовнинг «Бой ила хизматчи»нинг ижодий тақдири» мақоласида жуда тўғри фикрлар айтилган.

<sup>4</sup> «Ўзбек тили ва адабиёти», 1989, № 1, 18-бет.

<sup>5</sup> Комил Яшин. Асарлар, 5-жилд, 42-бет.

<sup>6</sup> «Совет Ўзбекистони», 1989 йил 5 март.

Утган йили катта қаршиликлардан сўнг «Шарқ юлдузи» журналинда Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романининг биринчи китоби босилиб чиқди. Асар завқ билан ўқилади, романининг сеҳрли олами сизни буткул чулғаб олади. Фақат Акбарали мингбоши хонадонининг ички ҳаёти, унинг хотинлари тасвирига келганда кишини қизиқ бир ҳиссиёт чулғайди. Бу таниш манзара-ку. Уни қаерда ўқиган эканман, дея ҳаёл суриб кетади киши. Аммо қаерда? Ахир бу ҳодисалар «Бой ила хизматчи»да сал ўзгартirilган ҳолда драматик йўсинда такрорланмайдими? Дарҳақиқат шундай.

Демак, К. Яшин ўзлари гувоҳлик беришларича, сахнага мўлжалланган дастлабки вариантда бой хонадонининг ички ҳаёти тасвири бўлмаган. «Солиҳбой хонадонининг ички ҳаётини, ундаги кирдикорларни очиш, чиркинлигини кўрсатиш»<sup>1</sup> драма тикланишидан илгарироқ Акбарали мингбоши хонадони тимсолида Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида амалга оширилган эди. Келинг, Акбарали мингбоши ва Солиҳбой хонадонининг ички ҳаётини солиштирайлик.

Дастлабки ялпи таассуротдан сезиладиги, ҳар икки жойда мотивлар, воқеани ҳаракатга келтирувчи ички майлар, деярли, бир хил. Хусусий ҳолатлардан бозори ўтмай қолган кундошларнинг ўз эрига хотин, «бахтли» кундошига рақиб излаши, уларнинг роман-да мингбоши теварагидаги (Мирёкуб, Ҳакимжон), драмада Солиҳбой атрофидаги одамлар (Холмат, Латифжон) билан бўладиган ишқий алоқаларини кўрсатиш мумкин.

Иккала асарда хотинларнинг сони тенг, характер-хусусияти ҳам анча яқин:

«Кеча ва кундуз»да  
Ҳадичахон  
Пошшоҳон  
Султонхон  
Зебихон

«Бой ила хизматчи»да  
Пошшоҳон  
Хонзода  
Гулбаҳор  
Сўнг: Жамила

Тўғри, бу ерда фарқлар ҳам етарли. Аммо улар драманинг тикланган нусха-сидаги бой хотинлари билан боғлиқ воқеаларнинг Чўлпон романидаги шундай ҳолатларга ўхшашлигини рад этолмайди, зеро ҳар қандай нусха кўчирувчи, айниқса, у ижодкор бўлса, айрим ижодий элементлар қўшиши, янги матнга мослаши табиий.

Ҳар икки асардаги кундошлар сўхбатини олиб кўрайлик. Уларда ташқи мазмун турлича бўлгани ҳолда оҳанг ва ички ҳаракат жуда ўхшаш. Романдаги кундошлар Ҳадичахон ва Пошшоҳон сўхбатидан:

«— Ғалати экансиз. Ким кўндиради? Мирёкуб акангиз-да...  
— Узингизнинг акангиз...  
— Ҳаммамизнинг акамиз...»<sup>2</sup>  
Диалогдаги иккиюзлама, мунофиқо-

на оҳанг, коса тагидаги нимкоса маънолар драмадаги кундошлар Пошшоҳон оғим ва Хонзода сўхбатига шундай кўчиб ўтгандай. Бунинг устига яшириқсиз бўҳаёлик қўшилган:

«Хонзода. ...Боя бир эркак кишининг товуши эшитилгандай бўлдимми?

Пошшоҳон оғим. Холматжон деган киши... Юракларингиз шув этиб кетгандир...»

Хонзода. Домла поччамиз кўрзон тиловат қилганларида сиз нима бўлсангиз мен ҳам шу-да, айланай...»<sup>3</sup>

Суиқасд воқеаси ҳам анча ўхшаш, суиқасднинг мотиви ҳам бир хил — романда мингбошининг иккинчи хотини кўпроқ меросга эга бўлиш мақсадида кенжа кундош Зебини заҳарлаб, айбни Султонхонга тўнкаши (чулки янги кундошдан энг аламзада Султонхон), шу билан биратўла икки кундошни орадан кўтариш. Драмада бойнинг иккинчи хотини Хонзода худди шу мерос илн-жида бойни заҳарлашни мақсад қилиб, бунда Жамиладан фойдаланиши.

Ҳар икки ҳолда суиқасдга уриниш хато кетганлиги кузатилади. Романда Зебихон ўрнига мингбоши кучала солинган сув ичиб ҳалок бўлса, драмада бойга мўлжалланган заҳар Жамилани нобуд қилади. Иккала асарда ҳам суиқасдчилар кўзланган мақсадга етолмайдилар.

Иккала хонадондаги муҳитда тафовут бор. Драма жанрининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда сталинизмнинг айрим ақидалари (хусусан, синфий кураш кескинлашиб бориши ҳақидаги «таълимот») таъсирида асарда вужудга келтирилган таранг вазият, Солиҳбой хонадонидagi ноинсоний аҳвол (баъзан булар — Солиҳбой, Ҳожи она, Хонзода ва бошқалар — одам эмас, йиртқич шекилли, деб ўйлаб қолсан) Акбарали мингбоши хонадонида йўқ. У ерда воқеалар мароми табиий, одамлар ҳам ахлоқий бузуқликларига қарамай инсоний қиёфаларини йўқотмаганлар.

Солиҳбой хонадонида икки тарафлама, ҳатто уч тарафлама террор (Солиҳбой, Ҳожи она, Хонзода) ҳукмронлик қилади. Бу нарса хонадонда одам яшаши қийин бўлган ўта таранг асабий ҳолатни вужудга келтиради. Булар бари тўпланиб, айниқса, ҳозирги авлод назарида бундай ҳолатнинг реаллигига шубҳа уйғотади.

Айтилганлардан маълум бўладики, тафовутлар қайд этилган тақдирда ҳам ўхшашликлар анча жиддий. Роман ва драманинг ушбу ўринлари деталма-детал тўғри келади деб бўлмаса-да, вазият ва ҳолатнинг умумий контурлари ўзлаштирилгани аниққа ўхшайди. Натижада Солиҳбой хонадонининг андозаси «Кеча ва кундуз» романидан олинган, деган асосли шубҳа пайдо бўлади.

Мазкур ўхшашликларни бошқача изоҳлаш, яъни давр ва миллий шарт-шароитларнинг муштараклиги билан ҳам тушунтириш мумкин. Бу фикрда жон бор-у, аммо бундай муштараклик турли асарларда эгизак ҳолатларнинг пайдо бўлишини бутунлай оқлай олмайди. Зотан, талантинг вазифаси, хусусан

бир давр, бир хил шароит тасвирдан турли ҳаётий реалистик манзаралар яратишда эмасми?

Мени тўғри тушунишларини истайман. Ҳеч ким академик ёзувчи Комил Яшинни кўчирмачиликда айбламоқчи эмас, менимча, бу ерда юридик муаммо йўқ. Аммо дунёда юридик қонунлардан ташқари маънавият қонунлари, инсоф ва адолат деган тушунчалар бор. Шундай экан, келинг, адолатни ўз ўрнига тиклайлик. «Бой ила хизматчи» драмасини қайта тиклашда айрилган манбалардан ташқари Чўлпоннинг билвосита хизматини инсоф билан тан олайлик. Шунда, менимча, Ҳамзанинг ҳам, Чўлпоннинг ҳам руҳи шод бўлади, адолат яна бир жойда тантана қилади. Масаланинг нозиклиги ҳамда баҳс-та-лаблиги туфайли, хулосани ҳукм тарзида эмас, қатор саволлар тарзида тузиш мақсадга мувофиқ туюлади.

Шундай қилиб:

1. 1934 йилда СССР совет ёзувчилари уюшмасининг I съездида социалистик реализм совет бадий адабиёти ва адабий танқидининг асосий методи, деб эълон қилинмаганда «Бой ила хизматчи»нинг тикланган нусхаси вужудга келармиди?

2. Драма 1939 йилда тикланиб, сўнг инқилоб арафасида ёзилган социалистик реализмнинг биринчи асари, Ҳамза ижодининг гултожи мавқеига кўтарилши мантиққа зид эмасми?

3. Тикланган нусханинг ақидапараст адабиётшуносликнинг илдиз отишида роли қандай?

4. Тикланган нусхада Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги айрим мотивлар истифода этилгани ва бу шу пайтгача яширилиб келинганлиги мутасадди шахсларга обрў келтирадими?

5. Тикланган нусха қайта куриш ва янги фикрлаш замонида Ҳамзанинг халқ орасидаги обрў-эътиборини кўтардики? У баъзи ҳамзашунослар таъкидлаганидек, бадий жиҳатдан мукамалми? Ҳамза ижодий меросининг яхлитлигига путур етказмайди, ниҳоят, унинг оригинал ижодкор сифатидаги нуфузига соя ташламайдими?

Мазкур саволларга қандай жавоб берилиши ҳамзашунослик бундан сўнг қайси йўлдан кетишини кўп жиҳатдан белгилайди. Зотан, фан бўлишга даъвогар ҳар бир соҳа ҳақиқатга интиломи керак, акс ҳолда у сохта фан бўлиб қолиши мумкин.

<sup>1</sup> Комил Яшин. Давр овози. «Совет Узбекистони», 1989 йил 5 март.

<sup>2</sup> «Шарқ юлдузи», 1988 йил 2-сон, 123-бет.

<sup>3</sup> Ҳамза, ТАТ, 3-том, 212-бет.



**ЖАЖЖИ ТАДҚИҚОТЛАР**

# Ғозаддин юзларда тобу

Зокиржон Фурқат ғазалиётининг етук ва барҳаёт намуналаридан бири

**Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин поларанг  
Ғозаддин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг —**

матлаби билан бошланади. Ҳар бир образ, ҳар бир ташбеҳидан соф миллий руҳ уфуриб турган, ўқувчи қалбига нозик туйғуларни жо этувчи шундай гўзал мисралардан ташкил топган ғазалга мутахассислар шартли равишда «Келинчак» деб ном берганлар. Чиндан ҳам ғазалда ёш ўзбек аёли таърифланади, унинг юксак дид билан яسانيш-тусаниши, ҳуш хулқ-одоби, ўзига шарқона оро бериб зеболаниши ҳақида сўз боради, гўзаллик ва нафосат улуғланади. Ўрни келганда айтишликки, келтирилган байтнинг биринчи мисраси аслида Фурқат қаламига мансуб эмас. У улуг озарбойжон шоири Фузулий мухаммасларининг бирида:

**Сурмадин кўзлар қаро, аллар хинодин поларанг —**

шаклида учрайди. Ўзбек шоири уни, деярли, ўзгаришсиз қабул қилади (Шарқ шеърлятида бунини тазмин санъати дейилади) ва ўзининг тўла оригинал ғазалини шу мисра билан бошлайди. Лекин ҳозир баҳс бу ҳақда эмас. Биз иккинчи мисрадаги «ғоза» сўзи ҳақида баъзи мулоҳазалар билдирмоқчимиз.

Қадим-қадимдан фаол муомалада бўлган, бадий адабиётимиз, хусусан шеърлятимиз ва у орқали қўшиқларимизда ҳам тез-тез такрорланадиган бу сўз, афсуски, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га кирмай қолган.

Хўш, «ғоза» нимани билдиради? Фурқат ғазалидан келтирилган байтда унинг «сурма, хино» сўзлари билан ёнма-ён ва мантиқий алоқада келиши асло тасодифий эмас — «ғоза» худди шу сўзлар қаторида пардоз-андоз учун ишлатиладиган эликнинг қадимий номи. Оқартириш ниятида қўлланиладиган упадан фарқли ўлароқ «ғоза» қизғиш тусда бўлиб, юзни қизартириш, шоир ибораси билан айтганда, «тобга келтириш» мақсадида сурилади.

Алишер Навоий асарларида бу сўзни худди шу маънода тез-тез учратамиз. «Мезон ул-авзон»да қуйидаги фард мавжуд:

**Чунки, ул юз эрур тоза,  
Тога гулга не ҳожате ғоза.**

«Лайли ва мажнун» достонидаги мана бу байт ҳам характерли:

**Ясади беқиёсу андоза  
Сабзадин-вусма, поладин — ғоза.**

«Ҳайрат ул-аброр» достонида эса Навоий енгил табиат аёллар хусусида сўз очиб, «ғоза» иштирокида шундай мисраларни батади:

**Ғоза била қилди чу юзни қизил,  
Юз қаролик фикридадир жазм бил.**

Амирийнинг, айниқса, тилининг соддалиги ва ширадорлиги билан жилланиб турувчи ғазалларидан олинган мана бу байтлар ҳам «ғоза» сўзининг асл маъноси ва айрим товлянишларини идрок этишга ёрдам беради:

**...Қон тўкар ҳар лаҳза ёш ўрнига кўз мардумлари,  
То берибдур ғоза бирла оразига ёр зеб.  
...Тараҳдум айлабон нишқ аҳли қонидин ҳазар қилсанг,  
Қошингга вусма чекма, оразингга қилмағил ғоза.  
...То юзга ғоза чектинг, қонимни тўкти ғамзанг,  
Ноз илгида, нигоро, бўлсин хино муборак.**

Ҳар уччала мисолда «ғоза»нинг аёлларнинг ўзига оро беришда қўлланилишидан ташқари унинг қизил рангига, қизартириш хусусиятига ҳам аниқ ишора бор. Бу ишора байтлардаги ошиқ қонининг тўкилишига маъшуқанинг «ғоза» билан зеболаниши «сабабчи» эканлиги таъкидида юзга чиқади. Эндиликда унутлаёзган, ҳатто изоҳли луғатимиздан ҳам ўрин олмаган бу сўз аслида яқин-яқинларда ҳам истеъмолда бўлган. Масалан, Сидкий Хондайликий (1880—1934) девонида қуйидаги байтни ўқиймиз:

**Ғоза чекмак бу қизил юзга санго даркор эмас,  
Хуни ошиқ бас эрур — қўлга хино даркор эмас.**

Кўринадики, «ғоза» неча асрлар давомида ёзма адабиётимизда жуда ўринли қўлланиб келинган ва худди шу боисдан ҳам у адабий тилимиздан ўз ҳуқуқий ўрнини қайта эгаллаши керак.

Айтилганидек, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «ғоза» сўзи, умуман, йўқ. Аммо «ғўза» сўзига берилган изоҳда, жумладан, қуйидагиларни ўқиймиз:

«Кампирнинг дарди ғўзада. Ҳар ким ўз ташвиши, ўз истаги, мақсади ҳақида ўйлайди ёки қайғуради, деган маънода ишлатиладиган матал» (II том, 667-бет).

Кўпгина соҳаларда юз берганидек, яқин ўтмишда мақол-маталларни ҳам сунъий равишда **ижтимоийлаштиришга**, улар мазмунига **сиёсий оҳанг** беришга уриниш бўлганлиги сир эмас. Юқорида келтирилган маталда ҳам худди шундай аҳволни кўрамиз: соф маиший «ғоза» сўзи тўла «ижтимоий» «ғўза»га алмаштирилган. «Ўтмишдаги ночор ҳаёт оқибатида ўзбек кампирлари ғўзани чарҳда йгириб, ип қилиб тирикчилик ўтказганлари ва шу боисдан ҳам, уларнинг фикри-зикри доимо ғўзада бўлган» каби талқинлар шу «ижтимоийлаштириш», «сиёсий тус бериш»нинг амалий кўринишидир.

Ваҳоланки, бизнинг қатъий ишончимизча, «Кампирнинг дарди ғўзада» матали аслида, «Кампирнинг дарди ғозада» шаклида бўлган ва унда ёши ўтган аёлларнинг пардоз-андоз, жумладан, ғоза(элик) воситасида ўзларига оро бериб ёш ва чиройлик кўринишга уринишларига, зеболанишларига киноя этилган.

**Абдурашид АБДУҒАФУРОВ,**  
филология фанлари доктори,  
профессор



## «Бизни ҳимоя қилинг!»

Файзинисо Ҳамитова почтачи боягина ташлаб кетган «Ёш ленинчи»нинг 21 июль сонини ўқиб кўзига ёш олиб ўтирган экан. (У киши бизга шикоят йўллаганлардан бири). Мақола ўқиб йиғлаган одамни ҳали кўрмаганман, шу туфайли...

— Улар ҳам менга ўхшаб «арбоб»га тил теккизишган экан. Э, суддагилар билан гап талашиб бўладими? Ахир меҳр-шафқат бўлганида «Нега ноҳақ суд қилдинглар?» деган кишининг икки фарзандини бирин-кетини ўлдириб юборишармиди?..

Файзинисо опанинг дийдаси тўлишига оналик меҳри ва хавотир сабаб экан.

— Фурқатжон худодан тилаб олган ёлғиз ўғлимиз, ахир... Мен булардан кўрқаман, мухбиржон, чунки ҳеч балодан қайтишмайди.

У кишининг турмуш ўртоғи Н. Ҳамитов:

— Мабодо бирор кори ҳол юз бергудай бўлса, «Ёшлик» журна-ли бизни ҳимоя қила оладими, а? — деб безовталаниб сўради.

Ваҳиманинг сабабини улар ва бошқа жабрдийдалар билан суҳбатлашганда яхшироқ тушуниб олдим.

Ф. Ҳамитова Каттақўрғон шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасида оддий ишчи бўлиб ишлайди. У киши бошқарманинг собиқ директори Г. Бурнашеванинг таърифича, узоқ йиллардан бери шу ерда ҳалол ва нуқсонсиз ишлаб келади.

Гап шундаки, Ф. Ҳамитова ҳам корхонанинг бошқа ишчилари каби бу ерга номуносиб, ишбилмас кишининг раҳбарлик қилаётганидан, ишчиларнинг кам маош олаётганидан 116 ишчи билан биргаликда область партия комитетига коллектив шикоят ёзган. Обком шикоятни горкомга юборди. Шаҳар партия комитети хатдаги талабларни ҳолисона текшириш ўрнига аризачиларга тазйиқ ўтказиш пайига тушади. Бошқарма бошлиғини сайлашда ҳам демократия принциплари бузилади, яъни шаҳар партия комитетининг биринчи секретари И. Эшбеков коллектив нолайиқ топган Б. Мататовни бошлиқ қилиб сайлаш учун турли ҳийла-лар ишлатади. Бундан икки йил муқаддам ҳам Б. Мататов шу лавозимга ўз номзодини қўйган, лекин атиги 7 овоз олиб сайланмай қолган эди. Корхона коллективи бу гал ўзлари муносиб деб еттиришган Э. Мустафоқуловнинг номзодини кўтаришади. У 1983—87 йиллар шу коллективда бошқарма бошлиғи бўлиб ишлаб, уларнинг ҳурматини қозонган эди.

Хат муаллифи бундай ёзади: «Аммо И. Эшбеков ўзи ёқтирган киши — Б. Мататовни бошлиқ қилиб сайлашга уринди. Кўп қатори мен ҳам бундай бюрократик уринишларга қарши чиқдим. КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ёзилган мактубга мен ҳам имзо чекдим. (Шикоят бир оз таҳрир билан кўчирилган. — Ред). Хатда И. Эшбеков аввалги бир қанча номуносиб обком секретарлари билан бирга ишлаганлиги, ҳозир ҳам уларнинг иш услубларини қўллаётгани айтилган эди. Шунингдек, Мататовнинг раҳбарликка номуносиб, бизга фақат Мустафоқулов бошлиқ бўлиши кераклиги ўқтирилганди. Кейин биз эшитсак, шу хат изидан обком ходими Умаров деган киши текширишга келибди ва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари И. Эшбеков билан ишни ўзаро ҳал қилибдилар. Бизнинг тушунишимизча, оддий ишчи бўлишимизга қарамай, ҳар қандай шикоят натижа-

си қайси томонга ҳал бўлишидан қатъи назар шу корхона ходимларининг йиғилишида муҳокама қилиниши керак.

Эшбековнинг Мататовга ён босганлиги ва бошқа ногўғри хатти-ҳаракатларига қарши чиққанлигим учун у мендан ўч олишга уринди. Маъмурий орган ходимларига айтиб менга тазйиқ ўтказди. Буни исботлайман: 1989 йил 16 май куни ишхонамга бир нотаниш хотин келиб мени суриштирганини ҳамкасбларим айтишди. 17 май куни шу хотин яна келди ва мендан қизига кўйлак бичиб беришимни илтимос қилди. Мен рад қилдим. Хотин эса ўнта болам бор, қизим Москвада ўқийди, яқинда келади, киядиган кўйлаги йўқ, дея ёзғириб илтимос қила кетди. Менинг раҳим келиб кўйлакни бичиб бердим. У хизматим учун менга 25 сўм тутқазди. Мен унга пулингиз керак эмас, деб қайтариб бердим. Сўнг у менинг иш столимга 5 сўм ташлаб «мен ҳозир» деб чиқиб кетди. Уйладимки, ташқарида ёш боласи қолган бўлса керак-да, деб. Лекин у шу вақт — бир минут ҳам ўтмасдан 4 нафар БХСС ходимлари билан биргаликда қайтиб кирди. Улардан бири «пул қани?» деб қичқирди. Мен стол устида ётган 5 сўмни кўрсатдим. У БХСС бошлиғиман, деб гувоҳномасини кўрсатди. Ражабов Ориф деган киши экан, аввал танимас эдим. Тагин менга: «Жойингиздан қимирламанг!» деб бақирди, ишчиларга ҳам: «Ҳеч ким ўрнидан қимирламанг!» деб буйруқ берди ва шундан кейин соат 11 дан от 17 гача ишхонамиздаги ҳамма буюмларни бирма-бир, ҳужжатларни кирим-чиқим дафтари билан солиштириб кўриб ҳеч қандай хато тополмади. Шунга қарамасдан менинг устимдан иш қўзғатишди. Бу ишнинг бош ташкилотчиси И. Эшбеков деб ўйлайман. Ҳақиқат учун, демократия тантанаси учун курашиб шу кўйга тушдим. Лекин И. Эшбеков шу йил 22 июнь куни Мататовни сайлов демократиясига риоя қилмай бошлиқликка сайлатгирди. Менинг устимдан иш қўзғаб, овозимни бўғмоқчи бўлди. Менга ҳақи-

қатни тиклашда, оналик қадримни ҳимоя қилишда ёрдам беришингизни сўрайман».

Ушбу фактларни собиқ директор Г. Бурнашева ҳамда собиқ бошқарма бошлиғи Э. Мустафоқуловлар ҳам тасдиқлашди.

Иккинчи хат Каттақўрғон шаҳридаги 38-ўрта ҳунар-техника билим юрти тарих фани ўқитувачиси Ғ. Умаровдан келган. Унда айтилишича, билим юрти коммунистлари Ғ. Умаровга ишонч билдиришиб, уни 1988 йилнинг сентябрида партбюро секретарлигига сайлашади. Шундан сўнг Ғ. Умаров бу ердаги турли ноҳақликларга қарши кураш бошлайди, мажлисларда айбдорларни ошкора танқид қилаверади. Билим юрти раҳбарлари эса унинг «попугини пасайтириб» қўйишга ҳаракат қилишади. Ғ. Умаров ушбу вазият хусусида ҳамда ёрдам беришларини сўраб горком — И. Эшбековга шикоят хати ёзади. Шаҳар партия комитети унга ёрдам бериш ўрнига гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳужум қиладилар, обрўсизлангиздилар. Ғ. Умаров томонидан айбланган билим юрти директорини бошқа лавозимга кўтариб, ўрнига шаҳар партия комитетида ишлайдиган А. Рашидовни тайинлашади. А. Рашидов ҳам вазиятни юмшатиш ўрнига коллективни Ғ. Умаровга қарши қўйиб ҳаракат қилади. Еқтирмаган кишиларини бўшатаверади. Ғ. Умаров эса ўз жонимдан кечиб бўлса ҳам сизларга қарши курашман деб очиқ айтганда, аммо у аккаланиб қолади, ҳеч бир сабабсиз партбюро сафидан чиқартирилади, шундан сўнг ноилж, «агар мен чиндан ҳам ноҳалол партия аъзоси бўлсам, сизлардай «ҳалоллар» аъзо бўлган фирқасидан кечдим» деб, партиядан ўчиришларини сўраб, шахсан И. Эшбековнинг ўзига ариза беради. Бу масала бўйича тўрт марта мажлис чақирилади. Хатда айтилишича биронтаси ҳам демократик принципларга амал қилмасдан ўтказилади. Оқибатда Ғ. Умаровнинг арзи ҳавода қолиб кетяверади. Шаҳар партия комитети раҳбарлари унинг додини тингламай қўядилар, аксинча, ёрдам сўраб мурожаат қилганда ҳатто ишдан четлатишга уринадилар. Шикоятчи мактубини булар мени кун сайин кучсизлангиришга ҳаракат қиляптилар, ҳатто жисмоний зарар етказишдан ҳам тоймайдилар деган хавотир би-

лан тугатиб, биздан ёрдам сўраган.

Биз Ғафур Умаров билан шахсан учрашган чоғимизда, у киши юқоридаги арзларини дангал исботлашини айтди, горкомнинг кадрлар сиёсатини бутунлай нотўғри юргизишини қайта уқтирди. Ана шу нотўғри сиёсат ҳамда диктаторлик (таъкид Ғ. Умаровники) туфайли кўп кишилар жабр чекаётганини айтди. Улар билан ҳам учрашиб кўришга тўғри келди.

Раҳмонова Муаззам 12 июль куни қон босими касаллиги туфайли дунёдан ўтган бозорқўм раиси Раҳмонов Эркиннинг онаси экан. Мана у кишининг сўзлари:

«Уғлим Эркинжон 5 йилдан буён бозорқўм бўлиб ишлаб келаятди. Бир йил осойишта ишлади, иккинчи йилдан горком зўғум қила бошлади. У пора талаб қилар эди: «Фалон нарсани опкел, пистон нарсани опкел». Уғлим айниқса, кейинги икки йилда жуда азоб тортди. Эшбеков ошхона гарнитури, «Зил» холодильникни талаб қилди. Уғлим гарнитури олиб беролмади — улгуролмай ўлиб кетди; холодильникни эса олдинроқ элтиб беришга мажбур бўлганди. (Шикоят таҳрир билан берилляпти. — ред). Бозора ҳар куни милиса қўйиб текширтирар эди. Ҳеч камчилик тополмагач, қуруқ қийнар, пора талаб қилаверар эди. 4 нафар фарзанди бор. Каттаси Тошкентда ўқийди. Уларни ҳатто тузукроқ кийинтиролмас ҳам эди. Охири пайтлари қон босими ошиб, касалхонага тушди. Давлениеси нақ 300 га чиқди, бир ярим кунда тамом бўлди. Ўзи бу ноҳақликдан хафа бўлиб, бечора озиб-тўзиб кетувди. Горком чақириб олиб, қаматтираман, партиядан ўчираман, деб дўқ ураверган, ҳақорат қилаверган. Охири шаҳарқўмга элтиб беришга ҳеч вақомиз қолмади. Уғлим шунинг азобида азият чекиб давления бўлди, чўп бўлиб кетди. Мана, охир-оқибат нима билан тугади?! Уғлимни тирилтириб беролдимми биров?!»

Ахир ўғлим бозорнинг худоси эмасди-ку, у ердаги савдогарга чек беради қонун бўйича, лекин биров текинга бир кило картошка берармиди, шундай бўлгач, кўпинча ўз ёнидан харажат қилиб олиб бориб берарди. Бўлмаса қўймамасди, ярим кечалари ҳам телефон қилиб, у-бу нарсаларни олиб кел деяверарди. Ишдан бўшай деса, бўшагани қўймамасди,

ахир, бу қандай бедодлик?! Болам шу бедодликка чидай олмай вафот этди.

Мен болам ўлганининг иккинчи куни горкомнинг ёқасидан олмоқчи эдим, болаларим йўл беришмади. Шундай ошкора замонда, ҳалол ишлаб юрган ўғлимга қанчалик азоб берди-я, унганг жазо берадиган борми ўзи бу дунёда?!»

Хўш, Каттақўрғонда вазият шу қадар кескинми? Оддий кишилар ҳамда етук кадрлар шаҳар партия комитетининг, унинг биринчи секретари И. Эшбековнинг ноҳақ жазосига учрамоқдаларми?

Агар қўлимизда Каттақўрғон шаҳридан тагин шу мазмундаги бир неча ариза тўпланмаганида, балки, бу савола ўрин йўқ эди. Улардан бири, СССР Журналистлар союзи аъзоси, Каттақўрғон шаҳар «Зарафшон» газетаси радиоэшитириш бўлимининг мудири Йўлдош Зокиров арзидан парча келтираман.

«Яқинда шаҳар совети ижроия комитетининг раиси Ш. Т. Қўчқоров энгли машиналарнинг нотўғри тарқатилишига йўл қўйганлиги аниқланди. Шунинг учун шаҳар партия комитети бюроси уни ўз вазифасига нолойиқ топди. Шунга қарамасдан шаҳар советининг сессиясида Ш. Т. Қўчқоров «ўз аризасига кўра» бўшатилди. Қани бу ерда мантиқ? Вазифасига нолойиқ топилган кишининг аризасига кўра бўшатилишини қандай баҳолаш мумкин?»

Бу каби аризининг ҳар бирининг тахлилинни хоҳлаганча чуқурлаштириш, мукамаллаштириш мумкин. Аммо, бизнингча, юқоридаги сатрларда муаллифларнинг ўз дардлари равшан намоён бўлган. Улар биздан ҳимоя ва ёрдам сўрашади. Журналнинг ҳимояси эса бориб айбдор билан тортишиш ёки ёқалашини эмас, ноҳуш ҳодисани, адолат истаётганларнинг дардини халққа ва керакли одамларга етказиш. Биз мана шу аризалар мажмуасини эълон қилишдан аввал ўша тегшли органларга, тегшли раҳбарларга маълум қилдик. Улар, ўйлашмики, Каттақўрғонда ҳақ қарор топишида, шаҳар халқи олдида нечоғли масъул эканликларини ҳис этишар. Зеро, адолатталаб, шафқатталаб кишиларга ёрдам бериш уларнинг ҳам партиявий, ҳам виждоний бурчи.



Муҳаммад Маматвалиев

# Фикр ойдин,

# мақсад аниқми?

## Ўзбекистонда умумий ўрта таълим концепцияси лойиҳаси хусусида мулоҳазалар

Республикамизда умумий ўрта таълимга, ниҳоят, жиддий эътибор берилаяётгани, у ҳақидаги концепция лойиҳасининг бошланғич қисмида «Ўзбекистон умумий ўрта таълим концепцияси... унинг кўп асрлик тарихга эга бўлган таълим ва педагогик анъаналарига таянади», деган жумланинг ёзиб қўйилганлиги ўз халқининг келажиги учун қайғурадиган ҳар бир ўзбек кишини хурсанд қилади, албатта. Ифода услубининг ғализлигини назардан соқит қиладиган бўлсак, лойиҳада республикамизда умумий ўрта таълимнинг ҳозирги аҳволи ва уни янгилаш, ижобий томонга ўзгартириш тўғрисида ўринли фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, республикамизда болаларнинг фақат 36 фоизи мактабгача тарбия муассасаларига жалб қилинганлиги, 70,6 фоиз мактабда машғулотлар икки сменада, 35 та мактабда эса ҳатто уч сменада олиб борилиши лойиҳада жуда тўғри кўрсатилган. Лекин, минг афсуски, лойиҳанинг умумий мундарижаси тўғрисида бундай ижобий фикр айтиш қийин. Ундаги ҳар бир жумлада орфографик ва пунктуацион хатоликларни, жумла ғализликларини, фикрий мавҳумликни учратиш мумкин. Лойиҳанинг ўзбекча таржимаси анчагина эътиборсизлик ёки саводсизлик билан амалга оширилган. Холбуки, у аввал ўзбек тилида тайёрланиши керак эди. Юқорида айтилган камчиликларга лойиҳадан истаганча мисоллар келтирса бўлади. Масалан: «Янги мактаб идеологиясининг асосий моменти(?) — ривожлантириш(?) ғоясидир.» Еки мана бу жумлага диққат қилинг:

«Таълим мазмунининг база компоненти(?) умумий(?) маданият пойдеворидир»(?)

Кўриниб турибдики, лойиҳанинг ифода шакли жиддий таҳрирга муҳтож. Фикрий такрор ҳисобига уни ҳозирги кўринишига нисбатан икки марта қисқартириш мумкин.

Энди бевосита ҳар бир бўлимга боғлиқ камчиликларга тўхталамиз.

## Ўзбекистоннинг умумий таълим мактаби муаммолари

«Ўқув программалари, дарсликлар зарур даражада фан ютуқларини, ўзбек ва бошқа миллат маданиятини акс эттирмади.» Бу ўринда «ва бошқа миллат» сўзлари ортиқча. Чунки бу сўزلарни ўқиган ўзбек, масалан, латиш миллатини эмас,

албатта, рус миллатини кўз олдига келтиради. Ҳозир умумитифок аҳамиятига эга бўлган дарсликларнинг асосини рус миллатининг манфаатлари ташкил қилиши ҳеч кимга сир эмас.

«Мактабларда ўзбек, рус ва бошқа тилларни ўрганиш ўткир муаммо бўлиб турибди». Бу жумлага аниқлик киритиш лозим. Мактабларда ўзбек тилини ўқитиш(!), рус тилини эса ўрганиш(!) муаммо бўлиб турибди. Чунки рус тили ўзбек мактабларида 1—10 синфларда икки-уч гурпуага бўлиб ўқитилади, аммо ижобий натижа бермайди. Сабаби рус тилини ўрганишнинг тағзамини — ўзбек тилини ўқитиш коникарсиз аҳволда. У ўзбек мактабларида 8-синфгача, рус мактабларида эса фақат 4-синфдан бошлабгина ўқитилади. Ўқитиш ва ўрганишнинг орасида катта фарқ бор.

«Содир бўлган вазиятдан чиқишнинг йўли битта — мактаб сиёсати ва мактабнинг ўзини қайта қуриш». Бу тўғри фикр, аммо асосий эмас. Бизнингча, бутун республика миқёсида мактабда сифат ўзгаришларини амалга ошириш биринчи навбатда педагогика ўқув юртлирига қабул қилиш системасига ва кадрларни тақсимлаш ишларига, уларнинг сифатига боғлиқ. Содир бўлган вазиятдан чиқишнинг асосий йўли мана шунда. Чунки ҳозир айрим районларда ортиқча ўқитувчи кадрларнинг мавжудлиги, айрим районларда эса, умуман етишмаслиги ҳаммага маълум. Ўқитувчиларнинг илмий-назарий, педагогик билимларини ошириб боришлари коникарсиз аҳволда эканлиги энг муҳим муаммолардан биридир. Бу муаммони ҳал этиш учун қисқа муддатларга бўлса-да ўқитувчилар учун мажбурий ўқув формаларни жорий қилиш керакка ўхшайди.

## Ўзбекистон мактаби педагогик системасини қайта қуриш

«Ўзбекистон ССР умумий таълимнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий асосини, мактабнинг фаолияти ва ривожланишини таъминлашга қафолат беради». Қафолат берадиган ташкилот конкрет кўрсатилиши керак. Ўзбекистон ССР жуда умумий тушунчадир. Кези келганда ҳамма ўзини четга олиши мумкин.

«Барча мактабларда 1-синфнинг иккинчи ярим йиллигидан

бошлаб она тили қаторида иккинчи тилни ўқитиш бошлади».

Иккинчи тил тушунчасини аниқлаштириш лозим. Рус мактабларида ҳам ўзбек тили I—синфдан бошлаб ўқитиладими? Қорақалпоқ ва тожик, қирғиз ва қозоқ мактабларида иккинчи тил сифатида қайси тил ўқитилади? Давлат тили ҳақидаги фикрларга муносабат қандай бўлади?

«Жаҳон маданияти ва мамлакат санъати билан бир қаторда ўқувчилар Ўзбекистон халқларининг санъати тарихи ва замонавий маданиятини ҳам ўрганадилар». Бу, ахир, ўзбек санъати тарихини ўрганиш яна иккинчи планга суриб қўйлади деган гап-ку! Нима учун «Ўзбекистон халқлари» термини ишлатилган? «Жаҳон маданияти ва мамлакат санъати» сўзларининг ўзи етарли эмасми? Бизнингча, бу жумла қуйидагича бўлиши шарт: «Ўқувчилар ўзбек халқи санъати тарихи ва замонавий маданиятини кенг ва чуқур ўрганиш билан бир қаторда жаҳон маданияти ва мамлакат санъати тарихини ҳам ўрганадилар».

Ўзбек халқи тарихини чуқур ўрганиш учун эски ўзбек ёзувини ўқитиш мажбурий бўлиши шарт.

«Ўзбекистон умумий таълим мактабининг бутун ҳаёти ва фаолияти меҳнат қўникмаси билан суғорилган». Ҳа, бу аччиқ ҳақиқат. Лекин унга ижобий хусусият сифатида (лойихада шундай!) қарамаслик зарур. Меҳнат қўникмаси Ўзбекистон умумий таълим мактабининг ҳаёти ва фаолиятига янада каттиқроқ сингиб кетмаслиги учун тинмай кураш олиб бориш лозим.

«База компонентининг жорий қилиниши давлат ва жамиятга мамлакатда, республикада, мактабда таълимнинг ривожланиш аҳволи ва ўсишини олдиндан кўриш имконини беради!» «База компоненти» нима? Унга шунчалик ишонч билдирилганми, демак у бирор ерда синовдан ўтганми? Бундай қуруқ ваъдаларга, башоратларга одамларда ишонч йўқолган. База компоненти ҳақида лойихада яна қуйидаги фикрларни ўқишимиз мумкин.

«У (база компоненти — М. М) ўз ичига ғояларнинг оптимал корпусини, кадриятлар, тушунчалар, билишнинг универсал усуллари, тафаккур ва амалий фаолиятни камраб олади. Уларга таяниш кишиларнинг бир-бирларини тушунишини таъминлайди, биргаликдаги ҳаёт ва фаолиятни ташкил қилиш имконини беради». Биринчидан, бу ўринда умумий таълим мактаби ҳақида сўз юритилаётгани лойиха муаллифларининг ёдидан кўтарилган кўринади. Иккинчидан, уларнинг фикрлари ниҳоятда жўн, кулгили. Ахир, биз улар санаб ўтган ўша нарсаларга таяниб, шу аҳволга тушиб қолдик-ку! Мана, энди ҳамма соҳалар бўйича лойихалар эълон қилиб, муҳокама қилишга мажбур бўляпмиз.

«Мактаб таълимининг янги мазмунини қуйидаги структурада тасаввур қилиш мумкин: мажбурий база компоненти плюс тўлдирувчи. У миллий ва регионал хусусиятларни плюс мактабнинг ихтисослашганлиги, ўзига хослигини ҳисобга олувчи мазмун элементини плюс ўқитувчи томонидан бошқариладиган элементни ҳисобга олади. Ўқувчига мазмуннинг бир қисми доирасида эркин танлаш ҳуқуқи берилади». Биз база компоненти хусусида тўхталдик. Ўзи шундоқ ҳам мавҳум бўлган ушбу тушунча олдига нега энди «мажбурий» сўзи қўшиб қўйилади? Еки асосий мактаб ва «база компоненти» тушунчаларини бир хил тушуниш керакми? Агар шундай бўладиган бўлса, уларнинг биридан воз кечиш ўқувчи учун енгиллик туғдиради. «Тўлдирувчи», «элемент» тушунчалари изоҳланмаса, уларни икки дунёда ҳам ҳеч ким тушунмайди. Ўқувчига мазмуннинг бир қисми доирасида нимани эркин танлаш ҳуқуқи берилади? «Плюс» сўзини қандай мақсадда ишлатилди? Биз аминмики, бу саволларга лойиха муаллифларининг ўзлари ҳам тузук-қуруқ жавоб беришолмайди. Мана, шундай ажаб-товур жумлаларга тўла лойихани халқ ҳукмига тақдим этган Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги, уни чоп этган газетани редакциялари нахотки ўқувчи олдидаги масъулиятни унутишган бўлса?!

## Ўзбекистонда халқ таълимини бошқаришни қайта қуриш. Мактабнинг жамиятнинг бошқа тарбиявий кучлари билан алоқаси

«Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг тўла ҳокимлик мактаб ва жамиятнинг бошқа тарбиявий кучлари ўзаро ҳаракатини мувофиқлаштиришни таъминлайди». Тўла ҳокимлик охир оқибатда бюрократияга олиб келади ва мактабнинг имкониятларини чегаралаб, унинг мустақиллигини йўққа чиқаради. Тўла ҳокимлик ўрнига маҳаллий Советлар мактаб кенгашлари билан ҳамкорликда назоратчилик функциясини бажарса яхши бўлади.

## Мактабнинг молиявий мустақиллиги

Мактабнинг ўз маблағи «Мактабнинг хўжалик фаолиятдан, мактабнинг пулли хизмат кўрсатишидан, мактаб хоналари ва асбоб-ускуналарини ижарага беришдан тушадиган маблағлардан шаклланади».

Мактаб хоналари ва асбоб-ускуналарини ижарага беришни қатъиян ман этиш, «пулли хизмат кўрсатиш» жумласини аниқлаштириш керак. Чунки бу ишлар узок муддат давом этса салбий оқибатларга, яъни мактаб мулкни талон-тарож қилишга олиб келиши мумкин.

## Ўзбекистон ўрта умумий таълими мактабининг таянч ўқув плани

Иккала вариант ҳам тузатишларга муҳтож. I-вариантда тасвирий санъат, 2-вариантда эса эстетика предметлари рўйхатдан тушиб қолган. Бизнингча, I-вариантга тузатиш киритиш маъқул. Бунинг учун «Математика ва математикани конструкциялаш», «Математика» каби аниқ фанлар ҳамда «Меҳнат ва чизмачилик» предметлари синфлар бўйича қандай тақсимланган бўлса, шу ҳолича қолдирилиши керак. Қолган предметларни (тасвирий санъат ҳам қўшилади) II синфда узлуксиз ўқитилиш таъминланиши шарт. Масалан, жисмоний тарбия бошланғич синфларда, албатта, ўтилиши керак. Ўзбек миллий музыкаси, айниқса классик музыкамиз сирларини ҳар бир синфда ўрганиб бориш лозим. Интеграллашган предметларнинг синфлараро дифференциациясини изоҳлашга тўғри келади. Масалан, жамиятшунослик предметидан Ўзбекистон тарихини ўрганишга неча соат ажратилади?

Хуллас, лойихани ҳам шаклан, ҳам мазмунан бутунлай қайтадан тайёрлаш лозим.

Агар бу иш кўпчиликнинг фикрига асосланиб амалга оширилмас экан, халқимиз онгида содир бўлаётган уйғонишнинг кенг миқёс касб этиши, бугунги улкан ҳаракатларнинг тақдир шубҳа остида қолаверади.



Митти мусохаба

# Тил билган— дил билар

Уильям Диркс Вашингтон штатининг Сан Ром оролида рухоний онласида туғилган. 25 ёшда. Вашингтон университетининг шарқ тиллари факультетини тугатган, туркий тиллар бўйича мутахассис. Ўз тилидан ташқари ўзбек, турк, козок ва уйғур тилларини мукамал билади. Аини пайтда Ўзбекистонда тилшунос-тадқиқотчи сифатида малака оширмоқда.

— Болалигимда биология фанига кизиқардим. Мактабни тугатиб, Вашингтон университетининг ўрмончилик факультетига ўқишга кирдим. Кўшимча фан сифатида шарқ тиллари факультетида турк тилини ўргандим.

Кизик одатим бор: бошқалар билмайдиган нарсаларни билгим, бошқалар қила олмайдиган нарсаларни қилгим келади. Тил ўрганишга ҳам шу одатим сабаб бўлган. Сўнгра шарқ тилларининг жозибаси мени домига тортиб кетди. Ўрмончилик факультетида икки йил ўқишга, ўқишимни шарқ тиллари факультетига кўчирдим. Энди араб ва ўзбек тилларини ўргандим. Шу факультетда уч йил ўзбек, бир йил эса козок тилини ўргандим. Шарқ тиллари бўйича мутахассислик дипломини 1986 йили олдим.

Талабалик йилларимда Кодирийнинг «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» романларини ўзбек тилида ўқиганман. Бирок бари бир ҳамма америкаликлар каби республикангиз ҳақида жуда оз маълумотга эга эдим. Кодирий менга жозибали туюлган.

Мана, бир йилдан буён ўзбеклар диёридаман. Кўп нарсаларни кўрдим ва ўргандим.

Бир қанча ўзбек роман ва қиссаларини ўқидим. Шаҳарларни, кишлоқларни кездим. Бу гўзал ўлканинг очиккўнгил, дилкаш одамлари бор экан. Кишлоқларда ҳар қалай қадимий урф-одатлар, анъаналар, адабий тил ва шевалар сақланган экан. Менга Темур туғилган шаҳар—Шахрисабз жуда маъқул бўлди. У ерда 70 ёшдан ошган бир момодан, ҳамда кейин Чори бахшидан халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олдим. Фарғона области бўйлаб сафарда Бувайдалик кекса чол «Минг бир кеча»дан бир парча айтиб берди. У бундай ҳикоялардан яна 500 тасини билишини айтди. Тўғриси, хозирги пайтда эртак айтадиган кишиларни топиш анча мушқул иш экан. Кексалардан эртак айтиб беришни илтимос қилсангиз, унутганмиз-да, дейишади афсусланиб. Ешлар эса, деярли эртак билишмайди. Бир-иккита билгани ҳам табиий тилда айтолмайди. Халқ оғзаки ижодининг унутилиб кетилаётганлиги ҳар бир халқ учун ташвишли хол деб ўйлайман. Ургутда ҳам баъзи урф-одатларни ўргандим. Кексаларнинг чакмоқ тошини бир-бирига уриб, юз, бадандаги яра-чақаларни қандай даволашларини ўрганиб ёзиб олдим. Хоразмдаги узок кишлоқлардан бирида гилам тўкийдиган хунаромандлар яшаркан. Мен уларнинг ишини диққат билан кузатдим. Хунаромандлардан бири менга бир дона гиламни тўкиш учун қанча жун, қанча бўёқ кетиши ҳақида гапириб берди. Ҳақиқий, табиий гиламнинг қандай юзага келишини шу ерда кўрдим. Чиндан ҳам кизиқарли

хунар экан. Ха, халқ орасида хали биз билмаган, тубига етмаган сир-асрорлар жуда кўп. Буларни унутиб юбормасдан, қайта тиклаш, ривожлантириш лозим.

— Уильям, Сиз турк тиллари бўйича мутахассис, тадқиқотчи сифатида Ўзбекистонда бўлиб, бизнинг тилимиз, шеваларимизни ўргандингиз ва тадқиқ қилдингиз. Ўзбек тили ҳақидаги тасаввурларингиз қандай?

— Тасаввуримни бир мусофир, юртингизнинг меҳмони сифатида айтмоқчиман: ўзбек тили — ўзбекларники. Ўзбек тилининг ютуғи ҳам, нуқсонлари ҳам шу халқники. Бу юртдаги фаолиятим давомида ўзбек тилини анча ўргандим. Талабалик йилларимда киёсий туркологияни ўрганганман. Бу ҳам менга кўл келди.

Қаерда бўлмай ва қайси юртда тадқиқот олиб бормай, оғзаки нутқни ўрганаман. Ўзбекистоннинг қўллаб воҳа, шаҳар ва кишлоқларида бўлдим. Турли ёш, турли касбадаги кишилар билан учрашдим, улар билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдим.

Энди баъзи фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман. Оғзаки нутқ, айниқса, радио ва телевидение эшиттиришларида «борингиз», «келингиз» сўзларини кўп ишлатишади. Еки «келдилар» сўзини қўрайлик: бу сўз ҳам кўпинча ноўрин ишлатилади. Буларни сунъий адабий сўзлар деб ҳам айтиш мумкин. Бу сўзларни ишлатишда анча кийинчиликлар рўй беради. Агар телевидение эшиттиришларини кузатган бўлсангиз, диктор билан бирор киши (кўпинча оддий кишилар) мусохаба (интервью) олиб бораётган пайтда суҳбатдош анча нуқулай ахволга тушади. Чунки диктор адабий тилда гапиради. Суҳбатдош ҳам ўзининг табиий тилида гапириш ўрнига адабий тилда силлиқ гапиришга уринади. Бундай зўрма-зўракилик мусохабанинг силлиқ гапиришга уринади. Бундай зўрма-зўракилик мусохабанинг муваффақиятли чиқишига ҳалакат беради.

Еки радио ҳақида телевидение эшиттиришларида «Доимо бажариб келмоқдалар», «Планини удаладилар» деган гапларни ахён-ахёнда эшитиб коласиз. Тўғриси, мантқк йўқ бу гапларда.

Яна бир муаммо: баъзи сўз, хатто гаплар рус тилидан ўзбекчага курук таржима қилинган. Диққат билан таржима қилинса, шу сўзлар ўзбекчада яхши чиқади. Еки аслида шу сўзларнинг ўзбекча маъноси бор, аммо бунга эътибор беришмайди. Масалан, сизларда «Байрамингиз билан!» деган гап бор. Бу нима дегани ва бу гап қандай мазмунни билдиради? Топинг-да, олинг... Менимча бу рус тилидан қилинган ўта курук таржима бўлса керак. Метронинг сўнги бекатига етиб борганингиздан кейин «Илтимос, вагонларни бўшатинг», дейди диктор киз микрофондан. Қани бу ерда ўзбекларнинг меҳмонга хурматю жозибатор тили. Еки яна ўша метро вагонларидаги ёзувларга эътибор берайлик: «Эшиқларга суйанмангиз...» Ясама ва бачкана.

Ўзбеклар оғзаки нутқига анчагина русча сўзлар сингиб кетган экан. Масалан: сразу, как раз, давай, свежий, вообще, просто, уже, но, полный, чистый, законный каби. Шуларнинг маъносини англададиган ўзбекча муқобил сўзлар йўқми. Менимча бор. Бор-у, ишлатишмайди.

Ҳар бир миллатнинг ўз тили, ўз фикрлаш доираси бор. Ҳеч бир миллат йўқки, у маълум бир фикрини ўз она тилида ифода қилай олмаса. Бу таъқидлар гўзал, жарангдор, ўта бой ўзбек тилига ҳам тааллуқлидир.

Баъзи шпор, эълонлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Масалан, бизнинг Америка Қўшма Штатларида шпорларнинг ўзи йўқ. Тошкент шаҳри, хатто республиканинг вилоят, район марказий кўчаларида қўллаб шпор, афиша, эълонлар, кўчаларнинг номлари рус тилида ёзилганлигининг гувоҳи бўлдим. Хива, Қўқонда бўлганмида, миллий маданий ёдгорликларнинг номи фақат рус тилида ёзилганлигини кўрдим. Тасаввур ки-

линг-а, ҳатто ёдгорликлар харитаси ҳам рус тилида тузилган экан. Менинча, тилга бундай муносабат миллийлик нуктаи назаридан нотўғри ёндашидир. Яна бир нарса. Ким эътибор берган бўлса, Тошкентдаги Бош универсал магазиннинг пешокида «Яшасин мустаҳкам кардошларча дўстлик билан бирлашган СССР халқларининг буюк кўп миллатли иттифоқи!» деган йирик-йирик харфлар билан ёзилган шиор осилган. Бу шиор анча гализ. Афеуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Табиийлик ҳўп ажойиб нарса. Имкони борича табиийликка интилиш лозим. Илгари таъкидлаб ўтганимиздек, айниқса, телевидение ва радио орқали чиқишларда сунъийликдан воз кечиш лозим. Токи биз сунъий нутқка ўрганиб қолмайлик ва сунъийлик тилининг ривожланишига халақит бермасин.

— Америкада ўзбек тили мутахассислиги билан шуғулланиб, кун кечирса бўладими?

— Хар холда... бўлса керак. Мен университетда ўзбек тили

мутахассислиги бўйича ўқиган иккита йигитни биламан. Улардан бири Вашингтон университети кутубхонасида ўзбек тилида чиққан китобларни сараловчи бўлиб ишлайди. Иккинчи йигит ҳам мамлакат Конгресс кутубхонасида туркий тилдаги китобларни ўқиб, танишиб, уларни саралайди. Ўзимнинг нон топиб ейишим ҳақида нима дейиш мумкин? Мен келажакда ўзим тахсил олган университетда тадқиқотчи бўлиб ишласам керак.

— «Ёшлик» муштарийларини келгусидаги режаларингиздан хабардор этсангиз.

— Ўзбекистондаги фаолиятим даврида анчагина бой материаллар йиғдим. Бунга ўзбек халқининг тили, шевалари, халқ оғзаки ижоди, анъана ва урф-одатлари киради. Менинг келгуси режаларим Ўзбекистонда ўтказган турли тадқиқот ва йиққан материалларимни тўплаб, матбуотда эълон қилиш ёки китоб ҳолида босиб чиқариш.

Юсуф ХАМДАМОВ суҳбатдош бўлди.



## Асли хато кимга тегишли?

Ҳурматли редакция! «Ёшлик» журналининг шу йилги 5-сонида «Имло ва маданий мерос» мақоласининг муаллифи Нусратулла Жумаев «...Жумла муаллифи О. Бўриев ким ўзи?» деб асосиз равишда менга таъна тошларини отган: «У (яъни мен.— О. Б.) Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлардай сўз заргаримики, жумлалари имло қоидаларини изохлай олса? Мисол танлашда сал андиша керак».

Тўғри, фақат мисол танлашда эмас, матбуот минбаридан туриб айюҳаннос солишда ҳам андиша керак. Аввало Алининг тўнини Валига кўйдирмаслик учун андишадан ташқари зийраклик ҳам керакки, мақола муаллифида шу нарса йўқ кўринади. Негаки, имло қоидаларини ифодадай оладиган мисоллар фақат классик адиблар асарларидан олинсин деган қонун йўқ. Қолаверса, О. Бўриев имло қоидалари лойиҳасига ўз жумласини тавсия этмаган ва бу лойиҳа учун масъул ҳам эмас. Шунинг ўзи бу янглиғ иддаонинг ноўринлигини

кўрсатади. Андиша ҳақида лоф урган мақола муаллифи нописандлик билан ёзади: «Изоҳли лугатимизда классикларга, сўз усталари асарларига таяниш фазилати йўқ эди, имло қоидалари лойиҳасида ҳам шундай бўлибди. Бадий парчалар, асосан, Уйғун, Ҳ. Ғулом, И. Раҳим, Э. Охунова, Мирмуҳсин, Ж. Абдуллахонов, З. Аълам, И. Акрамов, О. Бўриев асарларидан ва газеталардан олинган. Шу тўғрисида лойиҳада муваффақиятсиз танланган жумлалар кўп. Мана улардан бири: «Йигитнинг баданлари тотли сесканиб кетди» (Ж. Абдуллахонов). Йигитнинг баданлари сесканиши, яна тотли сесканиши ясама, ғайритабиий ифода эмасми? Еки бу жумлани олинг: «Кўришиб турибдики, таржима билан оригиналда маълум фарқли тафовутлар(?) кўринмоқда» (О. Бўриев). Ахир «фарқли тафовутлар» дегани «фарқли фарқлар» ёки «тафовутли тафовутлар» дегандек бемаъни қайтариқлар-ку! Жумла муаллифи О. Бўриев ким ўзи?..»

Маيلي, «адабий ҳакам»лик вазифасини ўз зиммасига олган

Нусратулла Жумаев ҳақ бўла қолсин. Дейлик, юқоридан номлари зикр этилган Уйғундан бошлаб О. Бўриевгача барча қаламкашлар асарларидан олинган жумлалар лойиҳанинг муваффақиятсизлигига сабаб ҳам бўлсин. Бунга ким айбдор? «Истеъдодсиз» жумла тuzувчиларми ёки лойиҳакашларми?

Мен «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (2 сентябрь, 1988 й.) газетасидаги «Тақризми, таъқибми?» номли мақоламда таржималарим ҳақида баҳсли тақриз ёзган Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти катта илмий ходимлари С. Ҳасанов ва Ҳ. Мухтороваларнинг қуйидаги жумласини келтириб, мантиқсиз фикрларини рад этган эдим: «Кўришиб турибдики, таржима билан оригиналда маълум фарқли тафовутлар (?) кўринмоқда. Бир фикр ўрнига иккинчи фикр (?) берилган» (таъкидлар меники.— О. Б.).

Тўғриси, имло қоидалари лойиҳасига мунаққиднинг ҳаяжонланишига сабаб бўлган жумла нима мақсадда киритилганлиги менга қоронғу. Агар Нусратулла Жумаев бошқаларга қўйдиган андиша ва адабий ҳалоллик талабини ўз олдига ҳам қўйганда, бундай «қовун туширмаган» бўлар эди.

Салом билан Олимжон БҮРИЕВ,  
шоир ва таржимон



НАСР

Ғози РАҲМОН. Лангар лавҳалари. Ҳикоялар . . . . .	10
Аббос САИДОВ. Райҳон иси тутган ҳовли. Қиссанинг давоми... . . . . .	23



НАЗМ

Мақсуда ЭРГАШЕВА. . . . .	7
Икром ОТАМУРОДОВ . . . . .	8
Яҳё ТОҒА . . . . .	21



ПУБЛИЦИСТИКА

Бемиллий байналмилалчилик — беилдиз дарахт. Иқтисод фанлари доктори Нурилом ТҲХЛИЕВ билан суҳбат . . . . .	2
Андрей САХАРОВ. Дунё ярим асрдан кейин . . . . .	16
Абдулла АБДУЖАЛИЛОВ. Бўхтон ва ҳақиқат . . . . .	64
Мухаммад МАМАТВАЛИЕВ. Фикр ойдин, мақсад аниқми? . . . . .	76
Юсуф ҲАМДАМОВ. Тил билган — дил билар. . . . .	78

НЕВАРАКУЛЧА

Ориф ТҲХТАШЕВ. Шеърлар . . . . .	68
----------------------------------	----



ТАНҚИД ВА АДИБИЕТШУНОСЛИК

Сувон МЕЛИЕВ. «Бой ила хизматчи» ёки тикланган нусха муаммоси . . . . .	69
Абдурашид АБДУҒАФУРОВ. Ғозадин юзларда тобу... . . . .	73



МУҲАББАТНОМА

Рауф ПАРФИ . . . . .	15
----------------------	----



НИГОҲ

Ортиқ ОТАЖОНОВ . . . . .	62
--------------------------	----



ОЙНА

Собир УНАР. «Бизни ҳимоя қилинг». . . . .	74
---	----

«ЕШЛИК» почтаси

Асли хато кимга тегишли? . . . . .	79
------------------------------------	----



**ЕШЛИК**

«Молодость»  
ежемесячный  
литературно-художественный,  
общественно-политический журнал  
На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Мусавир: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ  
Техник муҳаррир: О. РАҲИМОВ  
Мусаҳҳих: М. ТУРСУНОВА

Адресимиз:  
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси, 60-уй.

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 78-94-05  
Бош муҳаррир ўринбосари — 78-49-83  
Масъул котиб — 78-97-07  
Наср бўлими — 78-97-58  
Назм бўлими — 78-77-16  
Публицистика, адабий танқид ва санъат бўлими — 78-17-47  
Фотомухбир — 78-97-58

Редакция ҳажми 12 босма табақдан ортиқ роман ва 8 босма табақдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.  
Бир босма табақча бўлган асарлар муаллифларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади.  
Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 25.09.89 й. да туширилди.  
Босишга 2.11.89 й. да рухсат берилди.  
P-08957. Офсет босма. 1-офсет қоғози.  
Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
Қоғоз ҳажми 5,25 босма табақ  
Шартли босма табақ 8,82.  
Нашриёт ҳисоб босма табағи 12,6. Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76. 296992 нусхада чоп этилади.  
Буюртма № 1733  
Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти.  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси.

«Ешлик», № 11, 1989.  
Тошкент, «Еш гвардия» нашриёти.